

812-923

A 37

О. АЗИЗОВ

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ



ОЛИЙ УҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН

•ЎҚИТУВЧИ•

81.2-923

A 37

О. АЗИЗОВ

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ

*Университетларнинг ва педагогика институтларининг
филология факультетлари талабалари учун*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Ушбу рисола 1963 йилда нашр этилган «Тилшуносликка кириш» курсининг қайта ишланган ва тўлдирилган варианты бўлиб, тилшунослик фанида рўй берган муҳим ўзгаришлар ва янгиликлар ҳисобга олиб яратилган.

Курс олий ўқув юрлари филология факультети талабалари, ўқитувчилари ва шу соҳа мутахассисларига мўъалланган.



У-5202

A $\frac{460100000-222}{353(04)-96}$ 11-94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996

ISBN 5-645-02239-4

СЎЗ БОШИ

Тил фақат кишилик жамияти маҳсулидир. Тилсиз ҳеч бир воқелик ва ҳодисани, инсоннинг табиатда, жамиятда тутган ўрнини, жамият тараққиёти йўлларини билиш, ўрганиш мумкин эмас.

Тилнинг энг асосий ва энг муҳим вазифаси — алоқа воситаси эканлигидир. Тил ниҳоятда мураккаб жараён-дир. Шунинг учун биз, аввало, тил ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлишимиз лозим.

Шуни назарда тутиб, бор дастурга асосан, «Тилшуносликка кириш» (муқаддима) қисқача курс яратилиб, 1963 йилда нашр этилган эди. Шундан буён ўтган давр ичида анча ўзгаришлар рўй берди. Давр талабини ҳисобга олиб, қисқа курс 2-нашрга тайёрланди. Бунда рус, ўзбек, қozoқ, қирғиз, озарбайжон ва бошқа туркий тилларда нашр этилган материаллардан фойдаланилди.

Рисоладаги турли тил ҳодисалари, тилшуносликка оид бўлган терминларни мумкин қадар тушунарли қилиб беришга ҳаракат қилинди.

Шу билан бирга, 1-нашрида йўл қўйилган баъзи бир камчиликлар, ноаниқликлар тузатишга бўлса-да, китоб айрим нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин. Ҳурматли китобхонларимиздан китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишларини илтимос қиламиз.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
«Ўқитувчи» нашриётига.

Муаллиф

1-§. КИРИШ

Тилшунослик ёки тил билими (лингвистика) тил ҳақидаги мустақил ва аниқ фан бўлиб, тилнинг келиб чиқиши, тарихий тараққиёт жараёнлари ва қонуниятларини илмий асосда ўрганади. Бу фан муайян ва умумий тилшунослик соҳаларидан иборат.

Муайян тилшунослик маълум бир тилнинг луғат таркиби, фонетик тизими ва грамматик қурилиши, тараққиёт йўллари ҳамда қардош тилларга муносабатини илмий асосда синчиклаб ўрганади ва шу йўл билан тилнинг луғат бойлиги, фонетикасини синчиклаб текширади, илмий грамматикасини яратиб беради.

Умумий тилшунослик эса, умуман тилнинг келиб чиқиши, ижтимоий моҳиятини, жамиятдаги ўрни ва вазифасини, тараққиёт йўлларини, тил билан тафаккурнинг бир-бирига узвий боғлиқлигини, тилларнинг ўзаро муносабатини ўрганади ҳамда тилларни текшириш усуллари яратади. Умумий тилшунослик айрим тилларни, бир гуруҳ тилларни ва қардош тилларни ўрганиш, текшириш натижасида аниқланган тил ҳодисаларини, тил далиллари умуллаштириб, илмий хулосалар чиқаради ва шу асосда тил қонуниятларини аниқлаб беради.

Тилшуносликка кириш курси эса тилнинг бошқа ҳодисалар ичида тутган ўрни, тузилиши ва тилнинг тараққий этиш қонуниятлари ҳақидаги, умуман тил ҳақидаги фаннинг асосий тушунчаларини ўрганади. Бу курснинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, тилшунослик фанида қўлланиладиган терминлар, тушунчалар тизими билан таништиради. Шунинг учун бу курс умумий тилшуносликнинг дастлабки босқичи бўлиб, умуман мураккаб тил ҳодисаларини тўғри тушунишга, маълум бир тил ҳамда қардош тил гуруҳларини бир-бирига солиштириб, маълум тил ҳодисаларини, луғат тартибини, фонетик тизими ва грамматик қурилишини илмий асосда чуқур ўрганиш учун назарий ва амалий жиҳатдан замин яратиб беради.

2-§. ТИЛ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСАДИР

Тил — бу ижтимоий ҳодиса, у кишилик жамиятининг энг муҳим алоқа воситаси бўлиб, жамиятга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам тилнинг кишилик жамиятидаги роли беқиёс.

Маълум даврга келиб, ёзув яратилгандан кейин ўша алоқа воситаси бўлган тиллар ёзувда ўз аксини топган. Тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган йирик давлатлар емирилиши билан, уларнинг алоқа воситаси бўлган тиллар, чунончи, қадимий форс тили (милоддан аввал IV—VI аср), финикилар тили (милоддан аввал VII—I аср), сўғдийлар тили (милоддан олдин VI асрдан то эрамизнинг X асригача), лотин тили (милоддан аввал VI асрдан то эрамизнинг IX асригача) истеъмолда бўлиб, кейин ўлик тилларга айланган. Лекин бу тиллар бутунлай дом-дараксиз йўқолиб кетмаган.

Кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёти давомида жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тил ва унинг муҳим хусусиятлари ҳақида турли тушунчалар, фикрлар ва назариялар вужудга келган. Баъзи олимлар тилни ҳайвон, ўсимлик каби жонли нарсаларга ўхшатиб, табиатдаги тирик организм деб тушунган ва шундай деб даъво қилишган. Улар, тил тирик организм сингари, табиат қонунларига итоат қилган ҳолда туғилади, ўсади, тараққий қилади, эскиради, энг охирида эса ўлади, деб тушунганлар.

XIX асрнинг ўрталарида табиий фанларнинг ривожланиши, Чарльз Дарвин таълимотининг вужудга келиши билан бу назария тилшунос олимларнинг диққатини ўзига жалб қилади, тилни тирик организм деб тушуниш анча кучаяди.

Чунончи, немис тилшунослари М. Мюллер ва А. Шлейхерлар шу назария тарафдорлари эдилар. Тўғри, физиологик жиҳатдан тил умуртқали ҳайвонларнинг, шу жумладан, кишиларнинг оғиз бўшлиғида жойлашган серҳаракат бир қисми. Лекин ҳайвонлар тили фақат овқат ейиш, унинг таъмини аниқлаш каби ишлар учун хизмат қилади. Кишилар тили эса ҳайвонларга хос хусусиятлардан ташқари, ниҳоятда муҳим вазифаларни, яъни кишилиқ жамиятининг алоқа воситаси — коммуникатив ижтимоий вазифани бажаради.

Шуни уқтириб ўтиш керакки, инсоннинг табиий-биологик хусусиятлари кишилиқ жамиятидан ташқари, жамиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда, масалан, янги туғилган гўдак ҳаётининг такомилли (нафас олиши, кўриши, овқат ейиши, аста-секин юриб кетиши ва ҳоказолар) табиат қонунларига мувофиқ ҳолда тараққий этаверади, ўсаяверади. Аммо тил бундай табиий ҳодиса эмас. Сўзлашиш, фикрлашиш учун кишилиқ жамиятининг бўлиши шарт.

Буни қўйидаги мисолдан яққол тушуниб олиш мумкин. Ҳиндистонда бундан бир неча йил бурун шундай ҳодиса юз берган: ёввойи ҳайвонлар (бўри, айиқ ва ҳоказолар) адашиб қолган бир ёш болани ўрмон ва чангалзорлар ичига олиб кетиб, болага зиён-заҳмат етказмасдан, ўз болаларидек боқишган. Бола маълум вақтдан кейин юришни, югуришни, сакрашни, озиқ-овқат топиб ейишни ва табиат ҳодисаларидан сақланишни табиий ҳолда ҳайвонлар сингари ўрганган. Бироқ у кишилик жамиятидан ажралиб, ҳайвонлар ичида ҳаёт кечирганлиги учун биронта ҳам сўзни айтишни билмаган. Демак, тил наслдан-наслга ўтадиган табиий ҳодиса эмас. Инсон кишилик жамиятида яшамас экан, сўзлашни мутлақо билмаслиги турган гап. Боланинг қайси тилда сўзлай бошлаши, гапирадиган бўлиши унинг тутилган, ўсган шароитига боғлиқ. Чунончи, ҳабаш бола гўдаклигидан бошлаб ўзбеклар орасида (онласида) тарбияланса, фақат ўзбекча сўзлаб, ўз она тилини сира билмаслиги турган гап. Лекин боланинг ранги, гавда тузилиши, қиёфаси ва бошқа табиий-биологик белгилари сақланиб қолаверади. Чунки инсондаги табиий-биологик белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши табиат қонунидир.

Демак, айтилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, тил табиий-биологик ҳодиса эмас; иккинчидан, тилнинг мавжуд бўлиши ва унинг тараққий қилиши табиат қонунларига боғлиқ эмас; учинчидан, тил кишиларнинг табиий белгиларига (оқ-қоралиги ва бошқа ирқий белгиларига) боғлиқ эмас, тўртинчидан, фақат жамият бўлиб уюшган инсонларгина алоқа воситаси бўлган тилга эга. Бинобарин, тил табиий-биологик ҳодиса бўлмай, кишилик жамиятининг энг муҳим алоқа воситаси сифатида жамиятга хизмат қиладиган, синфга боғлиқ бўлмаган ижтимоий ҳодисадир.

Дастлабки даврларда, жамиятнинг қарама-қарши гуруҳларга бўлинишига қарамай, тил биргина гуруҳ эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилмайди, у жамият аъзоларининг ҳаммасига баб-баравар хизмат қилади. Ишлаб чиқариш жараёнида жамиятдаги турли гуруҳ одамлари бир-бирлари билан алоқада бўладилар, тил эса ишлаб чиқаришни уюштиришда, жамиятнинг ҳамма соҳаларининг ривожланишида муҳим алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади.

Тил кишилик жамиятининг асрлар давомидаги бутун тарихий жараёнида маълум бир гуруҳ томонидан эмас,

балки бутун жамият ва жамиятнинг аъзолари томонидан яратилган ижтимоий ҳодисадир. Шу билан бирга, тил бирор даврнинг, бирор ижтимоий-иқтисодий жамиятнинг маҳсули бўлмай, балки бутун жамият тарихи жараёнидаги бир қанча даврларнинг маҳсули бўлиб, жамиятдаги турли табақа вакиллари учун баб-баравар хизмат қилади.

Фақат бир синфга ёки бир гуруҳга хизмат қилувчи тил бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, тил гуруҳ ва табақалардан қатъи назар, бутун жамиятга хизмат қилувчи ижтимоий ҳодисадир.

3-§. ТИЛ ВА ТАФАККУР

Кишилар тил орқали бир-бирлари билан муносабатда бўладилар, бир-бирларига фикр ва истакларини етказдилар. Демак, тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тилсиз фикрни ифодалаш сира мумкин бўлмагандек, тафаккурсиз тил ўз ифодасини шакллантира олмайди.

Тафаккур билан тилнинг, аниқроқ қилиб айтганда, фикр билан сўзнинг ўзаро муносабати жуда мураккаб жараёндир. Ҳар қандай фикр сўзларда ўз ифодасини топмагунча, яъни сўзлардан таркиб топган ифода қолипига, ифода шаклига тушмагунча юзага чиқмайди. Фикрнинг воқелиги, унинг мавжудлиги тилда намоён бўлади. Демак, фикр тилда воқелашади, тилда мавжуд бўлади. Тилсиз, сўзсиз таркибий қисмларга ажралган, аниқ ва тайёр ҳолдаги ҳеч қандай фикр бўлмайди. Фикр тилда, яъни сўзларда ва сўзлар орқалигина шаклланади, тилда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, сўз фикрни мужассамлаштиради, моддий шаклга солиб, юзага чиқаради; фикр, янада аниқроқ қилиб айтганда, фикрнинг моҳияти ва мазмуни эса, ўз навбатида, сўзларда ва сўзлар воситаси билан таркибий қисмларга ажралади. Онгимизда пайдо бўладиган фикрнинг моҳиятини, мазмуини ташкил этадиган ҳар қандай идрок ёки тасаввур ҳам фақат сўзлар воситаси билангина воқе бўлади.

Тил фақат кишиларга хос бўлганидек, тафаккур ҳам кишиларгагина хос бўлиб, бош миyaning моддийлиги ва физиологик вазифаси билан боғлиқдир. Тил ва тафаккур бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, тилсиз тафаккур мавжуд бўлмаганидек, тил ҳам тафаккурсиз мавжуд бўла олмайди.

Аммо бунда тафаккур билан тилни айнан бир хил,

бир-бирига ўхшаш нарса деб тушуниш хатодир. Тафаккур ташқи моддий оламнинг кишилар миёсида акс этишининг энг юксак шаклидир. Тил эса тафаккурни — фикрни маълум бир шаклга солиб, сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар орқали ифодалайди.

Тил қонунлари билан тафаккур қонунлари бир-бирига тенг келмайди. Шунинг учун ҳам тил грамматиканинг ўрганиш манбаи бўлса, тафаккур мантиқ (логика) илмининг манбаидир. Тил билан тафаккур бир-бирига айнан ўхшаганда эди, улар бир фаннинг манбаи бўлиб қолар эди; шунда барча одамлар бир хилда фикр қилган бўлар эдилар. Шунинг учун ҳам тил жамиятнинг ҳамма аъзолари учун барабар хизмат қилса ҳам, лекин бир тилда сўзлашувчи жамият аъзоларининг фикрлашлари бир хил бўлмайди. Чунончи, бошланғич маълумотли бир киши билан физик олимнинг ўз она тилини қанчалик билишини, уларнинг қанчалик фикр қилишини ва ўз фикрларини тил орқали қанчалик ифодалай олишларини солиштириб кўрсак, бунинг гувоҳи бўламиз.

Табиийки, физик олимнинг тафаккурида моддий дунёнинг акс этиши, ўз фикрларини тўғри ифодалай олиши, она тили сўз бойлигидан, грамматик қонун-қоидалардан тўғри ва баракали фойдаланиши бошланғич маълумотли киши талқинидан жуда катта фарқ қилади. Бу далил шуни кўрсатадики, бир-бири билан чамбарчас боғланган тил ва тафаккур бирга тараққий қилади. Агар тил ва тафаккур ўзаро алоқасиз ҳодиса бўлганда эди, физик олим билан бошланғич маълумотли кишининг фикр қилиш қобилияти ва ўз фикрларини она тили орқали ифодалаши ҳам бир хил бўлар эди.

Идеалист олимлар, тилшунослар, файласуфлар тафаккур тилсиз бўлиши мумкин, тил миёда пайдо бўлган фикрни ифодаловчи бир воситадир, деб даъво қиладилар. Уларнинг фикрича, кишилар миёсидаги ўй-фикрлар яланғоч ҳолда, сўзсиз вужудга келаверар эмиш. Шунингдек, улар тафаккур аввал, тил эса кейин пайдо бўлган, деб даъво қиладилар ва улар тафаккурни тилдан ажратишга, тафаккур кишиларга «олий руҳ» томонидан берилган, деб исбот қилишга ҳаракат қиладилар.

Материалист олимлар эса тил билан тафаккурни бир-биридан ажратмаган ҳолда тил ҳам, тафаккур ҳам меҳнаг жараёнида, кишиларнинг бир-бирлари билан муносабати учун эҳтиёж туғилиши натижасида бир вақтда пайдо бўлган, деган фикрни олға сурядилар. Улар тил билан

тафаккурнинг диалектик бирлигини олға суриб, тилсиз тафаккур ва аксинча, тафаккурсиз тил мавжуд бўлмайди, деб таълим берадилар.

Шунга ҳам эътибор бериш керакки, соқов, тилсиз, кар кишилар ҳам фикр юритадилар, ўйлайдилар. Улар ўз фикрларини турли имо-ишоралар воситасида ифода этадилар. Чунки табиий нуқсон туфайли фикр-ўйларини тил орқали ифодалашга ожиздирлар.

Инчунин, тил ва тафаккур инсониятнинг буюк, беқиёс хазиначидир.

4-§. ТИЛ ТИЗИМДИР

Ҳар қандай тил фонетик тузилиш, грамматик қурилиш ва луғат таркибидан ташкил топади. Тилнинг ана шу таркибий қисмлари маълум қонун-қоидалар асосида бир-бири билан боғланиб, бутун бир тилни ҳосил қилади, тил эса мана шу бирикмалар негизида узвий боғланган ҳолда бир бутун тизимни ташкил этади.

Тилнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат таркибининг ҳар бири ҳам алоҳида бир тизимни ташкил қилади. Бироқ тилнинг тизим эканлигини яхшироқ англаш учун, аввало, тизимнинг ўзи нима эканлигини, унинг муҳим хусусиятларини тушуниб олиш керак.

Умуман, жамиятда мавжуд бўлган барча ҳодисалар бир-бири билан маълум тартибда боғланиб, ўзаро муносабатда бўлади, маълум қонунга бўйсуниб, бир тизимни ҳосил қилади. Бир буюм ёки биргина далил тизим бўла олмайди. Тизим бўлиш учун, албатта, бир-бири билан боғланган, умумлашган, ўзига хос қонунларга бўйсунадиган қанча буюмлар ёки далиллар бўлиши шарт. Агар буюмлар ёки далиллар тартибсиз ҳолда бир жойга тўп-ланган бўлса, у вақтда ҳеч қандай тизим бўлиши мумкин эмас. Масалан, кутубхонада китоблар бир қанча соҳаларга, чунончи, сиёсий, иқтисодий, бадий адабиётлар, қишлоқ хўжалиги, техникага оид адабиётлар алоҳида-алоҳида бўлиниб, ҳар қайси соҳага оид бу адабиётлар яна бир қанча турларга ажратилади. Чунончи, қишлоқ хўжалиги оид адабиётлар: деҳқончилик, чорвачилик, пахтачилик, ипакчилик, ирригация ва механизацияга оид адабиётларга ажратилиб, китоб муаллифларининг фамилияларига мувофиқ, алфавит тартибида жойлаштирилади, бошқача айтганда, бир тизимга солинади. Кутубхона ишидаги бундай тизим керакли китобни тезда, қийналмасдан топиб олишга имкон беради.

Кишиларнинг алоқа воситаси бўлган тил ҳодисалари соҳалари (фонетика, лексика, грамматика) шу тилга хос қонун-қоидалар асосида бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлиб, тартибга тушган тизимдир. Тил тизимини ташкил қилувчи тил далилларининг бир-бирлари билан ўзаро муносабати, бир-бири билан боғлиқлиги ҳам мураккаб ҳодисалар бўлиб, ҳар қайси тилга хос қонун-қоидаларга итоат қилади. Ҳар бир тилдаги гаплар сўзлардан иборат, сўзлар эса нутқ товушларининг бирикувидан ҳосил бўлади; гапдаги сўзлар бир-бири билан тил қонун-қоидалари асосида боғланиб, турли фикрларни билдиради. Тилга хос қонун-қоидаларга мос бўлмаган ҳар қандай сўзлар йиғиндиси гап бўла олмайди. Чунки бундай сўзлар йиғиндиси бир фикрни ифодамайди. Масалан, *магазин, олдим, китоб, мен, сотиб, яхши* мисолида сўзлар йиғиндиси шу ҳолатда тўлиқ бир фикрни ифодалаб бера олмайди. Агар бу сўзлар йиғиндисини ўзбек тили грамматикасининг қонун-қоидалари асосида маълум тартибда жойлаштириб, «Мен магазиндан яхши китоб сотиб олдим» тарзида гап тузсак, аниқ бир фикрни ифодалайди. Чунки бу гапдаги сўзлар тил қонун-қоидалари асосида аниқ бир тизимга тушгандир. Бинобарин, тилнинг фонетик тузилиши, луғат таркиби ва грамматик қурилиши тил тизимининг негизини ташкил этади. Шундай қилиб, тилнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат таркиби бутун бир тил тизимини ҳосил қилади.

Ҳар бир тилдаги ҳодисалар тилнинг умумлашган қонун-қоидаларига бўйсунishi керак. Чунончи, ўзбек тилида отлар турланганда, маълум келишиқ кўшимчаси бир хил бўлади. Масалан, ўрин-пайт келишиги аффиксида орзаки нутқда гоҳ -да (томда, боғда, кўлда, боғларда), гоҳ -та (ўтта, тошта, қишлоқта, куракта) тарзида талаффуз этилади. Лекин шундай талаффуз этилишидан қатъи назар, ҳар доим -да шаклида ёзила беради: *ўтда, тошда, қишлоқда, билакда*.

Рус тилида эса отларнинг турланиши, уларнинг бирлик сондаги бош келишиқда келган шаклига қараб, уч турга бўлинади: женский роддаги -а ёки -я билан тугалланган отлар (страна, станция кабилар) биринчи турдаги турланишга киради. Мужской роддаги қаттиқ ёки юмшоқ ундош товуш билан тугалланган отлар (дом, день, герой кабилар), средний роддаги -о ёки -е билан тугалланган отлар (слово, поле, собрание кабилар) иккинчи турдаги турланишга киради. Женский роддаги юмшоқ ундош билан

туғалланган отлар ёзувда юмшатиш белгиси **ь** билан акс эттирилади: (степь, тетрадь, лошадь кабилар) ва учинчи турдаги турланишга киради. Ҳар қайси турланишга мансуб отлар келишик қўшимчалари жиҳатидан бири-биридан жуда катта фарқ қилади.

Демак, ҳар қайси тилдаги ҳодисалар шу тилнинг грамматик қоидаларига бўйсуниб, унга хос шакллар билан ўзгаради. Бундай қонун-қоидалар бир тилда кўп, иккинчи бир тилда кам бўлиши мумкин. Тилда грамматик қоидалар қанча кўп бўлса, шу қоидаларга кирувчи тил далиллари шунча оз бўлади. Аксинча, грамматик қоидалар қанча кам бўлса, шу қоидаларга кирувчи тил далиллари шунча кўп бўлади. Масалан, рус тилида, юқорида айтганимиздек, турланишнинг уч хили (типи) бўлгани учун барча отлар морфологик белгиларига қараб, уч хил (тип) турланишга бўлинади. Ҳар қайси от мана шу уч хил турланишнинг бирига киради. Ўзбек тилида эса барча отлар бир хил турланади.

Демак, отларнинг турланиши жиҳатидан ўзбек тилининг грамматик қоидалари рус тилига нисбатан кам бўлиб, барча отлар биргина грамматик қоида билан турланади.

Отларнинг келишиклар билан турланиши ҳар қайси тилда шакл ва маъно жиҳатидан фарқ қилади. Масалан, ўзбек тилида чиқиш келишиги бор. Рус тилида эса бундай келишик йўқ. Шунинг учун чиқиш келишигидаги отнинг маънолари рус тилида, одатда, родительный падеж (келишик)да **от, из, с** предлоглари билан бирикиб келган сўзлар орқали ифодаланади (*Масковдан* — из Москвы, *дўстимдан* — от моего друга, *томдан* — с крыши). Винительный падеждаги **от** — *через* предлоги билан бирикиб келганда ўзбек тилига хос *орқали* сўзи билан ёки **-дан** қўшимчаси билан ифодаланиши мумкин (*Мен китобларингизни акангиздан бериб юбордим* — Я ваши книги отправил через вашего брата) ёки творительный падеж орқали ифодаланиши мумкин (*Ҳаммамиз меҳнат соҳасидаги ютуқларингиздан хурсандмиз* — Мы все довольны вашими трудовыми успехами).

Сўзларнинг ўзаро боғланиши ҳам ҳар қайси тилда турлича бўлади. Масалан, ўзбек тилида аниқловчи аниқланмишга битишув йўли билан боғланса, рус тилида эса мослашув йўли билан боғланади. Чунинчи: *қизил олма* — красное яблоко, *қизил олмалар* — красные яблоки, *қизил*

олмага — красному яблону. Бундан кўриниб турибдики, ўзбек тилида *қизил* сўзи (сифат аниқланмиш) отга битишув йўли билан боғлангани учун шакли ўзгармайди. Рус тилида эса *красный* сўзи (сифат аниқланувчи) отга мослашув йўли билан боғлангани учун, отнинг морфологик хусусиятларига — роди, сони ва келишигига қараб, мослашиб ўзгаради.

Ҳар қайси тилдаги ана шундай сўзлар шу тилга хос нутқ товушлари орқали шаклланади. Чунки нутқ товушлариинсон тилининг моддий мазасидир. Ҳар бир тилга мос нутқ товушлари маълум бир тизим асосида бирикиб, предмет, ҳодиса, ҳаракат ҳам тушунчаларнинг номларини ва турли грамматик қоидаларни ифодалаб беради.

Маълум бир тилга хос унли ва ундош товушлар шу тилнинг фонетик тизимини ташкил қилиб, бир-бири билан муайян бир муносабатда бўлади. Ҳар бир тил ўзига хос товуш — артикуляция базасига эга бўлиб, шу тилдаги сўзларнинг тўғри талаффузига мослашган. Шунинг учун бир тилга четдан кирган сўзлар шу тилнинг ўз талаффуз меъёрларига бўйсундирилади. Масалан, рус тилига ўзбек тилидан кирган сўзлар рус тилининг талаффуз меъёрларига, фонетик тизимига, артикуляцияси ва грамматикасига бўйсунган ҳолда шаклан бирмунча ўзгаради: *кетмон* — *кетмень*, *арава*—*арба*, *узум*—*изюм* (майиз маъносида) *Фарғона*—*Ферғана*, *Қўқон* — *Коканд* ва шу кабилар. Худди шунингдек, ўзбек тилига рус тилидан кирган баъзи бир сўзлар ўзбек тили талаффуз меъёрларига мослаштирилган ҳолда ўзлаштирилади, *чайник*—*чойнак*, *кровать*—*каравот*, *ботинка* (ботинок) — *батинка*, *поднос* — *патнис* ва шу кабилар.

Умуман, тил товушлари, луғат таркиби ва грамматик қурилиши бирикиб, ҳар бир тилнинг мунтазам алоқа воситаси бўлиб, тизим сифатида бир бутунликни ташкил этади.

Тил жамият тараққиёти жараёнида ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлади (бошқача айтганда, «туғилади» тараққий этади, «ўсади»), бир жамият йўқ бўлиши билан тил ҳам аста-секин истеъмолдан чиқа бошлайди ва даврлар ўтиши билан ўлик тил бўлиб қолади. Масалан, лотин, суғд, қадимий Хоразм тиллари каби. Бироқ тилнинг пайдо бўлиши («туғилиши») тараққий этиши («ўсиши») ва истеъмол қилинмай қолиши («ўлиши») биологик жараён эмас, балки жамият тараққиёти билан боғлиқдир. Шунинг учун тил қонунларини, унинг тараққиёт йўлларини жа-

мият тарихи билан ва шу тилни яратган халқнинг тарихи билан боғлиқ ҳолда ўргангандагина билиш мумкин.

Демак, жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилнинг бир бутунлигига асосланиб, уни тирик организмга ўхшатиш нотўғридир. Тил ўзининг тузилиши билан, айрим унсурларининг ўзаро муносабати билан бутун бир тизимни ташкил этади.

5-§. ТИЛШУНОСЛИК СОҲАЛАРИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

Тилнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат таркибини илмий асосда ҳар томонлама ўрганиш натижасида тилшуносликнинг бир қанча соҳалари яратилди, чунончи, фонетика, морфология, синтаксис, лексикология, семасиология, этимология ва стилистика каби-лар.

Фонетика — тилнинг товуш тизимини, **морфология** — сўз шаклларини, **синтаксис** — гапда сўзларнинг бирикиб келишини, **лексикология** — луғат таркибини, **семасиология** — сўзларнинг маъноларини, **этимология** — сўзларнинг келиб чиқишини, **стилистика** эса нутқ услубини (стилини) ўрганади.

Тил тузилиши (структураси) жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилиши лозим. Масалан, «Ўғлим китобдан ўқийсан» жумласи ўзбек тилига хос фонемалардан ясалган сўзларни шу тил грамматик қурилиши, яъни морфологик ва синтактик воситалари ёрдамида маълум тартибга келтирилган ва гап ҳосил бўлган. *Ўғлим* — беш фонемадан, *китобдан* — 8 фонемадан, *ўқийсан* — 7 фонемадан иборат. *Ўғл-им* — икки морфемали, *китоб-дан* — икки морфемали, *ўқи-й-сан* — уч морфемали сўзлардан ясалган.

Шу билан бирга, кишилик жамиятида алоқанинг ёрдамчи воситалари ҳам бор. Кўрлар эшитиш ва сўзлаш қобилиятига эга бўлсалар ҳам, ҳар бир тилга хос ҳарфлар билан ёзилган китобларни, газеталарни ўқий олмайдилар. Улар учун махсус қалин қоғозга чизилган бўртма ҳарфлар тузилган. Соқов, карлар учун бармоқлар ҳарфлари (бармоқларнинг турли шакллари билан ҳарфлар ифодаланади) мавжуд.

Математика, химия каби табиий фанларда қўлланидиган турли шакллар, белгилар, ҳарфлар, кўча, йўл қоида-сини бузмаслик учун ишлатиладиган белгилар, эълон ва рекламалардаги предмет ва ҳодисаларнинг расмий белгилари ва бошқалар ёрдамчи воситалар ҳисобланади.

Бу ёрдамчи воситалар тил ва тафаккур орқали маълум тушунчани, ифодани акс эттиради. Нормал тил эгалари ёрдамчи воситаларни сўзга, гапга айлантириб англаб оладилар; соқов, кар, кўрлар эса ўзига хос белгилар, имо-ишоралар, гаплар орқали тушуниб оладилар.

6-§. ФОНЕТИКА

Фонетика¹ тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилнинг товуш тизимини, нутқ товушларини ўрганади.

Фонетика, биринчидан, нутқ физиологиясини, яъни товуш ҳосил қиладиган нутқ аъзоларининг (ўпка, оғиз бўшлиғи, бўғиз, тил ва бошқа аъзоларнинг) тузилишини, иккинчидан, нутқ товушларининг пайдо бўлишини, товуш ўзгаришларини ва товушларнинг ўзаро муносабатларини ўрганади.

Фонетика амалиётда кенг қўлланилади. Тилнинг товуш таркибини яхши ўрганишда, орфография масалаларини тўғри ҳал қилишда, ёзуви бўлмаган халқларнинг ёзувини яратишда, эски ёзувдан янги ёзувга ўтишда, чет эл тилларини ўрганишда, тили чучук болаларнинг тилини тузатишда ва бошқа соҳаларда фонетиканинг аҳамияги ниҳоятда каттадир.

Маълумки, нутқимиз гаплардан иборат. Гап ҳар бир тилнинг грамматик қоидаларига мувофиқ сўзлардан тузилади. Сўз эса ҳар бир тилга хос, морфемалардан, фонемалардан ташкил топади.

Умуман, ҳар қандай товуш бирор предметнинг ҳавода қилган ҳаракатидан, тебранишидан пайдо бўлиб, ҳаво орқали тарқалади ва эшитиш аъзосига (қулоққа) бориб етади; ҳавосиз жойда товуш тарқалмайди. Кишиларнинг товуши ҳам товуш пайчаларининг (товуш пардаларининг) тебранишидан пайдо бўлади. Товуш пайчаларининг (пардаларининг) тебраниш хусусиятига қараб, овоз (ун) ёки шовқин пайдо бўлиши мумкин. Агар тебраниш бир текис, бир маромда такрорланиб турса, овоз ҳосил бўлади: **а, о, у** каби; агар тебраниш бир маромда, бир текис бўлмаса, яъни маром бузилса, шовқин пайдо бўлади: **с, к, ш, ч,** каби.

Физикафанида товуш тўғрисидаги умумий назария

¹ Ф о н е т и к а — phonetik сўздан олинган бўлиб, *товуш* демакдир.

акустика¹ деб аталади. Акустика товушларнинг қуйидаги белгилари борлигини таъкидлаб кўрсатади.

1. Товуш амплитудага², яъни тебраниш чегарасига боғлиқдир. Тебраниш қанча кучли бўлса, амплитуда шунча катта бўлади, шунга қараб товуш ҳам шунча кучли чиқади.

2. Товушнинг баланд-пастлиги тебраниш тезлигига, яъни бир секундда бўладиган тебраниш сонига боғлиқ. Бир секундда қанча кўп тебраниш бўлса, товуш шунча баланд чиқади, аксинча, тебраниш қанча кам бўлса, товуш шунча паст чиқади. Шу билан бирга, тебраниш оралиғи қанча қисқа бўлса, тебраниш шунча кўп ва тез бўлади. Бундай ҳолда товуш ингичка ва баланд чиқади. Тебраниш оралиғи қанча узун бўлса, тебраниш шунча кам ва секин бўлади, товуш ҳам йўғон ва паст чиқади. 16 дан 2000 герцгача тебраниш натижасида пайдо бўлган товушларни фарқ қилиш мумкин.

3. Товушнинг чўзиқ-қисқалиги тебраниш вақтининг давомли ёки давомсиз бўлишига боғлиқ. Тебраниш қанча давомли бўлса, товуш шунча қисқа чиқади. Масалан, туркман тилида и товуши кўпинча чўзиқ талаффуз этилиб, тебраниш вақти давомли бўлади: *Гыз* (Гыыз), ўзбек тилида эса и товуши кўпинча қисқа талаффуз этилади: *билдим, чиқдим* (билдим, чиқдим).

Рус тилида урғу тушган унлида тебраниш кучли бўлиб, чўзиқ талаффуз этилади, шу туфайли сўздаги бошқа унлилар ўз сифатини анча йўқотади, *говорить* (гъварить), *читал* (чътал), *точка* (точкаъ), *водавоз* (въдавоз) каби.

4. Товуш тембри асосий тон (оҳанг) билан қўшимча тонларнинг муносабатига боғлиқдир. Тембрнинг ўзига хос хусусиятлари бор: шунинг учун ҳам тембрга қараб товушнинг баланд-пастлиги бир хил бўлган музыка асбобларининг, масалан, дутор билан рубобнинг овозидаги фарқни ажратиш қийин эмас. Чунки дутор билан рубобнинг тузилиши, торларининг йўғон-ингичкалиги ва энг муҳими, резонатори бир-биридан фарқ қилади. Демак, товуш тембрининг ҳар хил бўлиши резонаторнинг турли хил бўлишига боғлиқдир. Оғиз ва бурун бўшлиғининг ҳажми ва шакли, товуш пайчаларининг узун-қисқалиги, йўғон-ингичкалиги ҳам товуш тембрида акс этади. Шу-

¹ А к у с т и к а — юновча *akustikos* сўзидан олинган бўлиб, *эшитиш* демакдир.

² А м п л и т у д а — лотинча *amplitudo* — *миқдор* маъносини билдиради.


нинг учун ҳам бир кишининг овози иккинчи бир кишининг овозидан фарқ қилади. Товуш тембрига қараб кишиларни овозидан ҳам таниб олиш қийин эмас.

Умуман, товуш ҳосил қилишда, шу жумладан, кишиларнинг нутқ товушларини пайдо бўлишида резонанс (французча *résonans* — *акс садо* демакдир) муҳим роль ўйнайди. Резонанс атрофи ўралган ҳаво бўшлиғида пайдо бўлади. Масалан, дуторнинг қорни резонатор бўлиб, у дутор торларининг тебранишидан ҳосил бўлган товушнинг тарқалишига, кучайишига катта ёрдам беради.

Нутқ товушларининг тарқалиши ва кучайишида кишиларнинг оғиз ва бурун бўшлиғи резонатор вазифасини бажаради. Оғиз бўшлиғи ўзгарувчан резонатор бўлиб, унинг кенг ва тор бўлиши, тилнинг юқори кўтарилиш ва пастга тушиши, олдинга ва орқага сурилиши турли-туман товушларнинг чиқишига имкон беради.

7-§. НУТҚ АППАРАТИ

Нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этувчи қисмлар нутқ аъзолари дейилади; нутқ аъзоларининг жами нутқ аппаратини ташкил этади.



Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида қатнашадиган аъзолар диафрагма (кўкрак қафаси билан қорин бўшлиғи ўртасидаги парда), ўпка, кекирдак, овоз пайчалари, бўғиз, бўғиз қопқоғи, кичик тил, танглай, тил, тиш ва лабдир. Булар ичида овоз пайчалари (пардалари), тил, кичик тил, тиш, лаб, юмшоқ танглай, пастки жағ нутқ товушларини ҳосил қилишда кўпроқ қатнашади.

Нутқ аппарати уч қисмдан иборат:

1. Овоз пайчаларидан (пардаларидан) пастки қисм. Бу қисмга ўпка, нафас олиш йўллари, кекирдак ва диафрагма киради. Бу аъзолар ҳаво манбаи бўлиб, ўпкадан чиққан ҳаво овоз пайчаларининг ёрдами билан овоз ҳосил қилади.

2. Бўғиз. Ҳалқасимон ва қалқонсимо^н тоғайлар бўғизда жойлашган. Бу икки тоғай ўртасида овоз пайчалари (пардаси) ўрнашган. Овоз пайчалари олдинги қисми билан қалқонсимо^н тоғайга (кемирчакка), орқа қисми билан чўмичсимо^н тоғайга (кемирчакка) туташган. Чўмичсимо^н тоғай бўғиз ўртасига бориб-келиб туради. Чўмичсимо^н тоғай (кемирчак) ҳаракат қилаётганда унга туташган товуш найчалари очилиб-ёпилиб туради. Бунинг натижасида овоз найчалари оралиғи пайдо бўлади.

Овоз пайчалари қуйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

а) нафас олганда овоз пайчалари оралиғи очиқ бўлиб, ҳаво эркин ўтиб туради. Жарангсиз ундош товушлар талаффуз этилганда овоз пайчалари оралиғи очиқ бўлади;

б) агар овоз пайчалари тортилиб, тор оралиқни ҳосил қилса, ана шу оралиқдан ўтган ҳаво овоз пайчаларини тебратиб, овоз чиқаради. Бундай ҳолатда **а, о, и, г, д** каби товушлар ҳосил бўлади;

в) агар овоз пайчалари унчалик тортилмай, пайчалар оралиғи унчалик тораймаса, бўғиз товуши **х** пайдо бўлади.

Овоз пайчаларининг иштирокисиз овоз чиқариш мумкин эмас.

3. Овоз пайчаларидан юқори қисм. Бу қисмга бўғиз қопқоғи, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи, қаттиқ ва юмшоқ танглай, тил, кичик тил, устки ва пастки тишлар, устки ва пастки лаб киради.

Нутқ аъзолари орасида тил энг ҳаракатчан аъзодир. У тил учи, тил олди, тил ўртаси, тил орқаси ва чуқур тил орқа қисмларга бўлинади. Булар орасида тил учи тилнинг энг ҳаракатчан қисми бўлиб, у устки ва пастки тишлар ҳамда устки альвеолалар¹ тил илдизлари ўрнашган уялар — устки қисми билан бирга турли товушларни ҳосил қилади. Масалан, **т, д, н, з, с** ва бошқалар.

Тилнинг олдинги қисми милк ёки қаттиқ танглайга яқинлашиб, **ш, ж, ч** товушларини ҳосил қилади. Тил ўрта қисмининг ҳаракати анча чекланган бўлиб, у қаттиқ танглайга яқинлашиб, **й** товушини, тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга яқинлашиб, **к, г** товушларини, чуқур тил орқа қисми юмшоқ танглайга яқинлашиб, **к, х, г** товушларини ҳосил қилади.

¹ Альвеола — латинча alveolus сўзидан олинган бўлиб, *ковакча* демакдир.

Пастки лаб ҳам анча ҳаракатчан аъзо бўлиб, у юқори лаб билан **б, п, м, в, а, о, ў, у** товушларини ҳосил қилишда иштирок этади.

Кичик тил қаттиқ тебраниб, хитой ва фўрацуз тилларига хос бўлган **R (P)** товушини ҳосил қилади.

Бўғиз қопқоғи, биринчидан, овқатланиш пайтида бўғизга овқат кетиб қолмаслиги учун бўғиз йўлини беркитади, натижада овқат қизилўнгачга ўтиб кетади; иккинчидан, у айрим тилларда товуш ҳосил қилувчи аъзо вазифасини бажаради. Масалан, бўғиз қопқоғи араб тилидаги **ع** (айн) товушини ҳосил қилади.

8-§. НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ АРТИКУЛЯЦИЯСИ

Нутқ апаратининг, яъни нутқ аъзоларининг ҳаракати (ишлаши) натижасида товуш ҳосил бўлиш жараёни **артикуляция** деб аталади.

Маълум бир тилга хос бўлган нутқ товушларини ҳосил қилишга мувофиқлашган нутқ апарати артикуляция базаси деб аталади. Бир тилнинг артикуляция базаси шу тилга хос нутқ товушларини тўғри талаффуз эта олади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тилга мослашган нутқ артикуляция базаси иккинчи бир тилнинг товушларини бирдан тўғри талаффуз эта олмайди. Иккинчи бир тилнинг товушларини тўғри талаффуз этиш учун анча вақт нутқ апаратини шу тил товушларининг артикуляциясига мувофиқлаштириш керак бўлади.

Нутқ артикуляцияси уч ҳолатда бўлади:

- 1) товуш ҳосил қилишга ўтиш;
- 2) товуш чиқариш учун тўхтаб олиш; (пауза килиш)
- 3) асли ҳолига қайтиш.

Масалан, **б** товушини ҳосил қилиш учун шу товушни ҳосил қилишда иштирок этувчи нутқ аъзолари уни талаффуз қилишга тайёрланади. Шу вақтда устки лаб билан пастки лаб жипслашиб, ўпкадан келадиган ҳавони тўсади, бир зум тўхташидан — паузадан кейин ўпкадан келган ҳаво кучининг зарби билан лаблар яна очилиб, **б** товуши ҳосил бўлади, шундан сўнг нутқ аъзолари асли ҳолига қайтади. Нутқ товушларини ҳосил қилишга қаратилган артикуляциянинг иккинчи ҳолати — тўхтаб баъзи товушларнинг талаффуз этилишида ниҳоятда тез ўтиб кетиши мумкин. Масалан, **б, п, д, ж, г, к** товушларининг талаффузида тўхтаб ниҳоятда қисқа бўлади. Баъзи товушларни талаффуз этганда эса, тўхтаб бирмунча давомли

бўлиши мумкин. Масалан: **с, ш, г, х, ф, з, қ** кабилар ана шундай давомли талаффуз этиладиган товушлардир.

Артикуляцияда икки ҳодиса жуда муҳим роль ўйнайди: биринчиси — артикуляция ўрни, иккинчиси — артикуляция усулидир. Товуш ҳосил қилишда нутқ аъзоларининг ҳаракат этган қисми **артикуляция ўрни** дейилади. Масалан, **д, т, з, с** товушлари тил олди қисмининг устки тиш ва милкка тегиши ёки яқинлашиши билан ҳосил бўлади. Демак, бу товушларнинг артикуляция ўрни тил олдидир. Шунинг учун ҳам бундай товушлар артикуляция ўрнига қараб **тил олди товушлари** деб аталади.

Товуш ҳосил қилиш пайтида икки нутқ аъзосининг қандай ҳолатда ҳаракат қилиши (масалан, икки лабнинг жинслашиши ёки тор оралиқ ҳосил қилиши) **артикуляция усули** дейилади. Масалан: **б, п** товушларини ҳосил қилишда лаблар жинслашиб, ўпкадан чиққан ҳаво тўсиққа учрайди, лекин ҳаво кучининг зарби билан портлаб чиқади. Демак, бу товушлар портлаш йўли билан ҳосил бўлади. Шунинг учун ана шундай товушлар артикуляция усулига қараб **портловчи товушлар** деб аталади.

9-§. НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Нутқ товушлари овоз ва шовқиннинг иштирок этиш даражасига кўра икки асосий катта гуруҳга бўлинади:

1. Унли товушлар.
2. Ундош товушлар.

Унли товушлар артикуляциясига кўра ундош товушлардан катта фарқ қилади. Унли товушлар талаффуз этилаётганда, биринчидан, ўпкадан чиқадиган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди, иккинчидан, нутқ аппаратининг (оғиз бўшлиғи, лаб ва тил ҳолатларидан бошқа) ҳолати, асосан, бир хил бўлади, учинчидан, ҳаво оқими кучсизроқ бўлади. Умуман, унлилар овоз пайчаларининг тебраниши натижасида ҳосил бўлади. Оғиз бўшлиғи унли товушларни талаффуз этганда товушларни турли ҳолатга киритувчи резонаторлик вазифасини бажаради. Унлиларнинг хусусияти тилнинг кўтарилиш даражасига, лабларнинг иштироки ва ҳолатига боғлиқ. Унлилар мусиқий оҳангга (тонга) эга бўлгани учун, уларни истаганча чўзиб талаффуз этиш мумкин. Ундошлар эса бундай хусусиятга эга эмас.

Ундош товушлар оғиз бўшлиғида ҳосил бўлиб, уларни

талаффуз этганда ўпкадан келган ҳаво турли тўсиқларга учрайди. Шунинг учун ундош товушларни талаффуз этганда, унли товушларни талаффуз этгандагига нисбатан ҳаво анча кучли чиқади. Ундошларда, асосан, шовқин устун бўлиб, уларни талаффуз этганда, ўпкадан чиқадиган ҳаво товуш пайчаларини баъзан титратиб ўтади. Дуч келинадиган турли тўсиқлар натижасида ҳаво оқими портлаб ёки сирғалиб чиқади. Шунга кўра, ундош товушлар бир неча турга бўлинади.

10-§. УНЛИ ТОВУШЛАР

Ҳар бир тил ўзига хос унлилар тизимига эга. Тилдаги унлилар тизими **вокализм**¹ дейилади. Унлилар талаффуз этилиш усулига кўра ундошлардан фарқ қилади. Унлилар акустик жиҳатдан овознинг устунлиги билан характерланса, физиологик томондан оғизнинг очилиш даражаси билан характерланади. Сўзларни аниқ ва равшан талаффуз этишда ҳамда уларнинг маъноларини яққол ажратиб беришда унлиларнинг роли катта. Масалан, ўзбек тилида таркибида қ ва л ундошлар иштирок этган сўзларнинг ўзаро фарқини о, ў, у, и унлилари яққол ажратиб туради: *қол, қўл, қул, қил*.

Ҳар бир тилнинг унлилар тизими артикуляция белгиларига қараб тасниф қилинади. Чунончи, ҳозирги замон ўзбек тилида унли фонемалар, асосан, қуйидаги уч белги асосида тасниф қилинган:

- 1) тилнинг кўтарилиши ва унинг танглай томон яқинлашувига кўра;
- 2) лабнинг ҳолати ва иштирокига кўра;
- 3) тилнинг кўтарилиши ва оғизнинг очилиш даражасига кўра.

Тилнинг кўтарилиши ва унинг танглай томон яқинлашувига кўра унлилар қуйидагича бўлади:

- а) тил олди (олдинги қатор) унлилар — и (ъ), э;
- б) тил орқа (орқа қатор) унлилари — ы, (ь), а, у, о.

Лабнинг ҳолати ва иштирокига кўра унлилар қуйидагича бўлади:

- а) лабланган — у, ў, о, ө;
- б) лабланмаган — э (ä), а, э (ā), и (б), ы.

Тилнинг кўтарилиш ва оғизнинг очилиш даражасига кўра унлилар қуйидагича бўлади:

¹ Вокализм — латинча *vokalis* сўзидан олинган бўлиб, *унли, овозли* деган маънони билдиради.

- а) тор унлилар — и (i), ы, у, ү;
 б) ўрта-кенг унлилар — э, о, ö;
 в) кенг унлилар — э (ä), а, э (а).

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида олтига унли фонема бўлиб, уларни белгиларига кўра жадвалла шундай кўрсатиш мумкин:

Тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра	Тил олди (олдин-ги) қатор		Тил орқа қатор	
Дабнинг ҳолати ва иштирокига кўра	Даблан-маганлар	Даблан-ганлар	Даблан-маганлар	Даблан-ганлар
Тилнинг кўтарилиш ва оғизнинг очилиш даражасига кўра	/			
Тор унлилар	и	ү	ы	у
Ўрта-кенг унлилар	э	ö	—	о
Кенг унлилар	э (ä)	—	а, э (а)	

Баъзи тилларда унли товушлар айрим ҳолларда чўзиқ, давомли талаффуз этилади, айрим ҳолларда эса ниҳоятда қисқа айтилади. Туркий тиллардан бўлган туркман тилида чўзиқ ва қисқа унлилар кўп учрайди. Туркман тилида чўзиқ ва қисқа унлиларнинг ҳар қайсиен мустақил фонема бўлиб, улар сўз маъноларини ажратиб беради, масалан: *ат* (аат—ном, исм)—*ат* (ат—от), *от* (оот—олов)—*от* (от—ўт, гиёҳ). Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида эса сўзларни ажратиб берувчи махсус чўзиқ унли фонемалар йўқ. Лекин араб ва форс тилларидан кирган айрим сўзлардаги бўғиз ундош «айн» олдиндан келган унлилар чўзиқ талаффуз этилади. Масалан: *ваъда* (ва:да), *таълим* (та:лим), *эълон* (э:лон), *меъда* (ме:да). Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида тил олди и (i) ва тил орқа и (ъ) унлилари ёшиқ бўғинларда кўпинча қисқа, билинар-билимас талаффуз этилади: *тил* (тил), *бир* (бир), *тирик* (тирик), *қилиқ* (қъльқъ) каби.

Сўз таркибида баъзи унли товушларнинг бирмунча чўзиқ талаффуз этилиши урғуга боғлиқ бўлади. Урғу тушган унли товуш чўзиброқ талаффуз этилади. Бу ҳодиса, айниқса, рус тилига хосдир. Масалан, *шкóла, рúчка, пáрга* сўзларидаги урғу тушган **о, у, а** унлилари чўзиқ талаффуз этилади.

11-§. УНДОШ ТОВУШЛАР

Ундош товушларни тасниф қилиш масаласи анча мураккабдир. Маълумки, ундош товушлар талаффуз қилинганда, нутқ аъзолари турли ҳолатда бўлади, ўпкадан келадиган ҳаво ҳар хил тўсиқларга дуч келиб, бундай тўсиқларни ёриб, ташқарига чиқади. Нутқ аъзоларининг ана шундай ҳаракати натижасида турли ундош товушлар ҳосил бўлади. Нутқ аъзоларининг баъзи қисмлари бир-бирларига яқинлашиб, тор оралиқни ҳосил қилганда, ўпкадан келадиган ҳаво оқими сиқилиб, ишқаланиб чиқади. Бундай ҳолатда ҳосил бўлган **з, с, ш, х, ғ** товушлари **сиргалувчи** (фрикатив) **товушлар** дейилади.

Айрим нутқ товушларини ҳосил қилишда нутқ аъзолари бир-бири билан жипслашиб, ҳаво йўлини бутунлай тўсиб олади, ўпкадан келадиган ҳаво эса тўсиқни ёриб чиқади. Бундай ҳолатда ҳосил бўладиган нутқ товушлари **юмуқ товушлар** дейилади. Масалан, **б, п, д, т, ч** кабилар.

Юмуқ ундош товушлар ўпкадан келадиган ҳавонинг тўсиқни ёриб чиқиш ҳолатига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Портловчи ундошлар.** Бундай товушлар ҳосил қилишда нутқ аъзолари жипслашиб, тўсиқ ҳосил қилади, ҳаво оқимининг зарби билан жипслашган аъзолар бирдан очилиб, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали портлаб чиқади.

Масалан, **б, п, д, т, қ, к, г** товушлари каби.

2. **Сиргалувчи-юмуқ товушлар.** Бундай товушлар талаффуз этилганда, бир-бири билан жипслашиб ёки бир-бирига яқинлашиб, тўсиқ ҳосил қилган аъзолар ўз-ўзидан очилиб, ўпкадан келган ҳаво оқими тез сирғалиб чиқади. Масалан, **ж, ч** каби.

3. **Сиргалувчи товушлар.** Бундай товушлар талаффуз этилганда нутқ аъзолари бир-бирига жуда яқинлашади, ҳаво оқимининг чиқиши учун торгина оралиқ қолади, ҳаво оқими ана шу тор оралиқдан ишқалиб, сирғалиб

чиқади. Масалан, **в, з, й, с, ф, х, ш, г, ҳ** каби товушлар.

4. **Бурун товушлари.** Бундай товушлар талаффуз этилганда, бир-бири билан жипслашган аъзолар ўз ҳолатида қолади, ўпкадан келадиган ҳаво оқими, асосан, бурун бўшлиғидан, қисман оғиздан чиқади. Масалан, **м, н, ңг** товушлари.

5. **Ён товушлар.** Бундай товушлар талаффуз этилганда бир-бири билан жипслашган аъзолар ўз ҳолатида қолади, тилнинг икки ёни эса пастга тушиб, ўпкадан келадиган ҳаво оқими тилнинг икки ён томонидан ўтади. Масалан, **л** товуши.

6. **Титроқ товушлар.** Бундай товушлар талаффуз этилганда, жипслашган нутқ аъзолари тез-тез очилиб-ёпилиб, тебраниб туради, бу ҳолатда ҳаво оқими узилиб-узилиб ташқарига чиқади. Масалан, **р** товуши.

Ундошлар артикуляция ўринларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Лаб Ундошлари.** Икки лабнинг бир-бирига жипслашуви натижасида **б, п, м, в, ф** товушлари ҳосил бўлади. Икки лабнинг бир-бирига яқинлашуви натижасида **в, ф** товушлари ҳосил бўлади. Бундай товушлар **билабиал**¹ товушлар дейилади.

2. **Лаб-тиш ундошлари.** Бундай товушлар лаб билан тишнинг бир-бирига жипслашуви ёки бир-бирига яқинлашуви натижасида ҳосил бўлади. Масалан: рус тилидаги **ф, в** товушлари пастки лаб билан юқори лаб яқинлашуви оралиғида ҳосил бўлади. Бундай ундошлар **лабиодентал**² товушлар дейилади.

3. **Тил олди ундошлари.** Бу товушлар тил учининг юқори тиш ёки милкка томон ҳаракат қилиб, уларга ёпишиши ёки яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, **д, т, л, н, р, з, с, ч, ж** товушлари.

4. **Тил ўрта ундоши.** Бу товуш, асосан, тил ўртасининг танглайга яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, **й** товуши.

5. **Тил орқа ундошлари.** Бу товушлар тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга яқинлашуви ёки жипслашуви на-

¹ Би ла би ал — латинча *bi* — икки, *labialis* — лаб сўзларидан таркиб топган бўлиб, «*икки лаб*», «*қўш лаб*» демакдир.

² Ла би од е н т ал — латинча *labium* — лаб, *dens* — тиш сўзларидан таркиб топган бўлиб, *лаб-тиш* маъносини билдиради.

тижасида ҳосил бўлади. Масалан, **к, г**. Бундай товушлар **дорсал¹ товушлар** дейилади.

6. **Чуқур тил орқа ундошлари**. Бундай товушлар чуқур тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга яқинлашуви ёки жипслашуви натижасида ҳосил бўлади. Масалан, **қ, х, ғ** товушлари.

7. **Бўғиз товуши**. Бу товушни талаффуз этганда, ўпкадан келадиган ҳаво бўғиздан сирғалиб чиқади. Масалан, **ҳ** товуши.

Булардан ташқари, ундош товушлар овоз пайчаларининг ҳаракати ва ҳолатига кўра жарангли ва жарангсиз товушларга бўлинади. Жарангли **б, д, ғ, з** товушлари талаффуз этилганда, овоз пайчалари таранглашиб тебранади. Буни билиш учун жарангли ундошлар талаффуз этилаётганда бармоқ ҳиқилдоққа қўйилса, пайчаларнинг тебраниши аниқ сезилади.

Жарангсиз товушлар талаффуз этилганда, овоз пайчалари иштирок этмайди, овоз пайчаларининг оралиғи очиқ ҳолда бўлиб, бу оралиқдан ҳаво ҳеч қандай тўсиққа учрамайди, овоз пайчаларини титратмайди. Шунинг учун ҳам жарангсиз **и, т, к, қ, ҳ, х** ундошлари фақат шовқиндан иборат бўлади.

Жарангли ва жарангсиз ундошлар жуфт товушлар деб аталади: **в-ф, г-к, д-т, з-с, ж-ш** каби.

Ундош товушлар акустик жиҳатдан шовқинли ва сонор товушларга бўлинади. Шовқинли ундош товушлар талаффуз этилганда, шовқин овозга нисбатан кучли ва устун бўлади. Масалан, **б, ф, ғ, ҳ, х, г** каби. Сонор товушлар талаффуз этилганда эса овоз шовқинга нисбатан устун ва кучли бўлади. Масалан, **м, н, л, р** каби.

Ҳозирги замон ўзбек тилида 23 та ундош товуш бор: **б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ҳ, ғ**.

12-§. УРҒУ

Сўз бир ёки бир неча бўғиндан иборат бўлади: кўп бўғинли сўзларнинг маълум бир бўғинидаги унли, бошқа бўғинлардаги унли товушларга қараганда кучлироқ, чўзиқроқ талаффуз этилади. Сўзнинг бирор бўғинидаги унли товушнинг кучли ва чўзиқ талаффуз этилиши **лексик урғу**, урғу тушган бўғин эса **урғули бўғин** деб аталади.

¹ **Дорсал** — латинча *dorsum* (орқа) сўзидан ясалиб, тил орқа ундош товушларни билдиради.

Ушдош товушларнинг таснифи

Товушнинг пайдо бўлиш усулига кўра <i>Овознинг иштирокига кўра</i>	ЮМУҚ ТОВУШЛАР							
	Сирғалувчи товушлар	Потловчи товушлар	ЮМУҚ СИРГАЛУВЧИ ТОВУШЛАР	Бурун товушлари	Ен товушлар	Титроқ товушлар		
Товушнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра	карант-сим	карант-сим	карант-сим	карант-сим	карант-сим	карант-сим	карант-сим	карант-сим
Икки лаблн	в	б		м				
Лаб-тип	в ¹	д	ж ²	н	л		р	
Тил олди	з, ж ²	т	ч, ц ¹	п				
Тил ўрта	й	г		к				
Тил орқа	ғ	қ		қ				
Чуқур тил орқа	х							
Бўғиз	ҳ							
Акустик жиҳатидан товушларнинг характери	шовқинли				сонор			

¹ Бу товушлар рус тили орқали ўзбек тилига кирган сўзлардагина учрайди.

² Ўзбек тилида ж ҳарфи икки товушни, яъни ўзбек сўзларида нортловчи, жарангли, аффрикат (қориниқ) товушни (жанг, мажлис, жигар, жон); рус тилидан кирган сўзларда эса сирғалувчи, жарангли товушни (журнал, прожектор) ифодалайди.

Баъзи тилларда урғу кучли бўлади, яъни урғу тушган унли товуш кучли ва шиддат билан бир қадар чўзиқ талаффуз этилади. Бундай урғу **динамик урғу** дейилади. Динамик урғунинг таъсири натижасида сўз таркибидagi урғу тушмаган бошқа унли товушлар ўз хусусиятини озми-кўпми ўзгартиради. Шунинг учун ҳам сўзда динамик урғу тушган унли аниқ ва тўла талаффуз этилади. Урғу тушмаган унлилар ўз хусусиятини бирмунча ўзгартиб, қисқа, ҳатто ноаниқ, билинар-билинмас талаффуз этилади.

Унлиларнинг бундай ўзгаришини **Редукция**¹ (латинча *reductio* — орқага қайтиш деган сўз) деб аталади.

Масалан, рус тилидаги *город* (горът) сўзида биринчи бўғиндаги **о** унлисига урғу тушганлиги учун аниқ, ўз артикуляцияси билан тўлиқ ва аниқ талаффуз этилади, иккинчи бўғиндаги **о** га урғу тушмагани учун ўз сифатини анча ўзгартириб, ноаниқ, билинар-билинмас талаффуз этилади. **Города** (шаҳарлар) сўзида эса урғу охириги бўғиндаги **а** га тушганлиги учун биринчи бўғиндаги **о** товуши ноаниқ, иккинчи **о** товуши эса **а** (гърадá) тарзида талаффуз этилади. Бундай тилларда урғунинг роли ниҳоятда катта. Чунки, биринчидан, урғу сўзларни тўғри талаффуз этишга катта ёрдам қилса, иккинчидан омоним сўзларнинг лексик ва грамматик маъноларини ажратишга хизмат қилади. Масалан: *мука́* (ун), *му́ка* (азоб), *па́ром* (буғ билан), *па́ром* (сол). Шу хилда унлилар кучли ёки **кучсиз позиция**²да бўлади. Кучли позициядаги унли товушлар тўлиқ ва аниқ шиддат билан, кучсиз позициядаги унли ўз сифатини анча йўқотиб, иккинчи бир унли билан алмаштирилиб ёки ноаниқ талаффуз этилади. Бу ҳодиса айрим тилларга, айниқса, рус тилига хос: *говори́ть* — *гъвары́т*, *нача́ло* — *нэчàлъ*, *дохóд* — *дахóт*, *городо́к* — *гърадо́к* каби. Ўзбек тилида урғу асосан охириги бўғинга тушади. Масалан, *тоқа́т*, *она́*, *дўстúм*, *ёшлар*. Лекин ўзбек тилидаги кўп бўғинли сўзларда урғу тушган унлининг таъсири натижасида шу сўздаги бошқа унлиларнинг артикуляцияси деярли ўзгармайди. Масалан, рус тилидаги

¹ Редукция — латинча *reductio* (орқага қайтиш, орқага суриш) сўздан ясалиб, бир-бирига зид унлилар урғу таъсири билан фарқи деярли йўқолади: *водá* (вада), *горы́т* (гарит), *река́* (рўка) каби.

² П о з и ц и я — латинча *positio* — *мавқе*, *ўрин* деган маънони билдиради.

часово́й сўзида биринчи бўгиндаги **а** товуши охирги бўгиндаги ургу тушган **о** товушининг таъсири билан ноаниқ, билинар-билинимас талаффуз этилади. Ўзбек тилида эса *этоқоналаримиздóй* деган сўзда ургу энг охирги бўгинга тушган бўлса ҳам, қолган бўгинлардаги унлилар ўз артикуляцияларини деярли сақлаб қолади.

Агар лексик ургу сўзнинг муайян бир бўгини билан боғлиқ бўлса, яъни урғунинг ўрни ҳар доим маълум бир бўгинда бўлса, бундай лексик ургу **боғлиқ ургу** дейилади. Чунончи, туркий тилларда, француз ва поляк тилларида урғунинг ўрни, асосан сўз охиридаги бўгинда бўлади, шунинг учун ҳам бу тиллардаги урғуни **боғлиқ ургу** дейилади. Агар рус тилидагидек, лексик ургу сўзларнинг турли бўгинларида келса, яъни ургу кўчиб юрса, бундай лексик ургу **эркин ургу** дейилади.

Айрим тилларда, масалан, хитой, япон, серб ва литва тилларида **тонал** (музикавий) ургу ҳам бўлади. Чунончи, хитой тилида **ма** сўзи тонал уругга қараб талаффуз этилишига кўра, тўрт маънони билдиради: 1) *ма* — она; 2) *ма* — от; 3) *ма* — кендир; 4) *ма* — ҳақорат қилиши ва бошқалар.

Тилда лексик уругдан ташқари мантиқий (логик) ургу ҳам бўлади. Сўзловчининг мақсадига қараб, гапдаги бирор сўз ёки сўзлар гуруҳига алоҳида эътибор берилиб, улар бошқа сўзларга қараганда кучлироқ оҳанг билан айтилади ва бу билан тингловчининг диққати гапдаги ўша сўз ёки сўзларнинг маъносига жалб қилинади. Гапдаги сўзлардан бирининг ёки бир нечтасининг бошқаларига нисбатан ана шундай кучлироқ оҳанг билан айтилиши мантиқий ургу деб аталади. Мантиқий ургу орқали гапнинг турли бўёқларини ифода этиш мумкин.

Гапда мантиқий ургу тушган сўз ўз ўрнини ўзгартириши мумкин. Ўзбек тилида мантиқий ургу гапнинг қайси бўлаги (қайси сўзга) тушганлигини инверсия орқали, яъни гапда сўз тартибини ўзгартириш билан аниқланади. Одатда, мантиқий ургу тушган сўз кесим олдидан келади. Масалан, «Қодиржон бугун далада ишлайди» гапини олайлик. Бу гапда *Қодиржон* сўзига эътибор берилса, бу сўз кучлироқ оҳанг билан талаффуз этилади ва гапда сўз тартиби ҳам ўзгартирилади: «Бугун далада **Қодиржон** ишлайди». (Демак, бугун далада бошқа киши эмас, балки Қодиржоннинг ўзи ишлайди.) Энди шу гапда *далада* сўзига эътибор берилса, яъни мантиқий ургу шу сўзга тушса, гапда сўз тартиби яна ўзгаради: «Қодиржон бугун

далада ишлайди». (Демак, Қодиржон бугун бошқа ерда ишламай, далада ишлайди.) Худди шунингдек, *бугун* сўзига эътибор берилса, яъни мантиқий урғу шу сўзга тушса, гапдаги сўз тартиби яна ўзгаради: «Қодиржон далада **бугун** ишлайди». (Демак, у далада эртага эмас, балки бугун ишлайди.) Шунингдек, мантиқий урғу ёрдами билан турли ҳис-туйғуларимизни ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, «Раҳмат сизга» гапини мантиқий урғу орқали чин дилдан айтилган раҳмат маъносида ҳам, таъна қилиб айтилган раҳмат маъносида ҳам ифодалаш мумкин.

Мантиқий урғу гапиниң маълум бир бўлагига хос синтактик ҳодиса бўлиб, сўзнинг бирор бўғинига хос бўлган фонетик (лексик) урғудан фарқ қилади. Демак, лексик урғу фонетик ҳодиса, мантиқий урғу эса синтактик ҳодисадир.

13-§. НУТҚНИНГ ФОНЕТИК ЖИҲАТДАН БЎЛИНИШИ

Тил материя сифатида, энг аввало, ҳаво қатламларидаги ҳаракат натижасида ҳосил бўлган товуш сифатида реаллашади. Маълумки, тил товушлар орқали ифодаланмаса, жамиятнинг алоқа воситаси бўла олмайди. Жамият аъзолари ўзаро товуш нутқи орқали муносабатда бўлади. Шу билан бирга, нутқимиз тартибсиз ҳолда талаффуз этилган товушлар оқимидан иборат эмас. Биз гапираётганимизда нутқ товушлари оқими мунтазам равишда ўзаро боғлиқ ҳолда чиқади. Шу билан бирга, нутқимиз тўхтовсиз товушлар оқимидан иборат бўлмай, балки айрим-айрим бўлақлардан иборат.

Нутқ фонетик жиҳатдан жумлалар (интонацион бирликлар), тактлар, бўғинлар ва товушларга бўлинади. Бинобарин, нутқ товушлари мустақил ҳолда эмас, балки бўғин, такт ва жумлалар таркибида қўлланилади.

Нутқ фонетик жиҳатидан занжир каби бир-бирига уланган товуш оқимларидан иборат. Бу товуш оқимлари яна бир-бирига тобе бўлган соф фонетик birlikларга — ҳалқаларга бўлинади. Чунончи:

1. Жумла (фраза)га (юнонча — *phrasis* ифода, нутқ ибораси маъносини билдиради).

2. Тактларга (лотинча — *tactus* — тегиш, сезиш маъноларини билдиради). Бу ерда: бўлақ, қисм каби маъноларни ифодалайди.

3. Бўғинларга.

4. Айрим товушларга бўлинади.

Жумла — фраза нутқнинг энг йирик мустақил бирлиги сифатида алоқа воситасидир. Шу билан бирга, жумла энг йирик интонацион бирлик бўлиб келади. Умуман, жумлалар бирдан кейин иккичисини айтиш учун нафас олиш билан, яъни тўхтамлар билан айрим-айрим бирликларга ажратилади:

Дўстим, / уйқу йўқ. / Ётишим билан уйқум қочиб / ўрнимдан туриб кетаман / чироқ ёқиб, / китоб ўқиш билан тунни ўтказаман.

Бу мисолда беш интонацион-фонетик birlikлар тўхтам билан бўлинган.

1. **Жумла** — фонетик birlik, гап эса грамматик (синтактик) birlikдир.

2. **Жумлалар** тактларга бўлинади. Такт интонацион бутунлик (жумла)нинг бир бўлаги бўлиб, у бош урғу билан бирлаштирилади. Такт бир ёки бир неча бўғиндан иборат бўлади.¹

Кўп тилларда урғу мустақил маъноли сўзларнинг ўзида бўлгани учун уларнинг ҳар қайсиси бир такт бўлади. Ёрдамчи сўзлар мустақил маъноли сўзлар билан бирикиб, бир тактни ҳосил қилади. Масалан: *Отам билан маслаҳатлашиб синглим учун керакли нарсаларни олдим.* Бу жумла олти тактдан иборат. Тактларда ёрдамчи сўзларнинг мустақил сўзлар билан бирикиб келган ўрнига қараб **энклитика ва проклитика** ҳодисалари рўй беради. Ёрдамчи сўзлар мустақил маъноли сўзлардан олдин ёки кейин келиши мумкин. Мустақил маъноли сўзлардан олдин келган ёрдамчи сўзлар проклитика, мустақил сўзлардан кейин келган ёрдамчи сўзлар энклитика дейилади. Мустақил маъноли сўзлар олдидан ёрдамчи сўзнинг ёндашиб келиши проклиза, кейинидан ёндашиб келиши эса энклиза деб аталади².

Рус тилида ҳам проклиза, ҳам энклиза учрайди. Масалан: *Уехали-ли, иностранные делегаты в Москву?* деган гапда **ли** энклитика, **в** проклитикадир.

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида, асосан, энклиза ҳодисаси учрайди. Масалан: *Талабалар учун янги ётоқхона қурилди. Жамоа ерлари трактор билан*

¹ Қаранг: А. А. Реформатский. Введение в языкознание. 188—189-бетлар.

² Уша жойда 1967 й.

қайдалди. Бу гапларда талабалар учун, трактор билан тактлардаги учун, билан ёрдамчи сўзлари энклитикадир.

Тактлар бўғинларга ажралади. Бўғин тактнинг бир бўлагидир. Бўғин бир ёки бир неча товушлардан иборат бўлиб, бир нафас чиқариш билан айтилади. Ҳар қандай товуш бўғин ҳосил қилавермайди. Умуман, унлилар энг кучли сонор¹ товушлар бўлгани учун ҳар доим бўғин ҳосил қила олади. Масалан: *оламан* сўзи уч бўғиндан (о-ла-ман), *корхонамиз* сўзи эса тўрт бўғиндан (кор-хо-на-миз) иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида бўғин ҳосил қилувчи биттадан унли товуш бор. Баъзи тилларда бир бўғин таркибида икки ва ундан ортиқ унли товушлар бўлиши ҳам мумкин. Масалан: қирғиз тилидаги *тоода* (тогда), *соода* (савдо) сўзларида *тоо-*, *соо-* биринчи бўғин, *-да* иккинчи бўғин бўлиб, биринчи бўғиндаги икки унли товуш бир бўғинни ҳосил қилган. Бир бўғинда икки унли товушнинг бирикиб келиши дифтонг² деб айтилади.

Айрим тилларда дифтонг кўп учрайди. Масалан, немис тилидаги *heute* (бугун) сўзида дифтонг — *eu*, *hous* (уй) сўзида дифтонг — *au*, *eins* (бир) сўзида дифтонг *ei*; француз тилидаги *moi* (мен) сўзида дифтонг — *oi*; инглиз тилидаги *boy* (ўғил бола) сўзида дифтонг — *ou* дир.

Дифтонглар кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Кучли (кўтариладиган) дифтонг суёт унли товуш билан бошланиб, тўла унли ҳолига келади. Масалан, рус тилидаги *красная* сўзида кейинги бўғиндаги *я* икки унли (*й-а*) дан иборат бўлиб, *й-* суёт унли, *а* эса тўла унлидир. Мана шундай дифтонглар француз, немис тилларида ва бошқа тилларда ҳам учрайди.

Суёт (пасаядиган) дифтонг тўла унли билан бошланиб, суёт унли ҳолига келади. Масалан, рус тилида *дан*, *пей*, *лей*, *мой* сўзларидаги ажратиб кўрсатилган унлилар тўла унли бўлиб, улардан кейин келган *й* унлиси суёт унлидир.

Ўзбек тилида, асосан кучсиз дифтонг учрайди. Масалан, *қийнамоқ*, *туй*, *сарой* сўзларидаги ажратиб кўрсатилган унлилар кучсиз дифтонглар бўлиб, *и*, *ў*, *о* — тўла унлилар; улардан кейин келган *й* эса суёт унлидир. Кучли (кўтарилган) дифтонглар ҳам учрайди: *яра*, *ёғ*, *ер*

¹ Сонор — (sonorus) латинча *жарангдор* маъносини билдиради.

² Дифтонг — (diphthongos) юнунча сўз бўлиб, *di* (s) қўш, қўшалок, *pthongos* қўш овоз, қўш товуш демакдир.

(й+ара, й+ог, й+эр) сўзларида й кучли, а, о, э сует унлилар. Улардан кейин келган й эса сует унлидир.

Бундан ташқари, баъзи тилларда бир бўғинда уч унли товушининг бирикиб келиш ҳодисаси ҳам учрайди. Уч унлининг бирикиб бир бўғин ҳосил қилиши трифтонг¹ деб аталади.

Масалан, инглиз тилида *five — storeyed* (Файвстроид) (беш қаватли) бирикмасида *еуе* — трифтонг.

Бўғин тузилиши жиҳатидан ҳам тиллар бир-биридан фарқ қилади. Тилларда жуда кўп учрайдиган бўғин чизмалари: *сv, вc, вcв, сvс, ссv, всс, ессv, сvсс*

ва ҳ. к.

Ўзбек тилида: *Ке-ма* (*сv-сv*), *ба-ра-ка* (*сv-сv-сv*) *ош-наз* (*вc-сvс*), *ўрмон* (*вссвс*), *насл, нафс, мушт* (*сvсс*), каби.

Рус тилида *му-ка* (*сv-сv*), *собака* (*сv-сv-сv*) *ар-гу-мент* (*вc-вc-сvсс*), *о-ра-тор* (*v-сv-сvс*), *ста—кан* (*ссv—сvс*), *стра-на* (*сссv-сv*), *встрe-ча* (*ссссv-сv*) каби. Шундай қилиб, ўзбек тилига хос *сv, вc, сvс, вссv, сvсвсv* каби бўғин чизмалари учрайди. Рус тилида эса *сv, вc, сvс, вссv, ссv, сссv, ссссv* бўғинли чизмалар кўпроқ учрайди. Ўзбек тилида биринчи бўғинда иккита, учта, тўртта (*сс, ссс, сссс*) ундош қатор келиши учрамайди.

4. Бўғинлар яна кичик қисмларга, яъни товушларга бўлинади. Бўғин бир ёки бир неча товушлардан ташкил топади. Масалан, *китоб* сўзи икки бўғиндан иборат бўлиб, биринчи бўғини **-ки** икки товушдан, иккинчи бўғини **тоб** уч товушдан ташкил топган: *осон* сўзи ҳам икки бўғиндан иборат бўлиб, биринчи бўғини — **о** бир товушдан, иккинчи бўғин **сон** уч товушдан ҳосил бўлган.

Баъзи тилларда сонор ундош (л, м, н, р) товушлар ҳам бўғин ҳосил қилади. Масалан, рус тилидаги *перст* (бармоқ) сўзида бўғин ҳосил қилувчи унли товуш — **е** бўлса, серб тилидаги *прст* (бармоқ) сўзида бўғин ҳосил қилувчи товуш **р** дир. Рус тилидаги *волк* (бўри) сўзида бўғин ҳосил қилувчи унли товуш **о** бўлса, чех тилидаги *vlk* сўзларида бўғин яратувчи ундош товуш **l** дир.

¹ Трифтонг юнонча (*tri* — уч ва *pthongos* товуш) сўз бўлиб, уч унли деган маънони билдиради.

14-§. НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ҶЗГАРИШИ

Маълумки, нутқ товушлари ёзувда ҳар қайси тилда қабул қилинган белгилар — ҳарфлар орқали акс эттирилади. Бироқ сўзлашув жараёнида нутқ товушлари ҳарфлар орқали акс эттирилганидек, якка-якка ҳолда ишлатилмайди. Нутқ товушлари ҳар бир тил қонун-қоидаларига мувофиқ маълум тартиб билан тутшиб, бирикиб сўз ҳосил қиларкан, сўз таркибида акс эттирилган ҳарфларга нисбатан бирмунча ўзгарган ҳолда талаффуз этилиши мумкин. Сўзлашув жараёнида нутқ товушларининг ўзгариши айрим товушларнинг бир-бирига таъсир қилиши натижасида рўй беради. Масалан, ёзувда *ётди*, *келибди* шаклида ёзиладиган сўзлар оғзаки нутқда *ётти*, *келитти* шаклида талаффуз этилади.

Нутқда сўз таркибидаги товушларнинг бундай ўзгаришига **комбинатор ўзгаришлар** дейилади. Комбинатор ўзгаришлар ассимиляция, диссимиляция жараёнларида ва бошқа фонетик жараёнларда рўй беради.

Сўзларда икки ёнма-ён товушнинг бир-бирига таъсир қилиши натижасида, яъни олдинги товушнинг кейингисига ёки кейинги товушнинг олдингисига ўхшаб кетиши, мослашиши каби фонетик жараён ассимиляция¹ ҳодисаси деб айтилади. Бундай ҳолларда товушлар артикуляция ёки акустика жиҳатидан бир-бирларига мослашади. Масалан, ёзувда *отда* шаклида ифодаланган сўз сўзлашув жараёнида *отта* деб талаффуз этилади: бунда шу **от** сўзидаги жарангсиз **т** товушнинг таъсири натижасида шу товушдан кейин келган жарангли **д** ҳам **т** га ўхшаб кетган Рус тилида *сделать* сўзи талаффузда *зделать* тарзида айтилади, бунда кейинги жарангли **д** товушининг таъсири билан олдинги жарангсиз **с** товуши жарангли **з** тарзида талаффуз этилади, яъни жарангли **д** ундош товуши ўзидан олдин келган жарангсиз **с** ундош товушини ўз-ўзига ўхшатиб сингдириб, жаранглилаштиради.

Ассимиляция тўлиқ ва тўлиқсиз бўлиши мумкин. Нутқ жараёнида сингдирувчи товуш қўшни товушни айнан ўзига ўхшатса, **тўлиқ ассимиляция** дейилади. Масалан, ўзбек тилида *отдан*, *ўтда* сўзларида олдинги жарангсиз **т** товушининг таъсири билан жарангли **д** товуши ҳам **т** бўлиб, икки бошқа-бошқа товуш бир хилда *оттан*, *ўтта* каби талаффуз этилади. Бу ҳодиса бошқа тилларда ҳам

¹ Ассимиляция — assimilatio латинча сўз бўлиб, *ўхшатиш*, *мослаштириш* демакдир.

учрайди. Масалан, рус тилида *отдать* сўзи *оддать* тарзида талаффуз этилади. Бу сўзда кейинги *д* товуши *т* га таъсир қилиб, ўзига ўхшаган *д* каби талаффуз этилади. Шу хилда сўз таркибидаги сингдирувчи товуш қўшни товушга таъсир қилиб, қисман ўзига ўхшатса, **тўлиқсиз ассимиляция** дейилади. Масалан, *тошган*, *ўтган* сўзларида **-ган** аффиксидаги жарангли *г* ундоши ўзидан олдин келган **ш**, **т** товушларининг таъсири билан талаффузда қисман ўзгариб, *к* тарзида талаффуз этилади: *Тошкан*, *ўткан*. Бунда жарангсиз **ш**, **т** ундош товушлари ўзларидан кейин келган *г* ундош товушини айнан, тўла ўзига ўхшатмаса ҳам, жаранглилигини йўқотиб, **ш**, **т** тарзида жарангсиз талаффуз этилади.

Баъзи тилларда ассимиляция ҳодисаси орфографияда ҳам ўз аксини топади. Масалан, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида жўналиш келишиги, асосан **-га** аффикси билан ифодаланади. Лекин, **қ**, **к**, **г** товушлари билан тугаган сўзларнинг охирида жарангсиз ундош товуши бўлгани учун **-қа**, **-ка** шаклида ёзилади: *ўртоқ—га—ўртоққа*, *терақ—га—тераққа*, *боғ—га—боғқа* каби. Бундай ҳолати рус тилида ҳам учратиш мумкин: **з** товуши билан тугаган префикслар жарангсиз товушлар билан бошланган сўзлар ўзаги билан тутатиб келганда, жарангсизлашиб, талаффузга мувофиқ **с** ҳарфи билан ёзилади: Масалан, *без-платно—бесплатно*, *из-ходить—исходить*, *рассказать—рассказать*.

Ассимиляция икки хил бўлади. Агар сўзда олдинги товуш ўзидан кейинги товушга таъсир қилиб, уни ўзига қисман ёки тўла ўхшатса, бундай ҳодиса **прогрессив ассимиляция** дейилади. Масалан, *отдан* (оттан), *тутда* (тутта), *бешга* (бешка) кабилар. Прогрессив ассимиляция асосан туркий тилларга хосдир.

Агар сўз таркибидаги кейинги товуш ўзидан олдин келган товушга таъсир қилиб, уни ўзига тўла ёки қисман ўхшатса, бундай ассимиляция **регрессив ассимиляция** дейилади. Масалан, *мазкур*, *атлас*, *бирла* сўзлари *маскур*, *аллас*, *билла* тарзида талаффуз этилади. Регрессив ассимиляция, айниқса, рус тили учун хосдир. Масалан, *лодка* сўзида **к** товуши ўзидан олдин келган жарангли **д** товушига таъсир қилиб, уни **т** товушига айлантиради, натижада бу сўз *лотка* тарзида талаффуз этилади; *сбор* сўзидаги жарангли **б** товуши ўзидан олдин келган жарангсиз **с** товушига таъсир қилгани учун бу сўз *збор* тарзида талаффуз этилади.

Туркий тилларда, мўғул тилида, айрим угор-фин тилларида сингармонизм ҳодисаси ҳам учрайди. Сингармонизм¹ ҳам ассимиляциянинг бир кўринишидир. Сўзнинг биринчи бўғинидаги унлининг хусусияти ва сифатига қараб, бошқа бўғинларидаги унлиларнинг оҳангдошлашиб мослашувига сингармонизм деб айтилади. Сингармонизм икки хил бўлади.

1. палатал² сингармонизм;
2. лабиал³ сингармонизм.

Палатал сингармонизм ўзбек тилидан бошқа барча туркий тилларга хос фонетик қонундир. Бу фонетик қонунга мувофиқ сўз таркибидаги «қаттиқ», яъни тил орқа унлилари ёки «юмшоқ», яъни тил олди унлилари оҳангдошлашиб уйғунлашади, мослашади. Агар сўз таркибида биринчи бўғиндаги унли «қаттиқ», яъни тил орқа унлиси бўлса, қолган бўғинларда ҳам фақат тил орқа унлилари ишлатилади. Масалан, қорақалпоқ тилида — *балаларымыздан*, озарбайжон тилида *гардашларымыздан*, қирғиз тилида — *молдолордон*. Агар еўз таркибида биринчи бўғиндаги унли «юмшоқ», яъни тил олди унлиси бўлса, қолган бўғинларда ҳам тил олди унлилари ишлатилади. Масалан, қорақалпоқ тилида — *мектеплеримизден*, озарбайжон тилида — *тэлэбэлэримизден*, қирғиз тилида — *мектептин*.

Шундай қилиб, палатал сингармонизмда сўзнинг ҳамма морфемаларидаги унлилар, яъни сўз ўзагидаги ва морфемалар ҳамда аффикслардаги унлилар, оҳангдошлашиб мослашган бўлади. Шунинг учун ҳам кўпчилик туркий тилларда аффиксларнинг камида икки варианты бор. Масалан, қорақалпоқ тилида: *бала-лары-мыз-дан*, *мектеп-лер-и-миз-ден*; қирғиз тилида — *мектепте*, *тоодо*.

Лабиал сингармонизм барча туркий тилларда ҳам учрамайди. Лабиал сингармонизм ҳодисаси бор бўлган тилларда сўзнинг олдинги бўғинидаги лабланган унли ўзидан кейинги бўғиндаги унлига ёки қолган ҳамма бўғиндаги унлиларга таъсир қилиб, уларни лабланган унлига ўхшатиб, мослаштиради. Масалан, қирғиз тилида *кол*, *колу*, *колдор* сўзларида лабиал сингармонизм ҳамма бўғинларда юз берган. Тува тилида *кол*, *колу*, *коллар*,

¹ Сингармонизм — юнонча *syn* — бирга, *harmonia* — оҳангдош сўзларидан ясалган бўлиб, *мослашишлик*, *оҳангдошлик* дегани.

² Палатал — латинча *palatum* (танглай) сўзидан олинган.

³ Лабиал — латинча *labium* (лаб) сўзидан олинган.

коллары сўзларида лабиал сингармонизм баъзи бўғинлардагина юз беради.

Ўзбек тилида лабиал сингармонизм оғзаки нутқда ҳамда баъзи шеваларда учрайди: *мумкин* (мумкин), *муҳим* (муҳим), *буву* (буви), *бўлум* (бўлим), *сўлум* (сўлим), *ўғул* (ўғил) каби.

Диссимилияция нутқ жараёнида баъзи бир сўзларда ёнма-ён келган икки товушнинг ўхшаб кетиши ўрнига ноўхшашлик юз беради. Артикуляция ўрни ёки усули жиҳатидан бир-бирига ўхшаши ёки яқин товушларнинг нутқ жараёнида бир-бирига ўхшамай қолиши диссимилияция¹ ҳодисаси деб айтилади. Бу ҳодиса кўпроқ жонли тилда учрайди. Масалан, *мақсад—махсад* (қс-хс). Бу сўзда *қ* тил орқа портловчи ундош сирғалувчи *х* товуши билан алмашган, ёки *мақтов—махтов*, (қт-хт), *доктор—духтур* (кт-хт) каби. Рус тилида *мяко—мяхо* (кг-хк), *ногти—нохти* (гт-хт), *секретарь—секлетарь* (кр-кл), *конечно—конешно* (чн-шн) каби.

Диссимилияция ҳодисаси адабий тилда жуда ҳам кам учрайди.

15-§. БОШҚА ФОНЕТИК ЖАРАЁНЛАР

Нутқ жараёнида товушларнинг бир-бирларига таъсир этишида бошқа фонетик ҳодисалар ҳам рўй беради.

Метатеза² ҳодисаси. Талаффузда сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашиши метатеза деб айтилади. Баъзи тилларда сўз таркибидаги товушлар умуман ўзгармасдан, бир-бирлари билан ўрин алмашади. Масалан, ўзбек тилидаги *дарё*, *турпоқ*, *супра* сўзлари оғзаки нутқда кўпинча *дайро* (й-р), *турпоқ* (п-р), *сурпа* (п-р) тарзида талаффуз этилади. Бу ҳодиса четдан қабул қилинган сўзларда кўпроқ учрайди. Чунончи, рус тилидаги *тарелка* сўзи аслида *талерка* (немисча — *talerka*) шаклида бўлган. Бироқ бу сўз таркибидаги *л* ва *р* товушлари ўрин алмаштириб, рус тилига *тарелка* шаклида қабул қилинган; арабча *آقو-ات* сўзи ўзбек тилига *овқат* тарзида қабул қилинган.

Протеза³ ҳодисаси. Сўзни талаффуз этганда унинг олд

¹ Диссимилияция — латинча *dissimilatio* сўзидан олинган бўлиб, *ўхшамаслик* маъносини билдиради.

² Метатеза — *metathesis* юнонча сўз бўлиб, *ўрин алмаштириш* демакдир.

³ Протеза *prothesis* юнонча сўз бўлиб, *улаш*, *орттириш* демакдир.

томонидан бирор товушнинг орттириб (қўшиб) талаффуз этилиши **протеза** дейилади. Чунинчи, ўзбек тилида, айниқса, четдан кирган сўзларга, кўпинча сўз бошида, қатор келган ундошлар олдида бир унли товушни орттириб айтиш ҳодисаси учрайди. Масалан, рус тилидан қабул қилинган *справка, стадион, стакан, стол* сўзлари оғзаки нутқда *испарафка, истадион, истакан, устол* тарзида, яъни **и, у** унли товушлари орттирилиб талаффуз этилади. Шунингдек, сўз бошида келган унли товуш олдида ундош товуш орттирилиб келиш ҳодисаси ҳам учрайди. Масалан, уйғур тилида *арақ* сўзи *ҳароқ*, *орава* сўзи *ҳарва* тарзида талаффуз этилади.

Эпентеза¹ ҳодисаси. Талаффузда сўз таркиби ичида ортиқча товушнинг пайдо бўлиши эпентеза дейилади. Икки унли товуш ўртасида ундош товушнинг ёки икки ундош товуш ўртасида унли товушнинг пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳодиса жонли тилда кўпроқ учрайди. Масалан, *трактор — тарактр, трамвай — тирамвай* ёки *таранбой, троллейбус — таралабус*. Бу ҳодиса баъзан орфографияда ҳам акс этирилади: *кровать — каравот, клубника — қулуннай* кабилар.

Диэреза² ҳодисаси. Сўз таркибида бирорта товушнинг тушиб қолиши диэреза дейилади. Айрим тилларда сўзлар талаффуз этилганда баъзи бир товушлар тушиб қолади. Масалан, ўзбек тилида *наст, рост, гўшт* сўзлари жонли тилда одатда *нас, рос, гўш* тарзида; *бўлсин, келсанг-чи, буни олма* гаплари эса *бўсин, кесанг-чи, буни ома* тарзида талаффуз этилади. Бинобарин, олдинги мисолларда сўз охирида қатор келган ундошлардан **т** товуши, кейинги мисолларда эса сўз ўртасида келган **л** ундош товуши талаффузда туширилиб қолдирилган. Рус тилида *счастливо* сўзи *счасливо*, *известно* сўзи *извесно*, *праздник* сўзи *празник* тарзида талаффуз этилади. Демак, аввалги икки сўзда **т** товуши, кейинги сўзда **д** товуши тушириб қолдирилган. Жонли тилда баъзан бутун бир бўғин ҳам тушиб қолиши мумкин. Масалан, *олиб бор — обор, олиб келди — опкелди* кабилар.

Ундош товушларнинг сўз таркибида ўзгариши уларнинг атрофидаги фонетик муҳитга, фонетик шароитга,

¹ Эпентеза — (enentesis) юнунча сўз бўлиб, қўшиб қўйиш демакдир.

² Диэреза — (diaresis) инглизча сўз бўлиб, тушиб қолиш демакдир.

ўрнига боғлиқ, чунончи, сўз охирида келган жарангли ундошлар жарангсиз талаффуз этилади: *мактаб* (мактап), *авлод* (авлот), *барг* (барк); рус тилида: *город* (горът), *столб* (столп), *паровоз* (паровос). Сўз бошида ёки сўз ичида унли товушлардан олдин келган ундошлар тўлиқ, ўз номи билан айтилади: *қа-лаи-дар*, *то-мо-ша*, *те-рим*, рус тилида: *ма-ши-на*, *чис-то-та*, *ба-ра-бан* каби.

Шу тариқа оғзаки нутқ сўз таркибидаги баъзи ундошларда ўрнига қараб, тушиб қолиш ҳодисаси учрайди: *рост—рос*, *паст—пас*.

16-§. ФОНЕМА

Фонема¹ сўзлар ва морфемалар таркибидаги энг кичик, энг қисқа товуш бирлиги бўлиб, сўз ва морфемаларнинг таркиб топишига ва уларни бир-бирларидан фарқлашга хизмат қилади.

Демак, фонемалар тилнинг энг кичик (минимал) бирликлари ҳисобланади. Гапни сўзларга, сўзларни морфемаларга, морфемаларни эса фонемаларга ажратиш мумкин. Аммо фонема энг кичик birlik бўлиб, уни майда бўлақларга ажратиш мумкин эмас.

Фонема мураккаб ҳодиса бўлиб, у бир қанча хусусият ва белгиларга эгадир. Масалан, д фонемаси ўзбек тилида жарангли, портловчи, тил олди ва лабланмаган товуш ҳисобланади. Бу фонема ўзининг ана шу белгилари билан жарангсиз т, сирғалувчи з, тил орқа г ва лаблашган б фонемаларидан фарқ қилади.

Маълумки, бир тилда сўзлашувчи кишиларнинг нутқида бир хил сўз таркибидаги товушлар талаффуз этилганда, акустик ва физиологик жиҳатдан оз бўлса ҳам, фарқ қилади. Масалан, *дона* сўзидаги **д**, **н**, ундошлари, **о**, **а** унлилари ҳар бир шахсга хос овоз тембри ва овоз кучига қараб, салгина бўлса ҳам фарқ қилиши мумкин. Шунга қарамай, бир тилда сўзлашувчилар бир-бирларини яхши тушунадилар. Чунки, бир тилда сўзловчилар ҳам, тингловчилар ҳам нутқдаги ана шундай сал фарқ қиладиган товушларга эътибор бермай, морфема, сўз маъноларига зарар етказмайдиган умумлашган типик товушларни, яъни фонемаларни назарда тутаяди. Фонема орқали сўз-

¹ Ф о н е м а — phonema юнонча сўз бўлиб, *товуш*, *овоз* демакдир.

ларнинг маънолари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, *от, ўт, ит* сўзларининг маънолари **о, ў, и** фонемалари орыали *ном, нок, нон, нор, нов* каби сўзларнинг охиридаги **м, к, н, р, в** каби фонемалар орқали бу сўзларнинг маънолари фарқ қилади.

Шундай қилиб, сўз ва морфемаларни ҳосил қилишга ва уларнинг маъноларини, шаклларини бир-биридан фарқлашга хизмат қилувчи энг кичик, энг қисқа товуш бирлиги **фонема** деб аталади.

Жонли сўзлашувда фонемалар сўзлардаги ўринларига кўра бирмунча бошқачароқ талаффуз этилиши мумкин. Масалан, *мақсад* сўзи *махсад* тарзида, *мактаб* сўзи *махтаб* тарзида талаффуз этилади, яъни бу сўзларда портловчи **қ** ва **к** товушлари сирғалувчи **х** ёки **ҳ** га яқин товуш каби айтилади. Сўздаги маълум бир товушнинг бошқачароқ талаффуз этилиши билан ўша сўзнинг маъноси ўзгармайди, янги маъно ифодаланмайди, янги фонема ҳам ҳосил бўлмайди. Лекин сўздаги маълум бир фонеманинг бошқачароқ талаффуз этилиши соф фонемаларнинг вариантлари ҳисобланади. Шунингдек, рус тилида сўзда урғу тушган бўғиндаги унли товушнинг таъсири билан шу сўзнинг қолган бўғинларидаги унли ўз хусусиятини бирмунча йўқотса ҳам, лекин янги фонемалар ҳосил бўлмайди, балки ўша фонеманинг вариантлари ҳисобланади. Масалан, *дом, дома* (уй, уйлар), *воды, вода* (сувлар, сув). Буларда *дома, вода* сўзларининг биринчи бўғинида келган **о** фонемаси **а** га яқин товушдек талаффуз этилган бўлса ҳам, бу сўзларнинг маъноси ўзгармайди, янги бир сўз ясалмайди. Шунинг учун ҳам бу сўзлардаги **а** га яқин талаффуз этилган **о** алоҳида фонема бўлмасдан, унинг вариантыдир. Фонемаларнинг бундай вариантлари талаффуз оҳангларини аниқлаш учун, шеваларни ёзиб олиш учун хизмат қилади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, фонема сўзларнинг турли ўринларида ишлатилишига кўра, турли вариантларда талаффуз этилади. Демак, фонемаларнинг вариантлари уларнинг сўздаги ўрнига боғлиқдир. Чунончи, ўзбек тилидаги ундош товушлар унлилардан аввал келганда, дярли ҳамма вақт ўз артикуляциялари билан талаффуз этилади. Масалан, *замон, сомон* сўзларда **з, с, м** фонемалари унлиларидан олдин келгани учун аниқ, ўз артикуляцияси билан талаффуз этилади. Аммо *нос, нос* сўзларида **з** ва **с** фонемалари сўз охирида келиб, улардан кейин унли товуш бўлмагани учун у қадар аниқ фарқ

қилинмайди. з-с фонемалари унлилардан кейин келмаса, улар бир хил, яъни с тарзида талаффуз этилади, масалан, рус тилида *привести—привезти* каби.

Фонемаларнинг сўз таркибида талаффуз шароитлари ҳолат (позиция) деб айтилади. Фонемани ўз артикуляцияси билан аниқ талаффуз этиш учун бор бўлган шароит кучли ҳолат, аксинча, сўз таркибида фонемани аниқ талаффуз этиш учун бўлмаган шароитни эса кучсиз ҳолат деб аталади. Одатда, унлилар олдидан келган ундош фонемалар талаффуз этилишда қулай шароитга эга бўлганлиги учун кучли ҳолат бўлиб, ўз артикуляциялари билан аниқ талаффуз этилади. Масалан, *том — ном, замон — сомон, дала—тала, қон—кон, тил—дил* сўзларидаги ажратиб кўрсатилган фонемалар унли товушлар олдидан келганликлари учун ўз артикуляциялари билан тўғри ва аниқ талаффуз этилади. Кўпчилик тилларда сўзнинг охирида келган жарангли ва жарангсиз фонемалар кучсиз ҳолатда бўлади. Масалан, *раис, майиз, китоб, қўлқоп, дард, пўлат* сўзларининг охиридаги фонемалар кучсиз ҳолатда бўлгани учун жарангли товушлар (з, б, д) ўз артикуляциялари билан у қадар аниқ талаффуз этилмайди. Бу фонемалар унлилардан олдин келиб, кучли ҳолатда бўлгандагина ўз артикуляциялари билан талаффуз этилади: *раис—раиси, майиз—майизи, китоб—китоби, қўлқоп—қўлқопи, дард—дарди, пўлат—пўлати*. Бундай ҳодисалар бошқа тилларда ҳам учрайди. Масалан, рус тилидаги *город* (горът)—*города* (шаҳар), *лук—лука* (пиёз), *лук* (лук)—*лука* (ўтлоқ), *друг* (друк) — *друга, дурак—дураков* кабилар.

Шундай қилиб, ҳар бир тилдаги сўз ва морфемаларни ҳосил қилувчи умумлашган унли ва ундош фонемалар бўлади.

Баъзи тилларда ундош фонемалар, баъзи тилларда эса унли фонемалар кўп бўлади. Масалан, Кавказда яшовчи абхаз халқининг тилида олтиш саккиз ундош фонема, уч унли фонема; ўзбек адабий тилида йигирма беш ундош, олти унли фонема; немис тилида ўн саккиз ундош фонема, ўн беш унли фонема, француз тилида ўн етти ундош, ўн саккиз унли фонема; фин тилида ўн тўрт ундош, ўн олти унли фонема бордир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фонема нутқ товушларидан ташқари, ажралган ҳолда мавжуд бўлолмайди, лекин фонема билан нутқ товуши бир-бирига ўхшаган айнан бир нарса эмас. Ёзувда фонема шартли белгилар

— ҳарфлар орқали ифодаланади. Баъзи тилларда бир белги (ҳарф) билан икки фонема аке эттирилиши мумкин. Масалан, рус тилида 35 ундош фонема бор, улар ёзувда 20 ҳарф (белги) билан ифодаланган. Шулардан 12 таси 24 та фонемани, яъни ҳар бири иккита фонемани — қаттиқ ё юмшоқ фонемаларни ифодалаб келади:

был (бўлди) — **бил** (урди)
рад (хурсанд) — **ряд** (қатор)
мал (кичик) — **мял** (эзди, ёнжимлади)

Бу мисолларда ажратиб кўрсатилган **б, р, м** ҳарфлари қаттиқ ё юмшоқ фонемаларни ифодалаб келгани учун бошқа-бошқа маънодаги сўзларни билдиради. Шу хилда рус тилида икки белги (ҳарф) билан бир фонемани ифодалаш ҳодисаси ҳам учрайди:

братъ (олмоқ) — **брат** (ака)
далъ (узоқ жой) — **дал** (берди)
уголь (кўмир) — **угол** (бурчак)

Бу сўзлардаги ажратиб кўрсатилган икки ҳарф билан бир фонема ифодаланган. Ўзбек тилида ҳам бундай хусусият **нг, аъ, ий** белгилари билан бир фонема ифодаланади: **оҳанг, келниг, аъло, маъно, марказий, олий** каби.

Фонема ҳақидаги назария, асосан рус тилшунос олимлари томонидан ишланган. Фонема ҳақидаги асосий тushunchаларни ишлаб чиққан, фонема назариясига асос солган тилшунослар **Н. А. Бодуэн-дэ-Куртэнэ** (1845—1929) ва **Н. В. Крушевский** (1851—1887) лардир. Таниқли олим **Л. В. Щербанинг** (1880—1944) ҳам бу соҳадаги илмий ишлари алоҳида ўрнини эгаллайди. Фонема термини машҳур рус тилшунос олим **Бодуэн-дэ-Куртэнэ** томонидан тилшуносликка киритилгандир.

17-§. ТИЛ ВА ЕЗУВ

Тил тарихини ўрганишда ёзув асосий манбадир. Ёзув ўз тараққиётида оғзаки нутқ билан бир қаторда, иккинчи алоқа воситаси бўлиб саналади. Ёзувнинг пайдо бўлиши, такомиллашуви тил тарихи билан, унинг ривожланиши билан чамбарчас боғлангандир. Бироқ ёзув жонли сўзлашув тилига қараганда анча кейин пайдо бўлган. Ёзув ҳам, тил сингари, жамиятдаги турли алоқа аҳтиёжлари натижасида вужудга келган. Жамият тараққиёти жара-

ёнида кишиларда ўз фикр-истакларини турли белгилар орқали билдириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Жуда қадим замонларда кишилар айрим воқеаларни, ўзаро келишувларни ва бошқа ҳодисаларни билдириш учун шартли равишда ҳар хил предметлардан фойдаланганлар. Чунончи, арқон, чавир, ип, канопларни хилма-хил рангга бўйш, уларга турли тугунчалар қилиш орқали айрим воқеаларни, фикр-истакларини ўзларидан узоқда турувчиларга нутқсиз етказганлар. Ушанда ҳар бир ранг маълум тушунчани аниқлаган. Масалан, қора ранг — ўлимни, қизил ранг — урушни, оқ ранг — сулҳни, кўк ранг — нонни ифодаллаган ва ҳоказо. Ип, канопларни тугиш билан ҳам ўз истак ва фикрларини билдирганлар. Бу одатнинг қолдиғини ҳозир ҳам учратиш мумкин. Чунончи, баъзи кишилар бирор нарсани унутиб қўймаслик учун ўз рўмолчасининг учини тугиб қўяди.

Кишилар алоҳида белгилар орқали фикрларини билдиришга, ўз фикр ва истакларини фонетик ёзув орқали ифодалашга бирданига эришмаганлар. Ёзув ўзининг тараққиётида турли босқичларни босиб ўтган. Археологик текширишлардан, этнографик материаллардан маълум бўлишича, қадимги даврларда инсонлар тоғ қояларига, гор деворларига овчиликка доир турли воқеаларнинг расмларини чизиб, ўзларининг фикр ва истакларини билдиришган. Ана шундай турли воқеаларни билдирадиган расмлар **пиктографик**¹ ёзув деб аталади.

Пиктографик ёзувда ҳар бир расм бир тушунчани ифодалайди. Масалан, қуйида келтирилган расмларда бир кишининг овга чиқиб, бир ҳайвонни ўлдириб, терисини олганлиги, ундан кейин яна бошқа бир ҳайвонни ўлдириб, терисини олганлиги, кейин моржни² ўлдирилганлиги, сўнгра бир киши билан қайиққа тушиб кетганлиги ва тушни у билан бирга ўтказганлиги тасвирланган.




Пиктография белгилари тилдаги товушларни ифодаламай, балки кичик бир воқеани ёки тушунчани яхлит

¹ Пиктография — латинча pictus (ранг билан ёзилган) ва ювонча grapho (ёзаман) сўзларидан таркиб топган бўлиб, расмли ёзув деган маънони билдиради.

² Морж — курак оёқли сут эмизувчи денгиз ҳайвони.

ҳолда билдиради. Шунинг учун бирор тушунча ёки воқеани тасвирлаган пиктографик ёзув алоҳида сўзларга бўлинмайди. Буни қуйидаги расмдан ҳам яққол тушуниб олиш мумкин:



Расмда бир қабиланинг катта бир кўлдан ўтганлиги тасвирланган. Расмда қабила бошлиғининг отга миниб йўл бошлаб кетаётганлиги, беш қайиқда эллик кишининг сувдан ўтаётганлиги кўрсатилган. Қайиқ ёнидаги балиқчи қушнинг расми шу қайиқда қабила бошлиғининг Балиқчи исмли сафдоши бор эканлигини, тошбақанинг расми уларнинг қуруқликка чиқиб олганлигини, уч қуёш тасвири эса уларнинг кўлдан ўтиш учун уч кун сузганликларини билдиради.

Ёзувнинг кейинги тараққиёт босқичларида пиктографик ёзувдан фойдаланувчи халқлар жамият тарихи тараққиёти жараёнида тадрижий ҳолда бу ёзувдан айрим сўзларни билдирадиган белгиларни қўллашга ўта бошлаганлар. Бу босқичда ҳам алоҳида сўзни билдирувчи айрим расмлар ўзи ифодалаган буюм ва нарсанинг шаклидан унчалик фарқ қилмаган. Кейинчалик узоқ замонлар ўтиб борар экан, тез ёзиш эҳтиёжи туғилган ва шунга мувофиқ ёзув қуроллари: бигиз, бамбук, қоғоз, қора сиёҳ вужудга келиб, улардан фойдаланилиши натижасида айрим расмларнинг ўзлари ифодалаган нарсага, буюмнинг шаклига ўхшашлиги аста-секин йўқола боради. Бу ҳол эса ёзувда анча қулайликлар туғдиради. Бу ҳодисани қуйидаги расмдан яққол кўриш мумкин. Расмда хитой ёзувида отни билдирадиган белгининг тараққиёт жараёни тасвирланган.



Демак, бу белги энг аввал ўзи билдирган нарсага, яъни отга ўхшаш тасвирланган бўлиб, кейин-кейин ёзиш учун

қулай бир шаклга айланган ва ўзи ифодалаган нарсага ўхшамай қолган.

Қуйида тасвирланган хитой ёзувининг тараққиёти пиктографик ёзувнинг қандай ривожланиб борганлигини янада равшанроқ кўрсатади.

Ёзма расмларнинг, яъни пиктографик ёзувнинг айрим сўзларни билдирадиган алоҳида белгиларга айланган шакли пероглифик ёзув деб аталади.

Иероглифик ёзув энг аввал Хитой билан Мисрда пайдо бўлган. Бу ёзув алифбе ёзувининг яратилиши учун замин тайёрлаб берди. Масалан, японлар хитой иероглифик ёзувини бирмунча соддалаштириб, япон тилини ёзувда ифодалаш учун мослаштирганлар ва қирқ етти белгини олиб, япон тили алифбесини яратганлар. Япон алифбесидаги ҳар бир белги айрим ҳолларда алоҳида тил товушини ифодаласа ҳам, кўпинча бир бўгинни ифодалайди, бир ундош товуш билан бир унли товуш бирикмасини билдиради. Шунинг учун япон ёзуви фонетик бўгинли ёзув деб аталади.

Корейслар ҳам хитой тилининг пероглифик ёзувидан фойдаланиб, ўз тилининг фонетик ёзувини (алифбе ёзувини) яратиб олганлар.

Қадимги Мисрнинг иероглифик ёзуви кейинги вақтларда алоҳида бўгин ва нутқ товушларини ифодалайдиган бўлди. Бу ёзувнинг бундай хусусиятга эга бўлиши кишиларнинг исмларини, айниқса, чет эл кишиларининг номларини ёзувда мумкин қадар тўғри ифодалаш зарурияти натижасида вужудга келган. Бунинг натижасида мисрлик-

Ҳ О З И Р Г И Ш А К Л И						
	山	田	雨	星	月	日
ДАРЕ	ТОҒ	ТОҒ	ЕМЕР	ЮЛДУЗ	ОЙ	КУН
ДАСТЛАБКИ ШАКЛИ						


лар алоҳида иероглифик белги орқали айрим товушларни ифодалай бошлаганлар. Масалан, миср иероглифик бел-

гиси  реп (пен) бу, шу деган маънони билдирган.

Кейинчалик мана шу белги р (п) товушини ифодалайди-

ган бўлди. Шунингдек,  белгиси labo, яъни

шер деган сўзни ифодалаган. Кейинчалик бу белги L (л) товушини билдирадиган бўлди. Қуш расми ҳам ahot, яъни *бургут* деган сўзни билдирган; бу белги кейинча а товушини ифодалайдиган бўлди. Шундай қилиб, мисрликлар кейинги даврларда кишиларнинг исmlарини ёзганларида, иероглифик белгиларни алоҳида товуш ўрнида қўллайдиган бўлганлар. Кишиларнинг номлари иероглифик белгилар билан ёзилганда қуйидагича чизиқ ичига олинган.



Юқоридаги расмларнинг биринчисида — қадимги Миср подшосининг номи — Птолемей ёзилган. Иккинчи расмда эса қадимги Миср подшосининг исми — Клеопатра (Клеопатра) ёзилган. Бундай ҳодисани хитой тилида ҳам кўриш мумкин. Хитой тилида чет эл кишиларининг исм ва фамилияларини, чет мамлакатларнинг географик номларини ёзганда, баъзи товушлар алоҳида иероглифик белгилар билан ифодаланади. Баъзан бир белги биринчидан, дўнг, адир, иккинчидан, қирғоқ, бўй, учинчидан, бурчак маъноларини билдиради. Лекин атоқли отларни ёзганда, кўпинча шу исмнинг бошида келадиган а тову-

шини ифодалайди. Масалан, 𐎠 𐎡 𐎢 𐎣 𐎤

(Алжир), 𐎧𐎫𐎷𐎵 (Алтай) каби.

Демак, иероглифик ёзувда ҳам алоҳида нутқ товушларини ифодалайдиган элементлар пайдо бўлади. Даставвал иероглифик белгилар бир тушунчани, сўзни билдирган бўлса, кейинчалик тарихий тараққиёт жараёнида бўғинларни ва, ҳатто, алоҳида нутқ товушларини ифодалаш даражасигача ривожланиб борган. Кейинги даврларда мисрликлар атоқли отларни ёзиш учун ўзларининг иероглифик белгиларидан йигирма тўрттасини ажратиб олишган ва бу билан фонетик ёзувга анча яқинлашиб, алифбе асосидаги ёзувнинг вужудга келишига замин ҳозирлашган.

Ёзув тараққиётида бўғинли ёзув анча муҳим ўринни эгаллайди. Бўғинли ёзувда ҳам бир бўғинни, бутун бир сўзни ва бир товушни ифодалайдиган белгилар қўлланилган. Осурия ва Вавилон миҳ (қозиқ) ёзуви ана шундай ёзувлардан бўлган. Бу ёзувда айрим белгилар бир товушни ёки бутун бир бўғинни, баъзи белгилар эса бутун бир сўзни ифодалаган. Масалан:

I. 𐎠 Бу белги «а» бўғинини билдиради.

II. 𐎡 Бу белги «шур» бўғинини билдиради.

III. 𐎢 Бу белги «худо» деган маънони билдиради.

𐎣 𐎤 𐎥 Бу уч белги бирикмаси «худо Ашур»

деб ўқилади.

Кейинги вақтларда бизнинг эрамыздан тўрт аср илгари эронликлар Вавилонни босиб олганларидан кейин Осурия ва Вавилон миҳ ёзувидан фойдаланиб, фонетик

(товушли) ёзувни, яъни ҳар қайси белги бир товушни ифодалайдиган ёзувни ижод этганлар.

Бўғинли ёзувнинг энг яхши намуналаридан бири қадимги ҳинд ёзуви бўлган дивонагаридир. Бошида бу ёзувда ҳар бир белги ундош ва унли (а) товушнинг бирлашишидан ҳосил бўлган бир бўғинни ифодалаган. Маса-

лан **ꣳꣳꣳ** икки бўғиндан иборатдир: биринчи бўғин

ꣳ (са), иккинчи бўғин **ꣳꣳ** (бха) бўлиб,

мажлис сўзини ифодалайди. Шунингдек, **ꣳꣳꣳꣳ** ҳам

икки бўғиндан иборатдир: биринчи бўғин

ꣳꣳ

(пха), иккинчи бўғин **ꣳꣳ** (тэк) бўлиб, *дарвоза* сўзи-

ни билдиради. Бўғинли ёзув иероглиф ёзувга қараганда анча қулай ёзувдир.

Энди алифбелли ёзувнинг қачон ва қандай яратилганлиги тўғрисида қисқача тўхтаб ўтайлик.

Дастлабки алифбелли ёзув Нил дарёси водийсига бостириб келган гиксослар тарафидан яратилган. Гиксослар мисрликларнинг атоқли исмларини ёзишдаги тажрибасидан фойдаланганлар: улар мисрликларнинг иероглифик ёзувларидан йигирматасини олиб, шулар орқали ўз тилининг унли ва ундош товушларини ифодалайдиган алифбени яратганлар.

Алифбе сўзини энг аввал гиксослар қўллашган. *Алиф* сўзи гиксосча бўлиб, *ҳўкиз* деган маънони билдирган; а товушини ифодаловчи белги дастлаб *ҳўкиз*нинг бошига ўхшаган. *Бе* аслида гиксосча *бет* бўлиб, *уй* деган маънони ифода этган. Ана шу икки сўздан *алифбе* сўзи пайдо бўлган.

Бизнинг эрамиздан бир ярим минг йил илгари гиксос-

лар алифбесини финикияликлар бирмунча ўзгартириб, ўз тилларининг товушларига мослаштириб олишган. Финикияликларнинг ўша вақтда Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлар билан бўлган савдо-сотиқ ишлари анча тараққий этган эди. Шунинг учун ҳам финикияликларнинг ёзуви бошқа халқлар орасида тез тарқалиб кетган. Ўша даврда кўп мамлакатлар финикияликлар ёзувидан фойдаланиб, ўз ёзувларини яратган.

Шундай қилиб, дунёдаги кўп тилларнинг товушларини ифодаловчи алифбе, яъни фонетик ёзувлар шу финикияликларнинг ёзуви асосида вужудга келган. Финикияликларнинг алифбеси, асосан, ундош товушларни ифодалаган. Бу алифбе уч катта тармоққа бўлиниб кетган: биринчиси, Арамей—Сурия тармоғи бўлиб, бу тармоқ Шарққа қараб тарқалган; иккинчиси, Жанубий Арабистон тармоғи бўлиб, У Жанубга қараб тарқалган; учинчиси, юнон — Европа тармоғи бўлиб, у Ғарбга қараб тарқалгандир.

Арамей — Сурия ёзуви эрамининг бошларида араб ёзувининг яратилишига асос бўлган. Сўнгра, араблар истилосидан кейин бу ёзув бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Чунинчи, VII—VIII асрларда араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан кейин, Ўрта Осиё халқлари ўртасида, шу жумладан, ўзбеклар ва бошқа туркий қабилалар ўртасида араб ёзуви кенг тарқалган эди.

Арамей ёзуви асосида эрамининг биринчи ярмида қадимги уйғурлар ўз ёзувига эга бўлдилар. Бу ёзув — X—XV асрларда турк халқлари орасида анча кенг тарқалган эди. XII—XIII асрларда уйғур ёзуви негизида мўғул ва манжур ёзувлари вужудга келган.

Жанубий Арабистон ёзуви Эфиопия (Ҳабашистон) ёзувини, ундан кейин Ҳинд ва Тибет ёзувларини яратишда асос бўлган.

Юнон — Европа ёзуви эса юнон (грек), лотин, славян ва умуман Европа халқларининг ёзувини яратишга асос бўлган.

Финикияликлар ёзувининг Шарқ ва Ғарбга тарқалиб, тараққий этганини 48-бетда берилган жадвалдан кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда кўп мамлакатларда фан, техника ва маданиятнинг ривожланиши — оддий ва қулай ёзувга боғлиқ. Шу даврда лотин, араб ва рус ёзувлари энг осон ва қулай ёзувлардан бўлгани учун ўз ёзувига эга бўлмаган бир қанча миллат ва элатлар лотин, араб ва рус

Дарфларнинг арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи	Арабча талафузи		
ا	ب	ج	د	ه	ز	ح	ط	ث	ج	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	
б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	
дж	с	т	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б
дз	т	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в
Нафас таърифи	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф
б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д
з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д
х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е
т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х
и	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е
к	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е
л	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е
м	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е
н	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е
з	х	п	т	д	а	б	в	г	д	е	з	х	п	т	д	а	б	в	г	д
ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф	ф
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш	сш
тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс	тс

Графикалари асосида ўз тилларининг товушларини тўғри акс эттира оладиган ёзувга ўтдилар. Шу билан бирга, баъзи бир халқлар қадимдан ўз ёзувларига эга бўлишига қарамай, тоталитар жамиятнинг зулми, сиқуви билан ўзбеклар, тожиклар, озарбайжон, татар ва бошқа халқлар ёзишда ҳам, ўқишда ҳам анча қулай бўлган араб ёзуvidан воз кечиб, рус тили графикаси асосидаги ёзувни қабул қилишга мажбур бўлган эдилар.

Кўп туркий халқлар минг йилдан ортиқ давр ичида

араб ёзувида жуда йирик маданий бойликлар яратишган эди.

Ўзбек халқининг машҳур адиблари, тарихчилари, олимлари, буюк мутафаккирлари ана шу араб ёзувида ўз асарларини ёзиб жуда катта маданий мерослар қолдирганлар.

Лекин туркий халқларнинг 20-йиллар охирида лотин графикасига, 40-йиллар бошида рус тили графикаси асосидаги ёзувга мажбуран ўтиши ўзбек, озарбайжон, татар, туркман ҳамда тожик, кавказ халқлари араб ёзувида яратилган маданий мерослардан маҳрум қилинган эди.

Эндиликда 80-йиллар охирида тоталитаризм, турғунлик даврларига кескин зарба берилди. Собиқ совет иттифоқига қарам жумҳуриятлар мустақилликка эришди. Кўп миллатларнинг тили давлат мақомини олди. Шу билан бирга бой маданий меросларимиздан баҳраманли бўлишга имкониятлар яратила бошланди. Эски ўзбек ёзувини ўрганиш йўлида катта ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзувига ўтилиши ҳам ижобий ўзгаришлар сари қўйилган катта қадамдир. Яна шунини айтиш лозимки, ўзбек халқи ҳозирги алифболи ёзувдан фойдаланиш билан бирга эски ўзбек ёзувини эгаллашга киришиб, қадимий бой маданий меросни ўрганиш учун катта ишлар қилинмоқда.

18-§. ОРФОЭПИЯ ВА ОРФОГРАФИЯ

Маълумки, нутқимиз оғзаки ҳамда ёзув орқали ифодаланади. Нутқ товушлари воситаси билан ифодаланган оғзаки нутқимиз эшитиш орқали ўзлаштирилса, ҳарфлар воситаси билан ифодаланган ёзма нутқ эса кўриш орқали ўзлаштирилади. Оғзаки нутқ ёзма нутқдан анча фарқ қилади, чунки ҳарфлар ёзувда барча нутқ товушларини тўла ифодалаб беролмайди. Шунинг учун ёзув оғзаки нутқни тўлиқ акс эттира олмайди.

Тарихий тараққиёт жараёнида адабий тилда қабул қилинган умумий талаффуз меъёрларини белгилаб берувчи қоидалар тўплами **орфоэпия** дейилади. Орфоэпия тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у адабий тилда тўғри талаффуз этиш меъёрларини белгилайди, сўз ва унинг шаклларини меъёр ва қоидага мувофиқ талаффуз қилишни талаб қилади.

Ҳар бир тилда бир қанча шева бўлиши мумкин. Ле-

кин орфоэпия талаффуз меъёрларини маҳаллий диалект (шева)ларга хос бўлган айирмалар асосида эмас, балки ҳар бир тилнинг фонетикаси асосида, яъни фонемалар таркиби, уларнинг турли комбинатор ва позициян ўзгариш қонуниятлар асосида белгилаб беради. Масалан, адабий тилда *олма, ноқ, пешана, девор, боряпти* тарзида талаффуз этиладиган сўзлар турли шеваларда *алма, нақ, пешана, девол, давол, борвотти, боропти* тарзида турлича талаффуз қилинади. Орфоэпия шеваларидаги худди ана шундай талаффуздаги фарқларни умумлаштириб, адабий тилга хос бўлган ягона талаффуз меъёрларини белгилаб беради.

Умумий адабий тилни шакллантиришда орфоэпиянинг роли жуда катта бўлиб, орфоэпия радио эшиттириш, сахна нутқи, ўқув юртларида таълим бериш ва нутқ маданиятининг бошқа соҳаларида адабий тилнинг умумий талаффуз меъёрларига риоя қилишни талаб қилади.

Маълум бир тилда сўзларни тўғри ёзиш, сўзнинг негизи ва қўшимчаларини бир хилда ёзиш ҳақидаги қоидалар тўплами **орфография** (имло) дейилади. Орфография оғзаки нутқни ёзув орқали тўғри ифодалаш учун ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ёзув қоидаларининг умумийлигини таъминлайди. Бу эса оғзаки нутқни бир хил имлода ёзишга имконият туғдиради.

Орфография қоидалари ҳар бир тилнинг хусусиятларига қараб, фонетик, морфологик ёки тарихий-анъанавий принципларга асосланиб тузилади.

Фонетик принципга асосланган имло қоидаларининг хусусияти шундаки, сўзлар ва аффикслар оғзаки нутқда қандай талаффуз этилса, ёзувда ҳам шундай акс эттирилади. Туркий тиллардан уйғур тилининг ҳозирги имло қоидаси, асосан, фонетик принципга асосланиб тузилган. Масалан, *мактап* **ماکتەپ**, *китоб* **کتاب**, сўзларига шахс қўшимчалари қўшилганда, аслида *мактапи* **ماکتەپى** *китоби*

کتاپى деб ёзилиши керак эди. Лекин уйғур ёзувининг имло қоидаси фонетик принципга асослангани учун, бу сўзлар қандай талаффуз этилса, худди шундай ёзилади: *мактеви* **ماکتەوى**. Шунингдек, *эпкалди* **ئېكەلدى** сўзиники негиздан — *ол* **ئال** ва *калди* **كەلدى** негизларидан тузилган бўлиб, оғзаки нутқда *эпкалди* тарзида талаффуз этилгани учун худди шундай ёзилади.

Ўзбек тили орфографиясида ҳам фонетик принципдан қисман фойдаланилади. Чунончи, фонетик принципга асосланган қоидалар баъзи бир аффиксларнинг тил орқа қ, ғ, к, г товушлари билан тугаган негизга қўшилишида учрайди. Масалан, *ёқмоқ* сўзининг негизи *-ёқ* бўлиб, бу негизга сифатдош суффикси *-ган* қўшилганда, *ёққан* тарзида талаффуз этилади ва худди шундай ёзилади. Шунингдек, *тоғ + га = тоғқа*, *терақ + га = теракка*, *юрақ + га = юракка*, *ўртоқ + га = ўртоққа* сўзларида келишик қўшимчаларининг *-си*, *-га*, *-ка*, *-қа* тарзида ёзилиши ҳам фонетик принципга асослангандир.

Фонетик принципга асосланган имло қоидалари бошқа тилларда ҳам учрайди. Масалан, рус тилида *з* товуши билан битган префикслар жарангсиз ундош товушлари билан бошланган сўзларга қўшилиб келганда, талаффузда жарангсиз *с* товушига айланади ва ёзувда ҳам шу хилда акс эттирилади. Масалан: *без + платно = бесплатно*, *без + толковый = бестолковый*, *воз + принять = воспринять*, *из + писать = исписать*, *раз + цвести = расцвести* (солиштиринг: *без + вредный = безвредный*, *раз + дать = раздать*).

Морфологик принципга асосланган орфографик қоидаларнинг хусусиятлари шундаки, ёзувда сўзлар, аффикслар, умуман морфемалар жонли сўзлашувдаги талаффузга мувофиқ эмас, балки аслига мувофиқ ёзилади. Ўзбек тилининг орфографик (имло) қоидалари асосан, морфологик принципга асослангандир. Масалан, ўтган замон феълларининг учинчи шахс бирлик қўшимчаси талаффузда жарангсиз товушлардан кейин прогрессив ассимиляция қонунига мувофиқ жарангсиз ҳолда талаффуз этилади, аммо ёзувда ҳар доим бир хил қўшимча (*-ди*) ёзилади:

Оғзаки нутқда:

кетти
ўтти
олипти
ёзипти

Ёзувда:

кетди
ўтди
олибди
ёзибди

Шунингдек, *-да*, *-дан* каби келишик қўшимчалари ҳам морфологик принципга мувофиқ ёзилади:

Оғзаки нутқда:

оттан

Ёзувда:

отдан

боштан
ишта
кўкта

бошдан
ишда
кўкда

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фонетик принципга асосланган имло қоидаларининг ичида морфологик принципга асосланган имло қоидалари, морфологик принципга асосланган имло қоидалари ичида фонетик принципга асосланган қоидалар ҳам бўлиши мумкин. Ўзбек тилида жўналиш келишиги, талаффузидан қатъи назар, доимо -га шаклида ёзилади: *отга, тошга, йўлга, уйга, китобга*; лекин жўналиш келишиги қўшимчаси **қ, к, г, ғ** товушлари билан тугаган отларга қўшилганда -га қўшимчаси -қа ва -ка тарзида айтилади ва шундай ёзилади: *ўртоқ + га = ўртоққа, тоғ + га = тоғқа, юрак + га = юракка, барг + га = баркка*.

Уйғур тилининг орфографик қоидалари, асосан, фонетик принципга асосланган бўлса-да, айрим ҳолларда морфологик принципга ҳам риоя қилади. Масалан, оғзаки нутқда *туқумчулик* деб талаффуз этилади ва *тўқимачилик* тарзида ёзилади.

Рус тилининг орфографик қоидаларида морфологик принцип етакчи роль ўйнайди. Масалан, жонли сўзлашув тилида *часовóй, гарадá, патнiска* тарзида талаффуз этилган сўзлар ёзувда *часовóй* (час сўзидан), *городá* (город сўзидан), *подпискá* (под префикси билан писать сўзидан) тарзида ёзилади.

Тарихий-анъанавий принципга асосланган орфографик қоидалар морфологик принципини ҳам, фонетик принципини ҳам эътиборга олмайди. Бу принципга кўра сўзлар бундан бир неча юз йил бурун бир тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида қабул қилинган орфографик қоидалар асосида қандай ёзилган бўлса, гарчи бу қоидалар ҳозирги замонда шу тилнинг қоида-қонунларига, талаффузига тўғри келмаса ҳам, шундайлигича сақланиб ёзилади. Бундай тилларда ёзув орфографик қоидалар жонли сўзлашув тилидан жуда узоқлашиб кетган бўлади. Ҳозирги замон инглиз ва француз тилларининг ёзуви, имло қоидалари асосан тарихий принципга асосланган бўлиб, бу принцип мазкур тилларда етакчи роль ўйнади. Масалан, инглиз тилида *night* (тун) ёзилса ҳам *night* (найт) деб ўқилади, *knife* (пичоқ) ёзилса ҳам *night* (найф) деб ўқилади; француз тилида *Letableau* (доска) ёзилса ҳам *tabla* (табла) деб ўқилади. *travillei* (ишла-

моқ) ёзилса ҳам, *travaies* (траваней) деб ўқилади. Эски араб графикасига асосланган ўзбек ёзуви ҳам ана шу тарихий принцинга асосланган эди: **خوقند** (хуқнд) шаклида ёзилса ҳам *Хўқанд* деб, **سمرقند** (Смрқнд) шаклида ёзилса ҳам, *Самарқанд* деб, **يکتک** (йктк) шаклида ёзилса ҳам, *яктак* деб ўқиларди.

Тарихий-анъанавий принцип тилнинг ҳозирги замон орфоэпия ва орфография қондаларига тўғри келмайди, бу орфографияда консерватив принципдир, албатта. Тарихий-анъанавий принцип орфографияда етакчи принцип бўлиши мумкин эмас, чунки шу принцип адабий тилни жонли сўзлашув тилидан узоқлаштиради ва уни тушунтиришда катта қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам рус ва ўзбек адабий тилларининг, шунингдек, иттифоқимиздаги бошқа миллий-маданий тилларнинг орфографияларида тарихий-анъанавий принципдан жуда ҳам кам фойдаланилади.

Ўзбек адабий тилининг орфографиясида айрим сўзлар, услубга ёки бошқа талабларга кўра, баъзан эски шакллари мувофиқ ёзилади: *эрди* (эди), *борур* (борар), *қолур* (қолар), каби. Бундай сўзларни эски услубда ёзилган ва тарихий асарларда учратиш мумкин.

Рус тилида тарихий-анъанавий принцип асосида ёзилган сўзларга оғзаки нутқда *карова*, *сабака* тарзида талаффуз этилиб, *корова*, *собака* тарзида ёзиладиган, шунингдек, бирлик сон, родительный падежда келган мужской ёки средний роддаги сифатларнинг ёзилишини (сўзлашув тилида *большово*, *красиво здания* дейилса ҳам, *большого*, *красивого здания* шаклида ёзилади) мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Демак, орфография билан орфоэпия адабий тилни такомиллаштиришда, уни мунтазам бир шаклга солишда муҳим роль ўйнайди. Орфоэпия ва орфография оғзаки ҳамда ёзма нутқни бир-бирига яқинлаштиришда, миллий-адабий тилнинг бирлигини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир.

19-§. ТРАНСКРИПЦИЯ

Илмий мақсадларни назарда тутиб, маълум бир тилнинг барча талаффуз хусусиятларини шартли белгилар билан мумкин қадар аниқ ва тўлароқ ифодалаб бериш учун **транскрипция**¹дан фойдаланилади.

Маълумки, ҳар бир тилнинг алифбосидаги ҳарфлар шу тилнинг асосий нутқ товушларини (фонемаларини) ифодалайди. Аммо нутқда фонемаларнинг турли ўзгаришларини (комбинатор вариантларини) ҳарфлар тўла акс эттиролмайди. Шундай ҳолатларда махсус белгилар, яъни транскрипция белгилари қўлланилади. Транскрипция белгилари ёзув тарихининг тараққиёти натижасида бир тилда қабул қилинган ва қўлланиб келаётган орфографик қоидаларидан катта фарқ қилади. Транскрипция ёзувнинг энг сунъий тури бўлиб, у ўзига хос махсус мақсадлар учун ишлатилади. Чунончи, транскрипция оғзаки нутқ талаффузининг ёзувда акс эттирилмаган товуш хусусиятлари ва ёзув матнларини тўғри ва жуда аниқ ифодалаш учун қўлланилади.

Қадимги ёзувларни тўғри ўқиш, ўрганиш, ўқилиши қийин ва мураккаб бўлган иероглифик ва бўғинли ёзувларни ўрганиш, шу билан бирга, орфография қоидаларида тарихий-анъанавий принцип сақланган тилларни ўрганиш ишларини осонлаштиришда, яъни улардаги сўзларнинг ва қўшимчаларнинг талаффузини тўғри ифодалаб беришда транскрипциянинг роли жуда каттадир. Умуман, транскрипция белгилари билан бир тилдаги асосий товушларнинг (фонемаларнинг) турли вариантларини ёзувда деярли тўлиқ акс эттириш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам бир тилнинг (диалект) шева ларини жуда аниқ ёзиб олишда транскрипция муҳим аҳамиятга эгадир.

Транскрипция белгилари, одатда, жуда кўп тарқалган латин алифбоси ёки бир гуруҳ тиллар оиласида энг кўп тарқалган алифбе асосида тузилади. Жаҳон миқёсида, асосан, латин алифбоси асосида тузилган транскрипция белгилари қўлланилади. Транскрипция белгиларининг сони алифбодаги ҳарфлар сонидан ортиқ бўлади, чунки оғзаки нутқни ёки эски ёзув матнларини аниқ акс эттириш учун бир қанча қўшимча белгилардан фойдаланиш зарур бўлади. Масалан, рус тилида унли товушларнинг

¹ Транскрипция — латинча transcriptio
ган бўлиб, *кўчириб ёзиш* маъносини билдиради.

сўзидан олин-

(фонемаларнинг) вариантларини акс эттириш учун қўшимча **ъ, в, ъ, ъ** белгилари қабул қилинган. Урғу тушмаган унлилар сон ва сифат жиҳатдан анча ўзгаради, сустанлади. Бу ҳолатни транскрипция орқали ёзувда тўғри акс эттириш мумкин. Масалан, *говори́тъ, говори́ят* сўзлари жонли тилда (нутқда) бирмунча ўзгарган ҳолда талаффуз этилади. Транскрипция ана шу талаффузни аниқ акс эттиради: *говори́тъ*—гъв ъ рит; *говори́ят*—гъв ъ рат. Рус тилида ундошларнинг ҳаммаси транскрипцияда қўлланилади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, деярли ҳамма ундош ҳарфлар икки фонемани, яъни қаттиқ ҳамда юмшоқ фонемаларни ифодалайди. Ёзувда қаттиқ ундош фонемалардан кейин **а, о, у, ы, э** унлилар ишлатилса, юмшоқ ундош фонемалардан кейин **и, ё, е, ю, я** ҳарфлари ишлатилади. Транскрипцияда юмшоқ ундош алоҳида белги (') қўйиш билан кўрсатилади, шу белгидан кейин **а, о, у, э** ишлатилади: *бы́тъ*—*быт'*; *би́тъ*—*быт'*. *Масло*—*масль*, *мясо*—*масъ*, *любовь*—*л'убоф* каби.

Ўзбек тилида ҳам унли фонемаларнинг вариантлари

бор:

а) —э —а унлисининг жуда тор ва қисқа варианты: *ана*—*эна*, *ака*—*эка*, *талаба*—*тэлэоэ*;

б) ɵ — у унлисининг урғу тушмаган варианты: *ўтин*—*ўтин*—*ɵтин*, *кўзлар*—*кɵзлар*, *бўлди*—*бɵлдъ*;

в) —э — о унлисининг урғу тушмаган варианты: *бола*—*бэла*, *томдан*—*тэмдан*, *отам*—*этам*;

г) —і — и унлисининг тор ва тез талаффуз этиладиган варианты: *билим*—*білім*, *тилимиз*—*тілімиз*, *зилзила*—*зізіла*;

д) —ъ — и унлисининг ноаниқ талаффуз этиладиган варианты: *олди*—*элдъ*, *имтэхон*, *қўли*—*қўлъ*;

е) — ы — и унлисининг қ, ғ ундошларидан олдин ёки кейин талаффуз этиладиган варианты: *қилиқ*—*қылык*, *қил*—*қыл*, *тўлиқ*—*тўлык* каби.

Ундошлар эса талаффузда қандай бўлса, шундай қўлланаверади: *ўртоқларимиздан*—*ортоқларъмиздан*.

20-§ ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лексикология¹ тилшуносликнинг бир қисми бўлиб, тилнинг луғат таркибини ўрганади. Сўз луғат таркибининг энг аниқ ва энг муҳим қисмидир. Товушлар, ҳар бир тилнинг хусусиятига кўра муайян тарзда бирикиб, сўз ҳосил қилади. Маълум бир тилда сўзловчи жамият аъзолари шу тилнинг сўз бойлиги ва грамматик қоидаларидан фойдаланиб, ўзаро алоқа қиладилар. Лексикология тилнинг энг аниқ бирлиги бўлган сўзни ўрганиш билан бирга, биргина маънони англатадиган, яъни маъно жиҳатидан битта сўзга тўғри келадиган сўз бирикмаларини, фразеологик бирликларни, идиомаларни ҳам ўрганади. Тилда мавжуд бўлган сўзларнинг ҳаммаси луғат таркиби ёки лексика деб юритилади.

Луғат таркиби ҳар бир тилнинг бойлигини акс эттиради. Тил сўзга қанчалик бой бўлса, фикр ва мақсадни шунчалик яхши ва тўлиқ баён этиш, энг нозик ҳис-туйғуларни ифодалаш мумкин.

Тил кишиларнинг турли фаолияти билан бевосита боғланганлиги учун ҳам тилнинг луғат таркиби уалуксиз ўзгариб туради. Жамиятнинг тараққий қилиши, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, фан ва техниканинг ривожланиши билан тилнинг луғат таркиби ҳам янги сўзлар билан бойиб боради. Чунки кишиларнинг муҳим алоқа воситаси бўлган тил янги сўзлар билан бойиб турмаса, жамият тараққиётидаги ўзгаришларни, янги ҳодисаларни акс эттириш вазифасини бажара олмай қолади. Жамиятнинг тарихий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил ижтимоий тузумнинг ўзгаришини, ишлаб чиқаришнинг тараққий топишини, фан, техника ва маданиятнинг ривожланишини ўзида акс эттиради, бунинг натижасида кўплаб янги сўзлар пайдо бўлади. Шу билан бирга, баъзи эскириб қолган сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади. Бу ҳолисани ҳозирги замон ўзбек тили тараққиётида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тили кейинги 40—45 йил давомида фан, техника ва маданият соҳаларига боғлиқ бўлган сўзлар билан жуда бойиб кетди. Масалан: *ракета, атом, ядро, физика, космос, трактор; культиватор, стратегия, структура, футбол, ректор, станок, метеорология, меридиан* каби жуда кўп сўзлар ўзбек

¹ Лексикология — юнонча *lexikas* — сўз, *logos* — таълимот сўзидан ташкил топиб, сўз ҳақидаги таълимот деган маънони билдиради.

тили луғат таркибидан мустаҳкам ўрин олди. Шу билан бирга *мингбоши, амин, юзбоши* каби сўзлар истеъмолдан чиқиб кетди.

Ҳар бир тилнинг луғат таркиби ҳар доим узлуксиз ўзгариб туради. Луғат таркиби, асосан, тилдаги сўз ясаш имкониятларидан фойдаланиб, янги сўзлар яратиш йўли билан, бошқа тиллардан, шу тилнинг шеваларидан янги сўзлар қабул қилиш ва сўзларни кўчма маънода қўллаш орқали бойиб боради.

Луғат таркибини бойитишда ҳар бир тилнинг ўз имкониятларидан тўла фойдаланиб, янги сўзлар ясашнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунончи, ҳар бир тилдаги сўз негизи ва турли сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги-янги маъноларни ифодаловчи сўзлар ясаш тилнинг луғат таркибини бойитишда алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, ўзбек тилида қадимдан бор бўлган **-чи** суффикси (темир-чи, тақа-чи, олув-чи) ёрдамида ҳозир ҳам *ўқувчи, учувчи, ёзувчи, тракторчи, ташвиқотчи* каби кўплаб сўзлар ясалмоқда. Шунингдек, **-дош** қўшимчаси ёрдамида *маслакдош, суҳбатдош, сафдош, синфдош, фикрдош, мусобақадош, ёндош, издош, замондош, мактабдош* каби сўзлар ҳосил бўлди.

Эскириб қолган сўзларни янги маънода қўллаш йўли билан ҳам тилнинг луғат таркиби бойиб туради. Масалан, *домла* сўзи (эски шакли *домулла*) эски мактаб ва мадраса ўқитувчилари ҳамда дин аҳлларига нисбатан қўлланиларди. Ҳозир эса ўқитувчиларга, айниқса, олий ўқув юр்தларининг ўқитувчиларига ҳурмат билан мурожаат қилганда ишлатилади. *Раис* сўзи бурун диний маросим ва урф-одатларга роя қилишни назорат қилувчи амалдор маъносини ифодалаган бўлса, ҳозир (мансаб) хўжалик ташкилотларининг раҳбари маъносини билдиради. Худди шундай *деҳқон, маориф, фармон, қурултой* сингари сўзлар ҳам мазмунан янги маънони ифодаладиган бўлди.

Рус тилида *майор, полковник, генерал, офицер* каби сўзлар олдин подшо, помещчик ва капиталистлар тузумини ҳимоя қилувчи ҳарбий кишиларнинг унвонини билдирар эди. Ватан уруши даврида бу сўзларнинг маъноси янгича тус олиб, меҳваткаш халқнинг тинч меҳнатини ҳимоя қилган ва қилаётган ҳарбий кишиларнинг унвонини ҳам билдирадиган бўлди.

Луғат таркибини бойитишда бошқа тиллардан сўз қабул қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунини алоҳида

таъкидлаб ўтиш керакки, бошқа тиллардан бирорта ҳам сўз кирмаган соф тил дунёда йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки жамият тараққиётида турли тилларда сўзлашувчилар ўзаро муносабатда бўлганлар. Савдо-сотиқ, фан-техника, маданият ва бошқа соҳаларда бўладиган алоқалар бошқа-бошқа тилда сўзловчи халқлар бир-бирининг тилига озми-кўпми таъсир қилади. Шунинг учун ҳар қандай тилнинг лугат таркибида маълум даражада четдан кирган сўзлар бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *мактаб, оила, китоб, ҳол, саноат, санъат, шарқ, назар, назария, баён, таржима, газета, журнал, биология, физика, математика, радио, телефон* каби сўзлар рус тили орқали бошқа тиллардан кириб, ўзлашиб кетган сўзлардир.

Четдан кирган сўзлар маълум даражада шу тилнинг талаффуз меъёрларига, грамматик қоидаларига бўйсунгани, секин-аста шу тилда сўзловчи халқнинг ўз сўзлари бўлиб қолади. Ўзбек тилининг лугат таркибида бошқа тиллардан кирган сўзлар анчагина бўлиб, улар ўзбек тилининг сўз бойлиги ҳисобланади. Четдан кирган, лекин маълум бир тилга сингиб, ўзлашиб қолган сўзларни бошқа халқнинг сўзлари деб ажратиш, уни тилдан чиқариб ташлашга уриниш хато ҳисобланади.

Лекин тилшунослик қонун-қоидаларига эътибор бермаслик ёки бу қонуларни тушунмаслик натижасида тилда ўзлашиб, халқнинг қон-қонига сингиб қолган сўзларни ўринсиз равишда бошқа чет сўзлар билан алмаштириш тилни бойитмайди, аксинча чалкашликларга олиб келади. Четдан кириб, халқнинг сўз мулки бўлиб қолган сўзларни бирмунча тор маънони ифодаловчи чет тиллари сўзлари билан алмаштириш ҳодисаси 90-йилларда ўзбек тилида рўй берди, чунинчи, *газета—рўзнома, журнал—ойнома, мажали, институт—олий илмгоҳ, факультет—қуллиёт, район—ноҳия* ва ҳоказо. *Газета* сўзи италянча бўлиб, рус тили орқали бундан 120 йил бурун кириб келган. Уша даврда ўзбеклар ҳаётида бундай воқелик бўлмаган, шу сабабли газета ўлкампзда пайдо бўлиши билан шу воқеликни ифодаловчи «газета» сўзи қабул қилинган. *Рўзнома* сўзи у даврда бўлмаган. *Газета* сўзи шу қадар ўзлашиб кетганки, ундан янги сўзлар, сўз бирикмалари ҳам пайдо бўлган: *газетачи, газетхон, газетхонлик, газета қоғози, газета мақоласи, газета ходими* каби. *Рўзнома* аслида *кун тартиби (новестка дня)* маъносига ишлатилган. *Рўзнома* сўзидан янги сўзлар ясаш сунъий бўлиб, ўзлашиб қийин

(*рўзномачи, рўзномахон, рўзномахонлик, рўзнома қоғози каби*). Шу хилдаги институт сўзи ҳам лотинча бўлиб, кенг—олий билим юрти маъносидан ташқари *ижтимоий муассаса, иқтисодий муносабат* тушунчаларини ифодалайди: *ижтимоий институт* (социал институт), *халқаро муносабатлар институти, илмий текшириш институти, малака ошириш институти каби*. Баъзан тожикча қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб вақт ёки ўрин маъноларини билдиради: *Шабонгоҳ—оқшом, олийгоҳ* (юқори мартабали жой), *хобгоҳ* (ётоқхона), *даргоҳ, дастгоҳ, олийгоҳ, чоргоҳ* (ашула номи) ва бошқалар. Умуман, четдан қирган сўзлар қулай, ҳар бир тилга, шу жумладан, ўзбек тилига мослашган, ихчам бўлиши шарт, чунончи, *институт, газета каби*.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, эскириб, кераксиз бўлиб қолган сўзлар аста-секин луғат таркибидан чиқиб кетади. Лекин бундай сўзлар бутунлай йўқолиб кетмайди. Жамият тарихининг маълум бир даврида фаол бўлган баъзи сўзлар камроқ истеъмол этила бошлангандан кейин нофаол сўзлар қаторига киради. Даврлар ўтиши билан, бу сўзларга зарурият қолмаганлиги туфайли улар луғат таркибидан бутунлай чиқиб кетиши мумкин. Бироқ бундай сўзлар ҳар бир тилнинг луғат фондида сақланади. Шу билан бирга, баъзи эскириб қолган, истеъмолдан чиқа бошлаган сўзлар давр талаби билан яна истеъмолга киритилиб, фаол сўзлар қаторига ўтиши мумкин. Масалан, *фармон, вазирлик, қурултой, полковник, генерал, офицер, майор, погон, домла, тиббиёт, муаллим каби* сўзлар ана шундай сўзлардир.

21-§. ФАОЛ ВА НОФАОЛ ЛЕКСИКА

Ҳар бир тилнинг луғат таркибида фаол ва нофаол сўзлар учрайди. Фаол сўзларга кундалик аҳтиёж натижасида халқ ҳар доим ишлатадиган энг зарур сўзлар киради. Нофаол сўзлар қаторига эса кам истеъмол қилинадиган сўзлар киради. Шу билан бирга, сўзларнинг фаол ва нофаоллиги жамиятдаги турли гуруҳларга, турли касб ва турли соҳа эгаларига боғлиқ бўлади. Масалан, тиббиёт ходимларининг кундалик иш фаолиятида *дори, термометр, операция, даволамоқ, касал, укол, рецепт, поликлиника каби* тиббиёт соҳасига доир сўзлар жуда кўп учрайди. Шу сабабдан бу сўзлар, терминлар тиббиёт

ходимлари учун фаол сўзлардир. Худди шунинг сингари — муаллимлар, олимлар, ишчилар, деҳқонлар, артистлар, рассомлар ва ҳунармандларнинг ҳам кундалик ишида ҳар доим ишлатиладиган, тез-тез учраб турадиган фаол сўзлари бўлади. Бундан ташқари, турли соҳада ишловчиларнинг кундалик иш фаолиятида ҳар доим ишлатиладиган умумхалқ фаол сўзлари ҳам бўлади. Масалан: *емоқ, ичмоқ, нон, чой, ош, ишламоқ, дам олмоқ, сув, юрмоқ, турмоқ, гўшт, ёғ, гуруч, китоб, бермоқ, олмоқ* каби сўзлар шу тилда сўзловчи жамият аъзоларининг барчаси ишлатадиган фаол сўзлардир.

Нофаол сўзларнинг сонин фаол сўзлар сонидан кўп бўлса ҳам, кишиларнинг бир-бирлари билан бўладиган кундалик ўзаро муносабатларида бундай сўзлар жуда кам ишлатилади. Нофаол сўзлар бошқа соҳа кишилари билан уларнинг ўша соҳадаги фаолияти ҳақида сўзлашганда ёки бирор илмий-адабий асарни ўқиганда учрайди. Нофаол сўзларнинг ҳаммасини эсда тутиш қийин, баъзи нофаол сўзлар маъносини бутунлай унутиб юбориш мумкин. Ҳатто, баъзи бир фаол сўзларнинг маъноси тезда ёдингизга тушмайди. Шу сабабли ҳар бир тилнинг изоҳли луғати тузилади. Бундай луғатлар тилдаги ҳар бир сўзнинг қандай маънолари бор, қайси сўзлар билан бирикиб сўз бирикмаларини ясаш мумкин, умуман, сўз ҳақида керакли тушунчаларни беради. Айрим ҳолларда сўзларнинг маъноси жумла таркибида, контекстда тушунарли бўлади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, бир соҳа кишилари, масалан, физикларнинг фаол сўзлари маълум бир соҳа кишилари учун, масалан, тил ва адабиётшунослар учун нофаол сўз бўлади. Бундай ҳолларда баъзи бир нофаол сўзларни умуман тушунмаслиги мумкин. Айрим соҳа терминларини изоҳлаб берувчи терминологик луғатлар ҳам бор.

Тилнинг луғат таркибини фаол ва нофаол сўзларга ажратиш мактабларда, олий ўқув юртларида тил ўқитиш, ўргатиш, айниқса чет тилини ўрганиш ишларида катта ёрдам беради.


22-§. СЕМАСИОЛОГИЯ

Семасиология¹ тилшуносликнинг асосий қисмларидан

¹ Семасиология — юнунча *semasio* белги, маъно, *logos* — тушунча, таълимот сўзларидан таркиб топиб, маъно ҳақидага тушунчани билдиради.

бири бўлиб, сўз ва ибораларнинг маъноларини ҳамда маънодаги ўзгаришларни ўрганади.

Тил тарихи, тил далиллари шуни кўрсатадики, сўз маънолари муайян, аниқ маънодан умумлашган, мавҳумлашган маънога қараб ўзгаради. Чунончи, дастлаб *тўғри* сўзининг асл маъноси муайян бир тушунчани ифодалаб, бирор предметнинг, масалан, ёғочнинг эгри-бугри бўлмаган, қайрилмаган, тик ва текис эканлигини билдирган. Кейинчалик *тўғри* сўзи мавҳумлашиб, *ҳақиқий, чин, рост* каби маъноларни ҳам ифодалайдиган бўлади.

Хитой тилида  (Шоу цзой) сўзи қадимда

қўл ва *оёқ* деган тушунчани билдирган, эндиликда эса бу сўзнинг маъноси кенгайиб, *дўстлик, биродарлик, қардошлик* маъноларни билдирадиган бўлган.

Рус тилида *узы* сўзи дастлаб *занжир, ришта* деган маъноларни билдирган, ҳозир эса бу сўз умумийлашиб, *бирлашиш, муносабат, алоқа* каби маъноларни ифодалайди. Масалан: *узы дружбы и взаимопомощи — дўстлик, ҳамкорлик алоқаси, семейные узы — оила муносабати*.

Сўзларнинг аниқ маънодан мавҳум, умумий маънога ўтиши, умуман, сўз маъноларининг тараққий этиш, ўзгариш жараёни хилма-хил ва мураккабдир. Сўз маъноларининг кенгайиш, торайиш жараёни узоқ даврнинг маҳсулидир. Баъзи сўзларнинг мавҳум, умумий маъноси аниқ маъносидан жуда ҳам узоқлашиб кетиши, анча кенгайиши мумкин. Масалан, дастлаб *йўл* сўзи одам ва ҳайвонлар қатнаш жойини, йўлини билдирган бўлса, ҳозир унинг маъноси кенгайиб, *демократик йўл, дипломатик йўл, халқ хўжалигини ривожлантириш йўли, ҳаво йўли, ватан йўлида ўзини фидо қилмоқ* каби турли маъноларда қўлланадиган бўлади. Шунингдек, *бош* сўзи одам ва ҳайвонларнинг муҳим бир тана аъзосини билдирган бўлса, ҳозир асосий маъносидан узоқлашиб, *сув боши* (сув бошланадиан жой), *иш боши* (иш бошида, тепасида турувчи), *бош мақола* (асосий мақола), *бош йўл* (асосий йўл), *бош вазифа* (энг муҳим вазифа), *бош бола* (биринчи бола) каби бошқача маъноларни ифодалайди. *Очиқ* сўзи илгари эшик, дераза ва шунга ўхшаш нарсаларнинг очилганлигини билдирган




бўлса, ҳозир бу сўзнинг ҳам маъноси кенгайиб, *ҳаво очиқ, очиқ масала, очиқ дарс, очиқ суд, очиқ юз, очиқ йигит, очиқ имзо* каби бир қанча маъноларда қўлланади. Аксинча, тарихий тараққиёт жараёнида баъзи сўзларнинг маъноси борган сари торайиб, аниқ бир маънони, тушунчани билдирадиган сўз ҳолига келиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, рус тилида *пиво* сўзи аслида *пить* (ичмоқ) сўзидан ясалган бўлиб, илгари умуман ичимликни билдирган. Ҳозир эса бу сўз ичимликнинг маълум турини билдиради; *порох* сўзи ҳам илгари ҳар қандай сочиладиган кукунни билдирган бўлса, ҳозир фақат портловчи моддани, яъни ўқ дорисини билдиради. Ўзбек тилидаги *қамамоқ* феъли илгари умуман *ёпмоқ, бекитмоқ* маъноларида қўлланилган бўлса, энди маъноси торайиб, жиноятчиларни *турмага солиш, ҳибс қилиш* маъносида қўлланилади. Баъзан ҳозир ҳам *қамамоқ* сўзи *бекитмоқ, ёпмоқ* маъносида ишлатилади (*эчкиларни молхонага қамаб қўй*).

Айрим сўзларнинг маъноси баъзан бошланғич маъносидан анча узоқлашиб кетади. Масалан, *қишлоқ* сўзи *қиш* сўзидан ясалган бўлиб, олдин қиш келгач истиқомат қиладиган, қишлайдиган жойни билдирган бўлса, эндиликда эса бу сўз деҳқончилик билан шуғулладиган кишиларнинг ҳам қишида, ҳам ёзда турадиган, истиқомат қиладиган жойини билдиради. Шунингдек, *қарандаш* сўзи аслида *қора тош* (туркча *қора дош*) сўзидан ҳосил бўлган. Қадимда ёзув қуроли сифатида қора тошга ўхшаган моддадан фойдаланилган. Эндиликда эса рус тилидан қабул қилинган бу икки сўз ўртасига н товуши орттирилиб умуман ёзув қуролини, фақат қора рангдаги ёзув қуролини эмас, балки *кўк, қизил, сариқ* каби ҳар хил рангли қаламларни ҳам билдиради.

Хуллас, тил ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият тарихи билан ва шу тилни яратувчи халқ тарихи билан мустаҳкам боғлангандир. Шунинг учун ҳам тарихий ўзгаришлар, аввало, сўз маъноларига, сўз маъноларининг ўзгаришига таъсир қилади. Семасиология эса лексикология билан яқин муносабатда бўлиб, сўз ва ибораларнинг маъноларини аниқлаш, сўз маъноларининг тарихий тараққиёт жараёнида ўзгаришини, кенгайишини, бир маънодан иккинчи маънога кўчишини ўрганади.

23-§. СЎЗ ВА УНИНГ МАЪНОСИ

Сўз семантик жиҳатдан предмет, ҳодиса, ҳаракат, иш, белги ва шу кабиларнинг номини билдирадиган, грамматик жиҳатдан шаклланган, бир тилда сўзловчи кишилар жамоаси учун бир хилда тушуниладиган нутқ бирлигидир. Сўзнинг семантикаси, нарсалар, ҳодисалар, ҳаракатлар билан бевосита боғланмай, балки меҳнат жараёнида, ҳаётний тажрибалар натижасида борлиқнинг киши онгида акс этиши орқали вужудга келади. Киши борлиқни билиши, уни ўз онгида акс эттириши натижасида предметлар, ҳодисалар, ҳаракатлар ҳақида маълум тушунчага эга бўлади. Шу билан бирга, бу тушунчалар ҳар бир тилда нутқ товушларининг муайян бирикмалари орқали реаллашади, предмет, ҳодиса, ҳаракат кабиларнинг номини билдирувчи товуш ва товушлар бирикмаси сўз ҳолига келади. Сўз предмет, ҳодиса, ҳаракат кабилар билан ўзаро табиий ҳолда боғланган эмас. Агар шундай боғланиш содир бўлганда эди, унда бир предметнинг турли тиллардаги номлари бир хил бўлар эди. Ваҳоланки, амалда бир предмет ёки ҳодисанинг номи турли тилларда турли товуш бирикмаларидан ясалган сўзлар билан ифодаланади. Масалан, бир қушнинг номи ўзбек тилида *чумчуқ*, ҳинд-

чада  (гаурайа), хитойчада  

(мяцяо), русча *воробей*, французча *moncan* (муано), инглизча *sparrow* (спарроу), немисча *spatz* (шпац) деб аталади.

Маълум бир тушунча номини билдирувчи белгини шу тушунчага асосиз берилган деб қараш ҳам хатодир. XIX асрда яшаган немис материалист файласуфи Л. Фейербах: «Ном нимадир? Фарқ қилиш учун аломат, кўзга ташланадиган бир белгидирки, мен предметни бутун ҳолда эсда қолдириш учун унинг характерлайдиган белгисини вақил қилиб оламан» — деб ёзган.

Шундай қилиб, предмет ёки ҳодисанинг кўзга ташланадиган муҳим хусусияти, белгиси шу предмет ёки ҳодиса тўғрисида киши онгида маълум тасаввур ва тушунча қолдирадигани, улар тил орқали ифодаланиб, товуш бирикмалари воситасида сўз шаклини олади.

Бирор сўзга асос бўлган белги ёки хусусият вақт ўтиши билан тарихий тараққиёт жараёнида унутилиб

ветиши мумкин. Шу билан бирга, номнинг предметга хос бирор белгиси билан бўлган муносабати ҳам унутилиши мумкин. Масалан, рус тилидаги *подснежник* (бойчечак) сўзининг ҳосил бўлишида шу номни билдирадиган предметнинг муҳим бир белгиси, яъни баҳор келиб, қорлар эрий бошлаши билан бу ўсимликнинг қор остидан чиқиб оқ гуллаши назарга олинган. Шунинг учун ҳам унга шу ном берилган. Бу гулнинг номи ўзбекчага сўзма-сўз таржима қилинганда, «қор остидан ўсиб чиққан гул» дейиш мумкин. Ўзбеклар эса бу гулнинг баҳор фасли келганлигидан, деҳқончилик ишларини бошлаб юбориш кераклигидан дарак берадиган белгисини назарда тутиб, уни *бойчечак* деб атаганлар. Бу гул қанча эрта очилса, деҳқончилик ишлари шунча эрта бошланади. Маълумки, деҳқончилик ишлари қанча эрта бошланса, шунчалик кўп мўл ҳосил олинади. Уйғурлар эса бу гулнинг ошпоқ бўлиб очилишини назарда тутиб, уни *оқчечак* деб аташади.

Кишилар ўз атрофидаги табиат-ҳодиса воқеаларини сезиш, тушунини орқали билиб оладилар. Фикр қилиш натижасида ҳосил бўлган ҳиссийётлар тасаввур ёки тушунча шаклида умумлаштирилади. Тасаввур ёки тушунча ўзида акс эттирилган белгиларнинг энг муҳимларини ўз ичига олади. Кишилар предмет ёки ҳодисаларни ҳар доим бевосита сезмасдан, ҳис қилмасдан, ушлаб кўрмасдан, балки умуман кўз олдида келтириш, тасаввур қилиш орқали билишлари мумкин. Масалан, *тоғ, денгиз, ўрмон* деган номларни айтганимизда ҳар доим ҳам денгиз, тоғ, ўрмонни кўришимиз, сезишимиз шарт эмас. Уларни ҳар доим сезиб, кўриб туриш мумкин ҳам эмас. Агар биз бир нарсани кўрган, сезган, тушунган, билган бўлсак, у қаерда бўлмасин, уни тафаккуримиз орқали кўз олдимизга келтиришимиз, тасаввур этишимиз, тушунишимиз мумкин. Агар предмет ҳақида ҳеч қандай тушунча бўлмаса, яъни киши шу предметнинг белгиларини, хусусиятларини кўрмаган, билмаган бўлса, бу нарса ҳақида ҳеч қандай тушунча ҳосил қилолмаслиги, билмаслиги мумкин ёки сохта тушунча ҳосил қилиш мумкин. Мамлакатимизнинг ҳукумат раҳбарлари 1955 йилда Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида бўлган чоғида шу шаҳарларнинг мактаб ўқувчиларидан бири улардан қор бериб юборишларини илтимос қилган. Бомбей иссиқ, тропик минтақада бўлганлиги учун у ерда қиш бўлмайди, шунинг учун бу ерда яшовчи ўқувчи қорни кўрмаган,

унинг хусусиятларини билмаган. Натижада табиатдаги қорнинг гўзаллигини, табиий ҳолатини шимолий ўлкалардан Бомбейга олиб келиш мумкин эмаслигини тушунмаган¹.

Сўзнинг умумлаштирувчи роли унинг моҳиятини билишда катта аҳамиятга эга. Ҳар қандай маъно сўз, тушунчани умумлаштиради, реалликни кўрсатади.

Аниқ бир белгини назарда тутиб, бир предмет ёки ҳодисага берилган ном орқали шу акс эттирилган предмет ёки ҳодиса тўғрисидаги тушунчамиз кенгайди. Бошқа биргина предмет ёки ҳодисани билдирган ном шу хилдаги ҳамма предмет ёки ҳодисаларнинг умумлашган номини ифодалайди. Масалан, *олма* сўзининг маъносини тушуниш учун, аввало, шу сўз орқали билдирилган предметнинг ўзини билишимиз, уни қўлга олиб кўришимиз, ҳатто уни еб, мазасини ҳам тотиб кўришимиз керак. Шундан кейингина бизнинг *олма* тўғрисидаги тушунчамиз кенгайиб, ўз кўзимиз билан кўрган, еган биргина олма ҳақида эмас, балки турли шаклдаги, рангдаги ва мазаси ўхшаш хилма-хил *олмалар* тўғрисида умумий тушунча ҳосил қиламиз.

Предметнинг номини билдирувчи товуш бирикмаси билан тушунча ўртасида ўзаро муносабат бўлиши керак. Агар бундай муносабат бўлмаса, кишилар бир-бирларини тушуна олмас эдилар. Бу фикрни шундай мисол орқали янада равшанроқ англаш мумкин: агар биз сув сўрасак, аммо бизга сув ўрнига тош беришса, бу товуш бирикмаси билан тушунча ўртасида ўзаро муносабатнинг йўқлигини, тингловчи сўзловчининг фикрига тушунмаганини кўрсатади.

Товуш бирикмаси билан тушунча ўртасида ўзаро муносабат борлиги туфайли товуш бирикмаси орқали бир тушунчани билдирган сўзни сўзловчи билан тингловчининг бир хилда тушуниши сўзнинг лексик маъноси бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, кўпинча номлар предметнинг белгиларига қараб берилади. Лекин бир предметга ном беришга асос бўлган белги иккинчи бир

¹ Ҳозирги даврда фан ва техниканинг пиҳоятда тараққий этганини натижасида қорни эритмасдан истаган ерга олиб бориш имконияти бор. Аммо бу билан табиий ҳолдаги қор ҳақида таассурот ҳосил бўлмайди, чунки қорнинг ўзига хослиги, гўзаллиги, унинг ҳамма жойини опшоқ қилиб қошлаб олиши ва бошқа хусусиятларини билиб бўлмайди.

предметда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ўсимликларнинг ер тагидаги қисми томир, плдиз дейилади. Томир ўсимликларнинг муҳим қисми бўлиб, уларнинг ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Ўсимлик томирининг ҳар тарафга тарқалишини назарда тутиб, одамнинг тапасидаги қон йўллари ҳам томир деб аталади. Шунингдек, одамнинг энг муҳим аъзоларидан оёқ, кўз, оғиз, қулоқ ва бурун кабиларга шаклан бирмунча ўхшаган предметлар ҳам худди шундай номлар билан аталади. Масалан, *тахтанинг кўзи, стулнинг оёғи, чойнакнинг қулоғи, шашанинг оғзи* кабилар. Бунинг натижасида тилда шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар ҳам пайдо бўлади. *Кўк* (ранг), *кўк* (ўт — ўсимлик), *кўк* (осмон), *кўк* (мотам кийими) каби.

Сўз маъноларининг ривожланиш қонунларини текшириш, сўзларнинг омонимлик, синонимлик, паронимлик, антонимлик ва кўп маънолилиг хусусиятларини ўрганиш тилнинг лугат бойлигини аниқлашга, турли лугатлар тузиш ишларига катта ёрдам беради.

Ҳар қандай сўзнинг лексик маъноси гап таркибидан, контекстан ташқарида якка ўзи олинса, аниқ англашилади. Лекин ҳар бир сўз гап таркибидан асосий лексик маъносидан ташқари, яна бошқа маъноларни ҳам билдириши мумкин. Масалан, *кун* сўзи сутканинг тонг ёришгандан қоронғи тушгунча бўлган муайян бир қисмини (вақтини) билдиради: *Кун ўтди-ю, иш битди*. Лекин бу сўз гап ичида ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари бошқа маъноларда ҳам ишлатилади: 1. *Угай ота... етимга кун бермади (Ойбек)*. Бу гапда *кун* сўзи яшаш, тинч ҳаёт кечириш маъносида ишлатилган. 2. *Эртага кун очиқ бўлиши мумкин*. Бу ерда *кун* сўзи ҳаво (ҳаво очиқ) маъносида келган. 3. *Кун ёнапти* — жуда ҳам иссиқ маъносда.

Шундай қилиб, тарихий тараққиёт жараёнида тилдаги анчагина сўзлар, ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари кўчма маъноларга ҳам эга бўлади. Сўзларнинг кўп маънолилиги полисемантизм¹, биргина маънони англатиши моносемантизм² деб юритилади.

¹ Полисемантизм — юнонча *poli* — *кўп*, *semia* — *белги*, маъно сўзларидан тузилган.

² Моносемантизм — юнонча *monas* *бир*, *semia* — *белги*, маъно сўзларидан тузилган.

24-§. СЌЗЛАРИНИНГ КЌИ МАЪНОЛИЛИГИ

Ҳар бир тилда сўзлар асосий маъносидан ташқари, кўчма маъноларда ҳам қўлланилади. Сўзнинг кўчма маънолари унинг асосий маъносидан келиб чиқади.

Предмет белгиларининг, хусусиятларининг ўхшашлиги бир-бирига тўғри келиши, бир предмет номининг иккинчи предмет ёки ҳодисага кўчирилиши натижасида сўзнинг кўчма маънолари ҳосил бўлади. Шунингдек, предмет белгилари ва хусусиятларининг қисман ўхшашлиги натижасида ҳам сўзлар кўчма маънода ишлатилади.

Предмет ва ҳодисалар ёки уларнинг белгилари ва хусусиятлари ўртасидаги қисман ўхшашлик асосида бир предмет ёки ҳодисанинг номини ифодалаб келган сўзнинг иккинчи бир предмет ёки ҳодисани ифодалаш учун қўлланиши **метафора**¹ деб аталади.

Предмет, ҳодиса ва ҳаракат номининг иккинчи предмет ёки ҳодисага кўчиши шу нарсаларнинг ташқи ўхшашлиги, яъни ранги, шакли, муҳим белгилари асосида юз беради. Масалан, *оғиз* сўзи одам аъзосининг муҳим бир қисмини ифодалайди. Лекин бу сўз ифодалаган предметнинг ташқи ўхшашлигини назарда тутиб, бошқа предметларнинг номларини ҳам ифодалайдиган бўлган: *ўранинг оғзи, гандирнинг оғзи, қорнинг оғзи, шешанинг оғзи, қопнинг оғзи каби*. Шунингдек, *ўткир* сўзи бирор предметнинг тез кесадиган, ўткирлик хусусиятини, белгисини билдиради. *ўткир пичоқ, ўткир болта, ўткир арра* каби. Бу сўз ифодалаган ана шу белги асосида *ақли ўткир, кўзи ўткир, сўзи ўткир* каби турли кўчма маънолар ҳосил бўлган. Бу сўз биринчи бирикмада «ҳар нарсани тез фаҳмлайдиган», иккинчисида «кўзи яхши кўрадиган», учинчисида «сўзи таъсирчан» маъноларини ифодалайди.

Шунга ўхшаш *қора қалам, қора юрак, қора шият, қора кўйгил, қора куч, қора иш, қора кун* бирикмаларида ҳам *қора* сўзи фақат биринчи бирикмадагина ўзнинг тўғри маъносида, қолган бирикмаларда эса кўчма маънода қўлланилади.

Сўзларининг қайси маънода қўлланигани фақат контекстда² аниқланади. Сўзлар алоҳида, яқка ҳолда олин-

¹ Метафора — *metaphora* юпунча *кўчириши* маъносида билдиради.

² Контекст — латинча *contextus* сўзидан олинган бўлиб, қаттиқ боғлиқ бирикма, маъно жиҳатидан оғзаки ёки ёзма вутқининг тугал парчаси, бўлагидир.

ганда, унинг асосий, тўғри маъносинигина англаш мумкин. Чунончи, *очилди* сўзи яққа ҳолда, эшик ва шунга ўхшаган нарсаларнинг очилишини билдиради. Лекин гапда бу сўзнинг қандай кўчма маъноларда қўлланишини контекстдан билиб олиш мумкин. Масалан: *сир очилди* (сир фош бўлди), *ҳаво очилди* (булутлар тарқалди), *кўرғазма очилди* (кўрғазмани ҳамма кишиларнинг кўришига рухсат берилди), *кўзи очилди* (кўрадиган ёки тушунадиган бўлди), *гул очилди* (гуллади) кабилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўп маъноли сўзларда уларнинг кўчма маънолари бир-бирлари билан умумий бир белги туфайли боғланган бўлади. Масалан, *оёқ* сўзининг умумий белгиси бирор предметнинг охириги, пастки қисмини билдиришдан иборатдир. Бу белги орқали *оёқ* сўзининг кўчма маънолари ўзаро боғлангандир: *Ишингиз бошдан-оёқ яхши* (Ишингиз бошдан-охиригача яхши) *Ҳовлининг оёғида тўрт туп олма бор* (ҳовлининг охирида, пастида). *Бригада сувга оёқ ерда жойлашган* (сувнинг кетида, охирида).

Кўп маъноли сўзларни гапда тўғри ва ўринли ишлата билиш нутқимизни мазмунли, таъсирли қилишга жуда катта ёрдам беради. Масалан: *Сиддиқжон—қарол бола, бу—ўзига тўқ бир одамнинг қизи, икки орани ажратиб гурган шундай зўр тўғни бир зумда талқон қилиб ташлайдиган «алланима бало» бир куч бор эканини ким билбди! (А. Қаҳҳор)*. Бу мисолда *тўқ* сўзи — бой маъносида, *тоғ* сўзи тўсиқ маъносида, *талқон* сўзи майда-майда маъносида ишлатилган. Ёки хурсанд бўлганлик кайфияти: *Дўстимнинг менга қилган ёрдамларидан бошим осмонга етди*, деб ифодаланса, айтмоқчи бўлган фикримиз анча таъсирли чиқади.

Бир предметнинг номи бажарадиган вазифасига кўра янгидан пайдо бўлган предметга кўчиши мумкин. Масалан: *ўқ* сўзи дастлаб камон (ёй) билан отиладиган учи ўткир предмет номини билдирган. Кейинчалик жамиятнинг тараққиёт жараёнида милтиқ, замбарак, тўп, мпна каби қурол турлари пайдо бўлгандан кейин, *ўқ* номи бажарадиган вазифасига кўра ана шу қуроллардан — отиладиган предметларга ўтади. Лекин камон ўқи билан ҳозирги замон ҳарбий қуролларидан отиладиган ўқларнинг бажарадиган вазифасидан бошқа ҳеч қандай ўхшашлиги йўқлигини яққол кўрамаиз.

Сўз маъноларининг бу хилда бажарадиган вазифасига кўра кўчиши, худди метафора сингари ўхшашликка

асосланадиган ҳодисадир. Бироқ метафора предметнинг ташқи кўринишини, чунончи, ранги, шакли ва бошқа белгисини назарда тутлади. Сўз маъносининг бажарадиган вазифасига қараб кўчишида эса, предметнинг бирор вазифасини бажариб келиши кўзда тутилади.

Сўз маънолари кўчишининг яна бир кўриниши метонимиядир¹. Бирор предмет, тушунча ёки ҳодиса номининг бошқа ном билан алмаштирилиши метонимия деб аталади. Метонимия йўли билан ном алмаштиришда предмет ёки ҳодисанинг ички ва ташқи белгилари орасидаги ўхшашлик эмас, балки икки тушунчанинг ўзаро боғланиши, бир-бирига яқинлиги асос бўлади. Масалан: *қоғоз* сўзининг асл маъноси ёзиш учун фойдаланиладиган материалдир. Ана шу материалга мақсадга мувофиқ керакли талаблар, истаklar, буйруқлар ёзилиши назарда тутилиб, *қоғоз* сўзи *хужжат*, *ёрлиқ* маъноларида ҳам ишлатилади: *Қоғозингизни кўрсатинг* (*хужжатингизни кўрсатинг* маъносида), *мақтов қоғози* («мақтов ёрлиги» маънода). Шунингдек, *стол* сўзи овқатланиш ва ёзиш учун фойдаланиладиган уй жиҳозлари турининг номидир. Лекин столнинг идора ишларидаги асосий хизмати кўзда тутилиб, баъзи бир маъмурий идоралар шу ном билан аталади: *паспорт столи*, *маълумот столи*, *буюртма столи* кабилар. Шунингдек, *ўчоқдан бошим чиқмайди* (уй-рўзгор ишларидан, овқат пиширишдан, идиш-товоқ ювишдан бўшамайман маъносида). *Яккатутдан меҳмон келди* (Яккатут қишлоғидан...). *Муқимийдан парчалар ўқидик* (Муқимий асарларидан парчалар ўқидик). *Ўн йилликни битирдим* (ўн йиллик мактабни битирдим) кабилар ҳам предмет ёки ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши туфайли икки предмет орасида реал алоқа борлигидан, бирининг номини айтганда иккинчисини назарда тутиш, англаш, тасаввур қилиш имконияти бўлади. Бу ҳодиса кўпинча сўз бирикмалари билан фойдаланган предмет ва ҳодисаларнинг номларида учрайди. Бундай предмет номларини фодолаловчи бирикмалардан айрим сўзлар туширилиб қолдирилса ҳам, бу бирикмадаги сўзлар ўзаро боғланганлиги туфайли, тушириб қолдирилган сўзларни англаб олиш, тасаввур қилиш қийин эмас. Масалан: *Иван Петрович ... «Қўшчипор»га шу ҳафта ичида боришини билдирди* (А. Қаҳҳор) гапида «Қўшчипор»га сўзи «Қўш-

¹ Метонимия—юнонча *metonymia* сўзидан олинган бўлиб, *кайтадан ном бериш* демәкдир.

чипор» жамоа хўжалигига деган тушунчани англатади. Демак, бу бирикмада *жамоа хўжалиги* сўзи тушиб қолган бўлса ҳам, уни англаб олиш қийин эмас.

Синекдоха¹ ҳам метонимиянинг бир тури бўлиб, бу йўл билан сўз маъносининг кўчишида предметнинг айрим қисми номини айтиш билан, бутун бир предмет назарда тутилади ва, аксинча, бутун бир предметнинг номини айтиш билан унинг қисми кўзда тутилади. Масалан, *мол* сўзининг ўрнига унинг қисми *туёқ* дейиш билан молнинг ўзи тушунила беради: *Николай замонида останам туёқ кўрмаган (Ойбек)*. Шу хилда *мўйлов*, *бурун*, *калла* каби киши тана аъзоларининг номлари билан маълум бир одамни кўзда тутиш мумкин: *Мўйловни чақуриб юбор. Бурун қаерда кетди? Хой калла, менга қара!*

Сўз маъноларининг кенгайиши ёки торайиши ҳам синекдохага киради. Масалан: *ош* сўзи кенг маънода умуман иссиқ овқатни билдиради, шу билан бирга, бу сўз *тор* маънода ишлатилганда, иссиқ овқатнинг биргина турини — *паловни* англатади. Ёки *мол* сўзи *тор* маънода уй ҳайвонларини билдирса, кенг маънода мулкни англатади.

Маънонинг торайиши ёки кенгайиши четдан кирган сўзларда ҳам яққол кўринади. Масалан: *шофер* сўзи (француз тилида *chauffeur*) дастлаб *ўт ёқувчи* (кочегар) маъносида ишлатилган. Бу сўз рус тилига, рус тилидан эса ўзбек тилига ўтиб, *тор* маънода автомашина ҳайдовчи шахсни билдирадиган бўлган. *Паспорт* сўзи аслида итальян тилидаги *Passaporto* сўзидан олинган бўлиб, «портга кириш учун ёзма рухсат» деган тушунчани билдирган. Этимологияда бу сўзнинг маъноси кенгайиб, умуман кишиларнинг расмий ҳужжати ёки бирор машина, асбоб-ускуна ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳужжатини билдиради.

25-§. ОМОНИМЛАР

Тилда товуш таркиби бир хилда бўлган, ammo маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлмаган, бошқа-бошқа маъноларни ифодалайдиган сўзлар ҳам учрайди. Масалан: *ўт* сўзи — 1) ерда ўсадиган гиёҳни; 2) оловни; 3) феълнинг бирлик сондаги II шахс буйруқ шаклини; 4) одам ва ҳайвон танасининг бир аъзосини билди-

¹ Синекдоха — юнонча *synekdoshe* сўзидан олинган бўлиб, *бирга* маъносини билдиради.

ради. Талаффузи ва ёзилиши бир хил бўлган, лекин бошқа-бошқа маънони билдирган сўзлар омоним¹ сўзлар деб аталади.

Бир сўзнинг товушлар таркиби ва тартиби бутунлай бошқа бир маънодаги сўзнинг товуш таркиби ва тартибига ўхшаши, яъни уларнинг айтилиш ва ёзилиш жиҳатидан бир хил бўлиши тасодифий бир ҳодисадир. Масалан, От: 1) ҳайвоннинг бир тури; 2) ном, исм; 3) феълнинг буйруқ шакли. Қўй: 1) уй ҳайвони; 2) феълнинг буйруқ шакли. Чанг: 1) тўфон; 2) музика асбобининг бир тури кабилар. Шунингдек, рус тилида мир: 1) дунё; 2) тинчлик. Коса: 1) чалғи—ўроқ; 2) соч ўрими каби. Бундай сўзларда товуш таркиби ва тартиби ўхшашлигидан бошқа ҳеч қандай ўзаро муносабат йўқ.

Омоним сўзлар ҳар бир тилда учрайди. Омоним сўзларнинг тилда кўп бўлиши алоқа қилиш учун, одатда қийинчилик туғдирмайди. Фақат контекстда омоним сўзларнинг маъноси яққол ажралиб туради. Масалан, «Қуришиб қўйилган ўтга ўт кетмасин» деганимизда ҳар иккала «ўт» нинг маъносини ажратиб олиш қийин эмас.

Баъзи тилларда талаффузи бир хил омонимларнинг маъноси шу сўзларнинг ёзилишига қараб ҳамма контекстда фарқланади. Масалан, рус тилидаги *пруд* (ҳовуз, сунъий кўлча), *прут* (чивиқ, хивчин, новда), *плод* (мева), *плот* (*сол*) каби. Бу сўзларнинг талаффузи бир хил бўлса ҳам, ёзилишида фарқ бор.

Шу билан бирга, ёзилиши бир хил бўлиб, талаффузида фарқ қиладиган омоним сўзлар ҳам бор. Масалан, рус тилида *мука* сўзи урғунинг ўрнига кўра бошқа-бошқа маънони билдиради. Урғу биринчи бўғинда бўлса, (*му́ка*) — *азоб*, урғу охириги бўғинга тушса, (*мука́*) *ун*; шунингдек, *замок* сўзида урғу биринчи бўғинда бўлса, (*за́мок*) — *қўрғон*, *қаср*, *қалъа*, урғу охириги бўғинда бўлса, (*замо́к*) — *қулф* маъносини билдиради.

Ёзилиши ёки грамматик шакллари жиҳатидан ўхшаш бўлган омонимлар уч турга бўлинади:

1. **Омофонлар.** Бундай омонимларнинг талаффуз этилиши бир хил бўлса ҳам, товуш таркибидаги баъзи бир фонемалар билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан: *етти* (*сон*), *етди* — (феъл); *ёт* (*сифат*), *ёт* (феъл).

¹ **Омоним** — юнонча *honos* — бир хил, опута — ном сўзларидан таркиб топган бўлиб, *бир хил номли сўзлар* маъносига ишлатилади.

2. **Омоформалар.** Бундай омонимлар турли сўз туркумларининг айрим грамматик шаклларида рўй беради. *Кир* (от), *кир* (сифат); *қир* (фёъл), *қир* (от), *қир* (фёъл); *ёр* (от), *ёр* (фёъл); *олма* (от), *олма* (фёъл) каби омоформалар бошқа грамматик шаклларда ўзаро фарқ қилиб, омонимлик хусусиятини йўқотади: *Қирга чиқиб, душманни қирдик. Ёрим душман сафини ёриб ўтди. Ерга тушган олмаларни териб олмадингизми.* Бу мисоллардаги *қирга* — *қирдик*, *ёрим*—*ёриб*, *олмаларни*—*олмадингизми* сўзлари грамматик шакллари жиҳатидан ўзаро фарқ қилиб, омонимлик хусусиятини йўқотган.

3. **Омографлар.** Бундай омонимлар ёзилиши бир хил бўлиб, айтилиши бироз фарқланувчи сўзлардир. Масалан, *ўт* (ғиёҳ), *ўт* (олов); *уч* (сон), *уч* (ниш); *той* (икки ёшли от), *той* (тўп, бир той пахта); *ток* (узум), *ток* (электр қуввати) каби.

26-§. СИНОНИМЛАР

Шаклан ҳар хил бўлиб, бир хил тушунчани ифодалаб келадиган сўзлар синоним¹ сўзлар дейилади. Масалан: *одам, киши, инсон, башар* сўзлари синонимлардир. Бу сўзлар умуман яқин маънони англатиб келса ҳам, маъно нозиклиги жиҳатидан бироз фарқ қилади. Масалан: *киши* аниқ шахсни, *одам*—анча мавҳум маънони англатади, *инсон, башар* сўзларида китобийлик маъноси бор. Синоним сўзлар маъно нозиклиги жиҳатидан биридан фарқ қилганлиги туфайли, *хотин киши, эркак киши* дейиш мумкин, лекин *аёл инсон, эркак инсон* дейиш тўғри эмас. Шу хилда *қишлоқ одами* дейиш мумкин, лекин *қишлоқ инсони* дейиш тўғри келмайди. Ёхуд «*отанг боласи бўлма, одам боласи бўл!*» мақолини сал ўзгартириб: «*Отанг боласи бўлма, киши боласи бўл.*» дейилса, мақолнинг маъносига путур етади. Синонимлар бошқа сўзлар билан бирикиб келиши жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Масалан: *очиқ юз, очиқ чехра* дейиш мумкин, лекин *очиқ бет, очиқ башара* деб айтиш тўғри бўлмайди.

Тилда синонимларнинг кўп учраши сўз бойлигини кўрсатадиган муҳим далилдир. Синоним сўзлардан тўғри фойдаланиш адабий асарларнинг мазмунли, таъсирли ва

¹ Синоним — грекча *Synonymos* сўзидан олинган бўлиб, *бир номдаги, маънодаги* маъноларини билдиради.

бадийлигида катта роль ўйнайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, тилда бир-бирига тамомила ўхшаш, ҳеч фарқ қилмайдиган сўзларнинг ёнма-ён ишлатилиши тилни бойитмайди. Масалан, ўзбек тилидаги *тракторчи* — *тракторист*, *борлиқ* — *мавжудот*, рус тилидаги *самолёт* — *аэроплан*, *языкознание* — *языковедение* каби.

Шунинг учун ҳам бундай сўзлар кам учрайди. Тил бундай сўзларнинг биридан тўлиқ фойдаланиб, иккинчисини эса истеъмолдан чиқариб ташлашга интилади. Масалан, *самолёт* билан *аэроплан* тамоман бир маънодаги сўзлар бўлгани учун, ҳозирги вақтда рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам улардан бири (самолёт) қўлланилиб, иккинчиси (аэроплан) истеъмолдан чиқиб борапти.

Ҳар бир тилнинг синонимлари бошқа тиллардан кўрган сўзлар, шунингдек, шу тилнинг ўз имкониятларидан фойдаланиб ясалган сўзлар ҳисобига бойиб боради. Масалан, *тажриба* — арабча, *синов* — ўзбекча; — *муҳаббат*, *ишқ* — арабча, *севги* — ўзбекча, *чашма* — тожикча, *булоқ* — ўзбекча ва ҳоказолар.

Синонимлар нутқда ишлатилиши доирасига кўра синонимия қаторини ҳосил қилади. Масалан, а) *юз*, *бет*, *башара*, *афт*, *чеҳра*, *сиймо*; б) *юрак*, *дил*, *қалб*, *кўнгли* кабилар.

Синонимия қаторини тузишда ҳар қандай услубда қўлланилиши мумкин бўлган «бетараф» («нейтрал») сўз асос қилиб олинади. Синонимия қаторидаги қолган сўзларнинг маънодошлиги ана шу «бетараф» сўзга солиштириб аниқланади. Масалан, *юз*, *бет*, *башара*, *афт*, *чеҳра*, *сиймо* каби синонимия қаторида *юз* бетараф сўз бўлиб, унинг истеъмол доираси кенгдир, ҳар қандай услубда қўлланаверади: *юзи таниши*, *юзинини юв*, *юзи ёқимли*, *юзинг қурсин*. Лекин шу қатордаги *бет*, *башара*, *афт*, *чеҳра*, *сиймо* сўзларининг истеъмол доираси нисбатан тор бўлиб, улар турли услубий бўёқларни ифодалаб келади. Бундай сўзлар билан предметга бўлган ижобий ёки салбий муносабатни яққол ифодалаш мумкин. Чунки, *чеҳраси иссиқ*, *чеҳраси ёқимли*, *чеҳраси очиқ* дейиш мумкин, лекин *чеҳраси таниши*, *чеҳранг қурсин* деб айтиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, ёзилган ҳам, талаффузи ҳам бошқа-бошқа бўлиб, умумлашган, бир тушунчани ифодалайдиган, лекин маъно нозикликлари жиҳатидан бир-биридан бирмунча фарқ қиладиган сўзлар синонимлар деб аталади.

27-§. АНТОНИМЛАР

Бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзлар антонимлар¹ дейилади.

Антоним сўзларнинг хусусияти шундаки, уларнинг бири иккинчисига қарама-қарши қўйилиб, бирининг мазмуни иккинчисини инкор қилади, биринчисининг маъноси иккинчисига қарши қўйилади. Шунинг учун бу сўзларнинг бирини айтиш биланоқ унга қарама-қарши тушунча эсга туширилади. Масалан, — *оқ-қора, иссиқ-соғуқ, кириш-чиқиш, ориқ-семиз, наст-баланд, очиқ-ёпиқ* кабилар.

Ҳар бир сўзнинг антоними бўлавермайди. Масалан, *магазин, китоб, институт, тут, дарё, тоғ* каби сўзларга қарама-қарши тушунчани англатувчи сўзлар йўқ. Антонимлар предмет белгисини билдирувчи сўзларда кўп учрайди. Масалан, *яхши-ёмон, чиройли-хунук, узун-қисқа, катта-кичик* кабилар.

Бир сўзнинг бўлишли ёки бўлишсиз шакллари ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйилса ҳам, антонимлар қаторига кирмайди: *ўқиган-ўқимаган, келган-келмаган, борган-бормаган, ҳақ-ноҳақ, қора-қора эмас* кабишлар.

Тилда бир сўзга қарама-қарши маъноли бир неча сўз бўлиши ҳам мумкин (булар ўз навбатида синоним бўлади). Масалан, *осон* сўзнинг антонимлари *қийин, оғир, машаққатли, мушкул* каби сўзлардир.

Баъзи бир сўз бирикмаларида, хусусан, таркибли термин бўлиб қолган сўз бирикмаларида антонимлик хусусиятини йўқотиб, умуман предмет номини билдириши мумкин. Масалан, *оқ-қора* антоним, лекин *оқ гул* деганимизда *қора гул*ни эсимизга келтирмаймиз; умуман, амалпётда *қора гул* деган сўз бирикмаси учрамайди. (Солиштиринг: *оқ кўнгил* деганимизда *қора кўнгил* эсимизга келиши мумкин.) Шунингдек, *қора металлургия, қора куч* бирикмалари таркибда ҳам *қора* сўзнинг антонимлик хусусияти йўқолиб, бу бирикмалар маълум соҳага доир терминга айланган.

Антоним сўзлар нутқда предмет, ҳодиса ва уларнинг белгиларини солиштириб кўришда, бир-бирига қарама-қарши қилиб кўрсатишда ва фикримизни, ҳис-туйғуларимизни таъсирли, аниқ-равшан ифодалашга жуда катта ёрдам беради.

¹ Антонимлар — юнонча *anti* — қарши, *анота* — ном сўзларидан таркиб топиб, қарама-қарши ном маъносини билдиради.

Янги сўзларнинг пайдо бўлишида, эскириб қолган сўзлар маъносининг ўзгаришида ибтидоий даврдаги халқлар тилида табу¹ муҳим роль ўйнайди. Кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида, айниқса, кишилик жамиятининг ибтидоий босқичларида баъзи бир нарсалар, ҳаракатлар ман этилган. Ана шундай ман қилиш ҳодисаси табу деб айтилади. Бу ҳодиса тилда ҳам учрайди. Жамият тараққиётининг дастлабки босқичларида бўлган қолоқ кишилар ўртасида жин, арвоҳ ва шунга ўхшаган илоҳий нарсаларга ишониш жуда кучли бўлган. Бундай халқлар жин ва арвоҳларга яқин бўлган шахс ёки предметнинг номи тилга олинмаса, улардан сақланиш мумкин деб ўйланган. Қадимги халқларда, шунингдек, ҳозир ҳам қабила бўлиб яшаётган халқларда қабила бошлиқлари ўлгандан кейин уларнинг нарсаларига тегиш, унинг номини тилга олиш ман этилган. Агар уларнинг нарсаларига тегилса ёки бу нарсаларнинг номи тилга олинса, арвоҳлар, жинлар уриб кетади, бирор зарар етказиши, деб тасаввур қилганлар. Худди шунингдек, айрим йиртқич, заҳарли ҳайвонларнинг номларини айтиш ҳам ман этилган: гўё бундай ҳайвонларнинг номи тилга олинса, улар зарар етказиши мумкин эмиш.

Табу қолдиқларини ҳозир ҳам учратиш мумкин. Масалан, мусулмон хотинлар орасида эрларини ўз исми билан чақиртиш ман этилган: эрини ўз исми билан чақирса, эрга нисбатан ҳурматсизликни билдиради.

Оқибат натижада табуни, яъни ман этилган сўзлар ўрнига шу тушунчани ифодаловчи бошқа сўзларни ишлатиш зарурияти туғилади. Ана шундай ман этилган сўзлар ўрнига бошқа сўзларни ишлатиш эвфемизм² деб аталади. Масалан, *қизамиқ* сўзи ўрнига *гул* сўзи, *чаён* сўзи ўрнига *эшак*, *оти йўқ* сўзларининг ишлатилиши эвфемизм ҳодисаларидандир.

Жамият тараққиётининг кейинги даврларида дағал, кўпол, ноқулай сўзлар ўрнига ёқимлироқ, силлиқроқ сўзларни ишлатиш ҳодисаси ҳам эвфемизм кўринишларидандир. Масалан, *ўлди* сўзи ўрнига *вафот этди*, *қазо қилди*, *дунёдан ўтди*, *дунёдан кетди*, *жонини эгасига*

¹ Табу — полинезча tabu — сўздан олинган бўлиб, ман қилиш, чеклаш маъноларини билдиради.

² Эвфемизм — юнонча eu — яхши, phemi — гапираман сўзларидан ясалиб, euphemi — яхши сўзлайман демакдир.

топширди, кўзи юмилди каби, бўғоз хотин ўрнига икки қат, оғир оёқ, оёғи оғир, юкли, бўйида бор, ҳомиладор каби сўз ёки сўз бирикмалари ишлатилади.

Эвфемизм адабиётда стилистик восита сифатида катта роль ўйнайди.

Жамиятнинг баъзи бир ижтимоий гуруҳлари, меҳнат қилмай текширлик билан ҳаёт кечирувчилар, чунончи, ўғри, безори ва қиморбозлар ўзларининг ёмон ниятларини, ёвуз мақсадларини бошқалардан яшириш учун сўзларга ўзларича ҳар хил маъно бериб қўллайдилар. Бундай сўзларга арго¹ дейилади. Масалан, *пул* сўзи ўрнига *лой*, *ўғирламоқ* сўзи ўрнига *овқатламоқ*, *ўлдирмоқ* сўзи ўрнига *салласини олиб келмоқ*, сўзларини ишлатдилар.

29-§. ТЕРМИН ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ

Маълумки, ҳар бир тилдаги сўзлар бир неча маънога эга бўлади. Кўп маъноли сўзларнинг аниқ маъноси контекстда, гап таркибида аниқланади. Бундай сўзлар нутқнинг таъсирли, жонли, ихчам ва бадий бўлишида ниҳоятда катта роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ҳар бир тилда ўзининг ишлатилиши доирасига кўра чекланган, асосан, биргина маънога эга бўлган, биргина тушунчани ифодалайдиган сўзлар ҳам бўлади. Бундай сўзлар, хусусан, фан-техника, санъат, сиёсат, тил ва адабиёт, ҳунармандчилик каби турли соҳаларда учрайди. Бу соҳаларда ҳамма диққат борлиқни фақат мантиқ жиҳатдан билишга қаратилган. Шунинг учун фан-техника, сиёсат соҳаларида сўзларнинг ниҳоятда аниқ бўлиши талаб қилинади.

Фикрин, мақсадни яққол, аниқ қилиб беришда маъноси аниқланган, ишлатилиши доираси ниҳоятда чекланган, муайян бир тушунчангига ифодалаб келган сўзлар термин² деб аталади. Масалан, *атом*, *ядро*, *биология*, *тўлдирувчи*, *аниқланмиш*, *физика*, *учбурчик*, *махраж*, *фонетика*, *лексика*, *морфология*, *аффикс*, *эга*, *кесим*, *феъл равиш* кабилар.

Терминларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар кўп маъноли бўлмайди, кўчма маъноларда ишлатилиши ниҳоятда

¹ Арго — французча *argot* сўзидан олинган бўлиб, маълум ижтимоий гуруҳларнинг сўзи, нутқи демакдир:

² Термин латинча *terminus* сўзидан олинган бўлиб, чегара белгиси, чек маъносини англатади:

ятда кам учрайди. Лекин амалиётда баъзи бир термин, масалан, ҳозирги замон рус ва ўзбек тилларида *операция* сўзи термин сифатида: 1) медицина соҳасида ёриш, кесил, кесиб олиб ташлаш, янгисини солиш ва шу йўллар билан касалликни тузатиш, даволаш маъносида; 2) ҳарбий соҳада бирор вазифа ва мақсадни амалга оширишга қаратилган уруш ҳаракатлари маъносида; 3) давлат идораларида расмий муомала (масалан, банк операцияси, почта операцияси каби) маъноларида қўлланилади.

Ҳар бир тилда, жумладан, ўзбек тилида терминлар қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади:

1. Ҳар бир халқнинг ўз тил бойлигидан, ундаги турли имкониятлардан фойдаланиш асосида: *учбурчак, урғу қўлёзма, эга, кесим, аниқловчи қўшимча, сўзлашгич* каби.

2. Чет тиллардан, айниқса, рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан тайёр терминларни қабул қилиш билан: *плюс, минус, фонема, биология, атлас, атом, грамм, лексика, магнит, кредит, артикуляция*. каби.

Терминология кенг маънода лексиканинг бир қатлами бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, чунончи, фан, техника, санъат ва адабиёт каби соҳаларда қўлланиладиган терминларнинг мажмуидир. Терминология тор маънода фан ёки техника, адабиёт, санъат ёки ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасига оид терминлар тизимининг йиғиндисини ташкил этади.

Фан, техника, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқаришнинг тараққий этиб бориши билан терминология ҳам ривожланиб боради, янги терминлар пайдо бўлади, баъзи бир эскириб, кераксиз бўлиб қолган терминлар эса истемолдан чиқиб кетади.

30-§. СЎЗЛАРИНИНГ АНИҚ ВА МАВҲУМ МАЪНОЛАРИ

Жамиятнинг бошлангич давларида кишилар турли предметларни бевосита кўриш, сезиш, ўз онглирида акс эттириш орқали уларга ном берганлар. Шунинг учун ҳам у вақтда ҳар бир сўз талаффуз этилар экан, аниқ бир предмет тасаввур қилинган. Ҳозир ҳам ибтидоий жамоа шароитида яшовчи халқлар ўртасида бу ҳодиса учрайди. Масалан, Финляндия, Норвегия ва Швециянинг шимолий туманларида яшовчи саамилар музнинг турли шакллари 20 хил ном билан, совуқнинг турли дара-

жаларини 11 хил ном билан, қорнинг турларини 41 сўз — ном билан атайдилар. Чунончи, улар қорнинг парча-парча бўлиб ёғишига, ёмғир аралаш ёғишига, жуда майда қор ва ҳоказо хилларининг ҳар қайсисига алоҳида ном берганлар. Америка ҳиндулари *муҳаббат* сўзини фақат **аниқ** ҳолда билишади, яъни маълум бир шахснинг иккинчи бир шахсга бўлган яхши муносабатини кўриб, сезиб тушунишади¹. Улар она муҳаббати, Ватанга бўлган муҳаббат каби мавҳум туйғуларни англашдан ожиздилар.

Жамиятнинг тарихий тараққиёт жараёнида предмет тўғрисидаги тушунча анча кенгайиб боради, аниқ бир предметнинг номини ифодаловчи сўз аста-секин умумлашиб, биргина шу предметнинг номини билдирмай, умуман, шу каби предметларнинг умумлашган номини билдирадиган бўлиб қолади. Шундай қилиб, жамият аъзоларида аста-секин предмет ҳақида умумлашган тушунча ҳосил бўла боради, умуман предметларнинг номи айтилганда, уларни ҳар доим кўриш, сезиш шарт бўлмай қолади, чунки жамият аъзолари уларни тасаввур қилиш, кўз олдига келтириш даражасига етган бўлади. Энди *тош*, *тоғ*, *нон*, *туз*, *сув*, *болта*, *ўт*, *ғўшт* каби предметларнинг номларини айтиш билан уларни тасаввур қилиш, билиш қийин бўлмайди, энди бундай предметларни ҳар доим кўриш, сезиш шарт эмас. Ана шундай аниқ предметларнинг умумлашган номи бўлган сўзлар **аниқ маъноли сўзлар** дейилади.

Жамият тараққиёт жараёнида ҳар бир тилда шундай сўзлар вужудга келадикки, улар атаган предметнинг аниқ хусусиятларини, белги аломатларини кўриш, сезиш мумкин бўлмайди. Тил билан чамбарчас боғланган тафаккурнинг тараққий этиши натижасида кишилар бундай сўзларнинг маъносига фикр, тафаккур орқали етади. Масалан, *ақл*, *муҳаббат*, *қайғу*, *хаёл*, *умид* сўзлари ифодалаб келган маъноларни аниқ предмет тарзида кўриш, сезиш мумкин эмас, лекин буларни кишилар тафаккур орқали тасаввур қила олади. Мана шундай сўзлар мавҳум маъноли сўзлар дейилади. *Стол*, *китоб*, *самолёт*, *тўн*, *пахта*, *қовун*, *уй*, *соат* каби аниқ маъноли сўзларни *муҳаббат*, *ўй*, *хаёл*, *таъсир*, *номус*, *қайғу*, *мағрурлик* каби мавҳум маъноли сўзлар билан қиёслаш орқали уларнинг

¹ Қаранг: Р. А. Будагов. Очерки по языкознанию. Москва, изд. АН СССР, 1953, 23-бет

фарқини яққол кўриш мумкин. Биз *стол* деганимизда тахтадан ёки темирдан ясалган овқатланиш ёки ишлаш учун фойдаланиладиган предметни кўз олдимизга келтирамиз. Аммо *муҳаббат* деганимизда кишининг маълум бир ички ҳис-туйғуси, сезгилари билан меҳр қўйишлик, кўнгил боғлашлик ва содиқликни тушунамиз. Масалан, *она муҳаббати, дўст муҳаббати, икки ёшнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, Ватанга муҳаббат* кабилар.

Мавҳум маъноли сўзларнинг вужудга келиши ва кўпайиши жамият тараққиётига, жамиятнинг алоқа воситаси бўлган тил тараққиётига боғлиқдир. Жамият тараққиётининг юқори босқичларида яшаётган халқларнинг тилларида, чунончи, рус, инглиз, француз, араб, ҳинд, хитой, япон, немис тилларида мавҳум тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар кўп ишлатилади.

Мустамлака, қолоқ мамлакатларнинг халқлари тилларида мавҳум маъноли сўзлар кам учрайди. Баъзи тилшунослар сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда орқада қолган халқларнинг тилларида мавҳум сўзларнинг кам учрашини тарихий тараққиётга боғлиқ эмас, деб қарайди. Гўё бу халқларнинг тили аслида қолоқ бўлиб яратилган эмиш, бундай тилларда мавҳум тушунчалар ҳеч тараққий қилмас эмиш. Улар ўзларининг бу даъволарини турли йўллар билан исбот этишга уринишади. Умуман, қолоқ халқлар тилларининг ривожланиши учун барча керакли шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган тақдирда ҳам, бу тиллар бошқа тараққий қилган мамлакат халқлари тиллари каби ривожланиши мумкин эмаслигини таъкидлайдилар.

Бу назариянинг асоссиз эканлигини жамият тараққиёти тарихи исботлаб берди. Жамият тараққиёти билан маданият, фан, техника, иқтисод ва бошқа соҳалар юксак даражага кўтарила бошлайди. Тил жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлангани учун, жамиятнинг ҳар бир соҳадаги юксалиши тилда ўз аксини топиб, бойиб боради. Дунёда энг ривож топган инглиз, француз, рус, немис, хитой, япон тиллари ҳам бир неча йиллар бурун ривожланмаган қолоқ тиллар бўлган. Чунончи, Петр I давригача рус тили ҳам шулар қаторида эди. Петр I ислохотидан бошлаб, рус тили ривожлана бошлади.

Ўзбек тили шеърят, тарих соҳаларида анча тараққий топган, бой тиллар қаторига киради. Лекин феодализм, хонлик даврларида ўзбек тили фан, техника соҳа-

ларида инқирозга юз тутиб, қолоқ тиллар қаторида саналарди.

Ҳозирги кунда фан-техника, маданият соҳаларида ўзбек тилининг мавқеи анча ошди. Шу билан бирга, ўзбек тили лексикаси мавҳум сўзлар билан бойиб бормоқда.

Ҳар бир тилда аниқ маъноли сўзларнинг мавҳум маънода ишлатилиши уларнинг кўчма маънода қўлланишига боғлиқдир. Аниқ маъно ифодаловчи сўзнинг кўчма маънода ёки мавҳум маънода ишлатилишига шу сўзнинг бирор муҳим белгиси асос бўлади. Масалан, *Овчи тулкини тутди* гапида *тулки* сўзи аниқ тушунчани, яъни ёввойи ҳайвоннинг бир турини билдиради. Лекин *У одам ўтакетган тулки* гапида *тулки* сўзи мавҳум тушунчани, яъни кишининг фирибгар, ҳийлагар эканлигини билдиради. Халқ эртақларида *тулки* жуда айёр, ҳийлакор, мугамбир (мавҳум маънода қўлланилган) сифатида тасвирланади. Бу сўз кўчма маънода қўлланилганда *тулки*нинг ана шу белгиси назарда тутилади. Шунингдек, *темир каравот* бирикмасидаги *темир* сўзи аниқ предмет белгисини билдирса, *темир ирода* бирикмасидаги *темир* сўзи киши иродасининг қаттиқ, кучли, матонатли эканини ифодалаб, мавҳум маънода ишлатилган. Бу ерда *темир*нинг қаттиқлиги, мустаҳкамлиги назарда тутилади.

Биз *ботқоқ*, *чуқур* сўзларини айтганимизда, аниқ предметларни кўз олдимизга келтирамиз. Лекин, *у реакцион ғоялар ботқоғига ботиб қолди* ёки *фан ва маданиятни чуқур ўрганиш керак* десак, бу гаплардаги *ботқоқ* ва *чуқур* сўзлари мавҳум тушунчани ифодалайди. *Альпинистлар Помир тоғининг чўққиларини эгаллади* ёки *Ёшларимиз фан-техника чўққиларини эгалламоқда* деган гапларда *чўққи* сўзи биринчи гапда аниқ маънода, иккинчи гапда эса мавҳум маънода келган.

Демак, тил жамият тараққиётига боғлиқ ҳолда мутасил ривожланиб, янги, кўчма ва мавҳум маъноли сўзлар билан бойиб боради.

31-§. МУСТАҚИЛ МАЪНОЛИ ВА ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

Ҳар бир тилдаги сўзлар англатган маъноларига ва гапда, нутқда бажарган вазифасига қараб икки катта гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга онд сўзлар: предмет ва ҳодисаларнинг номларини, уларнинг белги ва хусусиятларини ёхуд ҳаракатини, ҳаракатнинг белги ва

хусусиятларини билдириб келади. Ана шундай сўзлар мустақил маъноли сўзлар деб аталади. Ҳар бир тилнинг луғат таркиби, асосан, мустақил маъноли сўзлардан иборат. Масалан, *китоб, тоғ, яшин, малака, ёзиш, шиламоқ, келмоқ, умид, ширин, яшмоқ, кўп, билим, осмон, денгиз* кабилар.

Иккинчи гуруҳ сўзлар эса луғат таркибида кам бўлиб, мустақил маънога эга бўлмайди, аксинча мустақил маъноли сўзларнинг нутқдаги, гапдаги турли муносабатларини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай сўзлар ёрдамчи сўзлар деб аталади. Масалан, ўзбек тилидаги ортиқмакчилар: *учун, билан, каби, сари сингари*; рус тилидаги олд кўмакчилар: *в, на, ради, для, при, около*; тожик тилидаги олд кўмакчилар: *дар, ба, аз*; инглиз тилидаги олд кўмакчилар: *of, from, to, on*; француз тилидаги олд кўмакчилар: *sur, pour, sous*; немис тилидаги олд кўмакчилар: *für, unter, an* кабилар шунга киради.

Мустақил маъноли сўзлар маълум сўроқларга жавоб бўлиб кела олади, ёрдамчи сўзлар эса ҳеч қандай сўроққа жавоб бўла олмайди, улар ҳар доим мустақил сўзларга қўшилиб, бирикиб келади. Масалан: *Онам билан* (ким билан?): *мислаҳатлашиб, синглим учун* (ким учун?) *соат олдим* (нима олдим?) гапдаги *билан, учун* каби ёрдамчи сўзларга ҳеч қандай сўроқ бериб бўлмайди. Улар мустақил сўзларга қўшилиб келади ва бирга сўроқ берилади: *ким учун, нима билан*.

32-§. СЎЗЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ (КЕЛИБ ЧИҚИШИ)

Этимология¹ сўзнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотдир. Этимология сўзнинг келиб чиқишини, дастлабки фонетик тузилишини, грамматик шакли, маъноси ҳамда дастлабки маънодан бошқа маънога кўчишини, умуман, сўзнинг келиб чиқиш тарихини ўрганади.

Этимология сўзнинг фақатгина ташқи кўринишига эътибор бермасдан, балки маълум тилда сўзнинг қандай пайдо бўлишини, қадимда бу сўз қандай маънода ишлатилганини, унинг дастлабки шакли ва маъноси қандай бўлгани ва қандай ўзгарганини, шу тилдаги сўзларнинг бошқа тиллардаги сўзлар билан қандай муносабатда бўлганини ўрганиб, маълум бир сўзнинг қадимги маъно-

¹ Этимология — юнонча *etimon* — тақиқат, *logos* — сўз, таълимот сўзларидан ясалдиб, тақиқий, чин деган маъноларни билдаради.

сини, яъни этимологиясини аниқлайди. Масалан, ўзбек тилидаги *чайнак* сўзи рус тилидаги *чайник* сўзидан олинган. Бу сўз ўзбек тилининг фонетик хусусиятига мослашган ҳолда ўзгариб, *чайнак* шаклини олган. Руслар эса хитой тилида *ча* (баъзи диалектларда *ча*), яъни *чай* сўзини қабул қилиб, унга *-ник* суффиксини қўшиш билан чой дамланадиган идишни ифодалайдиган янги *чайник* сўзини ясаганлар. Шунингдек, русча *товарищ* сўзи туркчадан қабул қилинган. Бу сўз *tavar* (мол) ва *is* (шерик, дўст) сўзларидан ясалган қўшма сўз бўлиб, дастлаб савдо ишида шерикчилик деган маънони билдирган. Рус тилидаги *чемодан* сўзи ҳам аслида форс тилидаги *жомо* — кийим, *дон* — қути сўзларидан таркиб топган бўлиб, «кийим солинадиган қути» маъносини ифодалаган.

Шундай қилиб, этимология сўзларнинг келиб чиқиши, фонетик тузилиши ва маъноларнинг ўзлаштирилишини ўрганади. Русча *мать* сўзи қадимий ҳинд тилида, санскритча *mata*, юнонча *meter* лотинча *mater*, литовча *motyna*, немисча *mutter*, тожикча *модар* шаклларига эга.

Шу билан бирга, қардош тилларнинг мувосабатларини, уларнинг ўзаро таъсирини ўрганишда ҳам этимологиянинг роли жуда катта.

33-§. ЛЕКСИКОГРАФИЯ

Лексикография луғат тузишнинг илмий асосларини ишлаб чиқини, луғат тузиш йўлларини ўрганиб, уни яратиш усулларини ишлаш, давр тараққиёти талабларини қониқтира оладиган луғатлар тилини асослаб бериш каби масалалар билан шуғулланади. Лексикография амалиёти ўзига хос ташкилий ишларни уюштириш, ҳар бир тилнинг сўз бойлигини аниқлаш, шу тилдаги сўзларни картотекага ёзиб, тартибга солиш, ана шу картотекалар асосида керакли луғатлар тузишни ўз олдига қўяди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кишиларнинг ёдда тутиб қолиш қобилияти нақадар кучли бўлмасин, тилдаги барча сўзларни, уларнинг хилма-хил маъноларини эсда сақлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам кишиларнинг маданий ҳаётида турли хилдаги луғатларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Кишиларнинг ана шундай маданий эҳтиёжларини қондириш учун турли хилдаги луғатлар тузилган ва тузилмоқда. Ҳозирги кунда ёкки тиллик, кўп тиллик тар-

жима луғатлари, изоҳли луғатлар, терминологик луғат, тарихий луғат, этимологик луғат, чет тиллардан кирган сўзлар луғати, диалектологик луғат, фразеологик луғат, идеоматик луғатлар кишиларнинг маданий эҳтиёживи қондириш учун хизмат қилмоқда.

Таржима луғати. Ҳозирги кунда кенг тарқалган ва кўп ишлатиладиган луғат икки тиллик таржима луғатидир. Бундай луғатлар ёрдамида бошқа бир тилдаги сўзлар она тилига ёки она тилидаги сўзлар бирор бошқа тилга таржима қилинади. Масалан, *русча-инглизча, инглизча-русча, ўзбекча-русча луғатлар*. каби. Бундай луғатларни тузиш ниҳоятда қийин ва мураккаб ишдир. Бир тилга хос бўлган сўзларни, уларнинг барча маъноларини, сўз маъноларининг контекстда ўзгаришини иккинчи бир тилга тўлиқ таржима қилиб бериш жуда мушкулдир. Бундай луғатларни тузувчилардан ҳар икки тилни эвг нозик томонларини чуқур билиши, уларнинг билим даражаси-ҳар томонлама мукамал бўлиши талаб қилинади. Агар бир тилга хос бўлган сўз ва унинг маъноларини иккинчи тилга биргина сўз билан таржима қилганимизда, шу сўзнинг турли маъноларини, унинг сўз бирикмаларидаги, гапдаги хилма-хил маъно нозикликларини ифодалай олмаган, у тилнинг барча имкониятини очиб беролмаган бўлур эдик. Масалан, рус тилидаги *войти* сўзининг асл маъноси *кирмоқдир*, бироқ бу сўзни ўзбек тилига таржима қилганимизда, унинг фақат шу биргина маъносини ифодалаб берсақ, хатога йўл қўйган бўламиз. Чунки *войти* сўзи *кирмоқ* маъносидан ташқари *сиғмоқ, жойлаш-тирмоқ, ўрганиб олмоқ, ўзлаштирмоқ, мурожат қилмоқ, таклиф қилмоқ, қўлланмоқ, расм-одат бўлиб қолмоқ, берилиб кетмоқ, қизиқмоқ* каби маъноларни ҳам ифодалайди. Масалан:

1. *Дети вошли в комнату* — Болалар уйга кирдилар (бу ерда асл маъносидан қўлланган).

2. *Все вещи вошли в чемодан* — Ҳамма нарсалар чамадонга сиғди (жойлашди).

3. *Войти в суть дела* — Ишнинг моҳиятини, мағизини тушуниб олмоқ (кириб олмоқ деб бўлмайди).

4. *Войти в президиум с предложением* — Раёсатга таклиф ёки тавсия қилмоқ (кирмоқ сўзи бу мисолда сунъий бўлиб қолади).

5. *Войти в привычку* — Расм бўлмоқ, одат бўлиб қолмоқ (бу мисолда ҳам одатга кирди десак сунъий бўлиб чиқади).

6. *Войти в доверие* — *Ишонч қозонмоқ* (*ишончга кирди* деб бўлмайди).

7. *Войти в азарт* — *Берилиб* (*қизиқиб*) *кетмоқ* (*қизиқишга кирди* деб бўлмайди).

Икки тиллик таржима луғатлари тузилганда таржимаси берилаётган ҳар бир сўзнинг барча маънолари кўзда тутилиб, улар она тили имкониятларидан фойдаланган ҳолда мумкин қадар тўлиқроқ бўлиши керак. Масалан, рус тилидаги *ходить* сўзи ўзбек тилига *юрмоқ*, *қатнашмоқ*, *бормоқ*, *оёқ чиқармоқ* деб, *идти* сўзи *бормоқ*, *келмоқ*, *кетмоқ*, *ёғмоқ*, *ярашмоқ*, *чўкмоқ*, *чиқмоқ* деб таржима қилиниши керак. Шу билан бирга, сўзнинг ҳар бир маъносини тасдиқловчи мисолларнинг гап ичида берилиши бир сўзнинг бир нечта маъносини бир-биридан аниқ ажратиб олишга ёрдам беради.

Масалан, *Студенты идут в институт*—*талабалар институтга бораптилар*; *Студенты идут из института*—*талабалар институтдан келяптилар*; *Снег идет*—*қор ёғаяпти*; *поезда идут быстро*—*поездлар тез юради*; *в кинотеатре «Ватан» идет новая картина*—*«Ватан» кинотеатрида янги кинофильм кетаяпти*; *по каналу вода идет быстро*—*каналда сув тез оқаяпти*; *из самовара идет пар*—*самовардан буғ чиқаяпти*; *после доклада идут оживленные прения*—*докладдан сўнг қизғин музокаралар бўляпти*; *этот костюм идет парню*—*йигитга бу костюм ярашипти*; *пароход идет ко дну моря*—*пароход денгиз тагига чўкяпти*; *дни идут за днями*—*кунлар кетидан кунлар ўтмоқда*; *Моя дочь в этом году идет в институт*—*қизим бу йил институтга киради*.

Таржима луғатларида *идти* сўзининг юқоридаги маъноларидан бошқа, турғун сўз бирикмаларидаги, идиома-ларидаги маънолари ҳам мисоллар билан берилиши керак. Масалан: *идти на все*—*ҳеч нарсадан қайтмаслик ёки ҳамма нарсага рози бўлмоқ*; *дело идет к концу*—*иш тугай деб қолди*; *идти в ногу со временем*—*турмушдан орқада қолмаслик*, *замон талабига мувофиқ ёки ҳаёт билан барабар қадам ташламоқ*; *идти на посадку*—*қўнмоқ* (самолёт ҳақида); *идти замуж*—*эрга тегмоқ* каби.

Таржима луғатларида сўзлар бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинганда, маъно жиҳатидан ўзаро яқин синонимлар олдин, маъно жиҳатидан яқин бўлмаган синонимлар кейин берилади. Маъноси жуда яқин синоним сўзлар вергул билан, маъно жиҳатидан узоқ

бўлган сўзлар нуқтали вергул билан ажратилади. Сўзларнинг кўчма маънолари рақамлар билан ажратилади. Омоним сўзлар эса рим рақамлари билан кўрсатилади. Тургун сўз бирикмалари, идиомалар, фразеологиялар ҳам алоҳида белгилар билан ажратилади.

Луғатларда сўзлар алфавит тартибда берилади. Сўзларнинг ишлатилиши доираси, грамматик хусусиятлари ҳам турли белгилар билан кўрсатилади. Луғатларда эскириб қолган сўзлар, айрим шевалар, фольклордан ва жонли сўзлашувдан кирган сўзлар берилганда, уларнинг аслида қандай сўз эканлиги, ўзига хос хусусиятлари ҳам қисқартирилган сўз ёки алоҳида белгилар билан кўрсатилади. Баъзи тилларнинг, чунончи, инглиз ва француз тилларининг ёзуви билан талаффузи ўртасида катта фарқ бор. Шунинг учун луғатда бундай сўзларнинг ёзилишидан ташқари, талаффуз этилиши ҳам транскрипция орқали берилади.

Изоҳли луғат. Изоҳли луғатларнинг вазифаси она тилидаги сўзларни тўплаб, тартибга солиб, уларнинг барча маъноларини, ишлатилиши доирасини изоҳлаб, тушунтириб беришдан иборатдир. Чунки тилдаги барча сўзларни ва уларнинг турли маъноларини эсла тўла сақлаб қолиш мумкин эмас. Сўзларнинг турли маъноларини билиб олиш учун луғатларга мурожаат этишга тўғри келади. Ана шундай аҳтиёжни қондирини мақсадда ҳозир кўп тилларда изоҳли луғатлар тузилган. Изоҳли луғат тузиш ниҳоятда машаққатли, оғир ишдир. Бундай луғатлар тузиш учун она тилидаги барча сўзларни тўплаб, уларни чуқур ўрганиш, кўп йиллар давомида турли касб эгалари билан яқин муносабатда бўлиб, ҳар бир сўзнинг хилма-хил маъноларини изоҳлаш талаб этилади. Луғат тузишнинг ниҳоятда мураккаб иш эканлигига машҳур рус олими В. И. Дальнинг (1801—1871) фаолияти ёрқин мисол бўла олади. В. И. Даль рус тилининг изоҳли луғатини тузиш учун бутун умрини сарф қилган¹. У қирқ йиллик умрининг меваси бўлган рус тилининг изоҳли луғатини яратиш учун бутун Россияни айланиб чиққан. У рус тилининг сўз бойлигини бирма-бир тўплаб, уларнинг барча маъноларини тўлароқ билиш ва тўғри таърифлаб бериш учун турли касб ҳамда соҳа кишиларига мурожаат

¹ В л а д и м и р Д а л ь. Толковый словарь живого великорусского языка, в четырех томах, иккинчи нашри. Москва, 1980 — 1982 гг.

қилган. Шундай қилиб, В. И. Даль рус тилидаги 200 мингга яқин сўзни тўплаб, уларни турли мисоллар билан изоҳлаб, рус тилининг тўрт томли изоҳли луғатини яратган¹.

Тилшуносликда В. И. Даль фаолияти мисли кўрилмаган қаҳрамонлик ҳисобланади. Аммо бу луғат фақат бир киши томонидан тузилганлиги учун баъзи бир камчиликлардан холи эмас. Чунончи, бу луғатга умум-халқ тилига оид, умумлашмаган сўзлар ҳам киритилган. Баъзи бир сўзларга тўлиқ изоҳ берилмаган. Алфавит тартиби бузилиб, ўзакдош сўзлар кетма-кет қўйилган ва ҳоказолар.

Ҳозирги кунда В. И. Далнинг луғати эскириб қолган бўлса ҳам, ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу луғат сўзларнинг изоҳини, синонимларининг ва уларнинг ясалиш йўллари билишда катта ёрдам беради.

Бундан ташқари проф. Д. Н. Ушаков таҳрири остида тўрт томлик «Рус тилининг изоҳли луғати» тузилган¹.

Фанлар Академияси томонидан ҳозирги замон рус адабий тилининг ўн етти томдан иборат изоҳли луғати нашр этилди.

Ўзбек халқи тарихида биринчи марта 1981 йилда ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғати нашр этилди.

Фан, техника ва маданият тез ривожланиб бораётган ҳозирги даврда, айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бу хилдаги изоҳли луғатларга катта зарурият тугдиради.

Кўп тиллик луғат. Бундай луғатлар жуда кам учрайди. Ҳозир бизга маълум бўлган кўп тиллик луғатлар Филипп Рейфнинг етти тиллик «Русча-французча-немисча-тибетча-мўғулча-уйғурча-хитойча луғат»и ҳамда А. Попов ва В. Поповлар томонидан тузилган саккиз тиллик «Французча-инглизча-немисча-итальянча-испанча-португалча-голландча ва русча луғат»ини кўрсатиш мумкин. Бу луғатлар 1902 йилда Варшавада нашр этилган.

Бироқ бундай луғатлар фойдаланиш учун анча ноқулай. Чунки уларда таржима қилинган тиллардаги сўзларнинг кўп маъноларини берип имконияти бўлмайди. Кўп тиллик луғатларни тузиш ниҳоятда қийин ҳам бўлиб, бундай луғатларни тузувчилардан бир неча тилни

¹ Толковый словарь русского языка. Под редакцией. Д. Н. Ушакова в четырех томах. Москва. 1934—40 гг.

мукаммал билиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам кўп тиллик луғатларни тузиш ишлари унча ривожланмаган.

Тарихий луғат. Тарихий луғатлар қадимги ёзув ёдгорликларидаги эскириб қолган, истеъмолдан чиққан сўзларнинг маъносини изоҳлаб, уларнинг тўғри ўқилишига ёрдам беради. Тарихий луғатда сўзлар тадрижий тартибда жойлаштирилиб, изоҳи берилади. Бундай луғатларни яратиш мураккаб ишдир. Эски ёзувлардаги сўзларнинг маъносини очиб бериш катта илмий куч талаб қилади. Шунинг учун шу кунгача тарихий луғатлар бошқа луғатларга нисбатан жуда кам яратилган.

Рус олими И. И. Срезневский XIX асрда «Ёзув ёдгорликлари асосида қадимги рус тилининг луғатини тузиш учун материаллар» асарини нашр этган. Шунингдек, чех олими Ян Гебауэр «Чех тилининг тарихий луғати»ни яратган. Бой адабий меросга эга бўлган ўзбек тилининг тарихий луғатини тайёрлаш навбатдаги вазифалардан биридир. Ўзбек тилининг қадимги ёзув ёдгорликлари X асрдан бизга маълум. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» (Туркий сўзлар девони), XVI асрнинг биринчи ярмида вужудга келган «Абушқа» номли луғати, XVIII асрда Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» (чигатойча-форсча) луғати, XIX асрда Шайх Сулаймоннинг «Чигатойча-туркча луғати» ва бошқалар ўзбек тилининг тарихий луғатини яратишга асос бўла олади. Шунингдек, 1868 ва 1871 йилларда Л. Будаговнинг икки томлик «Туркча-татарча қиёсий луғат»и (рус тилида), В. В. Радловнинг «Турк тиллари луғати тажрибаси»¹, П. Шамсиев ва С. Иброҳимов тузган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» каби бир қанча туркий луғатлар ўзбек тили бойлигини аниқлашга, шу билан бирга, тарихий луғат тузишга ёрдам беради.

Терминологик луғат. Терминологик луғатлар кўпинча бир тилда ёки икки тилда тузилиб, унинг вазифаси ҳар бир соҳадаги терминларни изоҳлаб, тушунтириб беришдан иборатдир. Бундай луғатлар «махсус луғат» ёки «айрим соҳалар луғати» деб ҳам юритилади. Терминологик луғатлар ҳар қайси соҳа бўйича, чунончи: қишлоқ хўжалиги, фалсафа, табобат, тилшунослик, география, физика, математика, геология каби барча соҳалар бўйича тузилади.

¹ Қаранг: Ҳозирги замон ўзбек тили. Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти. 1957, 109—110-бетлар.

Ўзбек тилида Т. Н. Қорп-Нцёзийнинг «Русча-ўзбекча математик терминлар сўзлиги» (1933), Р. Х. Маллин ва М. Д. Ягудаевларнинг «Русча-ўзбекча физик терминлар лугати» (1952), С. Саҳобиддиновнинг «Русча-ўзбекча қисқача ботаника терминлари лугати» (1954), А. Ю. Юнусовнинг «Русча-ўзбекча қисқа физиология терминлари лугати», М. А. Собировнинг «Русча-ўзбекча математик терминлар лугати» (1962) ва бошқалар ана шундай терминологик лугатлардандир.

Чет тиллардан кирган сўзлар лугати. Кишилик жамиятининг тарихий тараққиёт жараёнида турли тилда сўзловчи халқлар бир-бирлари билан иқтисодий, маданий, илмий ва савдо-сотиқ муносабатида бўлганлар. Халқларнинг ана шундай муносабатлари натижасида бир тилдан иккинчи тилга айрим сўз ва иборалар ўтган. Шундай қилиб, ҳар бир халқнинг тилида четдан кирган сўзлар пайдо бўлган. Бундай сўзлар кўпинча ҳаммага тушунарли бўлмайди. Шунинг учун бундай сўзларнинг қайси тилдан кирганлигини кўрсатиб, уларнинг маъноларини изоҳлаб беришнинг аҳамияти каттадир. Бундай вазифани «Чет тиллардан кирган сўзлар лугати» бажаради.

«Чет тиллардан кирган сўзлар лугати» кишиларнинг иш фаолиятида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ниҳоятда зарур бўлганлиги учун кўп тарқалгандир. Масалан: «Чет тиллардан рус тилига кирган сўзлар лугати» (Словарь иностранных слов) йиғирма минг сўз ва терминни изоҳлаб берган. О. Усмоннинг ўзбек тилидаги «Интернационал сўзлар лугати» ҳам икки ярим минг сўзни ўз ичига олади.

Фразеологик лугат ҳам жуда зарур лугатлардан бўлиб, ҳар бир тилга хос мақол, матал, ҳикматли сўз ва турғун бирикмаларни тўплаб, уларнинг ишлатилишини мисоллар билан изоҳлаб беради. Бундай лугатлардан М. Михельсининг «Русская мысль и речь», «Своё и чужое», «Опыт русской фразеологии», «Сборник образных слов и иносказаний» (1903—1904) асарларида ҳикматли сўз ва иборалар алфавит тартибиде берилган. Лугатда баъзи четдан кирган ибораларнинг қайси тилдан кирганлиги кўрсатилиб, ёнма-ён берилган. Бундай лугат тузиш ниҳоятда оғир ва қийин ишдир, шунинг учун ҳам бу хил лугатлар кўп тарқалган эмас. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу соҳада бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Қомусий (энциклопедик) лугат. Қомус (энциклопедия)¹ турли фан, техника, маданият каби турли соҳа ҳақида керакли маълумотлар берувчи асардир.

Қомусий лугат муҳим тарихий воқеалар, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар, турли мамлакатлар ва уларнинг халқлари, тили, иқтисоди, маданияти, фан, техника, санъат, адабиёт ҳамда давлат арбоблари, уларнинг сиёсий ва илмий қарашлари тўғрисидаги керакли маълумотларни ёритиб беради: турли терминларни етарли даражада изоҳлайди. Бундай йирик лугат намунаси сифатида «Большая советская энциклопедия»ни кўрсатиш мумкин. Эллик томдан иборат бўлган бу нодир асардан ҳамма соҳага оид керакли маълумотларни топиш мумкин. 14 жилдли «Ўзбек совет энциклопедияси» (1971—1980) ҳам шундай лугатлардан ҳисобланади. Бундай лугатлар бир қанча йилларнинг маҳсули бўлиб, жуда катта илмий кучлар иштироки билан яратилади.

Орфографик лугат. Орфографик лугатнинг асосий вазифаси бир тилдаги сўзларнинг шу тилнинг грамматик қоидалари асосида тўғри ёзилишини кўрсатиб беришдан иборатдир. Сўзларни бир хил имлода тўғри ёзишда орфографик лугатнинг аҳамияти катта. Бунга мисол қилиб С. Иброҳимов ва М. Раҳмоновнинг «Ўзбек адабий тилининг имло лугати» (1956), Ф. Камолов ва В. Маъруфовнинг «Ўзбек тилининг қисқача имло лугати» (1962)ни кўрсатиш мумкин.

34-§. ГРАММАТИКА

Грамматика² термини «ёзиш санъати» маъносини билдириб, дастлаб ёзув тилини текшириш билан шугулланган. Бора-бора грамматика туншунчасининг доираси кенгайиб, ёзуви бўлмаган жонли тилларни ҳам текшира бошлаган, лекин номи аввалгича қолган. Шундай қилиб, грамматика терминининг маъноси кенгайиб, мавҳумлашиб, тилшунослик фанининг бир тилдаги сўз тузилиши, гапта сўзларнинг ўзгарishi ва бирикшини ўрганадиган

¹ Энциклопедия французча encyclopedie сўзидан олинган бўлиб, бўлимнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган илмий асар, тўплам демакдир.

² Грамматика grammatike юнвонча (gramma — ёзув белгиси, чизиқ) бўлиб, қўшма сўзлар таркибига киради: фонограмма (овоз ёзуви), телеграмма (узоқ ёзуви), стенограмма (тез ёзув).

катта маънабга айланади. Грамматика одатда, илмнинг номи сифатида тил қонунларини, тил билан тафаккурнинг ўзаро муносабатларини, тил тараққиёти жараёнида бўладиган турли ўзгаришлар, ҳодисаларни назарий ўрганиб, тўғри ёритади. Булар эса тилнинг амалий жиҳатидан ўрганишга катта ёрдам беради.

Ҳар бир тилнинг асоси унинг фонетик тизими, лексикаси ва грамматикасидир. Грамматика воситасида кишилар ўз фикрларини гап орқали ифодалайдилар. Гап, одатда, бир-бири билан ўзаро боғланган сўзлардан ташкил топган бўлади. Демак, якка ҳолдаги сўзлар айрим маъноларни ифодалай олса ҳам, улар нутқда ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда қўлланилади, улар ёлғиз, одатда, сўз сифатида бутун бир фикрни ифодаламайди. Бинобарин, тил биргина лексиканинг ўзидан ташкил топмайди, балки тилнинг луғат таркиби — лексикаси билан биргаликда унинг фонетик тизими, грамматикаси тилнинг асосини яратади. Масалан, *кўкатлар, шамол, силжитмоқ* сўзларининг ҳар бири алоҳида маънога эга бўлса ҳам, аниқ бир фикрни ифодаламайди. Лекин «*Шамол кўкатларни силжитди*» десак, грамматика воситасида сўзлар боғланиб, маълум фикрни билдиради.

Грамматика сўзларнинг ўзгариши, гапдаги муносабати ўзаро боғланиши ҳақидаги қоидалардан иборат бўлиб, у тилнинг изчил характерини, ҳолатини кўрсатади. Адабий тилни яхши эгаллаш, фикрни аниқ, равшан тушунтириш, адабий тилда сўзлашиш учун тилнинг луғат таркиби билан бирга грамматикани пухта билиш зарур. Тилнинг сўз бойлигини, сўзларнинг тўғри ва турли кўчма маъноларни, услубий имкониятларини, шунингдек, грамматикани ўзлаштирмай туриб, тилни мукамал эгаллаш мумкин эмас.

Ҳар бир тилнинг лексикаси — сўзлари гапда маълум қоидалар асосида бирланади, яъни маълум сўз шакллари, уларнинг ўзгариши, ёрдамчи сўзлар қўллаш каби йўллар орқали бирикади. Чунончи, *Болалар саёҳатга кетдилар. Биз пахтаги машина билан тераётимиз. Олма ва нокларни териб олдик.* Демак, ҳар бир тил учун лексика — сўз билан бирга грамматика ҳам зарурдир. Сўз ўзгаришининг ва гапда сўз бирикишининг маълум грамматик қоидалари бор. Шу билан бирга, ҳар бир тил ўз грамматикасига эга («Рус тили грамматикаси», «Ўзбек тили грамматикаси» каби). Шу тариқа тилларнинг грамматик қурилишида ҳодисалар ҳам кўп. Грамматика тил-

ларнинг грамматик қурилишини ўрганишнинг умумий қоидаларини (масалан, сўзларнинг лексик-грамматик категорияларга бўлиниши, гапнинг тузилиши, синтагма, гапни бўлақларга ажратишнинг асослари каби масалаларни) ўрганиб, умумий қоидаларни яратади. Муайян тилнинг грамматикаси шу умумий қоидалар асосида ўрганилади, яратилади.

Грамматиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, у муайян бир сўзни назарда тутмай, умумлашган характерга эга бўлади. Сўзларнинг ўзгариши, бирикиши ҳақидаги ҳар бир қоида маълум бир сўзнинг ўзгаришига, боғланишигагина хос эмас, балки шу тилдаги бир гуруҳ сўзларга, чунончи, отларга ёки феълларга хос грамматик қоида бўлиб умумлашади. Масалан, рус ва ўзбек тилларининг грамматикалари учун характерли ҳодисалардан бири отларда келишик шаклларининг ўзгаришидир. Бу ўзгаришлар гапдаги сўзларнинг ўзаро боғланиш томонларини ифодалаб келади. Масалан: *Бугунги ишни эртага қолдирма! Акромга салом айтинг! Ишдан кейин театр-га бордик.* Агар бу гапларда *ишни* ўрнига *ишдан* шаклини, *Акромга* шакли ўрнига *Акромда* ёки *ишдан кейин* бирикмасини *ишнинг кейин* бирикмаси билан алмаштирсак, ўзбек тили грамматикасидан нотўғри фойдаланган, ўзбек тилининг грамматик қоидаларини бузиб гапирган бўламиз.

Эга ёки кесим барча тилларга хос умумлашган грамматик ҳодиса. Масалан: *Мальчик бежит — Бола чопиб борапти. Птица поёт — Қуш сайрапти. Я завтра приду — Мен эртага келаман* мисолларида грамматика учун характерли умумлашган хусусият шуки, эга вазифасини бажариб келган от ёки олмош бош келишик шакли билан, кесим эса феъл шакллари билан ифодаланган.

Грамматика муайян бир предмет номи билан қизиқмайди. Грамматика предметнинг оғир-енгиллиги, ранги, тўғри-эгрилиги, қаттиқ-юмшоқлиги, узун-қисқалиги ва бошқа хусусиятларини назарда тутмайди. Бинобарин, грамматика учун *шаҳар, қишлоқ, дарахт, дарё, ариқ, нон, тош, одам, дўппи, қоғоз, тоғ, қайғу, онг, идрок* каби сўзларнинг умумлашган, мавҳумлашган грамматик хусусияти муҳимдир (буларнинг умумий белгиси предмет ёки ҳодисанинг умумлашган номини англатишдир), шунинг учун грамматика бу сўзларни от категориясига киргизиб умумлаштиради. Масалан, ўзбек тили грамматикаси учун отларнинг энг характерли, умумлашган

мавҳумлашган грамматик хусусиятларидан бири предмет ёки ҳодисалар номини билдириш билан бирга, келишиклар билан турланишидир. «Акамнинг ўғли заводда ишлайди» гагида **-нинг** келишик қўшимчаси, **-и** эгалик қўшимчаси орқали икки сўзнинг бир-бирига муносабати ифодаланган (акамнинг ўғли), *завод* сўзи ўрин-пайт келишиги кўрсаткичи орқали кейинги сўз билан боғланган (заводда ишлайди).

Грамматиканинг мавҳумлаштириш характерини кўрсатиш учун яна бир мисол келтирамиз: *Дилбар мактабга кетди*. Бу гагдаги *мактаб* сўзи ўрнига *институт, театр, шаҳар, қишлоқ, завод, фабрика* каби отларни бемалол қўйиш мумкин: *Дилбар институтга кетди*. *Дилбар қишлоққа кетди*. *Дилбар заводга кетди* каби. Бу гагларда *мактаб* сўзи ўрнига бошқа отлар қўйилиши билан гаг мазмун жиҳатидан ўзгарса ҳам, аммо грамматик жиҳатдан қола беради, отлар қа е р га ? сўроғига жавоб бўлиб, жўналиш келишиги шаклида қўлланила беради. Демак, грамматиканинг сўзлар ўзгаришини, гагда сўзларнинг ўзаро муносабатини ифодаланиши унинг ўзига хос хусусиятидир.

Шундай қилиб, *иш, мактаб, раис, тоғ, дарё, қоғоз, қалам, ер, сув, нон, яшин, туз* каби сўзлар умуман предмет ёки ҳодисаларнинг номини билдиради. Бу хилдаги сўзларнинг маъно билан бирга, мавҳумлашган грамматик хусусиятлари, яъни бирлик ва кўплик шакллари, келишиклар билан турланиши, гагда бажарадиган вазифаси эътиборга олиниб, улар бир туркумга — от туркумига ажратилади. Шунингдек, *Қиш келди*. *Куз бошланди*. *Ош пилишган*. *Газета чиқади* — гаглари бошқа-бошқа ҳодисалар ҳақида хабар берса ҳам, грамматика бундай гагларнинг муайян ҳодисалар ҳақида хабар беришидан қатъи назар, умумий жиҳатларини ҳисобга олиб, уларни **содда йиғиқ гаг** деб умумлаштиради.

Кишилар жамиятнинг алоқа воситаси бўлган тилдан фойдаланганда, ўз мақсадларини тушунтириш учун турлича гаглар тузадилар. Бироқ грамматика нутқда ишлатиладиган барча муайян кўринишларини умумлаштириб: **содда йиғиқ гаг, содда ёйиқ гаг, кўшма гаг, дарак гаг, сўроқ гаг, ундов гаг** каби мавҳум терминлар билан атайдилар.

Англашиладики, умумлаштириш, мавҳумлаштириш тилнинг энг муҳим хусусиятидир.

Грамматика икки қисмдан — **морфология** ва **синтак-**

сисдан иборатдир. **Морфология**¹ — грамматиканинг сўзлар ўзгариши, сўз тузилиши, турлари ҳақидаги қисмидир. **Синтаксис**² эса гада сўзларнинг бирикishi, гаининг тузилиши, турлари ҳақидаги таълимотдир. Демак, морфология ва синтаксисдан иборат бўлган грамматика сўзларнинг шакллари, уларнинг ўзгариши, бирикishi, гаи тузилиши ҳақидаги қондалар тилшўнослик фанининг қисмидир.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик қонун-қондаларининг ёритиб берилиши даражасига, бу ёритишининг характерига қараб, илмий грамматика, анъанавий мактаб грамматикаси каби асарлар яратилади. Илмий грамматика ҳар бир тилнинг грамматик тузилишини синчиклаб ўрганиб, унинг грамматик қонунларининг мумкин қадар тўлароқ очиб беради. Анъанавий мактаб грамматикаси эса тилни ўрганиш учун энг зарур бўлган грамматик қондаларни баён қилади.

Булардан ташқари, тилнинг грамматик қурилишидаги тарихий тараққиётни ёритиб берувчи тарихий грамматика, қардош тилларнинг муносабатларини ўрганувчи қиёсий грамматика, тилнинг ҳозирги ҳолатини ўрганувчи тасвирий грамматикалар мавжуддир. Тилнинг ҳозирги меъёрлари асосида белгиланган қонунларни, турли шаклларнинг ишлатилишидаги тўғри ва янглиш ҳолатларини аниқлаб берадиган қондаларни норматив грамматика ўргатади.

Грамматиканинг морфология ҳам синтаксисдан иборат бу икки қисми ўзаро зич боғлиқдир. Баъзи олимлар фонетикани ҳам грамматикага киритадилар. (Фонетика нутқ тосушлари, шулар билан боғланган товушларнинг бирикishi, нутқда ўзгариши, ургу, бўғин, оҳанг каби фонетик ҳодисалар ҳақидаги таълимот.) Баъзилар эса уни тилшўносликнинг мустақил қисми ҳисоблаб, грамматикага киритмайдилар. Фонетика, ҳақиқатан ҳам, айрим мустақил соҳа бўлса ҳам, лекин унинг грамматика билан боғлиқлигини (масалан, кўпгина фонетик ўзгаришларнинг морфологик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлишини) кўзда тутиб, амалий мулоҳазалар билан, одатда, уни грамматика курсига қўшадилар.

Шундай қилиб, грамматик категориялар, грамматик

¹ Морфология — юнвча *morphe* — форма, шакл, *logos* — таълимот демакдир.

² Синтаксис — юнвча *syntaxis* — тузиш демакдир.

формалар, сўз туркумлари (морфология) ва гап бўлаклари (синтаксис) ҳақидаги таълимот грамматика деб аталади.

35-§. ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР

Умуман категория¹ термини объектив борлиқтаги предмет, ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятларини ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчадир.

Грамматик категория термини бир хил грамматик ҳодисалар, грамматик маънолар, айниқса, грамматик сўзларнинг, уларнинг ҳар хил шаклидан қатъи назар (масалан, от категорияси, феъл категорияси) мажмуи, йиғиндисидир.

Грамматик категориялардаги бир хиллик — грамматик шаклларга, грамматик маъно, вазифага қараб белгиланади. Грамматик категория сўзларга, сўз бирикмаларига хос бўлган, умумий воситалар орқали ифодаланган маънони ўз ичига олади. Маълум маънодаги сўз бир неча грамматик шакллари олиши мумкин, лекин сўзнинг асосий маъноси ўзгармайди, масалан, келишик шакллари : *муаллим—муаллимнинг китоби, муаллимга салом, муаллимни яхши кўрамыз*. Рус тилида: *учитель, книга учителя, привет учителю, любим учителя* каби.

Грамматик категория термини кенг маънода сўз туркумлари, от категорияси, феъл категорияси каби йирик грамматик ҳодисаларни, тор маънода род категорияси, сон категорияси, майл категорияси каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Грамматик категория ҳам ҳар қайси тилнинг ўзига хос тил воситалари билан ифодаланади. Баъзи тилларда масалан, ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб кўпгина тилларда грамматик категориялар, асосан, морфологик воситалар билан, айрим тилларда эса, масалан, хитой тилида асосан синтактик воситалар билан ифодаланади. Умуман, грамматик категориялар, бир томондан, тилдаги сўзларнинг лексик-семантик хусусияти, ясалиши, ўзгариши, вазифалари каби ҳодисалар асосида ажратилган гуруҳлар (от категорияси, феъл категорияси каби), иккинчи томондан, бирлик, кўплик, келишик, феълда шахс-сон каби грамматик вазифаларни бажарув-

¹ Категория — ёнонча *categoria* — *далил, кўрсаткич* маъволарини билдиради).

чи маъусе аффикслар, сўз шакллари билан бир хил характердаги грамматик ҳодисаларнинг мажмуидир.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирак, қуйидаги ҳолни кўрамиз: ҳар бир сўзнинг ўз асосий маъноси бор (пахта, қайрағоч каби). Бундан ташқари, бир қанча сўзлар гуруҳига хос бўлган умумий маъно (масалан, кўплик маъноси) ҳар бир сўзда асосий маънога йўлдош, қўшимча маъно бўлиб келади (*пахталар*, асосий маъно — ўсимликларнинг тури, қўшимча маъно — кўплик). Ҳар бир сўзнинг ўз асосий маъноси лексик маъно дейилади.

Умумий характердаги, бир қанча сўзларда учрайдиган қўшимча маъно грамматик маъно дейилади. Грамматик маъно гапда тилнинг турли воситалари орқали, масалан, қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар ва бошқа воситалар орқали ифодаланади. Грамматик воситалар бир қанча сўзлар учун умумий бўлади. Грамматик категориялар грамматик маъно ва уни ифодаловчи воситалар билан ўзаро боғлиқдир. Грамматик категориялар ҳар тилнинг тузилишига кўра ҳар хил бўлади.

Грамматик категориялар мантиқий категориялар билан боғлиқ. Мантиқий категориялар боғлиқни билиш билан боғлиқ бўлиб, шу боғлиқни тафаккурда акс эттиради, предметларнинг хусусиятларини, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини фикран муҳокама этиб, уларнинг туркум ва гуруҳларга кўра таснифлаб, бир-биридан фарқини ажратиб беради.

Мантиқий категориялар грамматик категориялар билан ўзаро боғлиқ, яъни мантиқий категориядаги белгилар грамматик категориялар орқали ифодаланиши мумкин. Масалан, *-нинг, -ни, -да, -дан, -га* каби келишик (грамматик категорияларига хос) қўшимчалари боғлиқдаги предметларни, ҳодисалар тасвирларини ифодаловчи сўзларсиз грамматик маъно ифодаламайди. Келишик категориясининг вазифалари тафаккур воситаси билан воқелиқни акс эттирувчи сўзларга қўшилгандагина баъжарадиган вазифаси аниқ кўринади: *Меҳмонларни кутдик, меҳмонларга салом, меҳмонлардан хурсандмиз*. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, грамматик боғланган гаплар мантиқий ҳукм билан айнан бир хил эмас.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларига, умумлашган, мавҳумлашган грамматик маъноларини ифодаловчи воситаларига кўра, тилда сон категорияси, шахс категорияси, род категорияси, замон категорияси, келишик категорияси, майл категорияси каби категориялар бў-

лини мумкин. Масалан, ўзбек тилида сон, эгалик, замон, шахс, келишик, майл каби категориялар бор. Рус тилида эса род, сон, келишик, замон, вид, шахс, майл каби категориялар бор.

Грамматик категориялар ва грамматик формалар ўзаро боғлиқ бўлса ҳам, лекин улар бир хил ҳодисалар эмас. Чунончи, ўзбек тилида ўтган замон феъли (ўтган замон категорияси) бир неча хил шакллар билан ифодаланади. Масалан, *Мен олдим, мен олганман, мен олган эдим, мен алар эдим, мен олибман, мен олган эканман* кабиларнинг ҳаммаси умуман ўтган замон феълيني билдирса ҳам, бир неча хил шакллар билан ифодаланган. Шунингдек, ҳозирги замон ва келаси замон феъллари ҳам бир неча хил шакллар билан ифодаланади. Бироқ, шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бирлашиб, замон категориясига киради. Шунга ўхшаш, рус тилида, отларнинг кўпчилиги (кўпчилик сөнда қўлланиши) бош келишикдаги **-ы, -и, -а, -я, -е** қўшимчалари билан ифодаланади: *школа—школы, земля—земли, дело—дела, город—города, здание—здания, гражданин—граждане* каби. Бирлик ва кўпчилик сон шаклан бошқа-бошқа бўлишига қарамай, улар умумлаштирилиб, рус тилида сон категориясига киритилади.

Ҳар бир тилнинг грамматик категориялари шу тилнинг хусусиятларини ақс эттиради. Бу хусусиятлар ўша тилнинг грамматик тизимини характерлаб беради. Айрим грамматик категория баъзи тилларда бир хил шаклда, баъзи тилларда эса бир неча шаклларда ифодаланиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида келишик категориялари, асосан, бир қолипдаги қўшимчалар орқали ифодаланади. Рус тилида эса келишик категориясининг шакллари жуда кўп. Улар бирлик ва кўпчилик формаларига кўра ҳам бир-биридан катта фарқ қилади.

Шунингдек, турли тиллардаги грамматик категориялар бир-бирига ўхшамаслиги, бир тилга хос категория иккинчи тилда бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, рус тилида отларнинг жонли ва жонсизлигини фарқ қилувчи категория бор, яъни ҳамма отлар грамматик жиҳатдан шартли равишда икки гуруҳга: жонли предметлар ва жонсиз предметлар гуруҳига бўлинади. Жонли предметларга шахсни билдирувчилар ва жониворларнинг номлари киради. Жонсиз предметларга эса қолган ҳамма предметлар ва ҳодисаларнинг номлари киради. Бундай бўлиши ўз грамматик асосларига эга буларнинг грам-

матик фарқи бирлик сонда келган мужской роддаги отларнинг ҳамда кўплик сонда келган мужской ва женский роддаги отларнинг турланишида кўринади.

Бирлик сонда келган мужской роддаги жонли предметларнинг тушум келишиги — винительный падеж шакли родительный падеж билан бир хилдир. Масалан, *Мы слушали лекцию нашего профессора* (родительный падеж). — *Мы уважаем нашего профессора* (винительный падеж). Бирлик сонда келган жонсиз предметларни билдирувчи отларнинг тушум келишиги (винительный падеж)даги шакли бош келишик (именительный падеж) билан бир хил: *В кишлаке есть новые дома* (бош келишик. — *Наши рабочие построили новые дома* (тушум келишиги). Ўзбек тилида эса отларнинг жонли ва жонсиз турларини кўрсатадиган грамматик категория йўқ. Тушум келишигидаги отларнинг ҳаммаси, жонли ёки жонсиз предметларни билдиришидан қатъи назар, **-ни** суффиксини қабул қилаверади. Масалан: *Муаллимлар мактабда дарс берапти. Биз ўқитувчимизни ҳурмат қиламиз. Ишчилар янги уйни қуриб бўлдилар. Янги уйлар қурилиб бўлди.* Туркий тилларга, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам хос бўлган эгалик категорияси (болам, боланг, боласи, пахтамиз, пахтангиз, пахтаси) рус тилида, умуман, славян тилларида йўқдир. Бироқ рус тилига хос бўлган феълларнинг вид (тур) категорияси (совершенный ва несовершенный вид) ўзбек тилида йўқ.

Грамматик категория ва грамматик форма тушунчалари бир-биридан кескин фарқ қилади. Грамматик категориялар бир хил грамматик ҳодисаларнинг йиғиндиси, мажмуидир. Масалан, феъл категорияси, залог — нисбат категорияси. Грамматик форма грамматик категориянинг тилдаги турли воситалар орқали ифодаланишидир. Масалан, сўзларнинг келишик категориясига хос маъноларни ифодаловчи грамматик ўзгариши, яъни шакл ўзгариши келишик формаси деб аталади. Демак, грамматик категория маъноси тилдаги бирор восита орқали (масалан, залог — нисбат қўшимчалари орқали) ифодаланиши билан боғлиқ.

Ҳар бир грамматик категория таркибий қисмлардан иборат. Масалан, сон категорияси (бирлик ва кўплик), шахс категорияси (биринчи, иккинчи ва учинчи шахслар), келишик категорияси (бош келишик, қаратқич келишик) ва ҳоказо.

Сўзнинг бир шакли бир неча хил грамматик категорияни ифодалаш ҳам мумкин. Масалан, *лицо* — шахс ва число—сон: *читаю* (I лицо, ед.число, настоящее время), *бордик* (I шахс, кўплик, ўтган замон) каби.

Тилларнинг грамматик воситалари ҳар хил бўлади: кўшимчалар, товуш алмашиши, урғу, сўз тартиби, оҳанг кабилар. Шу воситаларнинг қўлланиши ҳамма тилларда бир хил эмас. Шу жиҳатдан тиллар бир-биридан фарқ қилади.

Умуман, тилдаги ҳар бир сўз грамматик жиҳатдан маълум бир сўз туркумига, маълум бир грамматик категорияга киради. Шунинг учун ҳам тилда янгидан пайдо бўлган сўзлар шу тилдаги грамматик категориялар орқали шаклланиб боради, акс ҳолда янгидан пайдо бўлган сўз тилнинг луғат таркибига кира олмайди. Бундан ташқари, турли тилларда вазифасига кўра бир-бирига ўхшаган категориялар ҳам шакли, ҳам мазмуни, ҳам сони жиҳатидан фарқ қилиши мумкин. Чунончи, араб тилида келишик категорияси уч келишик билан ифодаланади. Бу категория ўзбек тилида олти келишик билан, эстон тилида ўн беш келишик билан, баъзи бир тилларда эса бундан ҳам кўп келишиклар билан ифодаланади. Шунингдек, баъзи ҳолларда бир тилдаги бир келишик вазифасини иккинчи бир тилдаги шунга яқин келишик билан кўпинча ифодалаш мумкин бўлмайди. Чунончи, ўзбек тилида бир томонга қаратилган ҳаракатни (*бормоқ, жўнамоқ* каби) ифодалашда жўналиш келишиги қўлланилади: *уйга, Тошкентга, Москвага, мактабга* каби. Рус тилида бундай вазифа тушум келишиги формаси ва -в олд кўмакчиси бирикиб келиши билан берилади. Масалан, *Болалар мактабга кетди — Дети ушли в школу. Делегаты уехали в Ташкент* каби.

Грамматик категориялар, ҳар бир тилнинг ўз хусусиятларига қараб, хилма-хил бўлади. Булардан айримларини кўриб чиқамиз.

Сон категорияси. Сон категорияси миқдор мувосабатларига асослангандир. Бунда морфологик воситалар орқали предмет ёки ҳаракат қилувчининг битталиги (бир доналиги) ёки кўплиги ифодаланади. Бу категория ҳақиқий миқдорни акс эттиради. Кипшилар узоқ даврлардан бери бир (дона) предметни кўп (дона) предметдан ажрата олганлар. Шунинг учун сон категорияси ҳамма тилларда учрайди. Сон категорияси биргина отларга хос бўлмай, у олмошларга, сифатларга, феълларга

ҳам хосдир. Аммо бу категориянинг ишлатилиш доираси ҳамма тилларда бир хил эмас. Кўпгина тилларда бирлик сон кўпликка нисбатан қарама-қарши қўйилиб таққосланади. Бироқ, баъзи тилларда айрим жамловчи, мавҳум, моддий маъноли сўзларнинг ўзига хос грамматик хусусияти бўлганидан, бундай таққослаб кўришни бирмунча мураккаблаштириб юборади. Бу хилдаги тилларда айрим отлар фақат бирлик сонда, баъзи отлар эса фақат кўплик сонда бўлади. Чунончи, рус тилида баъзи отлар фақат бирлик сонда ишлатилади:

а) *студенчество* (талабалар), *молодежь* (ёшлар), *беднога* (камбағаллар), *листва* (барглар) каби жамловчи сўзлар;

б) *любовь* (муҳаббат), *молодость* (ёшлик), *героизм* (қаҳрамонлик), *борьба* (кураш) каби мавҳум маъноли сўзлар;

в) *хлопок* (пахта), *железо* (темир), *молоко* (сут), *сахар* (қанд) каби моддий предметларни ифодаловчи сўзлар.

Рус тилида моддий предметларни ифодаловчи баъзи отлар фақат кўплик сон шаклида ишлатилади: *весы* (тарози), *часы* (соат), *чернила* (сиёҳ), *брюки* (шим), *дрова* (ўтин), *сливки* (қаймоқ), *отруби* (кепак) кабилар.

Туркий тилларда бундай ҳодиса кам учрайди, деярли ҳамма отлар бирлик ва кўплик сонда қўллана бериши мумкин. Бундай тилларда баъзи отларнинг фақат бирликда, баъзиларининг эса фақат кўплик сонда қўлланишига қараб, умуман отлар икки гуруҳга бўлинмайди. Лекин туркий тилларда отларнинг кўпчилиги бирлик сонда келганда ҳам, умумий тушунчани, яъни кўпликни ифодалаб кела олади: *Боғимизда олма, нок пишиди* (олмалар, ноклар маъносида). Туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам мавҳум маъноли отлар, чунончи, *муҳаббат*, *садоқат*, *онг*, *ахлоқ*, *ёшлик* кабилар асосан бирлик сонда ишлатилади.

Шахс категорияси. Шахс категорияси иш-ҳаракатнинг бирор шахсга муносабатини билдиради. Масалан, I шахс шакли иш-ҳаракатнинг сўзловчи томонидан бажарилаётганини билдиради: II шахс шакли эса иш-ҳаракатнинг суҳбатдош — мурожаат қилинган шахс томонидан бажарилишини ёки бажарилганини билдиради.

Баъзи тилларда шахс категорияси фақатгина феълларнинг тусланиши орқали ифодаланмасдан, бошқа сўз

туркумлари орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, бу ҳодиса ўзбек тилида ҳам учрайди:

Биз ишчимиз, меҳнатчимиз,
Биз ҳам инсон ўғлимиз.

(Ҳамза)

Бу мисолдаги ишчи, меҳнатчи, ўгли сўзлари от бўлиб, уларга эгалик қўшимчалари қўшилиб, шахс категорияси ифодаланган.

Келишик категорияси. Отларнинг ёки айрим сўз туркумларининг гапда бир-бирига бўлган муносабатларини керакли шакллар билан ифодалаган грамматик ҳодисага келишик категорияси деб аталади.

Келишик категорияси ҳар бир тилга хос маълум грамматик воситалар орқали гапдаги сўзларнинг бажараётган вазифасини аниқлаб беради. Турли сўз шаклларини ўз ичига олган морфологик синтаксис билан бир бўлиб, тилнинг коммуникатив вазифасини бажаради. Масалан, *Мактабни битургандан кейин қишлоққа бориб, бобомнинг уйида турдик.* Бу мисолда *мактабни* (тушум келишиги), *битургандан* (чиқиш келишик), *бобомнинг* (қаратқич келишик), *уйида* (ўрин келишик) сўзларида кўрсатилган келишик қўшимчалар бўлмаганда эди, коммуникатив вазифа бажарилмаган бўларди. Масалан, *Бобо қишлоқ уй мактаб турмоқ* каби.

36-§. МОРФОЛОГИЯ

Морфология грамматиканинг муҳим бир қисми бўлиб, сўз шаклларини, бу шаклларнинг ўзгаришини, умуман, сўзнинг тузилишини, шунингдек, сўзларнинг лексик-грамматик жиҳатдан турларини, бўлинишларини, гуруҳларини ўрганади.

Дунёдаги барча тиллар мустақил маъноли сўзларнинг тузилиши жиҳатидан икки катта гуруҳга бўлинади. Бу икки гуруҳдаги тилларда сўзларнинг икки қисмга, яъни ўзак-негиз ва аффиксга ажралиши жиҳатидан маълум фарқларга эга. Биринчи гуруҳга туркий тиллар оиласига мансуб бўлган тиллар, шу жумладан, ўзбек тили, Осиё ва Африкада яшовчи кўпгина халқларнинг тиллари киради. Бундай тилларнинг энг муҳим томони шуки, гапда сўзларнинг синтактик боғланишларини ифодаловчи аффикслар одатда, сўз ўзагини (негизини), ўзгартир-

масдан, тўғридан-тўғри қўшилиб келаверади. Шу билан бирга, аффиксларнинг андаза шакллари ҳам, одатда, ўзгармайди. Бу гуруҳдаги тиллар **агглютинатив тиллар** деб аталади. Бир хил грамматик маънонинг, бир қолипдаги аффиксларнинг, одатда, ўзгармайдиган негиз ёки ўзакка қўшилиб желиши **агглютинация**¹ деб аталади.

Иккинчи гуруҳга ҳинд-европа тиллари: ҳинд, эрон, инглиз, немис, рус, испан, итальян тиллари каби жуда кўп тиллар киради. Бу гуруҳдаги тилларнинг энг муҳим томони шуки, уларда грамматик маънони ифодаловчи аффикслар сўз ўзаги билан жуда зич бирикиб кетади. Шу билан бирга, сўзларнинг ўзгарувчан қисми (аффикслар) кўп грамматик маънога эга. Ўзак-негиз билан аффиксларнинг ана шундай зич қўшилиб, бирикиб кетиши **фузия**² деб аталади. Бу тилга хос бўлган фузия ҳам агглютинация характерини яхшилаб тушуниш, уларни бир-биридан ажрата олиш учун рус ва ўзбек тилида айни бир хил маънони ифодаловчи *парта, стол* сўзига келишик қўшимчаларининг қўшилишини солиштириб кўрамиз:

Рус тилида:

Им. п. *парта, стол*
 Р. п. *парт+ы, стол+а*
 Д. п. *парт+е, стол+у*
 В. п. *парт+у, стол*
 Т. п. *парт+ой, стол+ом*
 II. п. (о) *парт+е, (о) стол+е*

Ўзбек тилида:

Б. к. *парта, стол*
 Қ. к. *парта+нинг, стол+нинг*
 Ж. к. *парта+га, стол+га*
 Т. к. *парта+ни, стол+ни*
 Ч. к. *парта+дан, стол+дан*
 Да
 Ў-п. к. *парта+да, стол+*

Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, рус тилида келишик аффикслари сўз негизи билан жуда зич ёпишиб, бирикиб кетади. Аффиксиз сўз негизи (ўза-

¹ **Агглютинация** — латинча *agglutinare* сўзидан олинган бўлиб, *ёпиштириш, улаш* маъноларини англатади.

² **Фузия** — латинча *fusio* сўзидан олинган бўлиб, *эриб кетиш, куйиш* маъноларини англатади.

ги), яъни *парт* лексик маънога ҳам, грамматик маъноларга ҳам эга бўлмайди. Демак, рус тилида кўпчилиқ отлар келишик аффиксларисиз тўла маъноли сўз бўла олмайди.

Ўзбек тилида эса аффикслар рус тилидаги сингари сўз негизи (ўзаги) билан зич боғланмасдан, сўзга (парта+га) тўғридан-тўғри қўшилиб келаверади. Бунда аффиксиз келган *парта* сўзининг шакли ўзгармайди. Шунинг ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, сўзларнинг ҳар икки қисми, яъни сўзнинг туб маъносини ифодаловчи қисми ҳам, грамматик маъноларини ифодаловчи қисми ҳам мавҳумлашган, умумлашган характерга эгадир. Масалан, *боғ, боғда, боғни, боғдан, боғдор, боғбон, боғли, боғча* каби сўзларда *боғ* қисми асл маънони билдириб, улар учун ўзак бўлиб келган. Унга турли аффиксларнинг қўшилиши билан турли грамматик муносабатлар, боғланишлар ёки ундан янги сўзлар ясалгани ифодаланган бўлса ҳам, бу сўз асл ҳолатини сақлаб қолган. *Боғдан, тоғдан, қишлоқдан, шаҳардан, мактабдан* сўзларига бир хил грамматик маънони ифодаловчи-дан аффикси қўшилиб, сўзларнинг маъноси билан бирга мавҳумлашган грамматик маънони ифодалаб келган.

Сўзнинг туб маъноси ўзак ёки негиз орқали ифодаланади. Маълумки, сўз тузилишига кўра **туб негизли** ёки **ясама негизли** бўлади. Сўзнинг туб негизи¹ **ўзак** деб ҳам аталади. Ясама негиз ҳар бир тилга хос турли аффиксларнинг ўзакка (туб негизга) қўшилиши билан ясалади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, сўзлар маънодош қисмларга бўлинади. Масалан, *ишчилар* сўзи учта маънодош қисмдан иборат: *иш* — ўзак (туб негиз), **-чи** — сўз ясовчи аффикс, **-лар**, — кўпликни ифодаловчи аффикс. Сўзларнинг маънодош қисмлари **морфема**² деб аталади. Масалан, *ёзувчилардан* сўзи беш морфемадан

¹ Фузияли тилларда, шу жумладан, рус тилида, ўзак билан негиз ўртасида анча фарқ бор. Баъзи ўзакларнинг маъноси яққол кўриниб турмайди. Масалан, *читать, прочитать, читальня, чтение, прочесть* каби ўзакдош сўзларнинг умумий ўзаги *чит* (чт) дир. Шунингдек, *водник, водитель* каби маъно жиҳатидан ўзакдош бўлмаган сўзларнинг ўзаги шаклан бир хил (вод). Бу сўзларнинг маънолари уларга аффикслар, айниқса, сўз ясовчи аффикслар қўшилганда аниқланади: *вод-ник, вод-и-тель*.

² **Морфема** — юнонча *morphe* сўзидан олинган бўлиб, *шакл* (форма) деган маънони билдиради.

ясалган: *ёз* (ўзак), *-ув* ва *-чи* (сўз ясовчи аффикс), *-лар*, (кўплик аффикси), *-дан* (келишик аффикси). Аффикслар грамматик маънога эга бўлган морфемалар бўлиб, улар умуман сўз ясовчи ва форма ясовчи элементларни ўз ичига олади. Ўзакка нисбатан тутган ўрнига қараб аффикслар¹, префикс², постфикс³ ва инфиксларга⁴ бўлинади. Аффикслар ўзакнинг олдидан қўшилиб келса, префикс (олд қўшимча) деб аталади, ўзакдан кейин қўшилиб келса, постфикс (ортқўмакчи, мактаб грамматикасида—суффикс) деб аталади. Масалан, *беғуноҳ*, *беғам*, *бадавлат*, *ноҳақ*, *номаълум* каби сўзлардаги ўзакдан олдин келган *бе-*, *но-*, *ба-* аффикслари префиксдир; *сувчи*, *уйдан*, *ақлли кечки*, *шаҳарлик*, *китобни* каби сўзлардаги ўзакдан кейин келган қўшимчалар: *чи-*, *ли*, *лик*, *-ки*, *-дан* *-ни* постфикс (суффикслардир).

Баъзи тилларда, чунончи, угор-фин тилларида, туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам, грамматик маънолар постфикслар (суффикслар) орқали ифодаланади. Масалан, ишчиларимиздан сўзида ўзакдан кейин: *-чи*, *-лар*, *-и*, *-миз*, *-дан* постфикслари кетма-кет қўшилиб келган.

Баъзи тилларда грамматик маънолар фақат префикслар орқали ифодаланиши мумкин. Айрим тилларда эса, чунончи, ҳинд-европа тилларида грамматик маънолар ҳам префикс, ҳам постфикслар орқали ифодаланади. Ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлган рус тилида ҳам грамматик маънолар ҳар иккала турдаги аффикслар — префикслар ва постфикслар орқали ифодаланади. Масалан, *переписка* сўзида *пере* — префикс, *пис* — ўзак, *-к* — сўз ясовчи суффикс, *-а* — форма ясовчи суффиксдир.

Сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар сўзнинг лексик маъноси билан боғлиқдир. Бу ҳодиса лексика билан морфологиянинг бир-бирига боғлиқ эканини яна бир марта исботлаб беради. Масалан: *-ли*, *-дон*, *-зор*, *-чан*, *-лик* суффикслари билан ҳар қандай сўз ўзагидан янги

¹ А ф ф и к с л а т и н ч а affixus —боғланган, бириккан сўзидан олинган.

² П р е ф и к с — л а т и н ч а praefixum —олдидан боғланган сўзидан олинган.

³ П о с т ф и к с л а т и н ч а postfixum — кетидан боғланган сўзидан олинган.

⁴ И н ф и к с — л а т и н ч а infixus сўзидан олинган бўлиб, *ичига* деган маънони билдиради.

сўзлар яшаш мумкин эмас. Чунончи, -ли суффикси билан *ақл, кўнғил, куч* каби сўзлардан (отлардан) янги маънони ифодаловчи сўзлар, белгини билдирувчи сифатлар яшаш мумкин: *ақл+ли, кўнғил+ли, куч+ли* каби, ammo шу -ли суффиксини *осмон, буйруқ, қизил, қора, кўк, сиёҳ, бўш* каби сўзларга қўшиб, янги сўзлар ясаб бўлмайди. Шунингдек, -зор суффикси билан *гул+зор, олма+зор, беда+зор, қамиш+зор*; -кор суффикси билан *пахта+кор, бино+кор, ғалла+кор*; -дон суффикси билан *сиёҳ+дон, қалам+дон*, суффикси билан *ёш+лик, дўст+лик* сингари сўзлар ясалиши мумкин, лекин бу суффиксларни (-зор, -кор, -дон) *стол, уй, китоб, қуёш, машина, осмон, институт* каби сўзларга қўшиб, янги сўзлар яшаш мумкин эмас.

Суффикслар грамматик хусусиятлари ва характериға кўра, кўп тилларда, асосан, сўз ясовчи қўшимчалар саналади.

Аффиксларнинг яна бир тури — **инфикс**¹ сўз яшашда ёки шакл ўзгартиришда ўзак орасига (ичига) қўшилган аффиксдир. Масалан лотинча *infixus* — енгаман—енгдим демакдир. Бу мисоллардаги биринчи сўзда ўзак орасига қўшилган инфиксдир. Ҳозирги замон ҳинд-европа тилларида инфикс жуда кам учрайди.

Ҳинд-европа тилларида **флексия**² ҳодисаси ҳам учрайди. Суффиксларнинг вазифаси, асосан, сўз яшаш бўлса, флексиянинг вазифаси, асосан, форма ўзгартиришдир.

Масалан, рус тилида *книжка, книжке, книжки, книжку, книжкой, о книжках* сўзларида **-а, -и, -е, -у, -ой, -ах** келишиқ қўшимчалари (падежные окончания) — флексия; флексиядан олдин келган **-к** — (книж-к-а) сўз ясовчи суффиксдир.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, ҳинд-европа тилларида флексия сўз ўзагига таъсир қилиб, ўзакни бирмунча ўзгартиради. Бундай ҳодиса рус тилида кўпроқ учрайди. Масалан,

ухо — уши (х-ш) — қулоқ — қулоқлар
друг — друзья (г-з) — дўст — дўстлар
день — дни (е—ноль товуш) — кун—кунлар
потолок — (на) потолке (о—ноль товуш) — шип—шипда.

¹ Инфикс латинча *infixus* сўзидан олинган бўлиб, *ичига* деган маънони англатади.

² Флексия — латинча *flexio* — эгилиш, қайрилиш, букилиш сўзидан олинган.

Рус тилида флексиянинг грамматик маъноси кенгдир. У бир неча грамматик маънога эга бўлиши мумкин. Масалан, (моей) *сестре* (синглимга) сўзида **-е** флексия бирлик сон, дательный падеж, женский ролни билдириб келади. Шунингдек, *в колхозах* сўзидаги **-ах** флексияси кўплик сон, предложный падежни ифодалаб келади. Бир неча грамматик маънони ифодалаб келган флексиянинг ҳар қайси грамматик маъносини алоҳида-алоҳида ажратиб қараш мумкин эмас. Масалан, **-ах** шаклидаги флексияни ўзбек тили грамматик ҳодисаларига ўхшатиб (кўплик суффикси **-лар** ва ўрин-пайт суффикси **-да** каби) аффиксларга ажратиб юбориш ҳеч мумкин эмас. Шу билан бирга, шаклан бошқа-бошқа бўлган бир неча флексия билан бир грамматик маънони ифодалаш мумкин. Масалан, рус тилида бирлик сон дательный падеж **-у, -ю, -е, -и** флекслари билан ифодаланади: (моему) *брат+у — акам+га*, (моей) *сестр+е+синглим+га*, (моей) *матер+и — онам+га*, *кон+ю — от+га*. Шунинг учун ҳам флектив тилларда флексиялар сўзнинг ўзак-негизи билан ниҳоятда зич боғланган бўлиб, кўпчилик ўзаклар флексияларсиз якка ҳолда ишлатилмайди. Масалан, *ламп+(а)*, *бан+(я)*, *семь+(я)* *семь+(е)*, *мор(е)*, *вин(о)* каби.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, суффиксларнинг асосий вазифаси сўз ўзаги билан қўшилиб, янги сўз ясандан иборатдир. Суффикслар ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда, қўлланиш доирасига қараб маҳсулдор, каммаҳсул ёки маҳсулсиз элемент бўлиши мумкин. Ҳар бир тилда айни замонда сўз ўзакларидан янги сўзлар ясайдиган элементлар маҳсулдор суффикслар саналади. Масалан, ҳозирги замон ўзбек тилида шахс билдирадиган отлар ясашда **-чи** жуда маҳсулдор суффиксдир: *иш+чи*, *хизмат+чи*, *ёрдам+чи*, *темир+чи*, *аъло+чи*, *ясов+чи* кабилар. Мавҳум маънони ифодаловчи **-лик**: *дўст+лик*, *хурсанд+лик*, *катта+лик*, *тоза+лик*, *тез+лик* кабилар.

Ҳозирги замон рус тилида шахс билдирадиган отлар ясашда **-ец** суффикси: *гора—гор-ец*; *Кавказ—кавказ-ец*, *просвещение — просвещен-ец*, *башкир-ец*; **-ик**, **-ник** суффикслари: *массов-ик*, *фронт-ик*, *передо-вик*, *колхоз-ник*, *выпуск-ник*, *сезон-ник*; **-щик** суффикси: *набор-щик*, *забой-щик*, *бан-щик*, *камен-щик* кабилар маҳсулдор суффикслардир.

Олдин маҳсулдор сўз ясовчи элемент бўлган бўлса ҳам ҳозирги кунда янги сўз ясашда қўлланмайдиган суффикслар маҳсулсиз суффикслар саналади. Масалан, ўзбек тилида **-вул** суффикси билан олдин *қоровул, бакочул, ясовул* сингари сўзлар ясалган. Лекин ҳозирги замон ўзбек тили луғат таркибида бу суффикс ёрдами билан ясалган янги сўзлар йўқ. Шу хилда **-дўз, -бон** (этингдўз, боғбон) каби суффикслардан ҳам ҳозирги замон ўзбек тили тараққиётида янги сўзлар ясалмайди.

Рус тилидаги **-ач** (скрип-ач, тк-ач), **-тай** (глаша-тай, хода-тай), **-ух** (паст-ух) каби суффикслар ҳам кам ишлатиладиган суффикслардир.

37-§. ҚўШМА СЎЗЛАР

Ҳар бир тилда икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қўшилиши билан ҳосил бўлган қўшма сўзлар кўп учрайди. Баъзи тилларда қўшма сўзлар икки сўзнинг бевосита, тўғридан-тўғри қўшилиши билан ясалади. Бу ҳодиса, айниқса туркий тилларга, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам хосдир. Масалан: *кўз+ойнак, ош+қозон, иш+бузар* кабилар.

Бу хилда сўзларнинг қўшилиб, янги сўзлар ясалиши бошқа тилларда ҳам учрайди. Масалан, немис тилида *des Kopfshmerz* — бош оғриқ (*der Kopf* — бош, *der Schmerz* — оғриқ), рус тилидаги *стен+газета* сўзи каби.

Баъзи тилларда икки сўзни бир-бирига қўшиб сўз ясашда маълум грамматик воситаларнинг роли каттадир. Бундай воситалар ёрдами билан икки сўз бирлашиб, яна ҳам зичлашиб, бутунлай бир сўз ҳолига келади. Масалан, рус тилида о ёки е унлилари воситаси билан икки сўз қўшилиб, бир сўзни ҳосил қилади: *паровоз* (пар-возить), *пулемёт* (пуля-метать).

Қўшма сўзларнинг бир тури **аббревиатуралардир**. БМТ, РТС, АҚШ каби. Аббревиация йўли билан тузилган қўшма отларда икки йўл қўлланилади: 1. Шартли қисқартиш (ёки график қисқартиш): *в.б.* — (ва бошқалар) рус тилида *и. т. д.* (*и так далее*). 2. Аббревиатура: *ХХР, АҚШ, БМТ*.

Қисқартма отлар турли йўллар билан ҳосил бўлади: мустақил сўзларнинг бош товушларидан (ҳарфлардан), бош қисмларидан ясалади ёки биринчи сўзнинг бош қисми билан иккинчи сўзнинг тўла шакли қўшилиши-

дан ясалади ва ҳоказо. Қисқартма қўшма сўзлар кўпинча рус тилида ишлатилади. Масалан: *агропром, АТС, ВУЗ, колхоз, зарплата, горсуд* кабилар. Рус тили таъсири билан ўзбек тилида ҳам баъзи қисқартма қўшма сўзлар пайдо бўла бошлади, масалан, *Ўздавнашр* (Ўзбекистон давлат нашриёти), *ижроқўм* (ижроия қўмита), *БМТ* (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) каби.

Сўзларни такрорлаш (минг-минг, катта-катта, юриб-юриб, бора-бора каби) ҳодисаси ҳам баъзи томонлари билан қўшма сўзларга тўғри келади. Баъзи тилларда сўзни тўлиқ ёки қисман такрорлаш орқали ҳам янги сўзлар ясалиши ҳамда турли грамматик маънолар ифодаланиши мумкин. Такрорлаш йўли билан сўз ясаш ва турли грамматик маъноларни ифодалаш туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида кўп учрайди. Масалан: *кўп-кўп* (жуда кўп), *катта-катта* (ортиқ даражада). Шу хилда такрорлаш йўли билан бирор тушунчани кучайтириш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан *гапира-гапира чарчади, кула-кула сўзлади*.

Туркий тилларда такрорнинг яна бошқача кўриниши ҳам бор. Бу ҳодиса жонли тилда кўпроқ учрайди: сўз такрорланганда иккинчи элементнинг биринчи товуши кўпинча *п, м, с* ёки *ч* билан алмаштириб айтилади ёки шу товуш орттирилади (сўз унли товуш билан бошланган бўлса). Масалан, *нон-пон, чой-пой, дала-мала, пул-мул, патир-сатир, мева-чева, ош-пош, от-пот, шакар-пакар* кабилар. Бундай сўзларда асосий маъно биринчи қисмда бўлади, такрорланган қисмнинг шакли ўзгариб, у биринчи сўзга қўшимча маъно киритади. Масалан, *ош-пош* деганимизда *ош* овқатнинг бир турини билдирса, *ош-пош* умуман ҳар қандай овқат ёки ош ва ошга ўхшаган овқатни англатади.

Табиатдаги предметларнинг, ҳодисаларнинг овозига тақлид қилиб, уларни такрорлаш орқали ҳам сўз ясаш ёки турли грамматик, стилистик маъноларни ифодалаш мумкин. Масалан, *пақ-пақ, қаҳ-қаҳ, (қаҳқаҳа), шил-дир-шилдир, тарақ-туруқ, гулдур-гулдур, жаранг-журунг, лип-лип, дук-дук, ғивир-шивир, ғовир-ғувур* кабилар.

Такрор шаклига кўра икки хил бўлади: 1) тўла такрор (тўп-тўп) ва 2) қисқарган такрор (қип-қизил). Туркий тилларда сифатларни қисман такрорлаш орқали уларнинг орттирма даражаси ясалади. Бу усул билан,

яъни редупликация¹ усули билан орттирма даража ясалганда, такрорнинг биринчи қисми ўз шаклини бирмунча ўзгартади. Масалан: *кап-катта, оп-очиқ, оппа-очиқ, кўм-кўк, қоп-қора*.

Такрорлаш йўли билан сўз ясаш, грамматик маъноларни ифодалаш бошқа тилларда ҳам учрайди. Масалан: малай тилида *огап—киши*, *огап-огап* эса кўпликни, яъни *кишилар* деган маънони; хитой тилида *λ(жэнь)* — *киши*, *λ λ(жэнь-жэнь)* — *жуда кўп киши* деган маънони билдиради.

Маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ва бошқа туридаги сўзларнинг жуфтлашиш ҳодисаси ҳам ўзининг бир қанча хусусиятлари билан редупликацияга ўхшайди: *аста-секин, қари-қартаг, куч-қувват, орзу-ҳавас, қурт-қумурсқа, хотин-қиз* кабилар. Булар жуфт сўзлардир. Бундай сўзлар умумлик, жамлик тушунчасини ифодалаш, маънони бир оз кенгайтириш, кучайтириш каби вазифаларни бажаради.

38-§. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Ҳар бир тилдаги сўзлар ўзининг грамматик белгиларига ва семантик хусусиятларига қараб турли гуруҳларга бўлинади. Шу хилда ажратилган айрим гуруҳлар сўз туркумлари саналади. Кўп тилларда сўзларни бундай туркумларга ажратиш, тасниф қилиш масалалари ҳали яхши ишланган эмас.

Сўзларни туркумларга ажратиш масаласининг қийин нуқталаридан бири шуки, грамматик қурилиши жиҳатидан ҳар хил бўлган тиллардаги сўзларнинг қўлланиш доираси, грамматик белгилари доимо ўхшаш, бир хил бўла бермайди. Шунинг учун ҳам бир тилдаги сўз туркумларининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Демак, сўзларни туркумларга ажратишда ҳамма тилларга умумий бўлган ягона бир принципти қўллаш мураккаб муаммодир.

Сўзларни туркумларга ажратишда баъзи тилшунослар уларнинг лексик маъносини асосий — етакчи белги

¹ Редупликация — латинча *reduplicatio* сўзидан олинган бўлиб, *такрорлаш, икки марта қайтариш* маъносини англатади.

қилиб оладилар, айрим тилшунослар эса тилнинг морфологиясига, сўзларнинг шакли ва ўзгаришига асосландилар. Яна баъзилари эса уларнинг грамматик вазифаларини — сўзларнинг бирикмалардаги (сўз бирикмаларидаги) ва гапдаги вазифасини, синтактик ролини асос қилиб оладилар. Сўзларни бундай тасниф қилишда, юқоридагилардан ташқари, уларнинг ясалиш турлари ҳам кўзда тутилади. Лекин кейинги вақтларда сўзларни туркумларга ажратишда юқорида кўрсатилган принципларнинг ҳаммаси биргаликда назарга олинмаган бўлди. Шунинг учун сўзларни туркумларга ажратишда ҳар қайси тилнинг грамматик қурилишига, ўзига хос хусусиятларига кўра мана шу принциплардан бири энг асосий — етакчи принцип қилиб олинади. Бошқа принциплар эса асосий принципни тўлдириб, сўз туркумларини ажратишда катта роль ўйнайди. Масалан, рус тилида сўзларнинг лексик маъноси билан бирга, морфологик принцип ҳам энг асосий принцип ҳисобланади. Чунки рус тилида ҳар хил туркумдаги сўзлар шакл жиҳатдан фарқ қилиб туради. Бунинг учун от билан сифатни солиштириб кўриш кифоя қилади (газета — газетный, мужчина — мужской).

Рус тилида отлар уч родга бўлинади. Бош келишик бирлигидаги отлар қаттиқ ундошлар билан ва баъзи отларнинг охири юмшоқ ундош билан тугаган бўлса, мужской родга киради. Масалан: *дом, хлопок, герой, день* кабилар. Бош келишик бирлигидаги отлар **-а** ёки **-я** ва баъзи отларнинг охири юмшоқ ундошлар билан тугаган бўлса, женский родга киради. Масалан: *книга, земля, степень* кабилар. Бош келишик, birlikдаги отлар **-о** ёки **-е** билан тугаган бўлса, средний родга киради. Масалан: *озеро, море, собрание* кабилар.

Аммо отларга боғлиқ бўлган сифатларнинг флексиялари отларнинг флексиясига сира ўхшамайди. Бош келишик, birlikдаги мужской родга оид сифатларнинг флексиялари **-ый, -ой, ий**; женский родга оид сифатларнинг флексиялари **-ая, -яя**; средний родга оид сифатларники **-ое, -ее** тарзида бўлади. Таққослаб кўринг:

муж. р.
большой дом
интересный рассказ
синий карандаш

жен. р.
большая комната
интересная сказка
синяя ручка

сред. р.
большое окно
интересное произведе-
ние
сине море

Демак, рус тилида отлар билан сифатлар ўзларининг флексиялари жиҳатидан бир-биридан жуда катта фарқ қилади. Бошқа сўз туркумлари ҳам худди шундай бир-биридан шаклан фарқ қилади.

Шунинг учун рус тилида сўзларни ажратишда сўзнинг морфологик белгилари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу билан бирга, сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг маъноси, синтактик роли, сўз ясалиш турлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Хитой тилида эса сўзларни туркумларга ажратишда, уларнинг лексик маъносидан ташқари синтактик белгиси, жумлада, гапда сўз тартиби энг асосий — етакчи принцип қилиб олинади. Масалан, хитой тилида отлардан кейин бир белги қўйиш билан сифат ясалади: *шигоу фанцзы—тош уй, шитоуды фанцзы—тошдан ясалган уй*. Кейинги сўз бирикмасида ды шаклидаги ёрдамчи сўз белгиси билан сифат ясалган.

Ана шундай айрим белги (ёрдамчи сўз) билан феълларнинг ўтган замони ифодаланади. Феълларнинг ўтган замонни билдирган шакли отлар билан бирикиб келмайди.

Туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам сўзларни туркумларга ажратишда морфологик белги, айниқса, сўзнинг лексик маъноси ва синтактик хусусияти асос қилиб олинади. *Оқ, қизил, яшил, қора, катта, кичик қари, ёш* каби сифатларни *ақл, ош, нон, одам, кўча, ариқ, сув* каби отлар билан солиштирганда шакл жиҳатидан уларнинг қайси бири от, қайси бири сифат эканлигини ажратиш учун ҳеч қандай морфологик белги йўқлигини яққол кўриш мумкин. Лекин бу сўзларнинг маъносига ҳамда гапдаги ўрнига, вазифасига қараб, уларнинг қайси бири от, қайси бири сифат эканлигини ажратиш қийин эмас. Лекин *ақл — ақлли, куч — кучли, куз — кузги, ёз — ёзги, иш — ишчан* каби ўринларда от билан сифатнинг шакли морфологик белгилари билан аниқ ажралиб туради.

Умуман, сўз туркумларининг таснифи жуда мураккаб масаладир. Бу сўзларни туркумларга ажратиш учун шу тилнинг барча лексик-семантик ва грамматик хусусият-

ларини синчиклаб ўрганиб чиқиш — тилнинг ҳозирги давридаги ҳолати, тараққиёт йўлларини жуда чуқур ва атрофлича ўрганиш талаб қилинади.

Сўзларнинг туркумларга ажралиши тарихий бир ҳодисадир: ҳар қайси тилдаги сўз туркумлари тил билан бир вақтда пайдо бўлган ҳодисалар эмас.

Қадимги тилларда от билан сифатнинг муносабати кўпинча икки отнинг бирикиб келиши билан ифодаланган, от маълум ўринда сифат вазифасида қўлланган: предметнинг белгиси, хусусиятлари икки отни бир-бири билан бириктириш орқали ифодаланган. Бу ҳодисанинг кўринишлари ҳозир ҳам кўп тилларда учрайди. Масалан, ўзбек тилида: *тош уй, олтин соат, тахта кўприк*; хитой тилида: *шоу бяо—қўл соат, шитоу фанцзы—тош уй*.

Умуман, кўп тилларда отларнинг белгилари ёки хусусиятларини билдирувчи сифатлар морфологик жиҳатдан тилнинг узоқ тараққиёти давомида алоҳида шаклга эга бўлиб, алоҳида сўз туркуми сифатида ажралиб чиққан. Бу ҳодиса рус тилида яққол кўринади. Масалан, *каменный дом, золотые часы, железная кроватка* каби сўз бирикмаларидаги *каменные, золотые, железная* каби сўзлар тарихий тараққиёт натижасида морфологик жиҳатдан отлардан фарқ қиладиган, айрим суффикслар воситаси билан сифатга хос флексиялари билан алоҳида сифат туркумига айланган. Шунингдек, ўзбек тилида ҳам, одатда, отларга турли аффикслар қўшиш билан отларнинг белгисини, характерли хусусиятларини ифодаловчи сифатлар ҳосил бўлган. Масалан, *ақл — ақлли, куч — кучли — кучсиз, тартиб — тартибли—тартибсиз* каби. Бироқ ўзбек тилининг ҳозирги тараққиёт даврида ҳамма отлардан сифат яшаш мумкин эмас. Рус тилида эса турли қўшимчалар қўшиш билан, яъни аффиксация усули билан деярли ҳамма отлардан сифат яшаш мумкин.

Ҳар қайси тилнинг ўзига хос хусусиятларига кўра сўз туркумларининг сони турличадир. Масалан, рус тилида ўнга сўз туркуми, ўзбек тилида ўн битта сўз туркуми¹, уйғур тилида саккизта сўз туркуми; француз

¹ Қаранг: Ҳозирги замон ўзбек тили. Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти. 1957, 309—526-бетлар; А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка. Изд. АН СССР. М.—Л. 1960, 64-бет.

ва инглиз тилларида тўққизтадан сўз туркуми бор. Лекин тиллар орасида сўз туркуми жиҳатидан ҳам ўхшашликлар кўп.

Сўз туркумлари ичида от энг қадимги сўз туркумларидан биридир. От кенг маънода предметлик тушунчасини ўз ичига олади. Масалан, *темир, тош, ёғоч, олма, китоб, сув, тоғ* кабилар. От туркумида муҳаббат, қайғу, ҳасрат, орзу, фикр, хаёл каби мавҳум маъноли сўзлар ҳам катта ўринни эгаллайди.

Умуман, ҳамма тилларда отлар маъно жиҳатидан предметликни билдиради. Отларнинг предметлик маъноси, яъни лексик маъноси билан бирга, уларнинг грамматик (морфологик ва синтактик) хусусиятлари ҳам отлик ҳолатини белгилашда катта роль ўйнайди. Масалан, рус тилида отларнинг предметлик маънолари грамматик род категорияси орқали ҳам кўриниб туради: *дом, китоба, озера*.

Немис, француз тилларида отларнинг олдида келган турли артиклар орқали ҳам уларнинг отлик ҳолатлари, предметлик маънолари билиниб туради; немисча: *das buch* — китоб, *der—Tisch*—стол; французча: *La table*—стол, *Le livre* — китоб каби.

Турк тилларида эса отларнинг предметлиги, асосан, лексик маъноси ва вазифаси билан боғланган (турланганда — сўз шакли билан ҳам). Шу жиҳатдан отлар бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Кўп тилларда отларни характерловчи белгилардан энг муҳими уларнинг келишиклари билан турланишидир.

Келишик формалари гапда отларнинг бошқа сўз билан бўлган муносабатини ифодалайди. Масалан, *Акром мактабнинг боғида ишлайди* гапда -нинг келишик қўшимчаси орқали *мактаб* ва *боғ* сўзлари, -да келишик қўшимчаси орқали эса *боғ* ва *ишламоқ* сўзлари ўзаро боғланган. Баъзи тилларда отлар турланмайди. Шунинг учун ҳам бундай тилларда отнинг бошқа сўзлар билан муносабатини билдирувчи (келишиклардаги каби) вазифалари синтактик йўл билан, турли ёрдамчи сўзлар, турли белгилар билан, сўз тартиби ва интонация орқали берилади: инглиз тилидаги *The note book of student layon a table* (студентларнинг дафтари столда) бирикмасида *талаба* ва *дафтар* муносабати of ёрдамчи сўзи орқали, *дафтар* ва *стол* сўзларининг муносабати on ёрдамчи сўзи орқали ифодаланган.

Хитой тилида Гайшань жэньмынды шэнхо — *Халқнинг турмуши яшиланди* гапида *халқ* ва *турмуш* сўзларининг муносабати ёрдамчи сўз орқали ифодаланган. Худди шундай Цзай далитан кайхуэй *Залда мажлис очилди* гапида *мажлис* ва *зал* сўзларининг муносабати ҳам ёрдамчи сўз орқали ифодаланган.

Ўзбек тилида *Ит болани қонди* гапидаги биринчи ва иккинчи сўзларнинг ўрнини ўзгартиб, *Болани ит қонди* тарзида (тушум келишиги билан ифодаланган объектнинг гапдаги ўрни алмаштирилиб) қўйилганда ҳам на мазмун, на фикр ўзгармайди. Хитой тилида эса гапда сўзларнинг тартиби бошқача роль ўйнайди. Агар Гоу цзяо ла сяохай — *Ит болани қонди* гапида *ит* билан *бола* сўзларининг ўрни алмаштирилса, у вақтда Сяохай цзяо ла гоу — *Бола итни қонди* деган маъно англашилади. Демак, хитой тилида сўз тартиби грамматик вазифани бажаради.

Шундай қилиб, сўзларнинг гапда ўзаро боғланиши, грамматик муносабати турли тилларда турли йўллар, воситалар билан ифодаланади.

Ҳар қайси тилда келишиклар грамматик маъносига кўра бир неча вазифани бажариши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *Уйдан чиқдим, акамдан миннатдорман, узумдан олдим, соат олтидан кейин келинг, бу қошиқ кумушдан ясалган* каби гапларда чиқиш келишигининг маъноси турличадир. Фақат биринчи гапдаги чиқиш келишиги (уйдан) ҳар жиҳатдан ўз маъносига тўғри келади. Кейинги гапларда эса чиқиш келишиги (акамдан, узумдан, олтидан, кумушдан) ўз маъносидан анча узоқлашган. Шундай бўлса ҳам, шаклан бир хил бўлгани учун чиқиш келишигида келган сўзлар сифатида умумлашган, мавҳумлашгандир.

Келишикларнинг сони ҳам ҳамма тилларда бир хил эмас. Тилда келишиклар соннинг кўп-озлиги ҳар бир грамматик маъно учун махсус кўрсаткичнинг бўлишига боғлиқдир. Баъзи тилларда бир келишик бир неча грамматик маънога эга бўлиб, гапда бир нечта вазифани бажаради.

Шундай қилиб отларнинг муҳим белгиси (семантик белгиси) предметлик маъносидир. Отлар ўзларининг лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари ва бошқа белгилари билан ҳар бир тилда энг муҳим сўз туркумини ташкил этади.

От билан боғланиб келиб, предметга хос белги ва

хусусиятларни ифодаловчи сўзлар эса деярли ҳамма тилларда алоҳида сўз туркумини—сифат категориясини ташкил этади. Сифатлар баъзи тилларда кўпинча лексик маъноси ва гапдаги вазифаси билан, баъзи тилларда эса грамматик (морфологик) шакли — кўрсаткичи билан ҳам ажралиб туради.

Баъзи тилларда сифат грамматик шаклга эга бўлиши билан бирга, шакли билан ҳам отларга тобе бўлади; отларнинг грамматик хусусиятларига, яъни родларига, келишикларига, бирлик ва кўпликда бўлишига қараб ўз шаклини ўзгартириб, уларга мослашади. Масалан, рус тилида сифат отнинг родига, бирлик ёки кўпликда келишига ҳамда келишикларда ўзгаришига қараб, уларга мослашади: *ясный день* (очиқ кун), *ясные дни* (очиқ кунлар), *много ясных дней* (очиқ кунлар кўп) каби.

Демак, бу мисоллардаги *ясный* сифати отларга тобе бўлганлиги учун отнинг шаклига, роди, сони ҳамда келишикларига қараб, от билан мослашган.

Баъзи тилларда эса сифат, асосан, маъноси билан ҳамда отларга бирикиб келиш ўрни билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади. Масалан, инглиз тилида: *Large city* (катта шаҳар), *Asad man sad person* (хафа киши). Ўзбек тилидаги *очиқ ҳаво*, *очиқ кун*, *очиқ кунлар* бирикмалари хитой тилида: (*хао тянцзи*) — (очиқ ҳаво), *хао тянь* (очиқ куц) тарзида ифодаланади. Бундай тилларда сифатлар шакл жиҳатидан отларга тобе бўлмайди, рус тилидагидек боғланган эмас. Шунинг учун ҳам сифатлар отларнинг сон ва келишиклар билан ўзгаришига қарамай, сифатлар ўз шаклини ўзгартирмайди.

Сифатлар икки хил — *аслий* ва *нисбий* бўлади. Кўп тилларда аслий сифатлар лексик маъноси билан ажралиб туради. Баъзи тилларда эса ҳам маънолари, ҳам морфологик белгилари билан ажралиб туради. Чунончи, туркий тилларда аслий сифатлар, жумладан, *кўк*, *қизил*, *оқ*, *сарик*, *яшил*, *катта*, *кенг*, *тор*, *семиз*, *ориқ* кабилар ўзларининг лексик маънолари билан нисбий сифатлардан ажралиб туради. Грамматик жиҳатдан бундай сўзлар чоғиштирма даража шакли билан ҳам фарқ қилади (*қизил* — *қизилроқ*, *ёш* — *ёшроқ*, *кўк* — *кўкроқ*). Нисбий сифатлардан эса, одатда, чоғиштирма даража ясалмайди.

Аслий сифатлардан турли суффикслар воситасида редупликация ва синтактик йўл билан ҳам даража маъноси ифодаланади. Масалан, *кап-катта*, *қип-қизил*, *оппоқ*, *қоп-қора*, *ширин-ширин* (ноклар), *чиройли-чиройли* (гул-

лар). Тошкент Самарқанддан катта. Биринчи бригадага нисбатан учинчи бригада яхши ишлайди кабилар. Бундай ҳодисалар бошқа тилларда ҳам учрайди.

Нисбий сифатлар отларга турли суффикслар қўшиш орқали ифодаланади.

Айрим тилларда, чунончи, инглиз, уйғур, қозоқ, татар, ўзбек тилларида нисбий сифатларнинг маъноси кўпинча отлар орқали ифодаланади. Масалан, ўзбек тилида: *мис қозон, сим каравот, тош йўл, ёғоч қошиқ*, инглиз тилида: *a town park* (шаҳар парки), *a collectiv farm* (жамоа хўжалиги).

Баъзи тилларда нисбий сифатлар турли суффикслар ёрдамида отларнинг негизидан (ўзагидан) ясалади. Масалан, рус тилида: *желез (о) + н = железный, ус (ы) + ат = усатый, истори (я) + ческ = исторический*.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларига қараб яна бир қанча сўз туркумлари бўлиши ҳам мумкин: олмош, феъл ва бошқалар.

Ўзбек тили лугат таркиби мактабларда ўқитиладиган ўнта сўз туркумига, «Фан» нашриёти томонидан нашр қилинган «Ҳозирги замон ўзбек тили»¹ китобида ўн битта сўз туркумига бўлинган; А. Н. Кононовнинг «Грамматика современного узбекского литературного языка» асарида ҳам ўзбек тили сўзлари ўн бир сўз туркумига бўлиниб, тақлидий сўзлар алоҳида кўрсатилган.

Туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида от, сифат, сон, олмош, феъл каби сўз туркумлари лексик маънолари, морфологик ва синтактик хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қилади. Аммо баъзи бир сўзларнинг ўрни муайян эмас. Масалан, от туркумидаги баъзи бир сўзлар гапда, сўз бирикмаларида сифат ўрнида: *тош уй, кумуш соат, ёғоч кўприк*; асл сифатлар эса равиш ўрнида келиши мумкин: *Яхши одам яхши ишлайди*. Биринчи уч мисолдаги *тош, кумуш, ёғоч* сўзлари от туркумига кирса ҳам, бу мисолларда сифат вазифасини бажариб келган. Кейинги мисолда *яхши* сўзи сифат, от (одам) олдидан келиб, аниқловчи вазифасини бажариб келган. Феъл (ишлайди) олдидан келгани учун равиш вазифасини бажарган.

Туркий тилларнинг хусусияти шунки кўрсатадики, аслий сифатларнинг кўпчилиги фақат отларнинггина

¹ Қаранг: Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1957, 309—526-бетлар.

эмас, балки феълларнинг ҳам белгисини кўрсатиб келади, ҳар иккала ҳолда ҳам қандай? деган сўроққа жавоб бўлади: *Яхши уйларда* (қандай уйларда?), *Яхши гапирди* (қандай гапирди?).

«Ҳозирги замон ўзбек тили» китобида модал сўзлар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган. Модал сўзлар вазифаси жиҳатидан юкламаларга яқин бўлиб, воқеликка бўлган муносабатни, сўзловчининг истак-хоҳишини ифодалайдиган сўзлар (*балки, фақат* кабилар). Ҳозиргача бундай сўзларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари эътиборга олинмай, бошқа сўз туркумлари ичига синдирилиб юборилган эди. Бундай сўзларни алоҳида сўз туркумига ажратиш тилнинг хусусиятини очиқ беришга ва уни ўрганишга катта ёрдам беради.

Умуман, сўз туркумлари икки катта гуруҳга бўлинади:

1. **Мустақил сўзлар** — тўлиқ маънога эга бўлган сўз туркумлари. Масалан, от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл. 2. **Ёрдамчи сўзлар**—мустақил маънога эга бўлмаган сўзлар: кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар. Ёрдамчи сўзлар предмет ва ҳодисаларнинг номини билдирмайди. Уларнинг асосий грамматик хусусияти мустақил маъноли сўзларнинг ўзаро муносабатини ифодалашдан иборат. Шунинг учун ёрдамчи сўзлар турли грамматик воситалар вазифасини бажариб келади. Бундай ҳолларда грамматик воситалар мустақил сўзнинг таркибида бўлмай, унга уланмай, балки унинг ёнида, атрофида бўлади.

Ёрдамчи сўзлар ҳар бир тилнинг хусусиятига қараб, олд кўмакчилар, орт (сўнг) кўмакчилар, артиклар, юкламалар ва боғловчиларга бўлинади. Олд кўмакчилар, асосан, ҳинд-европа тилларида кўп учрайди. Улар гапда сўзнинг олдидан келиб, келишиклар вазифасини аниқлаб беради ёки келишик қўшимчалари вазифасини бажаради. Масалан, инглиз тилидаги *To school* (мактабга), *from institute* (институтдан) мисолларида *to* ва *from* олд кўмакчилари жўналиш ва чиқиш келишиги вазифасини бажариб келган. Тожиқ тилида *ба мактаб* (мактабга), *аз институт* (институтдан) мисолларида *ба*, *аз* олд кўмакчилари жўналиш ва чиқиш келишикларининг маъносини ифодалаган. Рус тилида олд кўмакчилар, асосан, келишик флексиялари билан birlikда келишик маъносини яққолроқ аниқлаб беради. Масалан: *В Москве* сўзида *в* олд кўмакчиси — *е* флексияси билан бирга ўрин-пайт келишиги вазифасини аниқлаб келади. *В Москву* деган сўзида *в* олд кўмакчиси — *у* флексияси

билан бирга тушум келишиги вазифасини аниқлаб келади.

Орт кўмакчилар, асосан, туркий тилларда ва баъзан бошқа тилларда учрайди. Улар сўзларнинг кетидан келиб, турли келишиклар вазифасини ҳамда бошқа грамматик вазифаларни бажаради. Масалан, *Мен дўстимнинг олдига бораман. Болалар учун яхши мактаб қурилди. Завод қошида катта кутубхона бор гапларида олдига, учун, қошида сўзлари орт кўмакчилардир. Бу орт кўмакчиларни тушириб қолдириб, шу гапларни Мен дўстимникига бораман. Болаларга яхши мактаб қурилди. Заводда янги кутубхона бор* деб ифодаласак ҳам, айрим маъно нозикликларини назарга олмаганда, мақсадга эришган бўламиз. Демак, юқоридаги гаплардаги *олдига, учун, қошида* ёрдамчи сўзлари маълум келишиклар вазифасини бажариб келган.

Туркий тилларда ёрдамчи сўзларнинг бир қисми отлардан иборат бўлиб, улар гапда ёрдамчи сўзлар вазифасини бажариб келганда, ўзининг асл маъносини асосан йўқотиб, ёрдамчи сўз сифатида келишиклар вазифасини ва бошқа грамматик вазифаларни бажаради. Шу билан бирга, бундай ёрдамчи сўзлар ўзининг туб маъносини ҳам бирмунча сақлаб қолади. Ёрдамчи сўзлар вазифасида келган отлар, асосан, келишик қўшимчалари билан бирикиб келади. Масалан, *устида, ёнида, ёнидан, ичига, ичидан, ичини, қошида, қошидан, қошига* каби. Солиштириб кўринг: *Укам томга чиқди — Укам том тепасига чиқди.* Бу гапларнинг маъноси бир хил. Лекин иккинчи гапда айтилмоқчи бўлган фикр биринчига қараганда яна ҳам аниқроқ ифодаланган. Шунингдек, *Онам уйда — Онам уй ичида* гапларининг ҳам маъноси асосан бир хил бўлиб, лекин ўрин ҳоли иккинчи жумлада жуда аниқ ифодаланган. Бу ўринда *ичида* сўзи ёрдамчи сўз вазифасини бажариш билан бирга, ўзининг асл маъносини бутунлай йўқотмаган. Бу сўз онам бошқа ерда эмас, балки унинг ичида эканлигини аниқроқ ифодалаб берган. *Уйда* деганимизда кенг маънода, умуман уйда, ҳовлида ёки айвонда эканлиги англашилса, *уй ичида* деганимизда ҳовлида ёки айвонда эмас, балки унинг ичида эканлиги тушунилади.

Боғловчилар ҳам ёрдамчи сўзлардир. Улар мустақил маънога эга бўлмайди. Боғловчилар гапда сўзларни бир-бирга боғлаш, қўшимча гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш вазифасини бажаради. Масалан,

Ҳамма гап меҳнатда ва тажрибада (Ойбек). Атрофда бўлаётган ҳодисаларни энди у писанд қилмас эди, чунки унинг қўлидан ҳамма нарса келар эди. (А. Фадеев). Бу гаплардаги *ва, чунки* боғловчилари орқали гапдаги сўзлар ёки қўшма гапдаги содда гаплар бир-бирлари билан боғланган. Боғловчилар икки гуруҳга — **тенг боғловчиларга** ва **эргаштирувчи боғловчилар** (тўғрироғи, тобе боғловчилар)га бўлинади.

Тенг боғловчилар гап бўлаклари ва айрим гапларни бир-бирига боғлаб, улар орасидаги тенг муносабатларни кўрсатиб беради. Масалан, *Мен магазиндан дафтар ва қалам олдим. Бригадир билан теримчилар далага чиқиб кетдилар.*

Эргаштирувчи боғловчилар эса, асосан, қўшма гап таркибидаги эргаш гапларни боғлаш учун ишлатилади. Масалан, *Терим ишларини тезлатишимиз керак, чунки бу йил қиш эрта келиши мумкин.* Бу гапда **чунки** ёрдамчиси билан эргаш гап (чунки бу йил қиш эрта келиши мумкин) бош гапга бошланган.

Ҳар қайси гуруҳдаги боғловчилар яна бир неча турларга: **бириктирувчи, зидловчи, айирувчи, сабаб ва чоғштирув боғловчиларига** бўлинади.

Артиклар ёрдамчи сўзлар қаторига кирса ҳам, улар гап бўлақларининг ўзаро муносабатини, синтактик маъноларини ифодаламайди. Артиклар отларга грамматик ҳамроҳ бўлиб келади. Лекин артиклар ҳамма тилларда учрамайди. Артикларнинг асосий грамматик вазифаси шуки, улар гапда сўзларга ҳамроҳ бўлиб, бу сўзларнинг от туркумига қарашли эканлигини билдиради. Масалан, немис тилида: *der Tisch* (стол), *das buch* (китоб), *die Arbeit* (иш), инглиз тилида: *a lamp* (лампа), *the day* (кун) каби. Шу билан бирга, артиклар предметнинг муайян, аниқ ва ноаниқ эканлигини билдириб келади. Масалан, инглиз тилида *a* артикли ноаниқ предмети, *the* артикли эса аниқ, маълум предмети билдиради. Масалан, *a book* деганда, умуман китоб тушунилса, *the book* деганда, маълум бир китоб тушунилади. Шунингдек, немис тилидаги *das, der, die* артикллари ҳам отларнинг қайси родга қарашли эканлигини ҳамда аниқ предмет ҳақида гап бораётганлигини билдириб келади. Масалан: *das Fenster* (дераза), *der bleistift* (қалам), *die Wand* (девор). Кўпгина тилларда, шу жумладан, туркий тилларда артиклар йўқ.

Синтаксис — грамматиканинг асосий бир қисми бўлиб, у гап қурилиши ва унинг грамматик хусусиятларини, гап турларини, бўлақларини, бу бўлақларнинг ўзаро бирикиш йўллари, сўз бирикмаларини ўрганади. Синтаксис морфология билан узвий боғланган бўлиб, ҳар иккаласи бирлашиб, грамматикани ташкил этади. Синтаксис кишиларнинг ўзаро алоқа қилиши ва бир-бирларини тушунишида, фикр алмашувида катта роль ўйнайди.

Нутқнинг энг асосий бўлаги гапдир. Ҳар бир тилнинг ўз грамматик қонун-қоидаларига асосланган, грамматик жиҳатдан шаклланган, оҳангий тугалликка эга бўлган ва нисбий тугал фикрни билдирган сўзлар йиғиндиси ёки айрим бир сўз гап бўлади. Умуман, гап нутқнинг бир бутун бўлагидир. Биз гап орқали ўз фикрмақсадларимизни, ички ҳиссиёт, туйғу ҳам руҳий кечинмаларимизни билдирамиз, фикр алмашамиз. Гапда сўзларнинг ўзаро муносабати турлича бўлади. Гап сўзлардан, сўз бирикмаларидан ёки алоҳида бир сўздан тузилади. Маъно ва грамматик жиҳатдан ўзаро бирикиб шаклланган, ўзаро боғланган икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар **сўз бирикмалари** саналади. Сўз бирикмалари отларнинг отлар билан, сифатларнинг отлар билан, равишларнинг феъллар билан, феълларнинг феъллар билан бирикиб келиши орқали ҳосил бўлади. Масалан, *катта шаҳар, бригада бошлиғи, очиқ ҳаво, оқ олтин, тез ишламоқ, ёғоч кўприк* каби.

Сўз бирикмалари бир-бири билан мослашув, бошқарув ва битишув йўли билан боғланган бўлади.

Мослашув йўли билан тузилган сўз бирикмасидаги сўзлар грамматик жиҳатдан ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиб, тобе сўз ҳоким сўзнинг шаклига мос келадиган шаклда бўлиши шартдир. Мослашув баъзи тилларда, асосан, сифат билан отнинг муносабатида кўринади. Аниқловчи вазифасида келган сифат аниқланмишига тобе бўлиб, унинг келишик, сон ва родига тўлиқ мослашиб келиши керак. Бу ҳодиса рус тилида яққол кўринади. Сифат билан от бирикиб, сўз бирикмаси ҳосил қилар экан, тобе сўз — сифат ҳоким сўз — отнинг қайси келишикда, қайси сонда, қайси родда бўлишига қараб, шунга мослашиши керак. Масалан, русча *бассейн, река, озеро*

каби отлар билан *большой* сифатининг мослашувига эътибор беринг. Бу отлар бирлик сонда, мужской, женский ва средний родда бўлгани учун, *большой* сўзи ҳам ўз шаклини уларга мослаши шарт: *большой бассейн, большая река, большое озеро*. Шахс жиҳатдан мослашиш деярли ҳамма тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам мавжуддир. Масалан: *мен ўқидим, сен ўқидинг, у ўқиди* каби мисолларда ўтган замон феъли шахс-сонда мослашиб келган.

Шахс-сон жиҳатдан мослашув тўла ёки қисман бўлиши мумкин. Чунончи, ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феълининг бирлик сонидagi I, II, III шахслари (мен ишлайман, сен ишлайсан, у ишлайди) тўла мослашиш орқали бирикади, лекин кўпликдаги III шахс эса қисман мослашиши мумкин. Масалан, *Талабалар институтда ўқийди. Болалар боғчада ўйнаяпти*. Бу гапдаги талабалар, болалар сўзлари III шахс кўпликда келган бўлса ҳам, бу сўзлар билан боғланиб келган феъллар — *ўқийди, ўйнаяпти* III шахс бирликда келган. Тўғри, бу гапларда феъллар кўпликда қўлланиши ҳам мумкин: *Болалар боғчада ўйнаяптилар. Талабалар институтда ўқияптилар*.

Бошқарув шундай боғланишки, сўз бирикмаси таркибидagi ўзаро боғланган сўзлар гапда бири иккинчисидан маълум бир грамматик шаклда келишини талаб қилади: тобе сўз ҳоким сўз талаб қилган грамматик шакли олади. Бундай синтактик муносабат — бошқарув деярли ҳамма тилларда мавжуд. Бошқарув ўтимли феълларда яна ҳам аниқ кўринади. Ўтимли феъл манбани билдирадиган сўздан (тобе сўздан) кўпинча тушум келишигида бўлишни талаб қилади. Масалан, ўзбек тилида: *дўстимни чақирдим, сўзни ёд олдим, столни суриб қўйинг*; рус тилида *встретил брата, читал книгу*; немис тилида: *Wir lesen der brief* (Биз хатни ўқидик), *Ich kanfie keinen Anzug* (Мен бир костюм сотиб олдим); инглиз тилида: *I am reading a book* (Мен китоб ўқияпман) каби. Бу мисолларда феъллар ўзлари бошқариб келган тобе отларнинг тушум келишигида бўлишини талаб қилган. Бундан ташқари, бошқарув изофа йўли билан ҳам ифодаланади. Масалан: *шаҳар кўчаси, Аҳмаднинг китоби, ўқувчилар саройи* каби сўз бирикмаларида аниқланмиш аниқловчидан маълум грамматик воситани талаб қилади.

Қаратқич келишиқ кўшимчаси билан тўлиқ шаклланган (Аҳмаднинг китоби) ёки шу кўшимчани олмаган

(шаҳар, ўқувчилар) сўзлари ўзи билан бирикиб келган сўзлардан эгалик суффиксларини қабул қилишни, яъни изофали муносабатда бўлишни талаб қилади. Солиштириб кўринг: *Аҳмад китоб — Аҳмаднинг китоби, шаҳар кўча — шаҳар кўчаси, ўқувчилар сарой — ўқувчилар саройи, иш ҳажм — иш ҳажми* (ишнинг ҳажми) каби.

Сўз бирикмалари таркибида сўзларнинг ўзаро боғланишининг учинчи тури битишувдир. Битишув орқали муносабатда бўлган сўзларнинг қайси шаклда келиши бир-бирига боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам сўз бирикмаларидаги бундай сўзларнинг ўзаро бирикиб, битишиб келиши аффиксиз ва ёрдамчи сўзларсиз рўй беради. Битишув орқали, асосан, равишлар феъллар билан бирикиб келади. Масалан: *кўп ишладим, тез бажарди, яхши сўзлади*; рус тилида: *плохо играл, молча шел, красиво пишет* каби.

Баъзи тилларда, айниқса, туркий тилларда сифатлар, саноқ сон, тартиб сонлар ва бошқа туркумдаги баъзи сўзлар отлар билан бирикиб келиб, сўз бирикмаларини ҳосил қилганда (от билан сифат, тартиб сон билан от, саноқ сон билан от) сўзлар битишув йўли билан бирикади. Масалан, *қизил қалам, қизил қаламни, қизил қалам билан, ўнта китоб, юзта китоб, бешинчи завод, бешинчи заводга* каби мисолларда отларнинг келиши ва кўплик қўшимчаларини қабул қилишига қарамай, сифат ва сонни ифодаловчи сўзлар ҳеч қандай келиши ва сон қўшимчаларини қабул қилмасдан, ўз шаклини бирдай сақлаб қолади. Бундай ҳодиса француз, инглиз тилларида ҳам учрайди.

Шундай қилиб, синтаксис ҳар бир тилдаги гапнинг тузилишини, гапдаги сўзларнинг ва сўз бирикмаларининг ўзаро муносабатини, гапларнинг типик, умумлашган турларини, бўлақларини ўрганади. Жамият аъзоларининг алоқа воситаси бўлган тил гап орқали рўёбга чиқади. Гап киши фикрини шакллантиришда, ифода қилишда, бошқаларга билдиришда, умуман, фикр алмашувда асосий воситадир.

Гапни таърифлаш масаласи шу маҳалгача тўла ҳал қилинган эмас. Тилшуносларнинг сўнгги таърифларига кўра, киши нутқининг бир бутун бўлагини ташкил этиб, грамматик жиҳатдан шаклланган, нисбий тугал бир фикрни билдирган сўзлар йиғиндиси ёки алоҳида бир сўз гап саналади. Гап грамматик жиҳатдан шаклланиши билан, гап бўлақларининг тартиби ва оҳанги

билан бир бутунликни ташкил этади. Гап ёлғиз муҳокамани, ҳукми билдирмасдан, истак, буйруқ, сўроқ каби фикрларни ҳам ифодалаб келади.

Гаплар, ифода этиладиган мақсадга кўра, бир неча турларга бўлинади: дарак гап, сўроқ гап, ундов гап, буйруқ гап.

Дарак гап сўзловчининг бирор ҳодиса, воқеа тўғрисидаги ёки предметнинг бирор белгиси ҳақидаги фикрini ифодалайди. Масалан, *Ёз келди, боғларда турли мевалар пишди. Кеча ўртоқларим билан дарс тайёрладим. Қўёшнинг нурлари ўткир. Ой ёруғлик берса ҳам, иссиқлик бермайди.*

Сўроқ гап сўзловчининг бирор воқеа, ҳодиса ёки предмет, шахс тўғрисидаги сўроқни билдиради. Масалан, *Вакиллар қачон келади? Мажлис қаерда бўлади? Топшириқларни бажардингми? Қор ёғдими?*

Буйруқ гап сўзловчининг бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши юзасидан талабини, истагини, қисташини, насихатини ва шунинг кабиларни билдиради. Масалан, *Жим ўтиринг! Кўп гапирманг! Эртага албатта келинг! Саёҳатингиз ҳақида гапириб беринг! Бу ердан кет! Кўзимга кўринма!*

Ундов гап орқали ички туйғуларимиз, турли истак-орзуларимиз ифодаланади. Масалан: *Оҳ, бу қандай гўзал маскан! Яшасин тинчлик, йўқолсин уруш!*

Ҳар қандай дарак, сўроқ ва буйруқ гап эмоционал руҳ билан, кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилса, у, одатда, ундов гап бўлади. Масалан, *Отам Москвага кетди* (дарак гап) — *Отам Москвага кетди!* (ундов гап): *Сизга нима бўлди, йиғлаяпсиз?* (сўроқ гап) — *Сизга нима бўлди, йиғлаяпсиз!* (ундов гап)

Гаплар тузилиши жиҳатидан **содда** ва **қўшма гаплар**га бўлинади.

40-§. СОДДА ГАП

Содда гаплар бир таркибли ёки икки таркибли бўлади. Бир таркибли содда гап ёки эга, ёки кесим орқали ифодаланади: *Тун. Жимжит. Совуқ. Оппоқ қор. Ана ёриша бошлади.* Икки таркибли содда гапларда эга ва кесим бўлиши шарт. Икки таркибли гаплар **йиғиқ** ва **ёйиқ** бўлади.

Йиғиқ гаплар ёлғиз эга ва кесимдан иборат бўлади. Масалан, *Ёз келди. Мевалар пишди.* Йиғиқ гап-

ларда эга ёки кесим бирдан ортиқ сўзлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, *Олма, ўрик пишди. Ёшлар, қариялар ишляпти. Ёз келди, кетди. Ёйиқ гапларда эса эга ва кесимдан ташқари, бошиқа бўлаклари ҳам бўлади. Масалан, Кеча Пекиндан хитой халқининг вакиллари келишди. Бу гапта вакиллари — эга, келди — кесим, кеча — пайт ҳоли, Пекиндан — ўрин ҳоли.*

Эга ва кесим гапнинг энг муҳим ва асосий бўлаклариридир. Иккинчи даражали бўлаклар эга ёки кесим, яъни бош бўлаклар уюшиб, уларни аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келади. Иккинчи даражали бўлакларга аниқловчилар, тўлдирувчилар ва ҳоллар киради.

Аниқловчилар гапта, асосан, предмет отига боғланиб, уларнинг белгисини, турли хусусиятларини ифодалаб келади. Ҳар бир тилнинг хусусиятларига кўра, мослашган ва мослашмаган аниқловчилар учрайди. Хитой, инглиз тилларида ва бошқа айрим тилларда ҳам мослашмаган аниқловчилар бўлади. Масалан, *яшил майдон, фишт уй, шаҳар боғи*; хитой тилида: хао хайцзы (яхши бола), хао хайцзы мыны (яхши болалар)¹; инглиз тилида: Red Square (қизил майдон), brick house (тош уй), town park (шаҳар парки). Рус тилида эса ҳам мослашган, ҳам мослашмаган аниқловчилар бор. Мослашган аниқловчилар аниқланмишнинг грамматик хусусиятларига, яъни родига, келишигига, бирлик ва кўплигига қараб мослашади. Масалан, *большая комната, большой дом, большое здание*. Мослашмаган аниқловчилар эса отларнинг воситали ва воситасиз келишиги орқали ифодаланади. Масалан, *улицы города* (шаҳар кўчалари), *имущество колхоза* (жамоа хўжалиги мулки), *человек с ружьём* (қуролли одам) кабилар.

Тўлдирувчи гапнинг бирор бўлагига бошқарув йўли билан боғланиб, унинг маъносини тўлдириб келади. Тўлдирувчилар гапта отлар орқали ифодаланиб, бош келишикдан (айрим тилларда қаратқич келишикдан) бошқа келишикларнинг сўроқларига жавоб бўлиб келади.

Воситасиз тўлдирувчи вазифасини одатда тушум келишигида келган отлар бажаради. Қаратқич келишиги-

¹ Хитой тилида фақат одам отлари бирлик ва кўпликда ишлатилади, бошқа отлар фақат бирликда қўлланилади. Бундай отларнинг бирлик ёки кўплик маъноси контекстда аниқланади.

да келган отлар эса, асосан, аниқловчи вазиѳасини бажариб келади. Чиқиш, ўрин-пайт ва жўналиш келишикларида келган отлар, одатда, ҳол вазиѳасини бажариб келади. Бироқ, бу келишикларда келган отлар баъзан тўлдирувчи бўлиб ҳам келади. Масалан, *Синглимдан хурсандман, синглимга олдим* (синглим учун олдим), *синглимда бор* каби. Бу гапларда *синглимдан* (чиқиш келишиги), *синглимга* (жўналиш келишиги), *синглимда* (ўрин-пайт келишиги) сўзлари тўлдирувчи бўлиб келган.

Ҳол эса иш-ҳаракатнинг қандай бажарилганлигини, бажарилиш сабабларини, ўрнини, вақтини, даражасини билдириб келади. Масалан, *Талабалар Фарғонага жўнаб кетишди. Имтиҳонларни яхши топширдим. Болалар ўқишга келишди. Саёҳатчилар юз километр йўл босишди. Бола қўрққанидан уйдан чиқмади*. Бу мисолларда *Фарғонага* (ўрин ҳолини), *яхши* (ҳаракат ҳолини), *ўқишга* (мақсад ҳолини), *юз километр* (миқдор ҳолини), *қўрққанидан* (сабаб ҳолини) ифодалаб келган.

41-§. ҚЎШМА ГАП

Қўшма гаплар икки ёки ундан кўп предикатив содда гаплар қурилмаларининг бирикувидан ташкил топган гаплардир. Қўшма гаплар тузилиши ва боғланиш йўлларига кўра икки гуруҳга — **боғланган қўшма гап** ва **эргашган қўшма гапга** бўлинади.

Боғланган қўшма гаплардаги содда гаплар, одатда, тенг боғловчилар, зидловчи боғловчилар, айирувчи боғловчилар (баъзан юкламалар) воситаси билан бирикиб, тенг алоқада бўлади. Масалан, *Баҳор келди ва гуллар очилди. Осмонни булут қоплади, лекин ёмғир ёғмади*.

Боғланган қўшма гапларда содда гаплар тенг алоқада бўлса ҳам, бир-бирини тўлдириб, бир-бирини аниқлаб келади. Агар боғланган қўшма гапдаги содда гаплар бирикиб, бутун бир фикрни билдирмаса, бир-бири билан бевосита боғланган бўлмай, айрим-айрим ҳолдаги содда гаплар бўлиб қолаверади. Демак, қўшма гап таркибидаги қисмлар — предикатив қурилмалар мустақил, айрим қўлланган содда гапдан баъзи хусусиятлари билан фарқланади: у тўла мустақилликни сақламайди.

Эргашган қўшма гаплар бош гапдан ва эргаш гапдан иборат бўлади. Эргаш гап бош гапни бутунича ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаб келади.

Эргашган қўшма гаплар таркибидаги қисмларнинг бир-бирига бўлган синтактик муносабатларнинг ифодаланишида боғловчилар асосий воситалардандир. Масалан, турк тилларида, шу жумладан, ўзбек тилида, эргаш гаплар бош гап билан **чунки, шунинг учун, -гача, -да, -ки** каби қўмакчи сўзлар, қўшимчалар ҳам бошқа грамматик воситалар орқали боғланиб келади: *Ёмғир қаттиқ ёққани учун саёҳат эртага қолдирилди. Биз ишонамизки, тинчлик урушни албатта енғади. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан. Насибани ўқишдан қолдириб, курортга олиб кетар экансан, сендай жияним йўқ (А. Қаҳҳор).*

Рус тилида эргаш гаплар бош гаплар билан *когда, как, что, якобы, для того чтобы, словно, где, откуда, куда* каби боғловчи сўзлар орқали бирикиб келади. Масалан: *Брат сказал, что мы завтра поедem на рыбалку. Мы подъехали к крепости, куда входила наша артиллерия. Пастух поглядел на небо, откуда моросил дождь. Наступила минута, когда я понял всю эту цену слов.*

Қўп тилларда, жумладан, туркий тилларда эргашган қўшма гапларнинг турли типдаги қурилмалари, эргаш гапларнинг турлари ҳали чуқур ўрганилмаган.

42-§. СИНТАГМА

Синтагма термини тилшуносликда кўпинча фақат синтактик маънода — бир-биридан қисқа тўхтам орқали ажралиб турадиган семантик-грамматик-интонацион бутунлик маъносида қўлланилади. Лекин айрим тилшунослар бу терминнинг доирасига бир сўз таркибидаги қўшимчаларни, морфемаларни ҳам киритадилар.

Нутқий алоқанинг энг содда, энг бошланғич шакли бўлган икки бўлакнинг синтактик муносабати **синтагма** деб аталади. Одатда, синтагма икки ва ундан ортиқ сўзларни бирлаштириб, гапда маъно ва синтактик бирликни билдиради. А. А. Реформатский таърифича, икки бўлакдан иборат бирикма синтагмадир¹, лекин бундай бирикмалардаги бўлакларнинг маълум бир муносабатда бўлиши (боғланиши), ифодаланган мақсадга кўра тенг бўлмайди. Синтагма бўлаклари шулардан иборат бўли-

¹ Қаранг: А. А. Реформатский. Введение в языкознание. Изд. Просвещение, Москва, 1967. 324—327-бетлар.

ши мумкин: биринчидан, бири иккинчисини аниқлаб келиш йўли билан боғланган икки сўз: *қизиқ хат, хат ёздим, чиройли ёздим*; иккинчидан, сўзнинг морфологик қисмлари, морфемалар, морфемаларнинг бирикуви: *талаба+ман, боғбон+сиз*; учинчидан, гапнинг бир бўлаги бўлиб келган сўз бирикмалари: «*Оғриқ тишлар*»ни кўрдик. *Қўл учи билан ишлайди*¹.

Синтагма бўлаклари бир-бири билан икки хил муносабатда: предикатив муносабатда ва предикатив бўлмаган муносабатда бўлиши мумкин.

Предикатив муносабат (боғланиш) энг асосий, энг муҳим муносабат бўлиб, бунда икки бўлак бир-бири билан вақт ва майл жиҳатидан боғланади. Предикатив синтагма боғланиши жиҳатидан икки хил: ташқи (*Ой чиқди. Бола ухляпти. Машина тўхтар*) ва яширин (*Тун. Совуқ. Даҳшат*) бўлади. Яширин синтагма ташқи кўринишда бир хил бўлакли бўлса ҳам, алоқа воситаси сифатида тугал бир фикрни ифодалайди. Шунинг учун ҳам бундай синтагмалар бир таркибли гапнинг бир турини ташкил қилади.

Предикатив бўлмаган синтагмалар тубандагича бўлади:

Аттрибутивли синтагма. Бунда аниқловчи бўлак аниқланмишнинг бирор белгисини кўрсатади: *ёш йигит, кўм-кўк дала, чарчаган одам.*

Объектли синтагма. Бу муносабатда изоҳловчи (кенг маънода) бўлак объектни билдириб келади: *чой ичди, хат ёзувчи, эшикни очиб.*

Релятивли синтагма. Бунда изоҳловчи бўлак ҳоким бўлакнинг бирор белгисини кўрсатади: *яхши ўқийди, секин юр, қўпол гапирдингиз.*

Синтагманинг бўлаклари мослашув, бошқарув ва битишув йўли билан боғланади. Масалан: *Ёш қиз очилган пахтани тез тера бошлади.* Бу гап — *Ёш қиз/очилган пахтани/тез тера бошлади/пахтани тера бошлади/каби* тўрт синтагмадан иборат бўлиб, *ёш, очилган, пахтани, тез, тера бошлади* — изоҳловчи бўлаклардир: фақат *қиз* изоҳловчи бўлак эмас. Бу гаптаги синтагмалардан *қиз тера бошлади* предикатив муносабат билан, *ёш қиз, очилган пахта* (ни) атрибутив муносабат билан, *пахтани тера бошлади* объектли муносабат билан, *тез тера бошлади* релятив муносабат билан боғлангандир¹.

¹ Қаранг: Ўша асар, 335—357-бетлар

Гап маълум фикрни, ҳукми ифодалайди. Фикрнинг манбаи реал борлиқдир. Масалан: *Барглар шитирлади*: мавжуд борлиқдаги бу предмет ва унинг ҳаракати бизнинг онгимизда акс этиб, онгимизда икки тасаввур (предмет — барглар ҳақидаги тасаввур ва унинг ҳаракат белгиси — шитирлайди ҳақидаги тасаввур) ҳосил бўлади ва бу тасаввурларнинг қўшилиши ҳукми, фикрни юзага чиқаради. Бу ҳукм тилда гап орқали ифодаланади (предмет тасаввури от — барглар орқали, белги-ҳаракат тасаввури феъл (шитирлади) орқали аниқлашиб, бу сўзларнинг қўшилиши юқоридаги ҳукми ифодаланган, гап ҳосил қилган. Демак, гап мавжуд борлиқнинг инъикос жараёни билан боғланган. Баъзи гаплар туйғу-ҳиссиётларни ифодалайди. Бинобарин, тил билан тафаккур чамбарчас боғлиқдир. Фикрнинг ўзи тил материали базасида туғилади.

Ҳукм мантиқий категория, гап эса грамматик категориядир.

Ҳукм — фикр, унда бирор предмет ёки белги ҳақида тасдиқни ёки инкорни билдиради. Булар гап орқали юзага чиқади. Гап ҳукмнинг қобиғидир, гапдан ташқарида ҳукм мавжуд бўлолмайди. Ҳукм гапнинг тасдиқ ёки инкор турлари орқали мавжуд: *Бола югурди — Бола югурмади*. Гапнинг ҳукмдан фарқи — тасдиқ ёки инкор турлари билан бирга ундош (яша бола), буйруқ (*Бола югурсин!*), сўроқ (*Бола югурдими?*) гап турлари бор.

Бирор нарса ҳақида қандайдир ҳукм (тасдиқ ё инкор) қилинганда, шу нарса **ҳукм предмети** дейилади. Ҳукм предмети ҳақида тасдиқ қилинаётгани (ёки инкор қилинаётгани) **ҳукм белгиси** дейилади. Ҳукм предмети материал предметлардан, идеал предметлардан, бирор нарса ҳақидаги тасаввур ва бошқалардан келиб чиқади. Белги предметларнинг ўхшашлигини ёки бир-биридан фарқли эканлигини кўрсатади. *Ипак юмшоқ* (ипак ўзининг бир белгиси орқали ҳамма юмшоқ предметлар билан ўхшашлик туғдиради ва юмшоқ бўлмаган предметлардан ажралади). *Сув музлаган эмас* (музламаган предметлардан фарқланади).

Ҳукм субъект, предикат ва боғламага (связка) бўлинади. **Субъект** ҳукм предмети ҳақидаги тасаввурдир (гапда — эга, масалан, «Маймун инсон эмасдир», рус тилида «Тополь есть дерево»); **предикат** предметнинг

Белгиси ҳақидаги тасаввурлар (гапда кесим — «маймун инсон эмас»; «Тополь есть дерево»); **боғлама** фикрнинг ҳукм предметига қарашли эканлиги ёки қарашли эмаслигини, тасдиқ, инкорни билдирувчи элементдир. (Маймун одам эмасдир. Тополь есть дерево). Гап ҳукмнинг тил материаллари билан ифодаланган шакли, қобиғидир. Ҳукм гапсиз мавжуд бўлмайди. Лекин гапда, ҳукмдан ташқари, фикрнинг бошқа турлари (буйруқ, сўроқ ва б.) ҳам ифодаланиши мумкин; шунингдек, гапда сўзловчининг дунёга, воқеликка бўлган муносабатини билдиради. Ҳукм турли тилда (ҳар қайси тилнинг хусусиятларига кўра) турлича ифодаланиши мумкин, ҳукм умуминсоний характерга эга, у бутун инсоният учун умумийдир. У одамларнинг синфий фарқларига ҳам, миллий фарқларига ҳам қарамайди. Гапнинг тузилиши эса, турли тилларда турличадир. Масалан, ўзбекчада: *Бола совуқ еди* деган тасдиқни билдирувчи ҳукмни русчада *Ребенок замерз* деб ифодалаш мумкин. Лекин русчага сўзма-сўз таржима қилганда *Ребенок скушал холод* тарзидаги бемаъни гап ҳосил бўладики, бу рус тили хусусиятларига мос бўлмаган нотўғри ифодадир.

Бир гапда тасдиқ (ё инкор) ифодаланар экан, шундан унинг акси ҳам билиниб туради. Масалан: *Ёшлардан бошқа ҳеч ким келмади*. Бу гапдан «Ўрта ёшдагилар ва қариялар келмади» деган ҳукм билан бирга, «Фақат ёшлар келди» деган фикр ҳам англашилиб туради. Бундан келиб чиқадики, бир ҳукм бир тилнинг ўзида ҳам турлича ифодаланиши мумкин. Масалан: *Бугун ҳаво очиқ — Бугун ҳавода ҳеч булут йўқ*.

Юқорида айтганимиздек, ҳукм мантиқий категория бўлиб, гап грамматик категориядир. Ҳукмнинг тузилиши билан гапнинг тузилиши бир хил бўлмаганлигидан, субъект ва предикат турли тилларда турлича ифодаланади. Рус ва ўзбек тилларида субъект ва предикат гапда эга ва кесим билан ёки эга гуруҳи ва кесим гуруҳи билан ифодаланади. Ҳукм билан гапнинг муносабати бир хилда бўлмагандан, предикат мантиқий урғу орқали, нутқ контекст орқали ёки бундан бошқа йўллар билан аниқланади. Масалан: *«Азим агроном. Отец пенсионер каби»*.

Ҳукм билан гапнинг яна бир фарқи шундаки, ҳукм уч бўлақдан (субъект, предикат ва боғлама) иборат бўлади, гап эса ҳар доим уч бўлақдан иборат бўлиши

шарт эмас, у бир бўлакдан, икки бўлакдан ва ундан ортиқ бўлаклардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан: *Тун. Азамат келди. Онаси дарров эшикни очди.*

44-§. ТИЛЛАРНИНГ СИНТЕТИК ВА АНАЛИТИК УСУЛИ

Дунёдаги барча тилларда гап таркибидаги сўзларнинг бир-бири билан бўлган грамматик муносабати икки хил: синтетик¹ ва аналитик² усул билан ифодаланиши мумкин.

Сўзларда ўзаро грамматик муносабатнинг турли грамматик воситалар, аффикслар, ички флексия, такрорлаш, урғу, қўшиш ва супплетивизм орқали ифодаланиши синтетик усул дейилади.

Синтетик усулда грамматик воситалар сўзларнинг лексик маъноси билан, яъни сўзнинг ўзи билан боғланган бўлади. Масалан, рус тилида: *Студенты сдают экзамены* деган гапда отнинг кўплик маъноси шакли -ы (студенты, экзамены), ҳозирги замон феълининг III шахс кўплик шакли -ют суффикси (сдают) орқали ифодаланган. Ўзбек тилида: *Дўконда яхши китоблар кўп* гапда ўринини билдирувчи -да кўшимчаси *дўкон* сўзига, кўпликни ифодаловчи -лар кўшимчаси *китоб* сўзига қўшилиб келган. Синтетик тиллар қаторига рус, угор-фин тиллари, туркий тиллар ва бошқа бир қанча тиллар киради.

Сўзлардаги турли грамматик муносабатларнинг, грамматик маъноларнинг сўзларга турли қўшимчалар қўшиш йўли билан эмас, балки алоҳида ёрдамчи сўзлар орқали, сўзларнинг гапдаги тартиби ёки оҳанг орқали ифодаланиши аналитик усул дейилади. Аналитик тизимдаги тилларга хитой, инглиз, румин, булғор, янги форс, ҳозирги эрон, қисман тожик, япон тиллари киради. Масалан, инглиз тилида: *The ball of the boy* (бу копток боланики) деган гапда қаратқич келишиги билан ифодаланадиган грамматик маъно *of* ёрдамчи сўзи орқали берилган. Француз тилида: *Je vais à l'école* (мен мактабга кетяшман) деган гапда жўналиш келишиги *à* ёрдамчи сўзи орқали ифодаланади. Шунингдек, хитой тилида: *Во цун Бейцзин*

¹ Синтетик — юнонча *synthetikos* сўзидан олинган бўлиб, *бирикиш*, *тузиш* деган маънони билдиради.

² Аналитик — юнонча *analytikos* сўзидан олинган бўлиб, *айириш*, *ажрагиш* маъносини билдиради.

лай — *Мен Пекиндан келдим* гапида чиқиш келишиги маъноси ёрдамчи сўз орқали берилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, аналитик тилларга хос хусусиятлар синтетик тилларда учраши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги *Болалар учун китоблар олдик* гапида грамматик восита *учун* ёрдамчи сўзи орқали ифодаланган. Шунга ўхшаш, аналитик тилларда эса синтетик тилларнинг хусусияти ҳам бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилида кўплик -s суффикси орқали ифодаланади. boy — boys (бола—болалар), room—rooms (хона—хоналар), day — days (кун—кунлар) каби.

45-§. ТИЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ¹

Тилнинг пайдо бўлиш масаласи қадимданоқ кишиларни, айниқса, олимларни қизиқтириб келган. Шуни айтиб ўтиш керакки, айрим тилларнинг келиб чиқишини, масалан ўзбек, рус, ҳинд, тожик ва бошқа тилларнинг қачон пайдо бўлганини, қандай таркиб топганлигини аниқ билиш мумкин. Аммо, аниқ тилнинг келиб чиқиши масаласини, умуман тилнинг, инсонлар путқининг пайдо бўлиши масаласи билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳозир дунёда мавжуд бўлган жонли тилларнинг ҳам, баъзи бир ўлик тилларнинг ҳам келиб чиқиш тарихини ўрганиш у қадар қийин масала эмас. Анчагина тилларнинг қачон пайдо бўлганлиги, қачон таркиб топганлиги аниқланган. Бироқ, ер юзида умуман инсониятга хос тилнинг қачон пайдо бўлганлиги, дастлабки тилларда қандай сўзлар бўлганлиги, унинг грамматик хусусиятлари нималардан иборат эканлиги ҳал қилинган эмас ва ҳал қилиниши ҳам мумкин эмас. Чунки бундан бир неча юз минг йиллар бурун пайдо бўлиб, кейинчалик номнишонсиз йўқолиб кетган тиллар ҳам бўлган. Аммо, бундан бир неча юз минг йил бурун пайдо бўлган тилларнинг фонетик тизими (системаси) сўз бойлиги, грамматикаси ва бошқа муайян хусусиятларидан қатъи назар, биз умуман тилнинг келиб чиқишини ўрганмоқчи эканмиз, энг аввало, тилнинг келиб чиқишидаги шарт-шароитларни очишимиз, яъни инсонлар қандай шароитда сўзлай бошлаганликларини ўрганишимиз ва бу маса-

¹ Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги турли назарияларни ёритишдаги фикрлар масъулиятини муаллиф ўз зиммасига олади. (О. А.)

лани умуман тилнинг келиб чиқиши масаласи билан боғлаган ҳолда ўрганиб хулоса чиқаришимиз лозим.

Тилнинг келиб чиқиш масаласини аниқлашдаги қийинчилик шундан иборатки, биринчидан, ҳозирги тил тарихи фани дунёда умуман тилнинг қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида ҳеч қандай далилларга эга эмас. Чунки ҳозир бизга маълум бўлган тилларнинг ёзув тарихи 10—15 минг йилдан ошмайди. Олимларнинг фараз қилишича, инсон бундан бир неча юз минг йил бурун сўзлаша бошлаган. Аммо, ўша даврдаги тиллар тўғрисида ҳозирги вақтда ҳеч қандай маълумот йўқ. Иккинчидан, умуман жуда узоқ ўтмиш даврда тилнинг пайдо бўлиш сабабларини, йўлларини, қандай қилиб кишиларнинг алоқа воситаси бўлганлигини ўрганиш учун ўша давр шарт-шароитларида яшаган кишилар жамоасига ўхшаган жамоалар ҳозирги даврда қолмаган. Шунинг учун ҳам тилшунослик фани бу масалани тўғридан-тўғри ўрганиш учун ҳеч қандай имкониятга эга эмас.

Шунингдек, тилнинг пайдо бўлиши даврида шарт-шароитларни сунъий равишда яратиб, инсонларнинг қандай қилиб сўзлай бошлаганлигини бошқа фанларга ўхшатиб, тажриба ўтказиш йўли билан аниқлаб олиш ҳам сира мумкин эмас.

Тилнинг умуман қачон пайдо бўлганлигини, дастлабки тилнинг фонетик тузилиши, сўз бойлиги, грамматик хусусияти нималардан иборат эканлигини билиш мумкин бўлмаса ҳам, кишилик жамиятининг пайдо бўлишидаги инсон ҳаётининг муайян шарт-шароитлари ҳақидаги илмий ҳаёлларга асосланиб, тилнинг келиб чиқиши масаласини олимлар тўғри ёритишга қаратилган катта илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Демак, биз кишилик жамиятида тилнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган шарт-шароитлар ҳақида, шунингдек, тилнинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан, айтиқса тафаккур билан бўлган муносабатлари тўғрисида фикр юритишимиз мумкин.

Дунёда энг аввал пайдо бўлган тилнинг фонетик тузилиши, сўз бойлиги қандай эканлигини, грамматик шакллари нималардан иборат эканлигини билиш мумкин эмаслигидан қатъи назар, умуман тилнинг қандай шароитларда пайдо бўлиш масалаларини илмий ҳаёлга суяниб ўрганиш мумкин бўлади. Тилшунослик илми бир-бирига яқин бўлган психология, физиология, этнография, археология, тарих ва шунга ўхшаш фанларнинг

далилларига суяниб, тилнинг келиб чиқиш масаласига ёндошиши мумкин.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, тилнинг келиб чиқиш масаласи қадимданоқ кишиларни қизиқтириб келмоқда. Турли нутқ товушларининг бирикиб, сўзлар ҳосил қилиши ва сўзлар воситасида гап тузиб, истак ва мақсадни ифодалашни, айниқса, қадимдан кишилик жамиятининг бошланғич даврларида яшаган одамларни жуда ҳайратда қолдириб келган. Шунинг учун тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида қадимги кишилар турли ривоятларни тўқиганлар. Бу ривоятларнинг баъзиларида тил Аллоҳ томонидан яратилиб, кишиларга тақдим қилинганлиги, айримларида эса тилни ажойиб бир донишманд яратганлиги талқин қилинган.

Антик замонлардан бери тилнинг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча назариялар яратилган. Антик файласуфлар тилнинг келиб чиқишини бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил назария билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Баъзи файласуфлар тил табиий йўл билан пайдо бўлган, яъни сўз ва предметлар ўртасида тўғридан-тўғри табиий боғланиш бўлганлиги учун кишилар предмет ва нарсаларни табиий ҳолда билиб олишган, деб исботламоқчи бўлганлар. Баъзи файласуфлар эса тил кишиларнинг бир-бири билан ўзаро келишиши натижасида вужудга келган, деб ҳисоблаганлар. Ана шу бир-бирига қарама-қарши икки назариянинг ўзаро кураши натижасида яна бир қанча назариялар вужудга келган.

Ҳозир ҳам тилнинг келиб чиқиши тўғрисида бир-бирига қарама-қарши назариялар мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан курашиб келмоқда. Бу назарияларнинг баъзилари тилни инсонларнинг бир-бири билан муносабатда бўлиши алоқа қилиш эҳтиёжи натижасида келиб чиққан деб ҳисобласа, иккинчи бири, айрим шахсларнинг ўз фикрини аввал ўзи учун, кейин бошқалар учун билдириши натижасида келиб чиққан, деб ҳисоблайди.

Бу назарияларнинг биринчиси **ижтимоий назария**, иккинчиси **индивидуал назария** деб аталади.

Индивидуал назариянинг энг типикларидан бири — **овозга тақлид назарияси** бўлса, иккинчиси — **ундов назарияси**дир.

Овозга тақлид назарияси кишиларнинг ўз атрофидаги предметларнинг чиқарган овозига тақлид қилиши на-

тижасида дастлабки сўзлар, предметларнинг номлари пайдо бўлган деб ҳисоблашган.

Тилдаги сўзларнинг пайдо бўлиши бу назария тарафдорлари фикрича бўлганда эди, унда дунёдаги бир неча минг тиллардаги ҳар бир предметнинг номи бир хил бўлиб, ҳаммага тушунарли бўлиши керак эди. Бундан ташқари, табиатдаги тоғ, Ер, Ой, тош, қум, ғор каби предметлар ҳеч қачон ўзича табиий ҳолда овоз чиқармаган. Модомки шундай экан, кишилик жамиятининг бошланғич даврларида яшаган кишилар ана шунга ўхшаш овоз чиқармайдиган предметларга қандай қилиб ном берган? Тўғри, баъзи бир сўзлар табиатдаги предметлар овозига тақлид қилиниши натижасида пайдо бўлган бўлиши мумкин. Масалан: *шир-шир*, *тақир-туқур*, *кук-ку*, *гумбур-гумбур* кабилар. Бунга ўхшаш сўзлар деярли ҳамма тилларда мавжуд бўлса ҳам, улар жуда озчиликни ташкил қилади. Шунинг учун тақлидий сўзлар тилнинг пайдо бўлиши масаласини ҳал қилишда асосли аҳамиятга эга эмас. Демак, овозга тақлид назарияси тилнинг келиб чиқиши масаласини тўғри ҳал қилиб беролмайдиган ғайриилмий назариядир.

Ундов назарияси ҳам тилнинг пайдо бўлиши масаласини нотўғри талқин қилувчи назариялардан бири бўлиб, бу назария тарафдорлари тилдаги барча сўзлар кишиларнинг ички туйғулари, қаҳр-ғазаблари, ҳис-ҳаяжонлари, ихтиёрсиз бақиринлари натижасида пайдо бўлган, деб даъво қиладилар. Тўғри, ҳар қайси тилда маълум даражада ундов сўзлар ҳам бўлиб, улар ёрдамида янги сўзлар ясалади. Масалан: *оҳ* (оҳламоқ), *вой* (вой-войламоқ), *инг* (инграмоқ), *уф* (уфламоқ) кабилар. Бироқ бундай сўзлар жуда ҳам озчиликни ташкил қилади. Улар, ҳатто, предметларнинг табиий овозига тақлид қилиниши натижасида яратилган сўзлардан ҳам камдир. Модомки, тилдаги барча сўзлар ҳақиқатан шу назария тарафдорлари айтганидек яратилган бўлса, тилдаги ички ҳис-туйғуларни ундов орқали билдира олмайдиган минглаб предметларнинг номи қандай пайдо бўлган? Табиийки, бу назария тарафдорлари бундай саволга жавоб олмайдилар. Бинобарин, бу назария ҳам тилнинг келиб чиқиш масаласини тўғри ёритишга ожиз бўлган ғайриилмий назариядир.

Ана шундай фанга зид назариялардан яна бири «Меҳнат қийқириқлари» назарияси бўлиб, бу назария тарафдорлари тилдаги барча сўзлар ибтидоий кишилар-

нинг биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида меҳнат қилишга ундайдиган ихтиёрсиз қийқиришлар натижасида пайдо бўлган, деб даъво қиладилар.

Бу назария биринчи қараида ҳақиқатга бирмунча яқин назариядек кўринса ҳам, мантиқ жиҳатдан асоссиздир. Чунки меҳнат қилишдаги қийқиришлар, ҳайқиришлар меҳнат жараёнидаги ҳаракатни бир маромга, бир қолишга солиш учун бир восита бўлган, холос. Бундай ҳайқириқлар, қийқириқлар ҳеч қачон кишиларнинг алоқа воситаси бўлган эмас: ҳайқиришлар натижасида вужудга келган товушлар (эй, оҳ, воҳ, виқ, оҳо, эҳе) маъноли сўз сифатида ҳозирги замондаги тилларнинг биронтасида ҳам учрамайди. Чунки бундай ҳайқириқлар, қийқириқларнинг лексик маъноси йўқ.

Тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ана шундай назариялардан яна бири **имо-ишора назарияси**дир. Бу назария тарафдорлари товуш тили пайдо бўлгунча инсонлар бир-бири билан имо-ишора орқали алоқа қилишган, деб даъво қиладилар. Немис олими Вундт энг биринчи бўлиб бу назарияни асослашга уринган. Академик Н. Я. Марр шу тариқа кишиларда меҳнат қилиш қобилияти пайдо бўлгунча, улар меҳнат қуроолларини яратгунга қадар одамларнинг товуш тили бўлмасдан, «имо-ишора тили» бўлган, кишилар бир-бир ярим миллион йил давомида «имо-ишора тили» орқали алоқа қилганлар, деб исбот этишга ҳаракат қилади. Н. Я. Марр қадимги замонда кишиларнинг бирдан-бир алоқа воситаси бўлган «имо-ишора тили» узоқ давом этиб, кейин товуш тилига айланган, деб даъво қилади.

Агар одамсимон маймунлар меҳнат қила бошлагандан кейингина ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан ва ана шундагина тилнинг пайдо бўлишига эҳтиёж, шарт-шароит туғилган, деб таълим берса, «имо-ишора назарияси»нинг тарафдорлари, жумладан, Н. Я. Марр одамсимон маймунлар ҳайвонот дунёсидан ажралиб, аввал бир-бирлари билан «имо-ишора тили» орқали алоқа қилганлигини исбот қилишга уринганлар. Бироқ, бу ўринда академик Н. Я. Марр «имо-ишора» учун зарур бўлган қўлининг кераклигини назарга олмаган. Ваҳоланки, одамсимон маймунлар меҳнат қилишни билмаган даврларда уларнинг олдинги икки оёғи қўл вазифасини бажара олмаган. Модомики шундай экан, у даврларда одамсимон

маймунлар қайси аъзоси билан имо-ишора қилиб, бири бири билан алоқа қилолган?! Н. Я. Марр бу масала ҳақида ҳеч нарса ёзмаган.

Тўғри, имо-ишора қадимги одамларнинг ўзаро алоқа қилишида озми-кўпми роль ўйнаган бўлиши мумкин. Ҳозир ҳам кишилар имо-ишорадан фойдаланадилар. Кишиларнинг муҳим алоқа воситаси бўлган тилга имо-ишора жуда кичик бир қўшимча воситасидир. Бироқ, Н. Я. Марр айтганидек, инсон нутқи тараққиётининг маълум бир босқичида имо-ишора тили кишиларнинг ўзаро алоқа қилишида бирдан-бир восита бўлган эди, дейишга илмий асос йўқ.

Юқорида кўрсатиб ўтилган назарияларнинг ҳаммаси ҳам тилнинг келиб чиқиши масаласини тўғри ёритишга ожиздир. Чунки бу назариялар тилнинг келиб чиқиши масаласини инсониятнинг пайдо бўлиши, дастлабки кишилар жамоасининг вужудга келиши масаласидан ажратиб олган ҳолда қарайди. Бу назарияларда талқин этилишича, биринчидан, тил гўё жамият тарихи тараққиётидан четда, ўз ҳолича тараққий этадиган ҳодиса эмиш. Шунинг учун ҳам тилнинг келиб чиқиши масаласи ибтидоий даврдаги кишиларнинг меҳнат фаолиятидан ажратилган ҳолда қаралган. Иккинчидан, бу назарияларда тилнинг келиб чиқиши масаласи тафаккурнинг пайдо бўлиши билан биргаликда, ўзаро боғланган ҳолда эмас, балки тилнинг келиб чиқиши тафаккурнинг пайдо бўлишидан ажратилган ҳолда талқин қилинган. Учинчидан, бу назарияларда дастлабки ибтидоий одамларнинг авлодлари бўлган одамсимон маймунлар билан инсон орасидаги фарқлар назарда тутилмаган. Натижада, одамнинг пайдо бўлиши жараёнидаги барча биологик асослар бутунлай ҳисобга олинмаган. Ваҳоланки, бу биологик асослар: икки оёқда қадини кўтариб, тик юрш, олдинги икки оёқнинг қўлга айланиши, миянинг аста-секин такомиллашиб, ривожланиши одамнинг ҳайвонлар дунёсидан ажралиб чиқиш даврида, меҳнатнинг таъсири остида тафаккур билан нутқнинг пайдо бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнаган эди. Турли соҳа олимлари узоқ даврлар давомида катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, одамсимон маймунлар тўп-тўп бўлиб бирга меҳнат фаолияти натижасида жуда ҳам узоқ даврлар давомида (эҳтимол бунга миллион-миллион йиллар бўлгандир) одамга айланганлигини илмий фараз асосида ту-

шунтиришга уринмоқдалар. Чупончи, антропология¹ фани юз минг йиллар бурун маймун, одамсимон маймунларнинг, одамларнинг бош суяклари, қўл, оёқ ва бошқа суяк қолдиқларини (бу суяклар узоқ давр давомида тошга айланган) жуда чуқур синчиклаб ўрганиб, маймун, одамсимон маймуларнинг одамга айланганлигини солиштириб, суяк қолдиқларининг фарқларини, бундай узоқ давр давомида қандай ўзгаришлар борлигини аниқлаб берганлар. Шу хилда археология² фани узоқ ўтмишда одам қандай меҳнат асбобларидан фойдаланганини, яшаган жойларини ва яшаш учун зарур бўлган далилларни ўрганиш билан кишилик жамоаси, жамияти, унинг ривожланиш йўлларини ўрганган. Мана шундай меҳнат жараёнида одамларда бир-бирига ўз-ўзига, қиладиган ҳаракатини билдириш учун катта эҳтиёж пайдо бўлади.

Олимларнинг фараз қилишича, меҳнат, ибтидоий меҳнат қуролларини яшаш одамлар аъзоларини аста-секин жуда узоқ даврлар давомида такомиллаштириб, тил ҳам тафаккурнинг ривож топишида беқиёс роль ўйнаган.

Эҳтимол, дастлаб пайдо бўлган тилда бизнинг тилимиздагидек алоҳида нарсаларни билдирадиган, бурро-бурро қилиб айтиладиган сўзлар бўлмагандир; ўша даврдаги тилнинг товуш бирикмалари бир жумлани ёки бир неча жумлани, ёхуд бирор воқеани ифодалайдиган бўлгандир. Ўша даврда инсоннинг товуш чиқарадиган аъзолари ҳозиргидек такомиллашмагани сабабли тилда дастлаб пайдо бўлган сўзларнинг талаффузи аниқ бўлмаган.

Демак, меҳнат қилиш, меҳнат қуролларини яшаш жараёнида одамлар борган сари уюшиб боради, натижада кишилик жамияти вужудга келади. Ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан одамларда жамоа бўлиб меҳнат қилиш жараёнида бир-бирига нимадир дейиш эҳтиёжи туғилади. Бу зарурий эҳтиёж эса тилни яратади. Тил билан айни бир вақтда тафаккур пайдо бўлади. Меҳнат билан бир вақтда зўр эҳтиёж талаби билан тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши натижасида бу уч омил бир-бирига таъсир қилиб, уларнинг ривож топишига сабаб бўлган. Бунинг

¹ Антропология (юнонча anthropos — одам) — одамнинг ҳамда ирқининг келиб чиқиши ҳақидаги фан.

² Археология (юнонча — archaios — қадимий) — материал, маданий ёдгорлик, меҳнат қуроллари, уй анжомлари, қурол-аслаҳалар ва тарихий далиллар асосида одамнинг ўтмиш тарихини ўрганувчи фан.

натижасида меҳнат қилиш йўллари, меҳнат қуроллари, тил ва мия аста-секин такомиллаша бошлайди. Илгари тош ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган бўлса, энди кишилар ундан фойдаланишни ўргана бошлайдилар, тошнинг хусусиятларини, яъни унинг қаттиқлигини, у билан йиртқич ҳайвонлар ҳужумидан сақланиш, ёғоч ва суякларни сиқдириш мумкинлигини, у озиқ-овқат топишда пилатиладиган яхши қурол эканлигини ва бошқа хусусиятларини билиб оладилар. Энди одам тошни йўшиб ёки сиқдириб, ундан ҳар хил шаклдаги турли меҳнат қуроллари ясай бошлайди ва ана шу меҳнат қуролларида фойдаланиш жараёнида бошқа парсаларнинг ҳам турли хусусиятларини била боради. Бу эса парсаларни бир-бирига солиштириб, уларнинг умумий хусусиятларини билишга инсонларни ўргатади. Натихада тафаккурнинг ривож топишига зўр имконият тузилади.

Илгари одамсимон маймунлар қоринлари очганда ҳеч бир ўйламай, боши оққан тарафга озиқ-овқат қидириб кетган бўлса, энди, одамлар меҳнат қилишни билгандан кейин, озиқ-овқат топиш учун зарур парсалар ҳақида, яъни меҳнат қуроллари тайёрлаш, ундан қандай фойдаланиш, қайси тарафга бориш, озиқ-овқат топиш ҳаракатини жамоа бўлиб бажариш ва бошқалар тўғрисида озми-кўми фикр юргизадиган бўладилар. Илгари одамсимон маймунлар якка-якка ҳолда ҳаракат қилган бўлса, энди одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, биргаликда ҳаракат қила бошладилар. Бу эса инсонлар тили ва тафаккурининг борган сари ўсишига, уларда мавҳум тушунчаларнинг пайдо бўлишига асос бўлади.

Шундай қилиб, ижтимоий меҳнат натихасида ниҳоятда катта зарурий эҳтиёж талаби билан вужудга келган тил ва тафаккур бир вақтда вужудга келади. Ахир тил билан тафаккур бир-биридан айрилган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Ҳақиқатан ҳам мияда пайдо бўладиган ҳар қандай оддий тушунча тил орқали, путқ товушлари бирикмалари орқали, яъни сўз орқали ифодаланмас экан, бундай тушунча ўзича ҳеч кимга, ҳатто, фикр қилувчининг ўзига ҳам маълум бўлмайди. Бошқача айтганда, тилсиз тафаккур ва, аксинча, тафаккурсиз тил бўлмайди. Шунинг учун ҳам тарихда бирорта товуш тилсиз кишилик жамияти бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Инсон товуш тили туфайли ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан, жамият бўлиб бирлашган, ўз тафаккурини такомиллаштириб борган, табиатдан тўғри

фойдаланиб, моддий ва маънавий бойликларини яратган.

Энди меҳнат қилиш қобилиятига эриша бошлаган, энг ибтидоий меҳнат қуроолларини ясашга ўргана бошлаган одамлардан бир неча босқич юқори даражада яшаётган Африкадаги қабила жамоаси ҳолатидаги халқ тилларининг сўз бойлигини, грамматик тузилиши ҳам тафаккурининг ривожланишини фарқлари қиёслаб бўлмайдиган даражада эканлигини, ривож топганини фараз қилиш мумкин. Шу тариқа Африка, Америка қитъаларида қабила бўлиб яшаётган халқларнинг ривожланиш даражаси, сўз бойлиги, грамматик тузилиши, тафаккур этиш қобилияти, энг тараққий топган инглиз, немис, араб, рус каби тилларнинг сўз бойлиги, грамматик тузилиши ва бошқа тил ҳодисаларидан, тафаккур этиш даражасидан жуда катта фарқ қилади. Шу билан бирга тил билан тафаккурнинг ривожланиб бориши кишилик жамияти тараққиёти билан узвий боғланганининг ёрқин далилидир.

46-§. ТИЛЛАРНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЙ ҚИЛИШИ

Юқоридан баён этилган фикрлардан маълум бўладики, тил ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан кишилар ибтидоий жамоасининг меҳнат жараёнида зўр зарурий эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган. Уша даврларда бундай кишилар жамоаси бир-биридан узоқ жойларда яшаганлари туфайли улар ўртасида яқиндан алоқа бўлмаганлиги, кўпинча эса ҳеч қандай алоқа бўлмаганлиги учун бир ижтимоий жамоанинг алоқа воситаси бўлган тил бошқа жойда яшовчи иккинчи бир кишилар жамоаси учун тушунарли бўлмаган. Уша даврларда кичик-кичик жамоалар учун умумий бир тил бўлиши учун ҳеч қандай шарт-шароит ҳам йўқ эди. У даврларда, олимларнинг фараз қилишича, якка-якка ҳолда ҳаёт кечирган жамоалар кишилик жамияти тараққиётида жуда ҳам қолоқ тузум шаклида бўлган. Шунга қарамай, ҳар қайси жамоанинг эҳтиёжини қондирадиган тили бўлган.

Табиийки, қадимги ибтидоий жамоа тилларининг қачон пайдо бўлганлиги, у тиллар қандай тил эканлиги, уларнинг луғат таркиби, грамматик қурилиши нимадан иборат эканлиги тўғрисида маълумот берувчи ҳеч қандай далиллар йўқ. Фақат ёзув пайдо бўлгандан кейинги, яъни бундан 15—20 минг йиллар олдин ёзиб қолдирилган ёд-

горликларга асосланиб, ўша ёзув яратилган замондаги тиллар тўғрисида баъзи бир маълумотларни, чунончи, шу тилларнинг хусусиятларини, сўз бойлигини, фонетик тузилишини, грамматик қурилишини бир қадар билишимиз мумкин. Аммо ҳеч қандай ёзув бўлмаган ибтидоий жамоа давридаги дом-дараксиз йўқ бўлиб кетган кишилик жамоаларининг тиллари тўғрисида фақатгина илмий фараз қилишимиз мумкин.

Жамиятнинг бир текисда ривожланиб бормаганлиги туфайли ҳар қайси жамиятнинг тараққиёт босқичларини солиштириб ўрганиш орқали тилларнинг ҳам шаклланиши ва ривожланишини умуман билишимиз мумкин. Ҳатто, ҳозирги замонда ҳам дунёнинг баъзи жойларида уруғдош ёки қабила бўлиб яшаётган жамоалар учрайди. Масалан, Австралиянинг туб халқлари, Янги Гвинеяда яшовчи папуаслар, Шимолӣ Меланезия оролларида яшовчи полинезлар ибтидоий жамоа давридаги қабилавий жамият шароитида яшовчи халқлардандир. Ҳозир дунёда жуда тараққий этган миллатлар билан бир қаторда, ўз тараққиётида миллий тил даражасига ўсиб етиш у ёқда турсин, ҳатто халқ (элат) тили даражасига ҳам ривожланиб етмаган кишилар жамияти бор. Ҳозирги вақтда ана шундай бир текисда ривожланмаган турли жамият босқичларида яшовчи халқларнинг бўлиши тилнинг тараққиётини кузатиш ва ўрганишга имконият яратади.

Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан зич боғланган: тил жамият тараққиёти билан бирга тараққий қилади, бойийди, ўз грамматик қурилишини такомиллаштиради. Кишилик жамияти тарихи шуни кўрсатадики, жамият аъзоларининг аввал уруғдош тили, қабила тили, кейин элат, халқ ва айрим миллат тили пайдо бўлади.

Ҳар қайси қабила ўзига хос ном ва ҳудудларга эга бўлади. Қабила тили эса шу жамият жамоасининг бирдан-бир алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади.

Қабиладаги кишилар сони кўпайинши билан қабила аҳолиси ўтроқланиб қолган ҳудуд қабилаининг ер, сув, озиқ-овқат ва бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондира олмаганлиги туфайли ҳам бошқа бир қанча муҳим сабаблар орқасида қабила бўлиниб кета бошлайди. Мана шундай бўлиниш (дифференциация) натижасида янги қабилалар пайдо бўлади. Бу қабилалар бўлиниб чиққандан кейин ўзлари ажралиб чиққан бурунги қабилаининг тилидан фойдалана беради. Бироқ бунга қарамасдан, турли шарт-шароитлар туфайли бу янги қабилаларнинг

тиллари бурунги қабила тилларидан аста-секин фарқ қила бошлайди.

Шу билан бирга ҳар бир янги қабила ўз тилига асос солиб, янги шевалар, диалектлар вужудга келади. Яқин вақтларга қадар Американинг туб халқи қабила-қабила бўлиб яшамоқда эди. Уларда қабилалар бўлиниб янги қабилалар ва диалектлар пайдо бўлиш ҳодисаларини кузатиш мумкин эди. Мана шу янги қабилалар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар қанчалик бўш бўлса, уларнинг бўлиниш жараёни шунчалик тез юз беради. Натижада ўзаро қардош бўлган диалектларнинг (бир қабиладан ажралиб чиққан бир неча қабила тилларининг) фарқлари борган сари кучайиб, бир-биридан узоқлашиб кетади ва шу сабабли янги тиллар вужудга келишига асос бўлади. Демак, қардош тиллар бир тилнинг (шу тилнинг эгаси бўлган қабилаининг) бўлиниши орқасида пайдо бўлган диалектлар асосида вужудга келган тиллардир. Бу — тилларнинг шаклланишидаги биринчи энг асосий йўлдир.

Тилларнинг шаклланишидаги иккинчи йўл — интеграция (қўшилиб кетиш)дир. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида қабилаларнинг бўлиниши, қариндош қабилаларнинг вужудга келиши билан бирга, айрим ҳолларда турли объектив сабабларга кўра, умумий душмандан сақланиш мақсадида баъзи бир қариндош қабилалар қўшилади. Натижада қариндош қабилаларнинг иттифоқи (уюшмаси) пайдо бўлади ва аста-секин бу жамоанинг ҳамма аъзолари учун маълум даражада алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган умумий бир тил вужудга келади. Умумий тил билан бирга айрим қардош қабила-ларнинг тиллари ҳам алоқа воситаси бўлиб қолаверади. Қардош қабилаларнинг тиллари қабила иттифоқи тилига нисбатан диалект бўлиб қолади. Қардош қабилалар иттифоқининг алоқа воситаси бўлган умумий тил нуфуз жиҳатдан кўпчилиكنи ташкил қилган бирор етакчи қабила тили асосида пайдо бўлади. Америка хиндларининг кўпчилиги қабилага уюнинидан нарига ўтмади. Уларнинг сон жиҳатидаи оз бўлган гоаят кенг ва узоқ масофалар билан бир-биридан ажралиб, тинимсиз урушлар орқасида кучсизланиб қолган қабилалари, аҳолилари оз бўлишига қарамасдан, жуда катта ерларни банд қилган эдилар. Баъзи жойларда, муваққат эҳтиёж бўлган пайтларда, қардош қабилалар ўзаро иттифоқ тузар эдилар ва эҳтиёж бўлмаб қолса, бу иттифоқ бузилиб кетар эди. Лекин

айрим жойларда аввал қардош бўлиб, кейинчалик бир-биридан узоқлашган қабилалар яна узоқ муддатли иттифоқлар тузар ва шундай қилиб, миллатлар пайдо бўлиш йўлида биринчи қадам ташлар эди. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қабилалар иттифоқи даврида жамиятнинг тараққиёт даражаси у қадар ривожланмаган бўлади. Жамият тараққиётининг тарихи шуни кўрсатадики, қабилалар иттифоқи аъзоларининг ўртасида борди-келди, олди-берди каби муносабатлар етарли даражада авж олмайди. Шу сабабдан бирор етакчи қабила тили асосида пайдо бўлган қабилалар иттифоқининг тили шу иттифоқнинг бирдан-бир алоқа қуроли даражасига қўтарила олмайди. Қабилалар иттифоқи таркибидаги ҳар қайси қардош қабила тилининг таъсири анча кучли бўлади. Шу билан бирга, қабилалар иттифоқига тил жиҳатидан қардош бўлмаган қабилалар ҳам қўшилиши мумкин. Шунинг учун қабилалар иттифоқида, гарчи умумий бир тил вужудга келган бўлса ҳам, лекин бу тилни, ҳар қайси қабила аъзолари учун тамомила тушунарли умумий бир тил бўлиб кетади, дейиш тўғри келмайди.

Жамият тараққиётининг бундан кейинги даврларда ҳудуд жиҳатидан бирмунча мустаҳкамланган давлатлар пайдо бўлади. Давлат пайдо бўлиши билан халқлар ўртасида савдо-сотиқ ва бошқа муносабатлар кучаяди. Бунинг натижасида давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар учун муҳим алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган халқ (элат) тили вужудга келади. Маълум бир давлатда яшовчилар учун умум бир тил тарихий тараққиётининг шарт-шароитларига қараб, баъзан бир қанча диалектларнинг яқинлашуви, баъзан эса бир қанча қардош тилларнинг яқинлашуви орқасида шаклланиши мумкин.

Умумий бир тил бир давлатнинг шарт-шароитига қараб шу давлатда яшовчи асосий халқларга тушунарли бўлиши мумкин. Чунончи, босиб олган ерларини ҳисобга олмаган тақдирда, Рим давлати давридаги латин тили Рим давлатида яшовчи асосий халқларга тушунарли умумий тил бўлган.

Вавилон ва қадимги Эрон давлатларига эса бошқа-бошқа тилларда сўзлашувчи кўп халқлар кирган. Шунинг учун бу давлатларда ҳамма халққа тушунарли бўлган умумий бир тил бўлмаган.

Аммо ўша даврларда ҳукмрон давлатлар ўзлари босиб олган мамлакатларда яшовчи халқларга ўз тилини эўрлаб қабул қилдириш йўли билан ўз давлатларида

умумий бир тил ўрнатилганга кўп уринганлар. Лекин, уларнинг бу уринишлари пучга чиққан. Чунки босиб олинган мамлакатларнинг мазлум халқлари босқинчиларнинг хўрлаш, эзиш ва қул қилиш сиёсатларига қаршилик кўрсатиб, ўз эркини, ўз маданиятини, ўз тилини сақлаб қолиш учун узлуксиз кураш олиб борган. Чунончи, VII—VIII асрларда араб истилочилари Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин ерли халқларга араб тилини мажбурий равишда қабул қилдиришга уринган эдилар. Лекин, араб истилочилари ўз тилини қабул қилдиришга қанчалик уринмасин, бунга эришолмаганлар. Маҳаллий туб халқлар ўз озодлиги ва ўз она тилини сақлаб қолиш учун араб босқинчиларига қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Араб босқинчилари Ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқарилгандан кейин эса араб тили, асосан, диний муассасалар тили бўлиб қолади. Шу билан бирга, араб тили бир қанча даврлар давомида фан соҳасида ҳам қўлланилиб келди, ўша замонларда Ўрта Осиёнинг йирик олимлари Ал Хоразмий, Ал Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улугбек ва бошқалар ўз асарларини асосан ана шу тилда ёзган эдилар.

Араб истилоси даврида ерли халқларнинг сўз бойлигига араб тилидаги бир қанча сўзлар кириб қолади. Масалан, ўзбек тилидаги *мактаб*, *киТоб*, *қалам*; *тараққиёт*; *маданият*; *мажлис*; *жамият* каби кўплаб сўзлар араб тилидан кириб, ўзлашиб кетган сўзлардир.

Жамият тарихида тилларнинг кейинги тараққиёти миллий тилларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Миллий тилнинг пайдо бўлиши эса феодализмнинг тугаш жараёни, капитализмнинг шаклланиш, тараққий этиш жараёни билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, миллат пайдо бўлиши билан бирга миллий тил ҳам вужудга келади. Миллий тилнинг ягоналиги халқ (элат) тилининг тадрижий тараққиёти орқасида шаклланади. Миллий тилнинг шаклланиши ҳар қайси жойнинг шарт-шароитига кўра турлича бўлади.

Миллий тил маҳаллий шевалар билан ўзаро боғланган ҳолда тараққий қилиб боради. Бу жараёнда баъзи маҳаллий шевалар миллий тилга қўшилиб, уни бойлатади; баъзи шеваларни эса миллий тил аста-секин сиқиб чиқаради.

Миллий тилнинг ягоналиги шуни кўрсатадики, тил шу миллатнинг барча табақалар, гуруҳлар ва синфларига баб-баравар хизмат қилиб, уларнинг ҳаммаси учун бирдан-бир алоқа воситаси бўлиб қолади. Чунки тил айрим

синф, айрим табақа, айрим гуруҳ томонидан яратилмаган, балки жамиятнинг барча аъзолари — умумхалқ томонидан яратилган ижтимоий ҳодисадир.

Капиталистик муносабатларнинг кучайиши, шу билан бир қаторда, шаҳарлар ва маданий марказлар ролининг зўрайиши, мамлакатнинг узоқ жойларидаги халқларни ҳам умумий ҳаётга тортиш — мана шуларнинг ҳаммаси миллий тилнинг ривожланишига ёрдам беради. Бу аҳвол маҳаллий шеваларнинг тадрижий ҳодиса ҳолда сусайишига сабаб бўлади. Айниқса, маданиятнинг равноқ топиши билан, чунончи, кино, театр, радио, телевидение, мактаб, олий ўқув юртлири ва шу каби маданий-илмий муассасалар орқали миллий адабий тилнинг ривожланишига катта имкониятлар туғилади. Маълумки, бир тузум ағдарилиб янги бир тузум ўрнатилиши билан миллий тил (миялат тили) йўқолиб, бутунлай бошқа миллат, шу билан бирга бошқа янги бир тил вужудга келмайди. Аксинча, тузум ўзгарса ҳам тил ўзгармай, шу янги тузумга хизмат қилиши, коммуникатив вазифасини бажариши давом этаверади. Бу фикримизнинг исботи учун ҳозирги замон миллий тиллар: инглиз, француз, немис, рус, испан, хитой, япон ва ҳинд каби кўп тиллар яққол мисол бўла олади.

Албатта, давр ўтиши билан, тузум ўзгариши билан тилда янги сўзлар, иборалар пайдо бўлади, тил бойиб боради. Лекин у ўз фонетик тизимини, асосий лексик таркибини, грамматик қурилишини сақлаб қолаверади.

Россия империяси таркибида бўлган халқлар озодликка чиқиб, ўз она тилларини ривожлантириш борасида анчагина имкониятларга эга бўлишди: ўқитиш учун киракли китоблар, дастурлар ва бошқа ўқув қуроллари яратилди, ёзуви йўқ халқлар рус графикаси асосида ўз ёзувларига эга бўлишди ва ҳоказо.

Бундай бир қадар яхши вазият 1930 йилгача давом этди. Бироқ, 30-йиллардан бошлаб шахсга сиғиниш аста-секин куч ола бошлади. Шу билан бирга, умумий бир маданият, яъни социалистик маданият, байналмилал дўстлик, биродарлик ниқоби остида миллатларни яқинлаштириш, бирлаштириш умумий бир тилни олға суриш сиёсати олиб борилди. Натижада миллий тиллар, майда кичик-кичик халқ, элат тиллари сиқувга олиниб, уларнинг ишлатилиш, алоқа воситаси сифатида фойдаланиш доираси борган сари чеклана берди. Шулар қаторида ўзбек тили ҳам катта сиқув остида қолиб, унинг йирик бир миллат

тили сифатида тараққиёт йўллари тўсиқларга учраган эди. Тўғри, бу давр ичида ўзбек тилининг мактаб ва илмий грамматикалари, анчагина ўзбекча-русча, русча-ўзбекча лугатлар, изоҳли, терминологик лугатлар яратилди. Ўзбек тили юзасидан бир қадар илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ва ҳ.к. Бироқ, ўзбек тили давлат тили даражасига кўтарилмади. Бунинг натижасида мактаб ва олий ўқув юртларида ўзбек тилини ўқитиш, ўрганишга, табиий фанлардан ўзбек тилида маърузалар ўқиш ҳамда илмий-техникавий асарлар яратиш каби тадбирларга у қадар эътибор берилмас эди. Шу билан бирга, давлат, хўжалик муассасаларида ўзбек тилида иш юритиш, мажлис, конференция, съездлар ва бошқа жамоа ишларида ўзбек тилининг ўрни бир қанча чекланган, турғунликка учраган эди.

Мамлакатимизда қайта қуриш туфайли ҳамда халқнинг ғоят кучли талаби билан 1989 йили ўзбек тили Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили мақомини олди. Энди қадимги бой маданият эгаси — ўзбек халқи ўзининг ажойиб, гўзал тилини ривожлантириш, тараққий эттириш, такомиллаштириш имкониятидан тўла фойдаланадиган бўлди. Зиёлиларимиз, тилшунос олимларимиз ҳаракатлари билан ўзбек тили ҳам тараққий этган дунё тиллари қаторидан муносиб ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари ҳам ўз она тилларини ривожлантириш учун керакли шарт-шароитлар яратилди: мактаблар очилди, маданий марказлар ташкил этилди, газета ва журналлар чиқарилмоқда.

Шундай қилиб, бугунги кунда катта-кичиклигига қарамай, ҳамма тиллар узоқ даврлар давомида ўз халқига хизмат қилиб, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда қудратли восита бўлиб қолаверади.

47-§. ТИЛЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Табиий ёки ижтимоий ҳодисаларнинг энг асосий, энг муҳим белгиларини назарда тутган ҳолда дунёдаги нарсаларнинг гуруҳларга ажратилиши тасниф дейилади.

Дунёдаги барча тиллар ҳам энг асосий, энг муҳим белгилари назарда тутилган ҳолда бир неча гуруҳларга бўлиниб, тасниф қилинади.

Ер юзида тахминан икки ярим мингдан ортиқроқ тил

бор Бу тилларнинг шевалари ҳам ҳисобга олинганда, уларнинг сони беш мингдан ошади. Ер юзидаги ана шу тилларнинг энг асосий, энг муҳим белгиларини назарда тутиб, уларни таснифлаш масаласи ниҳоятда мураккаб ва муҳимдир.

Тилшунослик фанида тилларни таснифлашда бир-бирига ўхшамаган икки хил усул: а) морфологик усул ва б) генеалогик усул қўлланилади.

Морфологик тасниф. Тилларни морфологик усул асосида тасниф қилишда сўзларнинг тuzилиши энг муҳим, энг асосий белги қилиб олинади. Бу усул тилларнинг келиб чиқишини эътиборга олмайди. У, энг аввало, ҳар бир тилнинг грамматик қурилишини назарда тутди, яъни нутқда сўзларнинг ўзаро боғланишидаги сўз, турловчи ва тусловчи қўшимчаларнинг бор-йўқлиги, уларнинг хусусиятлари ва сўзнинг ясалиш томонларини ҳисобга олади. Шунга кўра, морфологик усул барча тилларни икки асосий гўруҳга ажратади:

1. **Қўшимчали (аффикели) тиллар.** Бундай тилларда нутқдаги сўзлар бир-бири билан турли қўшимчалар орқали боғланади.

2. **Қўшимчасиз (аффикесиз) тиллар.** Бундай тилларда нутқдаги сўзларнинг бир-бирига боғланиши сўз тартибига боғлиқ бўлади.

Морфологик усулга асосланган қўшимчали тиллар яна икки гуруҳга бўлинади:

1. **Агглютинатив тиллар** (agglutinare — лотинча сўз бўлиб, улаш, ёпиштириш демакдир).

2. **Флектив тиллар** (flexio — лотинча сўз бўлиб, эгилмоқ, букилмоқ демакдир).

Бу икки хил гуруҳдаги тилларнинг ҳаммаси гарчи қўшимчали тиллар деб ҳисобланса ҳам, лекин улардаги қўшимчаларнинг характери ва сўзларга уланиш, боғланиш хусусиятлари бир-бирига ўхшамайди.

1. **Агглютинатив тилларда** сўз ўзагига турли қўшимчалар қўшилганда ҳам унинг шакли ўзгармайди, шунингдек, сўз ўзаги ўзининг мустақил маъносини ҳам бирмунча сақлаб қола беради. Масалан, ўзбек тилида *чи* сўзига турли қўшимчалар қўшганимизда унинг шакли ўзгармайди: *ишга*, *ишдан*, *ишни* каби. Шунингдек, сўз ўзагига сўз ясовчи қўшимчалар қўшилганда ҳам сўз ўзаги ўз шаклини ўзгартирмайди. Масалан, *ишчи*, *ишчан*, *ишсиз* каби. Бундан ташқари, агглютинатив тилларда қўшимчалар ҳам, одатда, ўз шаклини асосан ўзгартирмайди.

Ясама негиз таркибидаги турли грамматик маъноларни ифодаловчи ва сўз ясовчи қўшимчаларни бир-биридан ажратиш унчалик қийин эмас. Масалан, *ишчиларимиздан* ясама негизда **-чи** — сўз ясовчи суффикс, **-лар**, **-и**, **-миз**, **-дан** — грамматик маъноларни ифодаловчи, яъни шакл ясовчи қўшимчалардир. Умуман, агглютинатив тилларда турли қўшимчаларнинг шакли асосан турғун бўлади. Агглютинатив тилларга туркий тиллар оиласидаги тиллар, мўғул, япон, угор-фин тиллари ва бошқа бир қанча тиллар киради.

2. Флектив тилларда ҳар қандай мустақил, маънодор сўзнинг дастлабки шакли негиз ва қўшимчаларга бўлинади. Бундай тилларда негиз баъзи ҳолларда мустақил қўлланилмайди. Масалан, рус тилида *вижу, видитъ, видит* (кўраман, кўрасан, кўради) сўзларнинг негизи **вид**, **виж** — (бу ерда товуш алманиш ҳодисаси бор: д товуши ж товуши билан алмашган) бўлиб, негиз мустақил ҳолда ишлатилмайди. Шунингдек, бундай тиллардаги сўзларнинг ҳар қайси қўшимчаси бир қанча грамматик маъноларни билдиради. Масалан, рус тилида (много) *домов* сўзидаги **-ов** қўшимчаси ҳам кўплик, ҳам родительный ёки винительный надежлар вазифасини ифодалаб келган. Бундан ташқари, флектив тилларда турли грамматик маънолар ифодаланганда, сўз ўзакларида товуш алмашиниш товуш тушиб қолиш ва бошқа ҳодисалар рўй беради. Масалан, рус тилида *печь — пеку — печешь* (пиширмоқ — пишираман — пиширасан); араб тилида: *ҳамида* (у мақтади) — *ҳамитту* (мен мақтандим), *китоб* (китоб) — *кутуб* (китоблар) каби.

Демак, флектив тилларда қўшимчалар сўз ўзаклари билан ниҳоятда зич боғланиб, бир-бири билан бутунлай бирикиб кетади. Флектив тилларга ҳинд-европа тиллари (рус, немис, инглиз, лотин, форс, тожик, афгон ва бошқалар) ва сом тиллари (араб, ҳабаш, арамей, яҳудий ва бошқалар) киради.

Морфологик усул асосида тасниф қилинган тиллар қаторига яна кўп таркибли (полисинтетик) тиллар ҳам киради. Кўп таркибли тилларнинг хусусияти шундан иборатки, эга, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳолни ифодалаб келган сўзлар билан феъл бирлашиб, бир бутун гапни ўз ичига олувчи кўп таркибли сўз ясалади. Масалан, мамлакатимизнинг шимол қисмида яшовчи чуқот тилидаги *Тымайнываламнаркын* сўзи. *Мен* (ты) *катта* (майн) *пичоқни* (вала) *чархляпман* (мнаркын) деган маъно шу

бир сўз таркибида тўла берилган. Кўп таркибли тилларда сўзлар ўзгармаса ҳам, уларнинг ўзаро муносабати фақатгина бир бутун гап — сўз ичида бўлади. Бундай гаплар — сўзларнинг грамматик маънолари ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланмайди. Шунинг учун кўп таркибли тиллар сўз тузилиши ва сўзларнинг ўзаро боғланишига кўра морфологик усул асосида тасниф қилинган, қўшимчали тиллар қаторига киргизилган.

Демак, қўшимчали тиллар морфологик усул асосида агглютинатив ва флектив тилларга бўлинади. Лекин икки турга бўлинган бу тиллар ўртасида уларни бир-биридан қатъий ажратувчи чегара йўқ. Агглютинатив тилларнинг баъзи бир элементлари флектив тилларда, аксинча, флектив тилларнинг баъзи бир элементлари агглютинатив тилларда учрайди. Масалан, ўзбек тилидаги *кўнғил*, *бурун*, *оғиз* каби сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, сўз ўзагига (негизига) таъсир қилиб, *и*, *у* товушлари тушиб қолади: *кўнғил*—*кўнғлим*, *бурун*—*буруннг*, *оғиз*—*оғзи* каби. Шунингдек, инглиз тилида *-s* қўшимчаси туркий тиллардаги **-лар** қўшимчасига ўхшаб ўзакка тўғридан-тўғри қўшилаверади: *a lamps* (лампалар), *a books* (китоблар), *the students* (студентлар), *knives* (пичоқлар).

Қўшимчасиз тиллар. Бундай тилларда гап таркибидаги сўзларнинг бир-бири билан муносабати, асосан, сўз тартиби орқали ифодаланади, сўзларнинг шакли эса ўзгармайди (турланмайди, тусланмайди), ҳеч қандай қўшимча сўзлар негизига қўшилмайди. Умуман, бу тилларда грамматик муносабатлар синтактик йўл билан ифодаланади. Қўшимчасиз тилларда ёрдамчи сўзлар ва сўз ясовчи элементлар бўлади. Масалан, қўшимчасиз тиллар қаторига кирувчи хитой тилидаги: *чже ши хао жень* — *бу яхши одам*; *та цзодэ хао* — *у яхши ишлаган*; *чже бень шу хао* — *бу китоб яхши* гапларида *хао* сўзи гапдаги ўрнига қараб аниқловчи, равиш ва кесим бўлиб келган.

Морфологик таснифни XIX асрнинг биринчи ярмида немис олимлари Фридрих Шлегель, Август Шлегель, Вильгельм Гумбольдт ва Август Шлегенлар ишлаб чиқишган.

Морфологик тасниф тилнинг қурилиши ва унинг грамматик тузилишини ўрганишга, билишга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар қайси тилнинг грамматикасини изоҳлаб беришда морфологик таснифнинг маълум даражада аҳамияти бор. Бироқ морфологик тасниф камчиликлардан холи эмас. Биринчидан, морфологик тасниф тузилиш жиҳатидан хилма-хил бўлган барча тилларни қамраб

ололмаган. У фақат грамматик тузилиши жиҳатидан бир-биридан унча фарқ қилмайдиган тилларнигина ўз ичига олади. Иккинчидан, морфологик белгиларига қараб тил турларини гуруҳларга ажратиш (тасниф қилиш) ниҳоятда мушкул муаммо. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, агглютинатив тилларда флектив тилларга хос элементлар, флектив тилларда эса агглютинатив тилларга хос элементлар бор. Шунингдек, хитой тилига хос бўлган ҳодисанинг, яъни грамматик маъноларининг гапдаги сўз тартиби билан боғлиқ бўлиши туркий тилларда ҳам учрайди. Чунончи, ўзбек тилида айрим аслий сифатлар, масалан, *яхши* сўзи гапдаги ўрнига қараб сифат, равиш бўлиб келиши мумкин: *Яхши одам яхши иш қилади.*

Генеалогик тасниф. Генеалогик тасниф тилларнинг бир манбадан келиб чиқишини, қайси тиллар бир-бири билан қардош эканлигини, шу билан бирга, сўзларни, қўшимчаларни ва бошқа грамматик хусусиятларни назарда тутиб, тилларни айрим гуруҳларга ажратади. Генеалогик таснифда гуруҳларга ажратилган тилларнинг келиб чиқиши, сўзларнинг пайдо бўлиши ва манбаи, уларнинг маъно жиҳатдан яқинлиги, шу билан бирга, улардаги товушлар ва аффикслар ўхшашлиги ҳисобга олинади. Тарихий тараққиёт жараёнида қардош тиллардаги сўзларнинг маънолари ва грамматик хусусиятларининг ўзгариши ҳамда товуш ўзгаришлари назарда тутилади. Шунинг учун генеалогик таснифда тиллар тарихини таққослаб ўрганиш усули (қийсий-тарихий усул) асосий ўринда туради.

Умуман, тилшунослик билимида қийсий-тарихий усул, яъни тилларни таққослаб ўрганиш усули тил тарихини, тилнинг грамматик хусусиятларини ўрганишда асосий усуллардан биридир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дунёдаги ҳар қайси тилни бир-бирига таққослаб ўрганар эканмиз, ҳамма тилларда баъзи умумийликлар борлигини кўришимиз мумкин. Масалан, дунёдаги барча тиллар товуш тили бўлиб, улардаги барча товушлар унли ва ундошларга бўлинади. Ҳамма тиллар ўзининг сўз бойлиги ва грамматик қурилишидан таркиб топган. Бироқ бу умумийликлар тиллар ўзаро яқин эканлигига ёки қардош тиллар эканлигига асос бўла олмайди. Тилларнинг бир-бирига яқин қардош бўлиши учун умуман тилнинг тузилиши, сўз маъноларининг яқинлиги, сўзнинг грамматик маънолари ва шаклларининг яқинлиги асос бўлиши керак.

Тилларни бир-бирига муқояса қилиб, таққослаб ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи тиллардаги сўзларнинг маънолари, шакллари, грамматик хусусиятлари бир-биридан жуда катта фарқ қилади. Албатта, бундай тиллар бир-бирига яқин, қардош тиллар бўла олмайди. Аммо баъзи тилларнинг тузилиши, грамматик хусусиятлари, шу тиллардаги сўзларнинг пайдо бўлиш манбаи, сўз шакллари ва маънолари бир-бирига анча яқин бўлади. Бундай тиллар бир умумий ўзақли тилдан келиб чиққан бўлиб, қардош тиллар дейилади. Грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига яқин бўлган тиллар гуруҳи **тил оиласи** деб аталади. Чунинчи, ўзбек, уйғур, қozoқ, қирғиз, татар, бошқирд, озарбайжон, ёқут, туркман, қорақалпоқ, турк, чуваш тиллари кабилар туркий тиллар оиласига киради. Бу қардош тиллардаги ўхшашлик, яқинлик уларнинг сўз бойлиги, грамматик қурилиши ва нутқ товушларида ифодаланади.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, қардош бўлмаган баъзи тилларнинг сўз бойлигида алоҳида сўзларнинг маъно жиҳатидан ўхшашлик ҳодисалари учраши мумкин. Бундай ҳодиса бир тилга қариндош бўлмаган бошқа бир тилдан кирган сўзларда учрайди. Масалан, ўзбек тилига араб тилидан *оила, мактаб, луғат, китоб* сингари, рус тилидан *самовар, машина, стол, стул, чойнак* каби анчагина сўзлар ўзлашган. Лекин бундай сўзлар ўзбек тилининг араб тили ёки рус тили билан қардош тил эканлигига асос бўлолмайди, чунки, биринчидан, бундай тилларнинг қариндош эканлигини исбот қилиш учун фақат сўзнинг ўзи асос бўла олмайди. Иккинчидан, ҳар бир тилнинг сўз бойлигида бошқа тилдан кирган сўзлар жуда озчиликни ташкил этади ва уларнинг грамматик хусусиятлари бутунлай бошқача бўлади. Учинчидан, тарихий тараққиёт жараёнида турли муносабатлар туфайли бошқа тиллардан кириб қолган бундай тасодифий сўзлар тилларнинг тарихини солиштириб, таққослаб ўрганишда материал бўла олмайди, чунки бундай тилларнинг тузилиши бир-бирига тўғри келмайди.

Тилларнинг қардошлик муносабатларини аниқлашда уларнинг бир ўзақ тилдан алоҳида бир тил бўлиб чиқиши тарихий тараққиётини ўрганиш муҳим аҳамиятга моликдир. Қардош тилларни таққослаб ўрганишда даставвал ҳар қайси қардош тилларда ўхшаш бўлган бир материалнинг тарихий тараққиёт натижасида ўзгариб кетган томонларини таққослаб текширишнинг аҳамияти жуда кат-

та. Тилларни таққослаб текшириш, ўрганни натижасида бу тилларнинг сўз маънолари, грамматик хусусиятлари ва нутқ товушларининг бир-бирига мувофиқ келиши орқали қардош тилларнинг яқинлиги, ўхшашлиги аниқланади. Чунинчи, қардош ўзбек, уйғур, қирғиз, озарбайжон ва қозоқ тиллардаги бир неча сўзларни қиёс қилиб кўрилса, бу сўзлар шаклан у қадар ўхшамаса ҳам маъно жиҳатидан бир ўзак тилдан (бир манбадан) эжапчилигини аниқ кўриш мумкин:

ўзбек тили- да	уйғур тили- да	қозоқ тилида	озарбайжон тилида	қирғиз ти- лида
темир	томур	темер	дәмир	темир
йил	жил	жыл	ил	жыл
келди	калду	келді	гелди	келди
ёзиш	йезиш	жазу	іезиш	жазуу
яшил	йешил	жасыл	іешил	жашыл
тағ	тағ	тау	дағ	тоо
сариқ	сериқ	сары	сары	сары
тариқ	териқ	тары	дары	таруу

Шу хилдаги қардош тилларнинг грамматик тузилиши-да ҳам уларнинг яқинлиги кўриниб туради. Масалан, туркий тиллардаги кўплик қўшимчаси **-лар** билан сифат ясовчи **-ли (лиқ)** суффиксларини солиштириб кўрайлик.

ўзбек тили- да	уйғур тили- да	қозоқ тилида	озарбайжон тилида	қирғиз ти- лида
кўчалар	кочилар	көшелер	кучәләр	кочолор
болалар	боллар	балалар	ушаглар	балдар
ақлли	еқиллиқ	ақылды	ағыллы	ақылдуу
отлиқ	атлиқ	атты	атли	аттуу

Рус, булғор, чех, поляк тиллари ҳам бир оиладаги қардош тилларга қарашли бўлганлиги учун бу тилларда сўз маънолари, грамматик тузилишлари жиҳатидан бир-мунча ўхшашлик, яқинлик бор. Бу тиллар, асосан, қадимги славян тилидан тарқалгандир. Бу тилларнинг бир-бирига яқинлигини қуйидаги сўзлардан (бу сўзларнинг шакли бирмунча фарқ қилса ҳам маънолари ўхшашдир) кўриш мумкин:

қадимги славян тилида	рус тилида	украин ти- лида	булғор ти- лида	чех тилида
гласъ	голос	голос	глас	hlas
градъ	город	город	град	hrad

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, қардош тилларда сўз ўзаклари грамматик воситалар жиҳатидан фарқ қилса ҳам, уларнинг манбаи бир бўлиб, улар бир ўзак тилдан келиб чиққан. Бирор сўз ёки грамматик воситалардаги товуш ўзгаришлари маълум бир фонетик қонуният асосида юз берган. Бир қардош тилга, бир товушга иккинчи бир қардош тилдаги шунга мувофиқ товуш тўғри келади. Масалан, ўзбек тилидаги **ғ** товушига қозоқ тилидаги **у** (**w**) товуши мувофиқ келади: *боғ* — *bau* (*baw*), *тоғ* — *tau* (*taw*), *туғди* — *тууды* (*tuwdi*): ўзбек тилидаги **т** товушига озарбайжон тилидаги **д** товуши мувофиқ келади: *темир* — *демир*; *тил* — *дил*; *тош* — *даш*; ўзбек тилидаги **й** товушига қозоқ тилидаги **ж** товуши мувофиқ келади: *йўқ* — *жоқ*, *йўлдош* — *жолдас*, *яхши* (*йахши*) — *жақсы*. Бундай қардош тиллардаги товушларнинг бир-бирига мувофиқ келиши фонетик қонунга асослангандир ҳамда қардош тиллардаги сўзларнинг маънолари ва грамматик қурилишлари билан боғлиқ. Шунинг учун бир хил маънони билдирувчи сўзларда ва бир хил вазифани бажарувчи грамматик воситаларда товушлар бир-бирига мувофиқ келади. Шундай қилиб, бу тиллар умумий бир манбадан келиб чиққанини исботлаб беради, улардаги аксарият сўзларнинг маъноси бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган, грамматик воситалари ҳам бир-бирига ўхшаган тиллар қардош тиллар бўлади. Қардош тилларни таққослаб ўрганиш тил тараққиётини ва ҳар қайси қардош тилларнинг тараққиёт йўлини, уларнинг ўзаро муносабатларини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, тилларни таққослаб ўрганиш қардош тиллардаги баъзи сўзларнинг энг аввалги шакли ва маъносини ҳам аниқлашга имкон беради.

Демак, қардош тиллар оиласига қирадиган тилларда баъзи товушлар бир-биридан озми-кўпми фарқ қилса ҳам, грамматик воситалар, сўзларнинг маънолари ўзаро яқин бўлади. Қардош тилларда сўзларнинг бир манбадан келиб чиқиши, уларнинг маънолари ва грамматик қурилишининг яқинлиги бу сўзларнинг бир тилдан тарқалганлигининг исботидир. Шуни айтиб ўтиш керакки, тилларнинг қардошлигини фақат қон-қариндошлик муносабатларига боғлаш, яъни қардош тиллар ҳамма вақт бир уруғдан, бир қабиладан пайдо бўлади, деб тушуниш хатодир. Қардош тиллар жамиятнинг тарихий тараққиёт жараёнида

ё дифференция¹ ёки интеграция² йўли билан пайдо бўладиган тарихий ҳодисадир. Шунинг учун тилларнинг қариндошлигини биологик ҳодиса деб қараш хатодир.

Тилларнинг генеалогик таснифи қардош тилларнинг бир тилдан, бир манбадан тарқалганлигига асосланган.

Дунёдаги тилларнинг тараққиёт тарихи шуни кўрсатадики, қабила, элат, ирқ, ҳудуд чегараси билан тил чегараси ўзаро тўғри келмайди. Масалан, Шимолий Америка Қўшма Штатларида турли ирқдаги халқлар: инглиз, француз (оқ ирқ), хитой (сарик ирқ), негр (қора ирқ) ва бошқалар яшайди. Бироқ Шимолий Америка Қўшма Штатларида яшовчи бу халқларнинг ҳаммаси, асосан, бир тилда—инглиз тилида алоқа қилишади. Осиёда турли ирқдаги халқлар яшайди; Ҳиндистонда асосан оқ ирқли, Хитойда сарик ирқли халқлар, Ўрта Осиёда эса турли ирқдаги халқлар яшайди. Шу билан бирга, Осиёда яшовчи халқлар турли тилларда алоқа қиладилар. Ҳиндистонда 70 дан ортиқ тилда, Хитойда 30 дан ортиқ тилда сўзлашадилар. Ўрта Осиёда ўзбек, тожик, қирғиз, рус, араб, форс ва бошқа тилларда сўзловчи халқлар яшайди.

Тилнинг бойлиги ирқнинг оқ ёки сарик эканлигига боғлиқ эмас. Масалан, оқ ирқли инглизлар билан сарик ирқли хитойларни олайлик. Улар бошқа-бошқа ирққа мансуб бўлса ҳам, инглиз тилида қандай йирик илмий асарлар яратиш мумкин бўлса, хитой тилида ҳам худди шундай йирик илмий асарлар яратиш мумкин. Хитой тили бойлиги, энг нозик туйғу ва тушунчаларни ифода-лаб бера олиши жиҳатидан инглиз тилидан сира қолишмайди. Шу хилда бошқа тиллар ҳам жамият тараққиётида ўз ўрнига эга.

Шундай қилиб, генеалогик тасниф қардош тилларнинг тарихий тараққиёт жараёнида бир ўзак тилдан тарқалганлигини ва уларнинг ўзаро муносабатини, сўз маънолари ва грамматик шаклларини, нутқ товушларининг бир-бирига яқинлигини, ўхшашлигини назарда тутиб, тилларни гуруҳларга ажратади.

Ҳозирги вақтда тарихи ўрганилиб, бир-бири билан

¹ Д и ф ф е р е н ц и я — латинча *differentia* сўзидан олинган бўлиб, *фарқ*, *фарқланиш* маъносини билдиради.

² И н т е г р а ц и я — латинча *integratio* сўзидан олинган бўлиб, *тиклаш*, *тўлдириш* маъносини билдиради.

қардош эканлиги аниқланган тиллар оиласи тубандагилардан иборат¹:

I. Ҳинд-европа тиллари оиласи.

II. Хом-сом тиллари оиласи.

III. Турк тиллари оиласи.

IV. Угор-фин тиллари оиласи.

V. Кавказ тиллари оиласи.

VI. Хитой-тибет тиллари оиласи.

VII. Дравид тиллари оиласи.

VIII. Индонезия тиллари оиласи кабилар.

I. Ҳинд-европа тиллари оиласига ҳиндистон, эрон, славян, болтиқ, герман, роман, кельт, грек (юнон), албан, арман тиллари каби тил гуруҳлари киради.

I. Ҳиндистон тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *ҳинд тили*. Бу тилда 450 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Ҳинд тили ҳозирги Ҳиндистон Республикасининг (пойтахти Янги Деҳли) давлат тили бўлиб, эски ҳинд ёзуви — девонагаридан фойдаланади;

б) *урду тили*. Бу тилда 180 миллионча киши сўзлашади. У ҳозирги Покистоннинг (пойтахти Исломобод) давлат тили бўлиб, араб ёзувидан фойдаланади. Бундан ташқари Ҳиндистон тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

1. *Бенгал тили*. Бу тилда 100 миллионга яқин киши сўзлашади.

2. *Маратхи тили*. Бу тилда 40 миллиондан ошиқ киши сўзлашади.

3. *Панжоб тили*. Бу тилда 40 миллионга яқин киши сўзлашади.

4. *Ражастони тили*. Бу тилда 20 миллиондан ортиқ киши сўзлашади.

5. *Гужарати тили*. Бу тилда 20 миллионга яқин киши сўзлашади.

6. *Ўрия тили*. Бу тилда 20 миллионга яқин киши сўзлашади.

Бу тилларда сўзловчиларнинг аксарияти Ҳиндистонда яшайди.

Ҳинд тиллари гуруҳига лўли, синдхи тиллари, шунингдек, ўлик тиллардан санскрит, пали, прокрит тиллари

¹ Тиллар оиласи, гуруҳ ва ҳар бир тилда сўзловчи халқнинг сони ва жойи А. А. Реформатскийнинг «Введение в языковедение» ва В. С. Гривнин, Р. С. Гиляревскийнинг: «Определитель языков мира по письменностям» асарларидан олинди.

тиради. Санскрит тили қадимги ҳинд мумтоз адабий тили бўлиб, бу тилда «Маҳабхарата» («Бхаратларнинг буюк жанги ҳақида дoston») ҳамда «Хито падеша» («Яхши насиҳат») каби бир қанча ажойиб эпик асарлар яратилган. Бизнинг эрамиздан олдинги IV асрда ҳинд олими Панини ўзининг машҳур «Санскрит грамматикаси» асарини яратган.

2. Эрон тиллари гуруҳига тубандаги тиллар киради:

а) *форс тили*. Бу тилда 30 миллионга яқин киши сўзлашади, у Эроннинг (пойтахти Техрон) давлат тили бўлиб, араб ёзувидан фойдаланади;

б) *пушту—дари тиллари*. Бу тилларда 15 миллионга яқин киши сўзлашади. У Афғонистоннинг (пойтахти Қобул) давлат тили бўлиб, у араб ёзувидан фойдаланилади;

в) *курд тили*. 3 миллиондан ортиқ бўлган курд халқи Эронда, Ироқда, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ва Туркияда яшайди;

г) *тожик тили*. Бу тил Тожикистон жумҳуриятининг (пойтахти Душанбе) давлат тили бўлиб, бу тилда икки миллиондан ошиқ киши сўзлашади;

д) *осетин тили*. Бу тил Осетия республикасининг давлат тили бўлиб, бу тилда 550 мингга яқин киши сўзлашади;

е) *балучи тили*. Бу тилда сўзловчилар Покистонда ва Эронда яшайди.

Эрон тиллари гуруҳига булардан ташқари толиш тили, тоғ тили, ўлик тиллардан эса қадимги форс, паҳлави, сўғду, хоразмий тиллари киради.

3. Славян тиллари гуруҳига тубандаги тиллар киради:

а) *рус тили*. Бу тил РСФСРнинг (пойтахти Москва) давлат тили бўлиб, бу тилда 150 миллион киши сўзлашади;

б) *украин тили*. Бу тил Украина республикасининг (пойтахти Киев) давлат тили бўлиб, бу тилда 40 миллиондан кўпроқ киши сўзлашади;

в) *белорус тили*. Бу тил Белоруссия республикасининг (пойтахти Минск) давлат тили бўлиб, бу тилда 10 миллионга яқин киши сўзлашади;

г) *булғор тили*. Бу тил Булғория Республикасининг (пойтахти София) давлат тили бўлиб, бу тилда 9 миллионга яқин киши сўзлашади;

д) *серб-хорват тиллари*. Бу тиллар Югославия Федератив Республикасининг (пойтахти Белград) давлат тили

бўлиб, бу тилда 10 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Югославияда серб-хорват тили билан бир қаторда, славян тили ҳам давлат тили ҳисобланади. Бу тилда 1,5 миллиондан ортиқ киши сўзлашади;

е) *чех тили*. Бу тил Чехословакия Республикасининг (пойтахти Прага) давлат тили бўлиб, бу тилда 10 миллиондан ортиқ киши сўзлашади;

ж) *словак тили*. Бу тилда 4 миллионга яқин киши сўзлашади. Бу тил ҳам Чехословакия республикасининг давлат тили ҳисобланади. Бу тилда сўзлашувчилар Словакияда (пойтахти Братислава) яшайди;

з) *поляк тили*. Бу тил Польша Республикасининг (пойтахти Варшава) давлат тили бўлиб, бу тилда 40 миллиондан ортиқ киши сўзлашади.

Бундан ташқари, кашуб, серболуж тиллари, ўлик тиллардан қадимги славян, полаб, помор тиллари ҳам славян тиллари гуруҳига киради.

4. *Болтиқ тиллари* гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *литва тили*. Бу тил Литва республикасининг (пойтахти Вильнюс) давлат тили бўлиб, бу тилда 2,2 миллион киши сўзлашади;

б) *латиш тили*. Бу тил Латвия республикасининг (пойтахти Рига) давлат тили бўлиб, бу тилда 1,5 миллион киши сўзлашади.

Ўлик тиллардан прус тили ҳам болтиқ тиллари гуруҳига киради.

5. *Герман тиллари* гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *инглиз тили*. Бу тилда сўзлашувчиларнинг сони 400 миллионга етади. Бу тилда сўзлашувчилар Буюк Британия, Ирландия, Шимолий Америка Штатлари, Канада, Жанубий Америка Иттифоқи ва бошқа жойларда яшайди. Инглиз тили буюк Британия (Пойтахти Лондон), Шимолий Америка Қўшма Штатлари (пойтахти Вашингтон), Канада (пойтахти Оттава) каби бир қанча мамлакатларнинг давлат тилидир;

б) *немис тили*. Немис тили Германия Федератив Республикасининг (пойтахти Берлин), Австрия Республикасининг (пойтахти Вена давлат тили бўлиб, бу тилда сўзлашувчиларнинг сони 100 миллиондан ошади;

в) *дания тили*. Бу тил Даниянинг (пойтахти Копенгаген) давлат тили бўлиб, бу тилда сўзлашувчиларнинг сони 4 миллионга яқиндир;

г) *швед тили*. Бу тил Швециянинг (пойтахти Сток-

гольм давлат тили бўлиб, бу тилда 7 миллиондан ортиқ киши сўзлашади;

д) *норвег тили*. Бу тил Норвегиянинг (пойтахти Осло) давлат тили бўлиб, бу тилда 3,5 миллион киши сўзлашади;

е) *голланд тили*. Бу тил Голландиянинг (Нидерландиянинг) (пойтахти Амстердам) давлат тили бўлиб, бу тилда 13 миллион киши сўзлашади;

ж) *исланд тили*. Бу тил Исландиянинг (пойтахти Рейкьявик) давлат тили бўлиб, бу тилда 250 минг киши сўзлашади.

Ўлик тиллардан весгод ва остгот тиллари ҳам герман тиллари гуруҳига киради.

6. Роман тиллари гуруҳига тубанлаг и тиллар киради:

а) *француз тили*. Бу тил Франциянинг (пойтахти Париж) давлат тили бўлиб, бу тилда 60 миллион киши сўзлашади;

б) *итальян тили*. Бу тил Италиянинг (пойтахти Рим) давлат тили бўлиб, бу тилда 50 миллионга яқин киши сўзлашади;

в) *испан тили*. Бу тил Испаниянинг (пойтахти Мадрид) давлат тили бўлиб, бу тилда 95 миллионга яқин киши сўзлашади;

г) *португал тили*. Бу тил Португалиянинг (пойтахти Лиссабон) давлат тили бўлиб, бу тилда 45 миллиондан ошиқ киши сўзлашади;

д) *румун тили*. Бу тил Руминия Республикасининг (пойтахти Бухарест) давлат тили бўлиб, бу тилда 18 миллионга яқин киши сўзлашади;

е) *молдова тили*. Бу тил Молдавия республикасининг (пойтахти Кишинев) давлат тили бўлиб, бу тилда 2 миллионга яқин киши сўзлашади;

ж) *провансал тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 10 миллиондан кўп киши бўлиб, улар Франциянинг жануби-шарқида яшайди;

з) *сардин тили*. Бу тилда сўзлашувчилар бир миллиондан ошиқ бўлиб, улар Италияга қаршли Сардиния оролида яшайди;

и) *каталан тили*. Бу тилда сўзлашувчилар беш миллиондан ошиқ киши бўлиб, улар, асосан, Испанияда яшайди;

к) *рето-роман тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 550 минг киши бўлиб, уларнинг аксарияти Италияда яшайди.

Ўлик тиллардан латин, оск, умбр тиллари ҳам роман тиллари гуруҳига киради.

7. Кельт тиллари гуруҳига тубандагилар киради:

а) *ирланд тили*. Бу тил Ирландия республикасининг (пойтахти Дублин) давлат тили бўлиб, бу тилда 800 минг киши сўзлашади;

б) *шотланд тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 140 мингдан кўн киши бўлиб, улар Англияда яшайди;

в) *бретон тили*. Бу тилда сўзлашувчилар бир миллиондан ошиқ киши бўлиб, улар Францияга қарашли Бретань ярим оролида яшайди;

д) *уэльс (валли) тили*. Бу тилда сўзлашувчилар бир миллиондан ортиқ киши бўлиб, улар Англиянинг ғарбий қисмида яшайди.

Ўлиқ тиллардан гал ва корнуол тиллари ҳам кельт тиллари гуруҳига киради.

8. Грек (юнон) тили гуруҳига тубандагилар киради:

Янги грек (янги юнон) тили. Бу тил Грециянинг (пойтахти Афина) давлат тили бўлиб, бу тилда 9 миллиондан ортиқ киши сўзлашади.

Ўлиқ тиллардан қадимги юнон, ўрта юнон ёки Византия тиллари ҳам грек тили гуруҳига киради.

9. Албан тили гуруҳига албан тили киради. Албан тили Албания Халқ Республикасининг (пойтахти Тирана) давлат тили бўлиб, бу тилда 2 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Албан тилидаги ёзув ёдгорликлари XV асрдан бери маълумдир.

10. Арман тили гуруҳига ҳозирги замон арман тили киради. Бу тил Арманистоннинг (пойтахти Ереван) давлат тили бўлиб, бу тилда 3 миллиондан кўпроқ киши сўзлашади. Ўлиқ тиллардан қадимги арман тили ҳам бу гуруҳга киради.

Ҳинд-Европа тиллари оиласига, юқорида кўрсатиб ўтганларимиздан ташқари, хетт, тохар тиллари сингари ўлиқ тиллар гуруҳи ҳам киради.

11. Хом-сом тиллари оиласи. Бу тиллар оиласи икки катта гуруҳга: 1) сом тиллари гуруҳига ва 2) хом тиллари гуруҳига бўлинади.

1. Сом тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

Араб тили. Бу тилда 50 миллиондан ортиқроқ киши сўзлашади. Араб тили Бирлашган Араб Республикаси (пойтахти Қоҳира), Ироқ республикаси (пойтахти Бағдод), Судан (пойтахти Хартум), Марокаш (пойтахти Рабат), Ливан (пойтахти Байрут), Тунис (пойтахти Тунис), Иордания (пойтахти Ирландия), Ливия (пойтахти Триполи), Ҳазоир Халқ республикаси (пойтахти Ҳазоир),

Яман республикаси (пойтахти Сана), Сурия араб республикаси (пойтахти Дамашқ) каби бир қанча араб мамлакатларининг давлат тилидир.

Африка қитъасида яшовчи яна бир қанча халқлар араб тилида сўзлашади. Шунингдек, жанубий араб тили, амхар тили, айсар тили ҳамда ўлик тиллардан ассерия, вавилон, хонаней, қадимги яҳудий ва арамай тиллари ҳам сом тиллари гуруҳига киради.

2. Хом тиллари гуруҳига: шилх, туарег, кабил, амзирт тиллари, ўлик тиллардан эса ливия, нумид, штул, қадимги миср тиллари ва бошқа тиллар киради. Умуман, хом-сом оиласига кирган тиллар яхши текширилиб ўрганилмаган.

III. Кавказ тиллари оиласи. Кавказ тиллари яна бир қанча гуруҳларга, чунончи, фарбий гуруҳга, вейнах гуруҳига, Доғистон гуруҳига бўлинади.

1. Фарбий гуруҳга қуйидаги тиллар киради:

а) *абхаз тили*. Бу тил Абхазия Республикасида яшовчиларнинг халқ тили бўлиб, бу тилда 80 мингга яқин киши сўзлашади;

б) *абазин тили*. Бу тил Черкас Автоном Республикасида яшовчи халқларнинг давлат тили бўлиб, бу тилда 25 мингга яқин киши сўзлашади;

в) *адигей тили*. Бу тил Адигей Республикасида яшовчи халқнинг тили бўлиб, бу тилда 80 мингдан ортиқ киши сўзлашади;

г) *кабардин-черкес тили*. Бу тил Кабарда-Балкар ва Черкас Республикаларида яшовчи халқларнинг давлат тили бўлиб, бу тилда 250 мингдан ортиқ киши сўзлашади.

2. Вейнах гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *чечен тили*. Бу тил Чечен республикасида яшовчи халқларнинг давлат тили бўлиб, унда 500 мингга яқин киши сўзлашади;

б) *ингуш тили* (бу тилда 100 мингдан кўпроқ киши сўзлашади, улар Ингуш республикасида яшайди);

г) *бауби тили*. Бу тилда сўзлашувчилар Чечен ва Ингуш Республикаларида яшайди.

3. Доғистон гуруҳига Доғистон республикасида яшовчи халқларнинг тиллари киради:

а) *авар тили*. Бу тилда 300 мингга яқин киши сўзлашади;

б) *даргин тили*. Бу тилда 160 минг киши сўзлашади;

в) *лазгин тили*. Бу тилда 230 мингга яқин киши сўзлашади;

д) *лак тили*. Бу тилда 70 минг киши сўзлашади;

е) *табасаран тили*. Бу тилда 34 минг киши сўзлашади.

Булардан ташқари, нуфузи кам бўлган бир қанча тиллар ҳам доғистон гуруҳига киради. Бу тилларда сўзловчиларнинг аксарияти Доғистон Автоном Республикасида яшайди.

4. Жанубий гуруҳга грузин тили киради. Грузин тили Грузия республикасининг (пойтахти Тбилиси) давлат тили бўлиб, бу тилда 2,5 миллиондан ошиқ киши сўзлашади.

Шунингдек, 110 минг киши сўзлашадиган чан тили, 290 минг киши сўзлашадиган мигрел тили ва 15 минг киши сўзлашадиган сван тили ҳам жанубий гуруҳга киради.

IV. Угор-фин тиллари оиласи 2 гуруҳга: 1) угор тиллари, 2) фин тиллари гуруҳига бўлинади:

1. Угор тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *венгер (можор) тили*. Бу тил Венгрия Республикасининг (пойтахти Будапешт) давлат тили бўлиб, бу тилда 13 миллиондан кўп киши сўзлашади;

б) *манси тили*. Бу тил Ханتي-Манси миллий округида яшовчи халқларнинг давлат тили бўлиб, бу тилда 7 мингга яқин киши сўзлашади;

в) *ханти тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 22 мингдан кўп бўлиб, улар ҳам Ханти-Манси миллий округида яшайдилар.

2. Фин тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *фин тили*. Бу тил Финландиянинг (пойтахти Хельсинки) давлат тили бўлиб, бу тилда 4 миллионга яқин киши сўзлашади. Бу тилда сўзловчиларнинг бир қисми Карелия Республикасида яшайди;

б) *эстон тили*. Бу тил Эстония республикасининг (пойтахти Таллин) давлат тили бўлиб, бу тилда бир миллиондан ортиқ киши сўзлашади.

3. Минг киши сўзлашадиган вепс тили, 15 минг киши сўзлашадиган ижор тили ҳам фин тиллари гуруҳига киради. Бу тилларда сўзлашувчилар Санкт-Петербург вилоятида яшайдилар;

в) *коми-пермяк тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 180 мингга яқин киши бўлиб, улар Россия Федерациясининг Коми-Пермяк миллий округида яшайдилар;

г) *коми-зырян тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 250

мингга яқин киши бўлиб, улар Коми Республикасида яшайдилар;

д) *удмурд тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 580 минг киши бўлиб, улар Удмурд Республикасида яшайдилар;

е) *мари тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 500 мингга яқин киши бўлиб, улар, асосан, Мари Республикасида яшайдилар.

Булардан ташқари, эрзя ва мокша-ижор тиллари ҳам фин тиллари гуруҳига киради.

V. Турк тиллари оиласига қуйидаги тиллар киради:

а) *озарбайжон тили*. Бу тилда сўзлашувчиларнинг сони 15 миллиондан ошади. Булардан 9 миллиондан кўпроғи Эронда, 6 миллиондан кўпроғи эса Озарбайжонда яшайди. Бу тил Озарбайжон Республикасининг (пойтахти Боку) давлат тилидир;

б) *турк (усмонли турк) тили*. Бу тил Туркиянинг (пойтахти Анқара) давлат тили бўлиб, бу тилда 40 миллионга яқин киши сўзлашади;

в) *туркман тили*. Бу тил Туркменистон Республикаси (пойтахти Ашхобод) давлат тили бўлиб, бу тилда 2 миллионга яқин киши сўзлашади;

г) *ўзбек тили*. Бу тил Ўзбекистон Республикасининг (пойтахти Тошкент) давлат тили бўлиб, бу тилда 16 миллиондан ортиқ киши сўзлашади;

д) *қозоқ тили*. Бу тил Қозоғистон республикасининг (пойтахти Олма-Ота) давлат тили бўлиб, бу тилда 10 миллионга яқин киши сўзлашади;

е) *қирғиз тили*. Бу тил Қирғизистон Республикасининг (пойтахти Бишкек) давлат тили бўлиб, бу тилда 1,5 миллиондан ортиқ киши сўзлашади;

ж) *татар (Қозон татарлари) тили*. Бу тил Татаристон Республикасининг асосий давлат тили бўлиб, бу тилда сўзлашувчилар 6,5 миллиондан ортиқдир;

з) *уйғур тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 5 миллиондан ортиқроқ бўлиб, улар, асосан, Хитой Халқ Республикасининг Синь—цзан—уйғур автоном туманида яшайдилар;

и) *чуваш тили*. Бу тил Чуваш Республикасида яшовчи халқнинг тили бўлиб, бу тилда 1,5 миллиондан кўпроқ киши сўзлашади;

к) *бошқорот тили*. Бу тил Бошқоротистон республикасида яшовчи асосий халқнинг тили бўлиб, бу тилда 1 миллионга яқин киши сўзлашади;

л) *ёқут тили*. Бу тил Ёқутистон республикасида яшовчи халқнинг тили бўлиб, 300 мингдан кўп киши сўзлашади;

м) *қорақалпоқ тили*. Қорақалпоғистонда яшовчи халқларнинг тили бўлиб, бу тилда 200 мингдан ортиқ киши сўзлашади;

и) *тува тили*. Тува республикасида яшовчи асосий халқнинг тили бўлиб, бу тилда 150 мингдан кўпроқ киши сўзлашади.

Шунингдек, қумиқ тили (310 минг киши сўзлашади), қорачой тили (100 мингча киши сўзлашади), балқар тили (50 минг киши сўзлашади), хакас тили (60 минг киши сўзлашади) ва яна бир қанча бошқа тиллар ҳамда ўлик тиллардан ўрхўн, печенет, қипчоқ, қадимги уйғур, булғор ва ҳазар тиллари ҳам туркий тиллар оиласига киради.

VI. Мўғул тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *халха — мўғул тили*. Мўғулистон Республикасининг (пойтахти Улан-Батор) давлат тили бўлиб, бу тилда 3,5 миллионга яқин киши сўзлашади. Бу тилда сўзлашувчиларнинг бир қанчаси Хитой Халқ Республикасида (Ички Мўғулистон ҳам Синьцзянда) яшайди;

б) *бурят тили*. Бурят республикасида яшовчи асосий халқнинг тили бўлиб, бу тилда 270 мингдан кўпроқ киши сўзлашади;

в) *қалмиқ тили* Қалмиқ республикасида яшовчи халқнинг тили бўлиб, бу тилда 105 мингдан кўпроқ киши сўзлашади.

VII. Тунгус—манжур тиллари. 1.Тунгус гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *эвенк тили*. Россия Федерациясининг Эвенк миллий округида ҳамда мамлакатимизнинг шимоли-шарқий туманларида яшовчи халқнинг тили бўлиб, бу тилда 20 мингга яқин киши сўзлашади;

б) *эвен тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 10 мингча киши бўлиб, улар асосан Россия Федерациясининг Эвен, Охот, Чукотка, Коряк миллий округларида яшайди.

2. Манжур гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *манжур тили*. Хитой Халқ Республикасининг Шимоли-Шарқий қисмида яшовчи халқнинг тили бўлиб, бу тил ҳозир ўлик тиллар қаторига ўтпти;

б) *нанай тили*. Россия Федерациясининг Қуйи Амур миллий округида яшовчи халқлар тили бўлиб, бу тилда 8 минг киши сўзлашади.

Удей, ульқ, ороқ тиллари ҳам манжур гуруҳидаги тилларга киради.

VIII. Хитой—Тибет тиллари оиласига тай—хитой ва тибет тиллари гуруҳлари киради.

1. Тай—хитой гуруҳига қуйидаги тиллар киради:

а) *хитой тили*. Хитой Халқ Республикасининг (пойтахти Пекин) давлат тили бўлиб, бу тилда бир миллиарддан кўп киши сўзлашади. Хитой тили бир неча мустақил диалектларга бўлинади. У жуда қадимги (эрамиздан икки ярим минг йил бурунги) тиллардан бири бўлиб, бой ёзув ёдгорликларига эгадир;

б) *дунган тили*. Бу тилда сўзлашувчи халқнинг сони 3,5 миллион кишидан ошиқ бўлиб, улар, асосан, Хитой Халқ Республикасида яшайди;

г) *вьетнам тили*. Вьетнам Халқ Демократик Республикасининг (пойтахти Ханой) давлат тили бўлиб, бу тилда 30 миллионга яқин киши сўзлашади:

д) *тай (сиам) тили*. Таиланднинг (пойтахти Бангкок) давлат тили бўлиб, бу тилда 46 миллионга яқин киши сўзлашади.

2. Тибет тиллари. Бу тилда сўзлашувчилар 4 миллиондан ортиқ киши бўлиб, улар асосан, Хитой Халқ Республикасининг Тибет автоном туманида ва Ҳиндистонда яшайди;

б) *бирма тили*. Бирма Иттифоқининг (пойтахти Рангун) давлат тили бўлиб, бу тилда 33 миллионга яқин киши сўзлашади. Ассам тиллари ҳам тибет тиллари гуруҳига киради.

IX. Дравид тилларига қуйидаги тиллар киради:

а) *тамил тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 3,5 миллионга яқин киши бўлиб, улар Ҳиндистоннинг Жануби-шарқида ва Цейлон оролининг шимолида яшайди;

б) *малаялам тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 13 миллиондан кўпроқ киши бўлиб, улар Ҳиндистоннинг Жануби-ғарбида яшайди;

в) *каннара тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 14,5 миллион киши бўлиб, улар Ғарбий Ҳиндистонда яшайди;

г) *телугу тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 31 миллиондан ортиқ киши бўлиб, улар Ҳиндистоннинг Жануби-шарқида яшайди;

д) *брахун тили* (260 мингга яқин киши сўзлашади) ва бошқа бир қанча кичик тиллар дравид тиллар оиласига киради.

X. Малай-полинезия тиллари. Бу тилларга малай ёки индонезия тили киради. Индонезия Республикасининг (пойтахти Жакарта) давлат тили. Шунингдек, мадура тили,

бали тили, яван тили, тагалог тили, маори тили, самоа тили ва увеа тили каби бир қанча тиллар ҳам шунга киради. Бу тилларда сўзлашувчи кишилар сони ҳали яхши аниқланмаган. Умуман, малай-полинезия тилларида 90 миллиондан ортиқ киши сўзлашади.

XI. Австралия гуруҳи тиллари. Бу тиллар оиласига жуда кўп кичик тиллар киради, лекин улар ҳам яхши ўрганилмаган.

XII. Папуа тиллари. Бу тилларда сўзлашувчилар Янги Гвинея оролида яшайди. Бу тиллар ҳам ҳали яхши ўрганилмаган.

XIII. Судан тиллари. Судан тилларида сўзлашувчилар Африкада яшайди. Бу тиллар бир неча гуруҳларга бўлинади: чунончи: нил-чад, нил-абиссин, нил-экватор, кардофан, нил-конго, убанг, шор нигер-чад, нигер-камерун, қуйи нигер, дагомей, нигер-латгал, либери ва сенегал гвиней гуруҳлари каби.

XIV. Банту тиллари. Бу тилларда сўзлашувчилар Марказий ва Жанубий Африкада яшайди. Бу тиллар: теке, сонго, суахели, конде, макуа ва сотко каби бир неча гуруҳларга бўлинади.

XV. Палеоафрика тиллари. Бу тилларда сўзлашувчилар ҳам Африкада яшайди. Улар икки гуруҳга, яъни бушмен ва готтентог тиллари гуруҳига бўлинади.

XVI. Палеоосиё тиллари. Бу тилларда сўзлашувчилар Россия Федерациясининг Шимоли-шарқида яшайди. Палеоосиё тиллари икки гуруҳга:

1) Чукот гуруҳи ва 2) Сибирь гуруҳига бўлинади. Чукот гуруҳига чукот тили (1,5 минг киши сўзлашади), коряк тили (7 минг киши сўзлашади), камчадал тили (2,5 минг киши сўзлашади) киради. Сибир гуруҳига одул тили (минг киши сўзлашади), нивх тили (4 минг киши сўзлашади), кет тили (2 минг киши сўзлашади) киради.

XVII. Эскимос тиллари гуруҳи. Бу тиллар гуруҳига: эскимос тили (бу тилда сўзлашувчилар Чукотка ярим оролида, Врангель оролида, Алясканинг шимолида, Канадада, Гренландияда яшайди) ва алеут тили (бу тилда сўзлашувчилар Командор ва Алеут оролларида яшайди) киради.

XVIII. Америка ҳиндуларининг тиллари. Америка ҳиндуларининг тиллари 200 дан ошиқ бўлиб, улар уч гуруҳга:

1) Шимолий Америка; 2) Марказий Америка; 3) Жанубий Америка гуруҳларига бўлинади.

XIX. Аустр-Осиё тиллари. Бу тилларга: мон — кхмер

(6 миллионга яқин киши сўзлашади), бунда (6 миллиондан кўп киши сўзлашади), малакк, марказий ва жануби-шарқий тиллар гуруҳи киради.

XX. Ҳеч қандай тиллар гуруҳига кирмаган Узоқ Шарқ тиллари:

1) *япон тили*. Япониянинг (пойтахти Токио) давлат тили бўлиб, бу тилда 100 миллионга яқин киши сўзлашади;

2) *рюкю тили*. Бу тилда сўзлашувчилар Рю-Кю оролида яшайди;

3) *қурия (корей) тили*. Қурия Халқ Демократик Республикасининг (пойтахти Пхеньян) давлат тили ва Жанубий Қурия Республикасининг (пойтахти Сеул) давлат тили бўлиб, бу тилда 60 миллиондан ортиқ киши сўзлашади;

4) *айн тили*. Бу тилда сўзлашувчилар 18 мингга яқин бўлиб, улар Япониянинг шимолидаги Хоккайдо оролида ва Сахалин оролининг жанубида, Қурил ороларида яшайди.

XXI. Буржаски тили. Бу тил ҳам ҳеч қандай гуруҳга кирмайди. Бу тилда сўзлашувчилар 30 мингга яқин киши бўлиб, улар Ҳиндистоннинг шимолида, Қоракорум довоңларида яшайди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, генеалогик тасниф (классификация) ҳар бир тилнинг келиб чиқишини, тарихий тараққиётини, тилларнинг ўзаро муносабатини, ҳозирги аҳволини ва шу каби қатор масалаларни чуқур ўрганишни талаб қилади. Лекин анчагина тиллар бу жиҳатдан ҳам чуқур текширилиб ўрганилмаган. Шунинг учун бу тилларнинг қайси тиллар билан қардош эканлиги, қайси тил оиласига, қайси тил гуруҳига мансуб эканлиги ҳам ҳали ҳал қилинмаган.

Академик Н. Я. Марр генеалогик таснифни ҳам, қиёсий-тарихий таснифни ҳам инкор қилиб, ўзининг стадиал таснифини тавсия қилган эди. У тўрт унсурни таҳлил қилиш асосида далиллардан узоқ бўлган қуруқ **палеонтологик**¹ усулни қўллаб, қиёсий-тарихий усулга қарши чиққан. Н. Я. Маррнинг фараз қилишича, инсонларнинг товуш нутқи дастлаб тўрт унсурдан — *сал, бер, йон, рошдан* иборат бўлган эмиш. Дунёдаги барча

¹ Палеонтология — ер остида тошга айланган ҳайвон ва ўсимликларни ўрганиш илми. Тил палеонтологияси эса тилнинг бошланғич даврдан қолган қолдиқларни ўрганувчи илмдир.

тиллар ана шу тўрт унсурдан таркиб топган бўлиб, ҳамма тилларнинг яратилишида энг дастлабки умумий материал бўлган эмиш. Шунинг учун Н. Я. Марр барча тилларнинг тараққиёт жараёнлари бир хил бўлган, деб даъво қилган. Дунёда турли тилларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг тараққиёт босқичларига боғлиқ бўлган эмиш. Шунинг учун жамият тараққиётининг ҳар бир босқичига бир тил тўғри келган эмиш. Бунинг натижасида бирор босқичдаги тил иккинчи бир босқичдаги тилдан фарқ қилиб, турли тиллар пайдо бўлган эмиш, ҳар қайси жамиятнинг тараққиёт босқичига тўғри келадиган тилнинг ўзига хос тараққиёт босқичи бўлган эмиш. Лекин Н. Я. Марр инсонлар нутқи ўз тараққиёти жараёнида қанча босқични босиб ўтганлиги, бир босқичдаги тил иккинчи босқичдаги тилдан қандай фарқ қилганлиги тўғрисида очиқ бир фикр айтолмаган. Унинг босқичли чизмасида ҳар қайси тил босқичли белгиларга қараб гуруҳларга ажратилмаган ва ажратилиши ҳам мумкин бўлмаган. Чунки тил босқичи тушунчаси ҳам, умуман, аниқ ва равшан тушунтириб берилмаган. Тилнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш, тараққий этиш йўли маълум эмас. Тилнинг маълум бирор босқичга мансублик белгилари, характери, сўз бойлиги, грамматик қурилиши қандай бўлганлиги тўғрисидаги масалаларни Н. Я. Марр ёритиб бера олмаган. Н. Я. Марр ўзининг босқичли таснифида жамият тараққиёти билан тил тараққиётини бир хил ҳодиса, деб билган. Бунинг натижасида у тилни ҳам устқурма қаторига киритиб, жамият ўзгариши билан, яъни базис ва устқурма ўзгариши билан тил ҳам ўзгаради, деб даъво қилган. У базис ва устқурманинг ўзгариши жамият тараққиётида портлаш йўли билан рўй беришини назарда тутиб, тил ҳам портлаш йўли билан ўзгаради, деб тушунган.

Ҳақиқатда эса, юқорида батафсил кўриб ўтганимиздек, тилнинг тарихий тараққиёти жамиятнинг базис ҳам устқурмаларининг ўзгаришига боғлиқ эмас. Бир базис тугатилиб, иккинчи базис пайдо бўлиши ва унга мос устқурманинг яратилиш билан янги бир тил пайдо бўлмайди.

Демак, Н. Я. Маррнинг босқичли чизмаси ҳар қайси қардош тилларнинг бир маъбадан, бир ўзак тилдан тарқатилганлиги даъво қилинади, бу билан эса генеалогик таснифни инкор қилинади. Бу эса ғайри илмий қараш бўлиб, қардош тилларни таққослаб ўрганишга, уларни тўғри тасниф қилишга монелик қилади. Генеалогик

таснифий қиёсий-тарихий усул асосида тилларнинг товуш таркибини, сўз таркибини, грамматик қурилишини таққослаб ўрганиш, текшириш орқали тил оилаларини, тил гуруҳларини аниқлаб беради.

48-§. ТИЛШУНОСЛИК ФАНИ ТАРИХИДАН ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Тилнинг хусусиятлари, унинг тарихий тараққиёти, ҳар бир предмет номини билдирувчи сўзларнинг қандай пайдо бўлганлиги, умуман, тилшунослик масалалари олимларни, айниқса, файласуфларни жуда қадимдан қизиқтириб келган. Тилшунослик фани энг қадимги фанлардан биридир. У эрамиздан бир неча асрлар илгари Ҳиндистон ва Юнонистонда (Грецияда) тараққий эта бошлаган.

Эрамиздан тўрт аср илгари машҳур ҳинд олими Панини қадимги ҳинд тили — санскрит грамматикасини ёзган. Панини ўз асарларида санскрит морфологиясини ва бошқа тил ҳодисаларини муфассал ёритиб берган. Панинининг грамматикаси шунинг кўрсатадики, Ҳиндистонда санскрит тили ва бошқа тилларнинг грамматикаси илгари ҳам бир-мунча ўрганилган.

Қадимги Юнонистонда олимлар ва файласуфларни сўз билан предмет ёки тушунча ўртасида қандай боғланиш, қандай муносабат борлиги масаласи жуда кўп қизиқтирган. Шу соҳада олиб борилган текширишлар, кузатишлар, мунозара ва мулоҳазалар тилнинг сўз бойлиги, сўзларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияга асос солган.

Машҳур қадимги юнон файласуфи Платон (Афлотун, эрамиздан аввалги VI—V асрлар ўртасида яшаган) ўзининг «Кратил» ва «Софист» асарларида предмет билан шу предметни билдирувчи сўз ўртасида боғланиш борлиги ва бундай боғланишнинг қонуний эканлиги юзасидан кузатишлар, текширишлар олиб борган. У ана шу ишлари билан юнон тили грамматикасига асос солган. Платондан кейин Аристотель юнон тилининг мукамал грамматикасини ишлаб чиққан. Бундан кейинги даврларда қадимги юнон тили грамматикаси Европа тилларининг грамматикасини яратишда асос ва намуна бўлиб қолади. Эрамиздан аввалги I асрнинг бошларида рим олими Марк Теренций Варрон юнон тили мумтоз грамматикаси асосида латин тили грамматикасини тузиб чиққан. Эрамизнинг IV асрида рим файласуфи Э. Донат ёзган латин тили грамматикаси ўрта асрларда латин тилини ўрганишда асосий дарслик вазифасини ўтаган.

Ўрта асрларда католик черковининг ҳукмронлиги тилшунослик билимининг тараққий этишига тўсқинлик қилди.

Ўйғониш даврига келиб (XV—XVI асрларда) янги қитъаларнинг очилиши, Осиё, Африка, Америка халқлари ерларининг босиб олиниши, мустамлакачилик сиёсатининг кучайиши филологларнинг кўп тилларни ўрганишига, текширишлар олиб боришга имкон туғдирди. Юнон ва латин тилларига ўхшамаган кўп тиллар билан танишиш тилшунослик билимининг ривожланишида катта роль ўйнади. Бу даврларда баъзи тилларнинг бир-бирига яқинлиги олимларни қизиқтира бошлади. Немис файласуфи Г. Лейбниц (1646—1716) турли тилларнинг қардошлик муносабатлари ва тилнинг умумий назарияси масалалари билан шуғулланади.

XVII—XVIII асрларда мантиқий (логик) қонунларга асосланган умумий рационал грамматика яратиш фикри туғилади. XVII асрнинг иккинчи ярмида француз олимлари «К. Лансло ва А. Арнолар Пор—Рояль грамматикаси» номи билан танилган «Универсал ва рационал грамматика»ни ёзадилар. Бу грамматикада ҳамма нарса мантиққа, мақсадга итоат этади, деган гоя олға сурилади. Грамматика муаллифлари мантиқ қонунларининг инсониятнинг ҳаммаси учун умумий ва ягона эканлигини назарда тутиб, ҳамма тилларда ҳам ана шундай умумийлик, ягоналик, умумий тил категориялари бор деб билишади.

Бироқ барча тилларнинг грамматик тузилишлари баъзи бир умумий тамойиллар асосида ўрганилса ҳам, ҳамма тиллар учун бир хил грамматик категориялар белгилаш тўғри бўлмайди, чунки ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари бўладики, уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

XVII—XVIII асрлар давомида тилшунослик фани кўп тиллар юзасидан, айниқса, ҳинд-европа тиллари юзасидан жуда кўп материал тўплади. Тўплаган материаллар асосида тилларни таққослаб ўрганилиши илмий тилшуносликнинг вужудга келишига асос бўлди. XIX асрнинг биринчи ярмида тилларни таққослаб ўрганиш асосида қиёсий-тарихий тилшунослик фани тараққий эта бошлади. Бу даврда тилшунослар Европа тилларининг санскрит (қадимги ҳинд) тили билан боғланиши борлигини сезиб, бу тилларнинг муносабатини жиддий ўргана бошладилар. Бу тилларнинг ўхшашлиги, яқинлиги қандай шарт-ша-

роитлар ва сабаблар натижасида рўй берганлиги масаласи тилшунослар диққатини жалб қилганлиги учун улар ҳар бир тилнинг тарихий тараққиётини, бошқа тиллар билан муносабатини, яқинлигини синчиклаб ўрганишга киришадилар. Шундай қилиб, тилларнинг қиёсий-тарихий ўрганиш усули яратилади. Дания олими Р. Раск (1787—1832), немис олимлари Ф. Бопп (1791—1867), Я. Гримм (1785—1863), Ф. Дитц (1794—1876) ва А. Потт (1802—1887), рус олими А. Х. Востоков (1781—1864), чех олими Добровский (1753—1829) ва бошқалар тилларнинг қиёсий-тарихий ўрганиш усулига асос солган олимлардир.

Расмус Раск «Қадимги шимол ёки исланд тилининг келиб чиқиши» асарида ва бошқа асарларида биринчи марта муайян тилни умумий бир қардош тилларнинг асосидан — ўзак тилдан келиб чиқиши масаласини ёритиб беради. Р. Раск тилларнинг яқинлиги ва ўхшашлигини аниқлашда уларнинг грамматик қурилиши, қардош тиллардаги товушларнинг бир-бирига мос келиши каби тил далиллариини назарда тутди. У герман тилларини юнон, латин ва славян тиллари билан ўхшашлигини, яқинлигини, белгилаб берди.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчиларидан бири Франц Бопп ўзининг «Санскрит, зенд, юнон, латин, литва, гот ва немис тилларнинг қиёсий грамматикаси» асарида шу тилларнинг морфологик тузилишини тасвирлаб, изоҳлаб берди. Ф. Бопп ҳинд-европа тилларининг грамматик қурилиши бир хил эканлигини, бу тилларнинг бир ўзак тилдан келиб чиққанлигини исботлаб беради.

Машҳур рус олими А. Х. Востоков ўзининг «Славян тили ҳақида мулоҳазалар» («Рассуждение о славянском языке») асарида қадимги, славян тили билан поляк тилини таққослаб, қадимги славян тилида алоҳида бурун унли товуши борлигини исботлаб берди. А. Х. Востоков ана шу асари билан Ғарбий Европа олимларидан бирмунча илгари қиёсий-тарихий тилшуносликка асос солди.

Умуман, Россияда тилшунослик билимининг тараққий этишида буюк рус олими М. В. Ломоносовнинг роли катта. Унинг «Россия грамматикаси» («Российская грамматика») рус адабий тилининг фонетикасини, морфологиясини муфассал ёритиб берган.

М. В. Ломоносовдан кейин Россияда тилшунослик билимининг ривожланиши А. А. Потебня (1835—1891), И. А. Бодуэн-де-Куртенэ (1845—1929), Н. В. Крушевский (1851—1887), Ф. Ф. Фортунатов (1848—1914),

А. А. Потебня ўзининг «Фикр ва тил» (Мысль и язык») ва бошқа асарларида славян тиллари ҳамда қисман бошқа ҳинд-европа тиллари грамматик қурилишини, тарихий тараққиёти масалаларини ишлаб чиқди. Фонема ҳақидаги назарияга ҳам XIX асрнинг охирида рус олимлари Н. В. Крушевский ва И. А. Бодуэн-де-Куртёвэ томонидан асос солинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ўрталарида тилшуносликда янги оқим — ёш грамматикачилар мактаби пайдо бўлади. Ёш грамматикачилар мактаби, асосан индивидуалистик психологизмга асосланган эди. Улар тилшуносликнинг энг муҳим манбаи айрим шахснинг нутқ фаолияти бўлиши керак, деб талаб қилишди. Уларнинг фикрича, тилдаги ҳар қандай янгилликлар яққа шахснинг ижоди натижасида пайдо бўлар эмиш. Тил уларнинг даъвосича сон-саноқсиз яққа шахс тилларидан йиғилиб, пайдо бўлади. Шунинг учун бир тилда сўзлашувчи ҳамма халққа тушунарли бўлган умумий тил шартли бир ҳодиса, илмий уйдирма эмиш. Ёш грамматикачилар мактабининг тарафдорлари индивидуум нутқини асосий манба қилиб олганлари учун текшириладиган тилнинг фонетикасини жуда синчиклаб ўрганадилар. Шунинг учун ҳам улар тилнинг фонетикасини чуқур текшириб ўрганишга асос солганлар.

XX аср бошларида ҳам илмий тилшунослик ана шу оқимлар асосида тараққий этиб борди.

Турк тилшунослик тарихи узоқ асрлардан бошланади. XI асрнинг йирик турк олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону-луғатит турк» асари турк тилларининг сўз бойлигини, шеваларини, тарихини ўрганишда беқиёс манбадир.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг «Мухокамату-л-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») ўзбек тилшунослик тарихида аҳамияти жуда катта. Навоий бу нодир асарида эски ўзбек тилининг луғавий бойлигини, қудратини, гўзаллигини исботлаб, ўша даврда асосий адабий тил ҳисобланган форс тили билан қиёслаб ўрганиш натижасида форс тилидан қоладиган ўрни йўқлигини яққол кўрсатган.

Тилшунослик фанини ривожлантиришда А. М. Пешковскийнинг «Рус синтаксисининг илмий баёни» («Русский синтаксис в научном освещении»), А. А. Шахматовнинг «Рус тили синтаксиси» («Синтаксис русского языка»), В. В. Виноградовнинг «Рус тили» («Русский язык») асарлари ва бошқа рус олимларининг йирик асарлари

муҳим аҳамиятга эга. Шу давр ичида бошқа халқларнинг тиллари ҳам анчагина ўрганилиб, улар ҳақида бир қанча илмий асарлар пайдо бўлади. Масалан, профессорлардан Н. К. Дмитриев, А. К. Боровков, А. Н. Кононов ва Н. А. Баскаковнинг ҳамда бошқа олимларнинг ўзбек, қорақалпоқ, бошқирд халқлари ва бошқа халқларнинг тиллари ҳақидаги йирик асарларини кўрсатиш ўринли. Бу олимлар миллий тилларнинг грамматикасини тузиш соҳасида анчагина ишлар қилдилар.

Ўз ёзувига эга бўлмаган тилларнинг ёзуви билан бир қаторда грамматикаси ҳам яратилди. Бой анъанага эга бўлган рус тилининг таъсири натижасида кичик миллатларнинг тиллари ҳам анча ривож топди.

80-йилларнинг охириги давригача сиёсий, иқтисодий, фан, техника ва маданият соҳаларида жумҳурият миллий тилларнинг қўлланиш доираси, эркин истеъмол этилиши чеклаб қўйилган эди.

Мамлакатни демократлаштириш йўлида қилинган ишлардан бири шу бўлдики, жумҳуриятларнинг асосий миллат тиллари давлат тили мақомини олди. Шу қаторда, ўзбек тили ҳам ҳар томонлама ривожланиши учун катта имкониятларга эга бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек тилшунослиги соҳасида бирмунча ишлар қилинди; ўзбек тили мактаб грамматикаси, илмий грамматика, изоҳли луғат фразеологик ва бошқа луғатлар яратилди.

1930 йилларда Фитрат, Ғози Юнус каби йирик ўзбек олимлари ўзбек тили грамматикасини яратишда катта ҳисса қўшган бўлсалар, кейинги йилларда ўзбек тилшунослиги ривожидида Аюб Ғулум, Шавкат Раҳматуллаев, Азим Ҳожиев каби олимлар салмоқли ўринни эгаллайдилар.

49-§. ТИЛШУНОСЛИК ФАНИ ВА УНИНГ БОШҚА ФАНЛАР ҚАТОРИДА ТУТГАН ўРНИ

Маълумки, ҳамма фанлар ўзининг текшириш манбаига, хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1. Табиий-тарихий фанлар табиатни, табиат ҳодисаларини ўрганадиган фанлар. 2. Ижтимоий-тарихий фанлар ёки ижтимоий фанлар — жамиятни, жамиятдаги ҳодисаларни ўрганадиган фанлар.

Жамиятнинг муҳим алоқа воситаси бўлган тил ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун тил ҳодисаларини, тил далилларни ўрганадиган билим ҳам ижтимоий-тарихий фанлар қаторига киради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида немис тилшунослари Шлейхер билан Мюллер тил организмга ўхшаб туғилади, ўсади, кейин ўлади деб даъво қилиб, тилшунослик билимини табиий-тарихий фанлар қаторига киритишган. Бироқ тил жамиятга хизмат қилувчи восита, жамиятнинг муҳим алоқа қуроли бўлганлиги учун, жамият тарихи тараққиёти билан боғлиқ бўлганлиги учун (бу ҳақда китобнинг 2-параграфиди батафсил баён этилган) уни табиий-тарихий фанлар қаторига киритиш мумкин эмас.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан бир вақтда пайдо бўлади. Тилнинг тақдири жамият тақдири, тилни яратган халқ тақдири билан боғланган. Жамиятнинг алоқа қуроли бўлган тил тарихий тараққиёт жараёнида жамиятнинг маданиятини, ҳаётини, турли урф-одатларини акс эттириб беради. Шунинг учун тил бошқа ижтимоий фанлар билан, даставвал шу тилда сўзлашувчи халқнинг тарихи билан жуда ҳам зич боғланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, тил ва тафаккур бир-бири билан узвий боғланганлиги учун тилшунослик билими тафаккурни ўрганадиган фанлар билан, масалан, психология, мантиқ, фалсафа фанлари билан ҳам боғлиқдир. Шу билан бирга, тилшунослик билими ҳар бир халқнинг ҳаётини, урф-одатларини ўрганадиган фан билан, яъни этнография билан ҳам боғлиқдир. Шеваларни ўрганишда этнографиянинг роли катта.

Шундай қилиб, тил ҳар қайси халқнинг, миллатнинг битмас-туганмас бойлиги шу халқнинг маданиятини кўтаришда энг муҳим воситадир. Шунинг учун тил ҳақидаги билим — тилшунослик ижтимоий-тарихий фанлар ичида энг муҳим назарий фандир. Тил далилларини тўғри ва илмий асосда таҳлил қилиб ўрганиш шунини кўрсатадики, тилшунослик аниқ, энг муҳим фанлардан бири бўлиб, унинг ютуқлари ҳамма соҳада амалий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Тилшунослик билими ҳар бир халқнинг тарихини тўғри ёритишда, адабий тилни нормаллаштиришда, уни ягона бир адабий тилга айлантиришда, илмий грамматика яратишда, турли луғатлар тузишда, мактаб грамматикаларини тузишда, орфография қоидаларини ишлаб чиқишда жуда катта ёрдам беради. Шунингдек, қардош ва ноқардош тилларни таққослаб ўрганиш, диалектларни текшириш, янги ёзувни яратиш ёки ёзувни ислоҳ қилиш каби тилга оид бир қанча масалаларни ишлаб чиқишда ҳам тилшуносликнинг роли ниҳоятда каттадир.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1-§. Кириш	4
2-§. Тил ижтимоий ҳодисадир	4
3-§. Тил ва тафаккур	7
4-§. Тил тизимдир	9
5-§. Тилшунослик соҳалари ва унинг тузилиши	13
6-§. Фонетика	14
7-§. Нутқ аппарати	16
8-§. Нутқ товушларининг артикуляцияси	18
9-§. Нутқ товушларининг таснифи	19
10-§. Унли товушлар	20
11-§. Ундош товушлар	22
12-§. Урғу	24
13-§. Нутқнинг товуш жиҳатидан бўлиниши	28
14-§. Нутқ товушларининг ўзгариши	32
15-§. Бошқа фонетик жараёнлар	35
16-§. Фонема	37
17-§. Тил ва ёзув	40
18-§. Орфоэпия ва орфография	49
19-§. Транскрипция	54
20-§. Лексикология	56
21-§. Фаол ва нофаол лексика	59
22-§. Семаспология	60
23-§. Сўз ва унинг маъноси	62
24-§. Сўзнинг кўп маънолилиги	66
25-§. Омонимлар	70
26-§. Синонимлар	72
27-§. Антонимлар	73
28-§. Табу, эвфемизм ва арго	75
29-§. Термин ва терминология	76
30-§. Сўзларнинг аниқ ва мавҳум маънолари	77
31-§. Мустақил маъноли ва ёрдамчи сўзлар	80
32-§. Сўзларнинг этимологияси	81
33-§. Лексикография	82
34-§. Грамматика	89

35-§. Грамматик категориялар	94
36-§. Морфология	100
37-§. Қўшма сўзлар	106
38-§. Сўз туркумлари	108
39-§. Синтаксис	119
40-§. Содда гап	122
41-§. Қўшма гап	124
42-§. Синтагма	125
43-§. Ҳукм ва гап	127
44-§. Тилларнинг синтетик ва аналитик усули	129
45-§. Тилнинг пайдо бўлиши	130
46-§. Тилларнинг шаклланиши ва тараққий қилиши	138
47-§. Тилларнинг таснифи	144
48-§. Тилшунослик фани тарихидан қисқача маълумот	166
49-§. Тилшунослик фани ва унинг бошқа фанлар қаторида тутган ўрни	170

ОТАҚЎЗИ АЗИЗОВ

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ

*Университетларнинг ва педагогика
институтларининг филология фа-
культетлари талабалари учун*

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Таҳририят мудир *Х. Ҳайитметов*

Муҳаррир *Ҳ. Юсупова*

Бадий муҳаррир *Э. Нурмонов*

Техн. муҳаррир *С. Турсунова*

Мусаҳҳиҳлар *Ш. Тўлаганов, М. Ибрагимова*

ИБ № 6404

Теришга берилди 11.02.94. Босишга рухсат этилди 11.01.96.
Бичими 84x108¹/₃₂. Тип қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная
гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 9,24.
Шартли кр.-отт. 9,345. Нашр. т. 9,39. 14000 нусхада. Буюртма
№ 145.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 13-18-93.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида chop этилди. Тошкент,
Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 1996.

А 37

Азизов О.

Тилшуносликка кириш: Университет ва педагогика институтларининг талабалари учун.—Т.: Ўқитувчи, 1995.—176 б.

81. 2Ўзя 73

**„Ўқитувчи“ нашриёти 1995 йилда қуйидаги
китобларни нашр этди**

1. Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи.
2. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси.
4. Сирожиддинов Р. Грамматик топишмоқлар.

40=